




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI



**"YASHIL IQTISODIYOT SARI:
NAZARIY VA AMALIY
YONDASHUVLAR TAHLILI"
MAVZUSIDAGI XALQARO
ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI
TO'PLAMI**



**3 aprel 2024 yil
Toshkent**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI

**“YASHIL IQTISODIYOT SARI: NAZARIY VA AMALIY
YONDASHUVLAR TAHLILI”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari

TO‘PLAMI

2024-yil 3-aprel

TOSHKENT-2024

“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. – T., 2024. – 509 b.

Ushbu to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yangi O‘zbekistonning 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasi”ning ustuvor vazifalari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 4 oktyabrdagi “2019-2030 yillarda O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PQ-4477-son qarori doirasida “yashil” va inklyuziv iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash, mamlakatda “yashil” iqtisodiyot va “yashil” iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash bo‘yicha strategik maqsadlar va chora-tadbirlar amalga oshirilishini samarali tashkil etish, hududlarni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish uchun zarur resurs va imkoniyatlar bilan ta‘minlash, iqlim o‘zgarishiga doir masalalarda davlat xizmatlari qamrovini kengaytirish, “yashil” iqtisodiyot sohasida aholining iqtisodiy faolligini oshirish orqali aholi va jamoatchilik ishtirokini kengaytirish, shuningdek, ushbu yo‘nalishda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro hamkorlikdagi muvofiqlashtirilgan say-harakatlarini ta‘minlash bilan bog‘liq ilmiy tadqiqot natijalarini amaliyotga keng joriy etishga yo‘naltirilgan.

Ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami amaliyotchilar, professor-o‘qituvchilar, yosh olimlar, tadqiqotchilar, magistrilar hamda talabalar uchun mo‘ljallangan.

Tahrir hay‘ati raisi:

T.Z.Teshabayev – i.f.d., professor.

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

S.U.Mexmonov – i.f.d., professor;

N.N.Oblomurodov – i.f.n., dotsent;

K.R.Nasurova –PhD., dotsent;

X.S.Asatullayev – i.f.n., professor;

T.T.Jo‘rayev – i.f.d., professor;

U.Dj.Zaynutdinova– и.ф.н., проф;

J.Y.Nurillayev – и.ф.н., доцент;

B.O.Tursunov – PhD., dotsent;

M.M.Nuraliyeva – PhD., dotsent;

B.U.Shermuxammedov – i.f.d., dotsent;

Z.G.Allaberganov – dotsent;

Sh.Sh.Fayziyev – dotsent v.b.;

A.R.Ulashov – katta o‘qituvchi.

Taqrizchilar:

D.Tadjibayeva – i.f.d., professor.

E.Sh.Shadmanov – i.f.d., professor.

Matnlarda foydalanilgan manbalar va ma‘lumotlar aniq hamda haqiqiylikiga mualliflarning o‘zi javobgardir.

KIRISH SO‘ZI

Assalomu alaykum, hurmatli mehmonlar, ustozlar, hamkasblar va talabalar! “Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman qatnashchilari!

Sizlarga ma’lumki, ko‘z o‘ngimizda insoniyatning bugungi turmush tarzi, yashash sharoiti va erishgan yutuqlari bir necha ming yillar davomida shakllangan hayotiy tajribalarning pirovard samarasi hisoblanadi. Asrlar davomida inson o‘zining aql-idroki, tafakkuri, mehnati bilan buyuk kashfiyotlarni amalga oshirdi va uni amalda keng ko‘lamli tadbiiq etish orqali hayot turmush farovonligini ta’minlamoqda. Sanoatni rivojlantirishning fundamental asoslari Buyuk Ipak yo‘li chorrahasida, o‘lkamizda yashab o‘tgan buyuk allomalarimiz Al-Farg‘oniy, Al-Xorazmiy, Al-Beruniy, Mirzo Ulug‘bek tomonidan yaratildi. XIX asr o‘rtalaridan sanoat Yevropada rivojlandi. XX asr boshlarida Amerika dunyoda sanoati eng taraqqiy etgan hududga aylandi. Xo‘sh, bunday taraqqiyot, ixtirolar kashfiyotlar inson va tabiat o‘rtasidagi munosabatlarni qay darajada o‘zgartirdi?

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev butun dunyo e’tiborini ushbu og‘riqli masalaga qaratdi. Davlatimiz rahbari tashabbusi bilan mamlakatimizning barcha hududidan texnika va mutaxassislar jalb etilib, Orolbo‘yi mintaqasida ekologik muvozanatni yaxshilashga kirishildi. Orol dengizining qurib qolgan yer maydonlarida ko‘kalamzorlashtirish ishlari olib borildi, hudud xususiyatlariga mos daraxtlar ekildi va bu jarayon izchil davom etmoqda. Qayd etilganidek, ilmiy-texnik taraqqiyot natijasida dunyoda jadal iqtisodiy o‘sishga erishildi. Ammo sanoat, qishloq xo‘jaligining rivoji, aholi sonining keskin ko‘payishi insoniyat uchun ko‘plab ekologik muammolarning kelib chiqishiga sabab bo‘lmoqda. Boisi talab va ehtiyojlarni qondirish maqsadida chuqur o‘ylanmasdan qilinayotgan ishlar tufayli tabiiy o‘rmonlar qisqarib bormoqda, suv muammosi, atrof-muhitning buzilishi kuzatilyapti.

Shiddat bilan yangilanib va o‘zgarib borayotgan bugungi davrda “yashil” iqtisodiyotga o‘tish muhim hayotiy ehtiyojga aylandi. Sayyoramizda shaharlar yiriklashib, aholisi 20–35 millionli megapolislar ko‘payib bormoqda. Bu energoresurslar, ayniqsa, yoqilg‘iga bo‘lgan talabni kun sayin oshirib borayotir. Inson omili tufayli oxirgi yuz yilda yer sharida ekin ekiladigan yer maydoni to‘rt dan bir qismga, o‘rmonlar uchdan ikki qismga qisqardi.

Buning natijasida hayvonot olamining ko‘plab turlari yo‘q bo‘lib ketmoqda. Statistika ma’lumotlariga qaraganda, dunyo bo‘yicha keyingi 30 yil ichida hayvonot olamining 8–10 foizi qirilib ketdi. Sayyoramizda tropik o‘rmonlar 14 foizni tashkil qiladi va hayvonot olamining 50 foizidan ortig‘i shunday hududlarda yashardi. Hozir yer

yuzida tropik o‘rmonlarning 6 foizi qoldi, xolos.

Shuningdek, oxirgi 50 yil ichida dunyoda aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan ichimlik suvi 60 foizga kamaydi. Har yili sanoatda foydalanilgan 150–160 km. kub suv daryolar, ko‘llarga oqiziladi. Turli falokatlar, texnik xatolar tufayli har yili ummonlarga 25–30 million tonna neft tushadi. Sanoatda 1 tonna po‘lat olish uchun 300 metr kub suv, 1 tonna qog‘oz ishlab chiqarishga 900 metr kub suv ishlatiladi. Umumiy suvning 70 foizi qishloq xo‘jaligida, 20 foizi sanoatda va 10 foizi uy xo‘jaliklarida sarflanadi. Taxminlarga ko‘ra, 2030 yilga borib sayyoramizning 47 foiz aholisi suv tanqisligi muammosi bilan yuzma-yuz bo‘ladi.

Birinchi, global darajada yashil iqtisodiyotga o‘tish katta miqdordagi moliyaviy mablag‘larni talab etadi. Xalqaro energetika agentligining 2050 yilgacha CO₂ emissiyasini ikki baravarga kamaytirish bo‘yicha turli ssenariylari shuni ko‘rsatmoqdaki, ushbu maqsadga erishish uchun “yashil iqtisodiyot”ga qo‘shimcha investitsiyalar miqdori dunyo YaIMning 1-2,5% darajasida bo‘lishi talab etiladi. Ahamiyatlisi shundaki, mazkur investitsiyalarning katta qismi qurilish va transport sohasini “yashillashtirish” uchun yo‘naltirilishi kerak bo‘ladi. Ikkinchi, moliya, bank va sug‘urta investitsiyalari “yashil iqtisodiyot”ga kiritilayotgan xususiy investitsiyalarning bosh manbasiga aylanmoqda. Moliyaviy xizmatlar va investitsion sektorda katta miqdorda kapital aylanadi va bu “yashil iqtisodiyot”ga investitsiyalar kiritishning potensial manbalari sifatida qaralishi mumkin. Bugungi kunda “yashil iqtisodiyot”ga investitsiyalar kiritishga davlat va xususiy sektorning institutsional investorlari, banklar va sug‘urta kompaniyalari ekologik, ijtimoiy va boshqaruv risklarini kamaytirish maqsadini ko‘zlagan holda “yashil texnologiyalar”dan foydalanishga o‘z qiziqishlarini bildirishmoqda. Mikromoliyalashtirish jamoat va qishloq darajasidagi loyihalar uchun salohiyatli, muhim o‘rin egallaydi. U past daromadli aholiga o‘z mablag‘larini resurs va energiya tejashga joriy qilish imkonini hamda ushbu faoliyatning xavf-xatar darajasini pasaytirish imkonini beradi.

Umuman olganda, yashil iqtisodiyotning xorij tajribasini o‘rganish milliy iqtisodiyotimizning eng ustuvor soha va tarmoqlarini qisqa fursat ichida raqamlashtirish, aholi turmush farovonligining sifat jihatdan yaxshilanishi olib keladi.

“Yashil iqtisodiyot” sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman qatnashchilari, ilm-ma‘rifat, ziyo tarqatuvchi Siz olimlar, tadqiqotchilar oldida yuqorida ta’kidlangan vazifalarni ochiq muloqot zaylida onlayn tarzda muhokama qilish hamda tegishli xulosalar berishdan iborat, deb o‘ylayman. Amjuman qatnashchilariga yana bir bor o‘zimni samimiy minnatdorchiligimni va konferensiyada faol, o‘z tajribalari bilan o‘rtoqlashish, mazkur mavzuda olib borgan tadqiqotlari yuzasidan tegishli tavsiya hamda xulosalarini beradilar, degan umiddaman.

**1-YO‘NALISH. “YASHIL IQTISODIYOT”NING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI VA
RIVOJLANISH TENDENSIYALARI**

**YASHIL IQTISODIYOTGA O‘TISH SHAROITIDA TO‘G‘RIDAN-TO‘G‘RI
XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH MEXANIZMINI
TAKOMILLASHTIRISH**

**N.Oblomurodov, Toshkent moliya instituti ilmiy ishlar va innovatsiyalar
bo‘yicha prorektori, i.f.n., dotsent**

Jahon iqtisodiyotidagi global raqobat sharoitida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilishga qaratilgan qulay investitsion muhitni yaratish, investorlar huquqlarini kafolatlash va investitsiyalarni himoya qilish, milliy iqtisodiyot tarmoqlarining raqobatbardoshligini ta‘minlash muhim ahamiyat kasb etmoqda. Milliy iqtisodiyotni barqaror sur‘atlarda rivojlanishini ta‘minlash, iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va intensiv asosda rivojlantirish, tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish va yangi ish o‘rinlarini yaratish yuqori investitsion faollikni taqozo etadi. Jahon banki ma‘lumotlariga ko‘ra, 1991-2022 yillarda asosiy kapitalga investitsiyalarning YaIMga nisbati Xitoyda 41,4 foizni, Hindistonda 32,3 foizni, Koreyada 33,1 foizni, Singapurda 29,3 foizni, Malayziya 28,3 foizni, Turkiyada 25,6 foizni, Qozog‘istonda 25,4 foizni¹, o‘rta daromadga ega bo‘lgan mamlakatlarda² esa 29,4 foizni tashkil etib, O‘zbekistonda o‘rtacha 23,9 foizga bo‘lgani investitsion muhitni tubdan yaxshilash, uning jozibadorligini oshirish, davlat-xususiy sektor sherikchiligida xususiy xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish dolzarbligini belgilaydi. Jahon xo‘jaligida - yashil iqtisodiyotiga o‘tish konsepsiyalari mamlakatlarga yashillik tamoyillarini ishlab chiqish va hayotga tadbiq etish, barqaror iqtisodiy o‘sish va ish o‘rinlari yaratilishini ta‘minlashda investitsion faollikni oshirish, asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiyalashda davlat-xususiy sheriklik loyihalari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ulushini oshirishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Ushbu jarayonlarda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etilishi iqtisodiyot o‘sishining yuqori sur‘atlari va investitsiya resurslariga o‘sib borayotgan talabni qanoatlashtirishning bir-biriga muvofiqligini ta‘minlash, yuqori texnologiyalarning o‘zlashtirilishi natijasida ijtimoiy ishlab chiqarish samaradorligini oshishiga ijobiy ta‘sir qiladi. Jahon hamjamiyatiga a‘zo mamlakatlarda yashil iqtisodiyotga o‘tish konsepsiyalarining to‘liq shakllanmaganligi, uglerod-neytrallik va yashil investitsiyalarni tasniflash mezonlarining ishlab chiqilmaganligi, yashil investitsiyalarni moliyalashtirishda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishning huquqiy-institutsional asoslarining mukammal emasligi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni mamlakatimiz iqtisodiyotiga jalb etishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish borasida ilmiy tadqiqotlar olib borilishi zarurligini belgilab beradi.

¹ Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланди <https://data.worldbank.org>.

² Jahon banki klassifikatsiyasi bo‘yicha o‘rta daromadli mamlakatlar qatoriga aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan yalpi milliy daromadning miqdori 1136 AQSh dollaridan 13845 AQSh dollargacha bo‘lgan mamlakatlar kiritiladi, <http://www.worldbank.org/en/country/mic/overview>.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

O‘zbekiston iqtisodiyotining investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirish, asosiy kapitalga yo‘naltirilgan investitsiyalar hajmining barqaror o‘shishiga erishish, yashil iqtisodiyotga o‘tishga oid investitsion loyihalarning samaradorligini ta‘minlash, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishning iqtisodiy mexanizmlarini amalga oshirishga ustuvorlik berilmoqda. O‘zbekiston-2030 strategiyasiga muvofiq³, «mamlakatimizda 250 milliard dollarlik investitsiyalarni o‘zlashtirish, jumladan 110 milliard dollar xorijiy investitsiyalar va 30 milliard dollar davlat-xususiy sheriklik doirasidagi investitsiyalarni jalb qilish» bo‘yicha ustuvor vazifalar belgilangan. Mazkur vazifalarni amalga oshirilishida iqtisodiyotda institutsional islohotlarni izchil davom ettirish, davlat-xususiy sheriklik va yashil iqtisodiyot loyihalarini keng joriy etish, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish zaruratini belgilaydi.

Iqtisodiy fanlarda investitsiyalarning maqsadi, moliyalashtirish manbalari, tarmoq yo‘nalishi va boshqa jihatlariga qarab turlicha talqin beriladi. J.Keyns investitsiyalarni ushbu davrning ishlab chiqarish faoliyati natijasida kapital mulk bahosining joriy ortishi tarzida ushbu davrda topilgan daromadning iste‘molga ishlatilmagan qismi, deb ta‘riflaydi⁴. Mazkur yo‘nalishda tadqiqot olib borgan iqtisodchilar tomonidan investitsiyalarga daromad (foйда) olish hamda ijobiy ijtimoiy samaraga erishish maqsadida tadbirkorlik ob‘ektlariga va boshqa faoliyat turlariga solinadigan pul mablag‘lari, maqsadli omonatlar, aksiyalar, boshqa turdagi qimmatli qog‘ozlar, texnologiyalar, mashinalar, uskunalar, litsenziyalar, har qanday boshqa mol-mulk yoki mulkiy huquqlardir degan ta‘rif beriladi. Shuningdek, ko‘plab iqtisodchi olimlar tomonidan iqtisodiy rivojlanishning investitsiyalarga bog‘liqligi masalasi tadqiq etilgan. Jumladan, yangi va qo‘shimcha investitsiyalar iqtisodiyotda yalpi talabni ortishiga olib keladi. Iqtisodiy o‘shish asosan kapital, xususan, ishchi kuchiga to‘g‘ri keladigan kapitalning optimal darajasi bilan bog‘liq. Innovatsiyalar va inson kapitaliga investitsiyalar iqtisodiy o‘shishning asosiy omillari kabi nazariy yondoshuvlarni keltirish mumkin⁵.

Iqtisodchi olimlar to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jahon iqtisodiyotida yirik trasmilliy korporatsiyalar (TMK)ning shakllanishi bilan bog‘laydi. O‘tgan asrning 60-80-yillarida AQSh va Yevropa ittifoqida qudratli TMKlar shakllana boshlagan bo‘lsa, 1990-yillardan boshlab yirik korporatsiyalar Janubiy-Sharqiy Osiyo, Janubiy Amerika va Yaqin Sharqning o‘shib kelaётgan iqtisodiyotlarida vujudga keldi.

TMKlarning barqaror sur‘atlarda o‘shishining sabablari, xususiyatlari va ularning tovar ishlab chiqarishni xorijga ko‘chirish to‘g‘risidagi qarorlari S.G.Xaymer tomonidan tadqiq etilgan. Uning tadqiqoti quyidagi fikrga asoslangandi: xorijlik investorlar bozorning nomukammalligidan foydalanishga intiladi, chunki xorijga mahsulot ishlab chiqarishga yo‘naltirilgan investitsiyalar

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон —Ўзбекистон-2030 Стратегияси тўғрисидаги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.

⁴ Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Прогресс, 1978, с.117

⁵ John Maynard Keynes, —The General Theory of Employment, Interest and Money, 1936. Robert M. Solow, —A Contribution to the Theory of Economic Growth, The Quarterly Journal of Economics, Volume 70, Issue 1, February 1956, Pages 65–94. Paul M. Romer, —The Origins of Endogenous Growth, The Journal of Economic Perspectives, Vol. 8, No.1 (1994), pp. 3-22

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

mahalliy investitsiyalarga nisbatan yuqori tavakkalchilik va xarajatlar bilan bog‘liq. Buni qoplash uchun yirik korporatsiyalar bozor nomukammalligi tufayli monopolistik mavqega ega bo‘lishi talab etiladi. Kindlberger mazkur g‘oyani kengaytirib, bozorning nomukammalligi tufayli TMKlarga muvaffaqiyat keltiradigan asosiy omillarni ajratib oladi⁶. Jumladan, korporatsiyaning tovar siyosati bilan bog‘liq nomukammalliklar (marketing texnologiyasi, savdo markasi mavqei, tovarlar o‘rtasidagi farqlanish), ishlab chiqarish omillari bilan bog‘liq nomukammalliklar (ishlab chiqarish ustidan to‘g‘ridan-to‘g‘ri nazorat, texnologiyalar, ishchi-xodimlar malakasi), ichki va tashqi tejamkorlikdan keng ko‘lamda foydalanish imkoniyati (masshtab effekti), davlat iqtisodiy siyosati va uning bozorga ta’siri. Reding universitetining (Buyuk Britaniya) iqtisodchilari - Bakkli va Kasson nazariyasiga muvofiq, yaxlit ichki tuzilmaga ega yirik firmalar o‘z faoliyatini kengaytirishlari mumkin⁷. Ular avvalgi nazariyalarni ishlab chiqarishning tutgan o‘rniga juda katta e’tibor berib, kompaniyalarning boshqa noyob ustunliklariga (etakchilik qilish mahorati, faoliyatni xalqaro darajada tashkil etish, marketing va ta’minot, inson resurslari va moliyaviy menejment) yetarli e’tibor qilmaganligini ko‘rsatib, yirik kompaniyalar internallashtirish orqali xalqaro bozorda ustunlikka erishish imkoniyati mavjudligini ta’kidlaydi.

Iqlim o‘zgarishiga ta’sir ko‘rsatadigan ko‘plab tarmoqlarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar kapital oqimlarining muhim segmentiga aylanmoqda. Qayta tiklanadigan energiya, transport va atrof-muhit texnologiyalari va xizmatlariga yo‘naltirilgan yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar so‘nggi o‘n yillik mobaynida 3 baravarga oshdi⁸. Rivojlanayotgan davlatlarga kiritilayotgan yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarning ulushi o‘shish tendensiyasiga ega bo‘lib, yangi loyihalar soni bo‘yicha rivojlanayotgan davlatlarga jalb etilgan yashil investitsiyalar ulushi 2015 yildagi 30 foizdan 2022 yilda 52 foizga yetgan. So‘nggi yillarda yashil iqtisodiyot sohasida tadqiqotlarni amalga oshirayotgan xalqaro tashkilotlar, ilmiy markazlar tomonidan ham yashil investitsiyalar tushunchasining moxiyatini ochib berishga harakat qilingan. Xalqaro valyuta jamg‘armasi ekspertlari yashil investitsiyalar issiqxona gazlari va havoni ifloslantiruvchi moddalarni kamaytirishga qaratilgan investitsiyalar deb ta’riflaydi. Carbon Collective investitsiya fondi yashil investitsiyalar barqaror amaliyot, ekologik toza texnologiyalar va tabiiy resurslarni saqlashga qaratilgan loyihalar va kompaniyalarga moliyaviy resurslarni taqsimlashni anglatadil degan ta’rif beradi. Shuningdek, Cambridge Institute for Sustainability Leadership hisobotiga ko‘ra, mas’uliyatli investitsiyalar – investorlar tomonidan atrof-muhit, ijtimoiy va boshqaruv omillarini inobatga olgan holda amalga oshiriladigan investitsiyalar, deb ta’riflangan.

O‘zbekiston Respublikasining yashil iqtisodiyotga o‘tish Strategiyasi bilan 2030 yilgacha mamlakatda amalga oshirilayotgan tuzilmaviy islohotlarga yashil

⁶ Cantwell, John. A survey of theories of international production. - London, UK, Routledge, in Pitelis and Sugden (eds): The nature of the transnational firm, 1991, pp.16-63.

⁷ Meyer, Klaus. Direct Investment in Economies in Transition. - Cheltenham, Edward Elgar, 1998.

⁸ Boston Consulting Group, Foreign Direct Investment and the Greening of Emerging Markets, <https://www.bcg.com/publications/2023/growth-of-green-fdi>

iqtisodiyot tamoyillarini integratsiya qilish orqali ijtimoiy rivojlanishga, issiqxona gazlarining ajratmalari darajasini pasaytirishga, iqlim va ekologiya barqarorligiga imkon beruvchi mustahkam iqtisodiy taraqqiyotga erishish⁹ maqsadi belgilangan. Infratuzilma loyihalarini amalga oshirishda DXSh mexanizmini qo‘llashni yanada kengaytirish uchun O‘zbekiston-2030 strategiyasida infratuzilma loyihalarini barqaror va uzoq muddatli moliyalashtirish manbalari bilan ta‘minlash ustuvor maqsad etib belgilangan bo‘lib, xalqaro moliya institutlari bilan davlat-xususiy sheriklik loyihalarini ishlab chiqish jamg‘armasini tashkil etish rejalashtirilgan. Shuningdek, infratuzilma obligatsiyalarini chiqarish amaliyotini yo‘lga qo‘yish ko‘zda tutilgan bo‘lib, uzoq muddatli loyihalarni moliyalashtirishga moliya bozorlaridan mablag‘larni jalb etish xajmlarini oshirishga xizmat qiladi. Ta‘kidlash lozimki, O‘zbekiston-2030 strategiyasiga muvofiq iqtisodiyot tarmoqlari va aholi ehtiyoji uchun yetkazib beriladigan elektr energiya miqdorini 120 milliard kVtga yetkazish, iqtisodiyot tarmoqlarining energiya samaradorligini 2 barobarga oshirish hamda elektr energiyasini generatsiya qilish, taqsimlash va iste‘molchiga yetkazish infratuzilmasini modernizatsiya qilish vazifalari belgilangan bo‘lib, qayta tiklanuvchi energiya loyihalarini amalga oshirish, elektr energiyasi infratuzilmasini modernizatsiya qilishga xorijiy investorlarni jalb etish hamda davlat-xususiy sheriklik mexanizmini qo‘llash samaradorligi bilan bog‘liqdir. Tadqiqotchi fikricha, davlat xaridlari tizimi amaliyotiga yashil mezonlarni joriy etish, energiya va resurs tejankor loyihalarni davlat xaridlari tizimida ishtirokini kengaytirish, yashil loyihalarga qo‘shimcha investitsiya mablag‘larini jalb etishni rag‘batlantirish maqsadida davlat xaridlarini amalga oshirishda ishtirokchilarning takliflarini baholash va ijrochini aniqlash jarayonida energiya samaradorlik, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ekologik jihatdan maqbul materiallar, ikkilamchi xom ashyodan, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish kabi mezonlarni joriy etish lozim.

СРАВНЕНИЕ ТРАДИЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ, ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКОНОМИКИ И ТРАДИЦИОННОЙ ЭКОЛОГИИ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЗЕЛЁНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ

Б.Султонмуродов, PhD, Заместитель директора департамента “Green Banking” АКБ “Узпромстройбанк”

В мировой экономике появились две новые сегментации, производящие существенную долю мирового ВВП. Один из которых находится в финансово-торговом секторе и охватывает, в первую очередь рынок производных финансовых инструментов и торговли квотами на выбросы парниковых газов – так называемый углеродный рынок. Второй сегмент принадлежит реальному сектору мирового хозяйства – это так называемая «зелёная» экономика.

Усиливающаяся глобальная конкуренция между финансовыми организациями в мире инновации определяют уровень развитости бизнес деятельности банков. Именно развитость инновационной деятельности в

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон —2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг —яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори. <https://lex.uz/docs/4539502>

банковской системе обеспечивает их высокую конкурентоспособность на глобальном финансовом рынке. «В банковской системе доходы от инновационных активов составляют 70-80% от общего объема доходов. В развитых странах, в частности в США 71 процентов, в Канаде 77 процентов активного населения пользуются инновационными услугами банка не реже одного раза в месяц»¹⁰. Это свидетельствует об актуальности развития зелёной экономики, в том числе зелёного финансирования, как инновационной банковской услуги, способствующей использованию зелёных банковских продуктов на пути повышении устойчивой и эффективной деятельности коммерческого банка.

Как известно, реализация зеленых инициатив стала активно набирать обороты за последние 10 лет. Международные финансовые институты все больше стали уделять внимание на развитие экологических проектов, стали направлять свои ресурсы именно на эти цели. Основная цель международных сообществ «выполнение целей Парижского соглашения (снижение парниковых газов в атмосфере) и устойчивого развития ООН – доступная и чистая энергия, устойчивые города и сообщества, меры по борьбе с изменением климата, рациональное использование ресурсов океана, рациональное использование экосистем суши и других»¹¹.

Экономический рост в определённой степени зависит от развития зелёного финансирования. Практика развития финансово-банковской системы показывает важность и значимость зелёного финансирования для привлечения иностранных инвестиций, развития промышленности, сокращения выбросов парниковых газов и повышения качества жизни населения. Зелёное финансирование представляет собой комплекс финансовых организаций, механизмов и инструментов в области банковского сектора, направленных на развитие финансирования инвестиционных проектов.

В стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 – 2025 годы определено, «повышение эффективности банковской системы путем создания на финансовом рынке равных конкурентных условий, кредитования исключительно на рыночной основе, снижения зависимости банков от государственных ресурсов, модернизации банковского обслуживания, создания эффективной инфраструктуры и автоматизации деятельности банков, а также поэтапной отмены непрофильных функций банков»¹². Это, в свою очередь, подталкивает банков к разработке и внедрению новых зелёных продуктов и услуг, выражающие новые инновационные предложения и подходы на рынке банковских услуг.

В качестве примера развития зелёного финансирования можно рассмотреть коммерческий банк АКБ «Узпромстройбанк», который является примером системного внедрения мировых устойчивых практик в банковском

¹⁰ “The Global Findex Database 2021.” <https://www.worldbank.org/en/publication/globalfindex> (accessed Dec. 22, 2022).

¹¹ Е.Лесун, А.Завалеева, М.Куприянова, «Виды зеленого финансирования и особенности его получения»

¹² Указ Президента Республики Узбекистан, «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020- 2025 годы», от 12 мая 2020 года № УП-5992.

секторе Узбекистана, ориентированных на достижение Принципов глобального договора и целей устойчивого развития ООН.

За короткий период времени, Банком был создан прочный фундамент для старта и развития «зеленого» и «устойчивого» банкинга в регионе. Стоит отметить, что в Банке создан департамент Green Banking, который отвечает за развитие зелёного финансирования, в рамках развития проекта приняты на работу технические специалисты и экологи, разработана нормативно-правовая база: политика СУЭСП, политика ESG и устойчивое развитие, политика по энергосбережению и другие положения.

Сотрудничество с такими международными финансовыми институтами развития как IBRD, IFC, EBRD, EIB предоставляет возможность развиваться в «зеленом» направлении при этом имплементировать «зеленые» стандарты и методологии во внутренние процессы Банка.

Имплементация принципов «зеленого» банкинга базируется на открытости информации, прозрачности процедур и мероприятий, проводимых Банком, в том числе образовательных, социальных и экологических акций.

Стоит отметить, что позитивной практикой для Банка является четко выстроенная система управления, контроля и комплаенса, охватывая: систему управления рисками, методологию оценки коррупционных рисков, положение об управлении конфликтом интересов, кодекс этики, политику информирования о нарушениях. Все вышеуказанные процессы являются основой ответственного банкинга.

В целом стратегия Green Banking и динамический рост линейки «зеленых» банковских продуктов, является фундаментом для развития зелёного финансирования. Для дальнейшего совершенствования системы рекомендуется сформулировать миссию (уникальность банка), видение и стратегические цели (дорожную карту) эко-банкинга с акцентом на экологически безопасное устойчивое развитие, с учетом социальных и управленческих составляющих при реализации проектов. Задекларировать пути достижения определенных в стратегии целей в нормативно-правовой базе банка (соответствие целям устойчивого развития ООН, стремление к нулевой углеродной нейтральности и т. д.).

Список использованной литературы

1. Указ (2020) Указ Президента Республики Узбекистан, от 12.05.2020г. №УП-5992 «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан.
2. Е.Лесун, А.Завалева, М.Куприянова, «Виды зеленого финансирования и особенности его получения».
3. “The Global Findex Database 2021.” <https://www.worldbank.org/en/publication/globalfindex> (accessed Dec. 22, 2022).
4. Отчёт KPMG «Диагностика внутренней и внешней среды», 2023г.
5. Sultonmurodov B.B. Financing of investment projects: experience of foreign banks, International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 13 Issue 10, October 2023 ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119 Journal Homepage:

6. Султонмуродов Б.Б. Развитие зелёного финансирования инвестиционных проектов, “Innovations in Science and Technologies” scientific electronic journal SPECIAL ISSUE www.innoist.uz February, 2024 ISSN: 3030-3451 International Scientific Seminar “Green Economy - Successful Future of Uzbekistan”.

YASHIL IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISHDA DAVLAT IQTISODIY SIYOSATINING O‘RNI

X.S.Asatullayev – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, “Iqtisodiyot” kafedrasi mudiri i.f.n., professor

Bugungi kunda «yashil iqtisodiyot» istiqbolda barqaror rivojlanishning asosi sifatida qaralmoqda va uni harakatga keltiruvchi kuch «yashil» texnologiyalarga kiritilayotgan investitsion mablag‘lar hisoblanadi. Mazkur texnologiyalar energiya va resurslarni tejash, uglerod chiqindilarini kamaytirish, muqobil energiya manbalaridan foydalanish, organik qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish, chiqindilarni qayta ishlash, umuman iqtisodiyotni tabiat va atrof-muhitga zarar keltirmasdan rivojlantirishga hamda insoniyatning ekologik xavfsizligini ta‘minlashga xizmat qiladi. Albatta bunday chora tadbirlarni davlat tomonidan qo‘llab quvvatlamasdan turib erishish mushkul.

Zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida “resurs talab qiluvchi iqtisodiyot modeli” sarf xarajatlarning oshishiga va ishlab chiqarish samaradoligini kamayishiga olib keladi. Mana shu muammolarni bartaraf etish uchun Yevropa mamlakatlari tomonidan “Yashil iqtisodiyot” konsepsiyasini yaratish bosh maqsad qilib olindi. Hozirgi kunda yashil iqtisodiyot bo‘yicha bir gurux iqtisodchi olimlar tomonidan uning mazmun mohiyati bo‘yicha bir qator yondashuvlar berilgan bo‘lsada lekin ularda aniq bir mazmunga ega bo‘lgan yakdil fikrlarni uchratish qiyin. Yashil iqtisodiyot bu inson turmush farovonligini yaxshilashga qaratilgan iqtisodiy faoliyatning natijalari bo‘lib hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlar resurslardan samarali foydalanib raqobatbardoshlik muhiti va ish o‘rinlarini yaratish asosiy muhim omillar sirasiga kirsa, rivojlanayotgan mamlakatlar uchun esa qashshoqlik muammosini bartaraf etish va barqaror rivojlanish muhim sanaladi¹³.

Yashil iqtisodiyot nazariyasi quyidagi tamoyillarga asoslangan:

- iste‘mol qiymati va sifatning ustuvorligi;
- tabiiy oqimlarga ergashish;
- Chiqindilar iste‘molga teng bo‘lishi lozim;
- nafislik va ko‘p funksiyalilik.
- tegishli qamrov darajasi;
- turli xillik;
- mustaqillik, o‘z-o‘zini tashkil etish, o‘z-o‘zini loyihalashtirish;
- ishtirok etish va to‘g‘ridan-to‘g‘ri demokratiya;
- inson ijodkorligi va rivojlanishi;

¹³ Кучеров А.В., Шибилева О.В. Концепция «зеленой» экономики: основные положения и перспективы развития // Молодой ученый 2014, № 4, с.561 – 563.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

– sun’iy muhitning strategik o‘rni, landshaft va fazoviy dizayn.

Yashil iqtisodiyot millatning farvonligini oshiradi, energiya resurslaridan muqobil foydalanish kerakligini ko‘rsatadi va ekologiyaga zararli chiqindilarni chiqarib tashlashning oldi olinadi hamda ekologiyaga ketayotgan sarf xarajatlarni kamaytiradi¹⁴. Barcha dunyo mamlakatlari yashil iqtisodiyot barqaror taraqqiyotga eltuvchi va qashshoqlikka barham beruvchi hisoblanadi.

Shuningdek, yashil iqtisodiyotga o‘tish qator salbiy oqibatlar bilan bevosita bog‘liq, bular texnologiyalardan foydalanish imkoniyatining cheklanganligi va zarur investitsiya darajasini ta‘minlay olmaslik, rivojlanayotgan mamlakatlarga moliyaviy yordam olish uchun qo‘shimcha shartlarning qo‘yilishi, oltin qazib olishda simob yordamidan foydalanish¹⁵. “Yashil” iqtisodiyotning ustuvor yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

- tabiiy resurslardan samarali foydalanish;
- tabiiy kapitalni oshirish va ifloslanishni kamaytirish;
- biologik xilma-xillikning yo‘qolishining oldini olish;
- daromadlarni oshirish va bandlikni ta‘minlash¹⁶.

Yashil iqtisodiyot – innovatsion “yashil” texnologiyalardan foydalanish orqali barqaror taraqqiyotga erishish vositasidir. Ushbu turdagi texnologiyaga energiya va resurslarni tejash, uglerodli energiya manbalaridan foydalanishni qisqartirish hisoblanadi¹⁷. Yashil iqtisodiyot yashil ipoteka, yashil kredit, yashil loyihalarni moliyalashtirish, uglerod va atrof-muhit fondlari, yashil sug‘urta kabi elementlarni o‘z ichiga oladi¹⁸. Hozirgi vaqtda “yashil” iqtisodiyotga o‘tishni iqtisodiy o‘sish sur‘atlari yuqori bo‘lgan mamlakatlar, masalan, Braziliya, Xitoyda imkoniyat mavjud¹⁹.

Yashil iqtisodiyotga muvaffaqiyatli o‘tish birdaniga hal qilinmaydi uning uchun quyidagilar zarur bo‘ladi:

- davlat tomonidan qo‘llab qo‘vvatlanishi;
- xususiy investorlar va iste‘molchilarning faol ishtirokini ta‘minlash.

Davlat tomonidan sohani qo‘llab-quvvatlash borasida ajratilgan investitsiyalar turlicha taqsimlanadi. Rivojlangan mamlakatlarda yerdan oqilona foydalanish orqali yangi shaharsozlik siyosati amalga oshirish uchun ajratilsa (ekologik shaharlar paydo bo‘ladi), rivojlanayotgan mamlakatlarda esa qishloq xo‘jaligi, suv resurslarini boshqarish va muqobil energiyani ta‘minlashga yo‘naltiriladi²⁰.

¹⁴ Булганов Ю.В., Набок С.Д. Взаимообусловленность понятий «зеленая» экономика, «зеленый» рост и устойчивое развитие // Политические науки, 2017, № 5. С. 89 – 91.

¹⁵ Ботавина Р.Н. Экологические аспекты «зеленой» экономики в системе экономического роста России // Мир, 2016, Т.7, № 4, с.142 – 147.

¹⁶ Ямасова Н.Н. «Зеленая» экономика: вопросы теории и направления развития // Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 2013. с. 33 – 38.

¹⁷ Лисковская Е.А., Григорьева К.М. Формирование «зеленой» экономики и устойчивого развития стран и регионов // Вестник Южно – Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент, 2018, С.15 – 22.

¹⁸ Никоноров С.И. К «зеленой» экономике через «зеленые» финансы, биоэкономику и устойчивое развитие//Русская политология.2017, с.12 –15.

¹⁹ Ботавина Р.Н. Экологические аспекты «зеленой» экономики в системе экономического роста России // Мир, 2016, Т.7, № 4, с.142 – 147.

²⁰ Яковлев И.А., Кабир Л.С., Никулина С.И., Раков И.Д. Финансирование «зеленого» экологического роста: концепции, проблемы, подходы // Финансовый журнал, 2017, с.9 – 21.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Yashil iqtisodiyotga o'tishning iqtisodiy mexanizmlari bo'lib rivojlangan mamlakatlarda ekologik yukni kamaytirish va uni rivojlanayotgan mamlakatlarga o'tkazish (rivojlanayotgan mamlakatlarda korxonalar foydalanish va egalik qilish); Me'yoriy-huquqiy bazani yaratish, davlat investitsiyalarini “yashil” sanoat, “yashil” investitsiyalar va innovatsiyalarni rag'batlantirish; xalqaro hamkorlikni mustahkamlash hisoblanadi²¹.

Yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonida kichik va o'rta biznesning yangi imkoniyatlaridan, uning afzalliklaridan xodimlar foydalanishlari uchun zamonaviy ijtimoiy dasturlar, mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik talablarini ishlab chiqishni taqozo etadi. Bundan tashqari, byudjet munosabatlari tizimini (masalan, ekologik soliqlarni joriy etish), “yashil” biznesni rivojlantirish va barqaror infratuzilmani yaratish kerak bo'ladi²².

Zamonaviy sharoitlarda yashil iqtisodiyotga o'tish bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Xalqaro amaliyotda yashil iqtisodiyotga o'tishning reja asosida harakatlar yo'nalishlari bo'yicha yo'l xaritalari ishlab chiqilgan. Qator yo'l xaritalari mavjud bo'lib, ular alohida olingan faoliyat turlari ITTKI, iqtisodiy siyosatni ishlab chiqish, texnologiyalarni joriy etish bo'yicha ishlab chiqilgan. Yevropa Ittifoqi 2050 yilga qadar kam uglerodli iqtisodiyotga o'tishning umumiy dasturini qabul qilishgan. Dasturda karbonad angidrid chiqindilarinir kamaytirish maqsadlari belgilangan. Masalan, Janubiy Afrikada “Suv uchun mehnat qilish” dasturi ishlab chiqilgan bo'lib bu dasturda tabiiy va inson kapitaliga uzoq muddatli investitsiyalar jalb etish nazarda tutiladi²³.

Ayni paytda ko'plab mamlakatlarda qator ijtimoiy ahamiyatga molik loyihalar ishlab chiqilgan. Yashil iqtisodiyot tadbirkorligi: Grameen Shakti (Hindistonda qayta tiklanadigan energiya), RAST Apparel (o'sayotgan ekopaxta); AQShda - IceStone (qayta ishlangan materiallardan dastgohlar ishlab chiqarish), qayta ishlash (chiqindini qayta ishlash), qimmatbaho pasta (plastikni qayta ishlab ikkilamchi xom-ashyo sifatida foydalanish), Buyuk Britaniyada - Qut Revolution (mini-shamol generatorlari ishlab chiqarish), Rossiyada “Ekologik tashabbus” (plastmassani qayta ishlash) va boshqalar²⁴.

BRIKS mamlakatlari barqaror rivojlanish tamoyillarini o'z milliy iqtisodiyotlariga integratsiya qilishmoqda. Masalan, Xitoyda barqaror rivojlanish konsepsiyasi iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik komponentlarni o'z ichiga olgan. Yashil iqtisodiyotga o'tishda Xitoy hukumati tomonidan dotatsiyalar, subsidiyalar, imtiyozlar kreditlar ajartirilgan. Hindiston esa davlat tomonidan yashil davlat xaridlari tizimi orqali qo'llab quvvatlanadi. Braziliyada tuproqni parvarish qilishning nol qiymatli va minimal ishlov berish texnologiyalari tizimi

²¹ Егорова М.С. Экономические механизмы и условия перехода к «зеленой» экономике // Фундаментальные исследования. 2014, с.1265.

²² Лисковская Е.А., Григорьева К.М. Формирование «зеленой» экономики и устойчивого развития стран и регионов // Вестник Южно – Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент, 2018, С.15 – 22.

²³ Айтимов А.С., Хайрушин Ж.К. «Зеленый мост»: экологический диалог между Европой и Азией // Актуальные проблемы нации, экономики и образования. 2013, № 3, с.293 – 296.

²⁴ Воронина А.А. Социальное предпринимательство в сфере «зеленой» экономики: Основные тенденции развития // Концепт. 2016, Т.41, с. 60 – 64.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

takomillashtirildi. Belarussiyada yashil energetika loyihasi ishlab chiqilib va u iqtisodiyotga joriy qilingan bo‘lib ularning asosiy maqsadlari quyidagilar hisoblanadi:

1. “Yashil” iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy mexanizmlarini ishlab chiqish;
2. Yashil iqtisodiyotni amalga oshiruvchi yetakchi mutaxassislarning malaka darajasini oshirish.
3. Ifloslanish vositalarga qarshi emissiyalarni kamaytirish maqsadida qishloq xo‘jaligi bo‘yicha harakatlar dasturini ishlab chiqish;

Masalan, Qozog‘istonda “Yashil” iqtisodiyotga o‘tish konsepsiyasida atrof-muhitga tabiiy resurslarni yukni minimallashtirishga qaratilgan va tabiiy yashash muhitining tirik organizmlarning mahalliy turlarining yashashi uchun yaroqsiz bo‘lib qolishi jarayonining oldini olishga qaratilgan.

“Yashil” iqtisodiyotga o‘tish uchta bosqichda amalga oshiriladi:

1-bosqich (2013-2020 yy.) – tabiat muhofazasi faoliyati samaradorligini oshirish; 2-bosqich (2020-2030 yy.) – yuqori texnologiyalar bazasini shakllantirish; 3-bosqich (2030-2050 yy.) - tabiiy resurslardan foydalanish va ularning qayta yangilanishi holati.

“Yashil iqtisodiyot”ga o‘tish konsepsiyasini amalga oshirishning asosiy yo‘nalishlari suv resurslaridan barqaror foydalanish, yuqori hosildorlikka asoslangan qishloq xo‘jaligini rivojlantirish, chiqindilarni boshqarish va energiya tejamkorlik tizimlarini rivojlantirish, havo ifloslanishini kamaytirish, ekotizimlarni boshqarishdan iborat²⁵.

Italiyada yashil iqtisodiyotni joriy etish bo‘yicha qator ishlar amalga oshirilmoqda, xususan iqtisodiyotda faoliyat ko‘rsatayotgan kompaniyalarning qariyb 25 foizi yashil texnologiyalarga investitsion mablag‘lar ajratganlar va bu o‘z navbatida resurslarni iste‘mol qilish va qo‘shilgan qiymat o‘shirishini ta‘minlagan. Hozirgi kunda aksariyat Yevropa davlatlarida turizm sohasiga bo‘lgan talab ancha yuqori darajada, jumladan bularga Germaniya, Fransiya, Italiya, Ispaniya, Buyuk Britaniyani kiritish mumkin. Tabiat resurslarini asrash va avaylash ular iqtisodiyotining o‘shirishiga olib keladi. Shuning uchun, Yevropada mehmondo‘stlik sohasini rivojlantirish uchun energiya va resurslarni jamg‘arish bo‘yicha katta imkoniyatga ega²⁶.

Yevropa Ittifoqi davlatlari energiya manbalari umumiy hajmining 20 foizigacha bo‘lgan miqdorda muqobil energiyadan foydalanishni rejalashtirmoqda. Daniyada energiya manbalari umumiy hajmining 21,3 foizini shamol energiyasi orqali ta‘minlanadi²⁷. Janubiy Koreyada asosiy e‘tibor sanoat sohasini, energetika va investitsiyalar orqali yashil transportni joriy etish, chiqindilarni qayta ishlash, shaharga yaqin sohil bo‘ylarini rivojlantirishga qaratilgan.

²⁵ Воронина А.А. Социальное предпринимательство в сфере «зеленой» экономики: Основные тенденции развития // Концепт. 2016, Т.41,с. 60 – 64.

²⁶ Щетинина Н.И. «Зеленая» экономика в деятельности гостиничного бизнеса стран ЕС // Вестник МГЦИО университета. 2013, с. 254 – 260

²⁷ Аскарлов И.М., Егорова М.С. Проблемы финансирования перехода на «зеленую» экономику // Молодой ученый. 2015. с. 396 – 399.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

AQSh yashil iqtisodiyotni rivojlantirish konsepsiyasida asosiy e'tibor muqobil energetikaga qaratilgan bo'lib 2030 yilgacha mazkur tadbirlar asosida 65 foizga yetkazish belgilangan²⁸. Buyuk Britaniyada hozirgi vaqtda yashil loyihalarni joriyga va shu asosda iqtisodiyotda 100 mingga yaqin yangi ish o'rinlarini yaratish ustuvor vazifa sifatida belgilangan²⁹.

Qator Yevropa davlatlari 2035-2050 yillarda uglerodsiz ishlash tizimiga o'tish va energiya tashuvchilardan butunlay xoli qilish mo'ljallangan.

Barchamizga ma'lumki, mamlakatimizda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 2 dekabrda «2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasining «yashil» iqtisodiyotga o'tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-436-son qarori qabul qilindi³⁰.

Hujjat bilan 2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasida «yashil» iqtisodiyotga o'tish va «yashil» o'sishni ta'minlash dasturi tasdiqlandi. U quyidagi strategik maqsadlarga erishishga mo'ljallangan:

- issiqxona gazlarining ajratmalarini 2010 yildagi darajadan 35%ga qisqartirish;

- qayta tiklanuvchi energiya manbalarining ishlab chiqarish quvvatini 15 GVt ga oshirish va ularning ulushini elektr energiyasini ishlab chiqarish umumiy hajmining 30%idan ko'prog'iga yetkazish;

- sanoat sohasida energiya samaradorligini kamida 20%ga oshirish;

- yalpi ichki mahsulot birligiga to'g'ri keladigan energiya sarfi hajmini, shu jumladan, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish hisobiga 30%ga kamaytirish;

- iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida suvdan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada oshirish, 1 mln gektargacha maydonda suv tejavchi sug'orish texnologiyasini joriy etish;

- yiliga 200 mln ko'chat ekish va ko'chatlarning umumiy sonini 1 mlrd dan oshirish orqali shaharlardagi yashil maydonlarni 30%dan ortiqroqqa kengaytirish;

- qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash darajasini 65%dan oshirish va boshqalar.

Shunday qilib, yashil iqtisodiyot iqtisodiyotning bir turi bo'lib, uning asosiy maqsadi turmush sifatini yaxshilashga qaratilgan. Hozirgi vaqtda yashil iqtisodiyotga o'tishda qator muammolar uchrab turibdi, bularga investitsiya mablag'larining yetarli emasligi, rivojlanayotgan mamlakatlarga qo'shimcha talabalarning qo'yilganligi, hunarmandchilik tarmoqlarining paydo bo'lishi bilan ifodalash mumkin. Yashil texnologiyalar energiya resurs tejamkor, uglerod chiqindilarini qisqartirish, sof transport, muqobil energiya manbasi bo'lib hisoblanadi. “Yashil iqtisodiyot”ga o'tish rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotida uchraydigan muammolar yukini qisqarishiga olib keladi. “Yashil iqtisodiyot”ga

²⁸ Егорова М.С. Содержание «зеленой» экономики: цели и задачи // Современная экономика: проблемы и решения, 2014, с.154 – 167.

²⁹ Сенин А.С., Клепова Т.А. «Зеленая» экономика как инструмент решения экологических проблем» Экономика и социум: современные модели развития. 2016, № 1, с.95 – 98

³⁰ https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi_uzbekiston_qanday_qilib_yashil_iqtisodiyotga_utadi Ўзбекистон қандай қилиб яшил иқтисодиётга ўтади.

o‘tishda qishloq xo‘jaligi, uy-joy kommunal xo‘jaligi, energetika, baliqchilik, o‘rmon xo‘jaligi, sanoat, turizm, transport, chiqindilarni qayta ishlash, suv resurslarini boshqarish kabi sohalarga investitsion mablag‘lar zarurligini ko‘rsatadi. Shuningdek, zamonaviy sharoitlarda “Yashil iqtisodiyot”ga bosqichma-bosqich o‘tish maqsadli dasturlar, yo‘l xaritalari va BRIKS mamlakatlari barqaror rivojlanish tamoyillarini milliy iqtisodiyotga integratsiya qilmoqda (subsidiyalar, subsidiyalar, imtiyozli kreditlar).

Shunday qilib, barqaror rivojlanish konsepsiyasini amalga oshirish sharoitida O‘zbekistonning innovatsion, ekologik rivojlanish modelining asosiy shakllari va mexanizmlari quyidagilarni taqozo qiladi:

- tabiatning alohida elementlarini muhofaza qilishdan umuman ekologik tizimlarni muhofaza qilishga o‘tish;
- inson yashaydigan muhitning optimal parametrlarini kafolatlash;
- iqtisodiyot sohaslarini “yashil iqtisodiyot” tamoyillari bo‘yicha rivojlantirish mexanizmlari bilan o‘zaro aloqalarni uyg‘unlashtirish.

“YASHIL IQTISODIYOT” TIZIMIGA O‘TISH ORQALI BARQAROR O‘SISHGA ERISHISH

X.Shennayev, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

“Sug‘urta va pensiya ishi” kafedrasini mudiri

I.Hayitbayeva, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Ma‘lumki, “Yashil iqtisodiyot” - ekologik zarar etkazmasdan, atrof-muhitni buzmasdan barqaror rivojlanishni yo‘lga qo‘yishni maqsad qilishdir. Tabiiyki, iqtisodiyotni barqaror rivojlanishi har bitta mamlakat uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Lekin, bu rivojlanish atrof-muhitga va boshqa sohalarga zarar keltirmasdan rivojlanishi maqsadga muvofiq bo‘ladi. Birlashgan Millatlar tashkiloti atrof muhit bo‘yicha dasturining 2011-yil e‘lon qilingan “Yashil iqtisodiyot” hisobotida ta‘kidlanishicha, iqtisodiyot yashil bo‘lishi uchun nafaqat samarali, balki adolatli bo‘lishi kerak. Adolatlilik global va mamlakat darajasidagi tenglik o‘lchovlarini tan olishni, xususan, past uglerodli, resurslarni tejaydigan va ijtimoiy jihatdan qamrab oluvchi iqtisodiyotga adolatli o‘tishni ta‘minlashni nazarda tutadi.

Ba‘zi iqtisodchilar “Yashil iqtisodiyot”ni ko‘proq tashkil etilgan maktablarning filiali yoki kichik sohasi sifatida ko‘rishadi. Masalan, an‘anaviy er tabiiy kapitalga umumlashtirilgan mehnat va jismoniy kapital bilan ba‘zi umumiy xususiyatlarga ega bo‘lgan klassik iqtisod sifatida qaraladi (chunki daryolar kabi tabiiy kapital aktivlari to‘g‘ridan-to‘g‘ri kanallar kabi inson tomonidan yaratilgan aktivlar o‘rnini bosadi).

Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘sish sur‘atlarini ta‘minlash uchun barcha sohalarda “Yashil iqtisodiyot” texnologiyalarini faol joriy etish 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi vazifalari doirasidagi maqsadlardan biri. Ushbu maqsadga erishish bir vaqtning o‘zida “Yashil iqtisodiyot” uchun kadrlar tayyorlash zaruratini ham ko‘ndalang qo‘yadi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti ekspertlari tahlili natijasida quyidagi jihatlar e‘tirof

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

etildi: “Yashil iqtisodiyot”ga o‘tish tabiiy resurslar, shu jumladan suvdan nooqilona foydalanish, havoning ifloslanishi, o‘rmonlarning qisqarishi, yerlarning degradatsiyaga uchrashi va iqlim o‘zgarishi kabi ekologik muammolarni hal etishda yordam beradi. Yuqori darajadagi IT ko‘nikmalariga ega bo‘lgan aholi ulushining oshishi “yashil” bandlikning o‘sishiga boshqa omillarga nisbatan ko‘proq ta’sir ko‘rsatadi. 2022-2023-o‘quv yilida tayyorlanadigan kadrlarning 30 foizdan ortig‘i “Yashil iqtisodiyot”ga mos keladi. Bu ko‘rsatkich 2019-2020-o‘quv yilida 5 foizni tashkil etgan³¹.

“Yashil iqtisodiyot” insoniyat va tabiatning barqaror va muvozanatli ozaro ta’sirini ta’minlashga qaratilgan iqtisodiy rivojlanish konseptsiyasidir. “Yashil iqtisodiyot”ning asosiy g‘oyasi atrof-muhitga salbiy ta’sirlarni kamaytirish va tabiiy resurslardan unumli, barqaror foydalanish orqali boylik yaratish va aholi faravonligini ta’minlash hisoblanadi. Bu orqali biz nima demoqchimiz, “Yashil iqtisodiyot” neft mahsulotlari va boshqa qazilma boyliklarini iste’mol qilishdan qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishga o‘tishga ifloslantiruvchi moddalar emissiyasini kamaytirishga, ishlab chiqarishning energiya samaradorligini oshirishga, ekologik toza texnologiyalar va infratuzilmani rivojlantirishga undaydi. Uning maqsadi tabiiy resurslarni tejash, ifloslanishni kamaytirish, hozirgi va kelajak avlodlar faravonligini ta’minlaydigan barqaror iqtisodiy modellarni yaratishdir.

Hozirgi kunda dolzarb bo‘lib kelayotgan muammolardan biri havonining ifloslanishidir. Ayni kunlarda Respublikamiz poytaxti Toshkent shahrining havosi sezilarli darajada ifloslanib ketgan. 2024- yilning 17-yanvar tongida Toshkent shahri havoning iflosligi bo‘yicha IQAir reytingida dunyo bo‘yicha 8-o‘ringa chiqdi. Bu boradagi onlayn indeksni IQAir portalida ko‘rishingiz mumkin. Jahon sog‘liqni saqlash tashkilotining xabar berishicha, havo ifloslanishi ko‘rsatkichlari orasida salomatlik uchun eng katta xavf tug‘diradigani aynan PM-2,5 dispers zarralaridir³². Mutaxassislar fikriga ko‘ra, uzoq vaqt davomida yog‘ingarchilikning yo‘qligi, kuchsiz shamollar, haroratning inversiyasi atmosfera havosining turg‘unligiga imkon bergan. Buning natijasida ifloslantiruvchi moddalarning to‘planishi kuzatilgan. Va yana barchaga ayonki, ishlab chiqaruvchi korxonalar, firmalarning, sexlarning ko‘payishi natijasida chiqayotgan zaharli tutunlar ham havoning ifloslanishiga ancha katta ta’sir qiladi.

Bundan tashqari, yaqin besh yil ichida Toshkent shahrida daraxtlar kesilish sur‘atlari ham tezlashgan. Bu o‘z-o‘zidan havo almashish vositasi, daraxtlar o‘rniga qurilish inshootlari, binolar qurilgan. Bu bir tarafdin iqtisodiy rivojlanishimizga foyda keltirsa, ikkinchi tarafdin ekologiyaga zarardir. Bu muammo, faqat, bizda emas boshqa davlatlarda ham kuzatilib turiladi. Shu kabi muammolarni bartaraf etish uchun “Yashil iqtisodiyot” tizimi ishlab chiqilgan. 2030-yilgacha O‘zbekiston Respublikasida “Yashil” iqtisodiyotga o‘tish va “yashil” o‘sishni ta’minlash bo‘yicha harakatlar rejasiga muvofiq “Yashil” turdagi faoliyatni tasniflash uchun Milliy “yashil” taksonomiyani ishlab chiqish nazarda

³¹<https://daryo.uz/2023/01/18/ozbekistonda-yashil-iqtisodiyotni-rivojlantirish-uchun-qanday-mutaxassislar-tayyorlanadi>.

³² <https://www.iqair.com/ru/world-air-quality-ranking>.

tutilgan. 2024-yil yil 1-oktyabrga qadar:

“yashil” obligatsiyalar va kreditlar, shuningdek, boshqa manbalar hisobidan moliyalashtiriladigan “yashil” turdagi loyihalarni tasniflash tajriba tariqasida Milliy “yashil” iqtisodiyot taksonomiyasi orqali amalga oshiriladi;

davlat moliyaviy ko‘magidan foydalangan barcha tadbirkorlik sub’yektlari, shu jumladan, xususiy va davlat ishtirokidagi xo‘jalik birlashmalarining investitsiyaviy xarajatlari Milliy “Yashil iqtisodiyot” taksonomiyasi asosida tasniflanadi³³.

“Yashil iqtisodiyot” yoki ekologik iqtisodiyotning asosiy maqsadi insoniyatning ekologik muhitiga zarar keltirishni minimallashtirish, ijtimoiy barqarorlikka erishish, iqtisodiy faoliyatning ekologik oqibatlarini va asosiy muhitni himoya qilish tizimini integratsiyalashdir. Shuningdek, u yangi ish o‘rinlarini yaratish, innovatsiyalarni rag‘batlantirish va odamlar hayoti sifatini yaxshilashga qaratilgan.

Dunyo yanada barqaror kelajak sari intilayotgan bir paytda O‘zbekiston global energetika ko‘rsatkichlariga, xususan, yuqori energiya va uglerod intensivligi nuqtai nazaridan javob berishda jiddiy muammolarga duch kelmoqda. Ushbu shartlar mamlakatni tashqi savdo siyosati va uglerod chegaralarini to‘g‘rlash borasidagi sa‘y-harakatlarni zaif holga keltiradi. Biroq, O‘zbekiston global yashil o‘tish jarayonini o‘zlashtirib, atrof-muhit va iqlim siyosatini kuchaytirish orqali bu muammoni imkoniyatga aylantirishi mumkin. Shuningdek, yuqorida keltirib o‘tilgan havoning ifloslanishi yoki tabiatga zarar etkazmaslik uchun daraxtlar sonini ko‘paytirish, tabiiy resurslardan oqilona tejamkorlik bilan foydalanish va tabiatga nisbatan adolatli munosabatda bo‘lish zarur.

Jahon banki O‘zbekistonning yashil va inklyuziv o‘tishni amalga oshirish borasidagi sa‘y-harakatlarini qo‘llab-quvvatlash tarafdori. Atrof-muhitni muhofaza qilish siyosati va islohotlarning to‘g‘ri aralashmasini qabul qilish orqali mamlakat yashil, barqaror va inklyuziv kelajakning mevalarini olishi mumkin. Iqtisodiy o‘tish va rivojlanish uchun ko‘plab imkoniyatlarni taqdim etayotgan global yashil o‘tish davrida O‘zbekiston o‘z kelajagini ta‘minlash uchun barqaror siyosatni qabul qilishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. <https://daryo.uz/2023/01/18/ozbekistonda-yashil-iqtisodiyotni-rivojlantirish-uchun-qanday-mutaxassislar-tayyorlanadi>.
2. <https://www.iqair.com/ru/world-air-quality-ranking>
3. <https://www.journals.uz/wp-content/uploads/2019/07/iqtisod-2019-01/54-60.pdf>
4. https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/uzbekistonda_milliy_yashil_iqtisodiet_taksonomiyasi_joriy_etiladi.

³³https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/uzbekistonda_milliy_yashil_iqtisodiet_taksonomiyasi_joriy_etiladi

EKOLOGIK MADANIYAT, EKOLOGIK TAFAKKUR VA EKOLOGIK BOSHQARUV YASHIL IQTISODIYOTNING RIVOJLANISH OMILI SIFATIDA

H.Aynaqulov, Jizzax Politexnika instituti dotsenti

Mamlakatimizda “Yashil iqtisodiyot sari” ildam harakat qilgan holda chiqindisiz texnologiyani joriy qilishni ta’minlashga qaratilgan ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy sohalarda keng ko‘lamli taraqqiyot sari yuksalishlar, strategiyalar amalga oshirilmoqda. Bunga iqtisodiy asos sifatida iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish hamda xususiylashtirishni rivojlantirish tufayli ko‘p ukladli iqtisodiyot shakllandi va faoliyat ko‘rsatmoqda. Xo‘jalik yurituvchi subyektlar bozor talablari asosida ishlab chiqarishga innovatsion texnologiyalarni keng joriy qilmoqdalar, mavjud ishlab chiqarish fondlari texnik modernizatsiya asosida faoliyat ko‘rsatmoqda. Shunga mutanosib ravishda, ishlab chiqarish tuzilmasi ham diversifikatsiya qilinmoqda. Ushbu toifadagi xo‘jalik yurituvchi subyektlar ishlab chiqarish hajmini oshirish, iste’mol bozorlarini tovar va mahsulotlar bilan to‘ldirish, aholining bandligini ta’minlash bilan birga, xo‘jaliklar daromadining asosiy obyektiga aylanib bormoqda.

Ammo ta’kidlash joizki, ushbu xo‘jalik yurituvchi subyektlarning mahalliyashtirish dasturi doirasidagi yashil iqtisodiyot sari faoliyatlari ancha sust ahvolda, bu esa o‘z navbatida, mahsulot tannarxini oshirib, oqibatda ularning samaradorlik ko‘rsatkichlarini past darajada qoldirmoqda.

Mahalliyashtirish dasturi doirasida ular tabiat bilan o‘zaro muloqotda bo‘ladi, natijada atrof-muhit va jamiyatga o‘zining ta’sirini o‘tkazadi. Shularni inobatga olgan holda ro‘y berib turadigan hodisa bo‘lgan taqchilikning oldini olish maqsadida asosiy vazifalardan biri tabiiy resurslardan, shuningdek, ikkilamchi resurslardan oqilona foydalanish, bu sohadagi ishlar ko‘lamini yanada kengaytirish, ular salohiyati imkoniyatlarini to‘liq izga soluvchi mexanizmlar, yo‘nalishlar va usullarni qidirib topish hamda amaliyotda qo‘lly olish kun tartibiga qo‘yilishi lozim bo‘lgan masalalardan biridir.

Ana shunday yo‘llardan biri – tabiat va inson, tabiat va jamiyat nuqtayi – nazaridan, ekologik ong, qarashlar orqali yashil iqtisodiyot sari yo‘naltirilgan ekologik madaniyatni shakllantirishdir³⁴.

Xo‘jalik amaliyotida avvalom bor, asosiy subyekt bo‘lib inson ishtirok etadi, inson ijtimoiy tizimda asosiy bo‘g‘in, boshqaruv obyekti va subyektidir. Inson o‘z faoliyati bilan tabiatga, jamiyatga va atrof-muhitga ta’sir etsa, u boshqaruv subyektiga aylanadi³⁵. Inson o‘zini-o‘zi, fikrini, xulqini, ishlari va harakatlarini ham boshqaradi. Shu boisdan ham, ongli ravishda amalga oshirilgan faoliyat orqasidan inson madaniyati yuzaga keladi.

Inson o‘zi qachonki qilayotgan ishidan samara ololsa, uni qanoatlantirsagina yuqori madaniyatli nuqtaga yetadi, unda ijobiy tafakkur paydo bo‘ladi.

³⁴ Айнакулов М.А., Худойбердиев Б.Б. Хозяйственные кластеры и их основные направления // Общество. – 2020. – №. 1. – с. 32-36.

³⁵ Abdukhamidovich A.M., Tairovich A.A. Development of Household Activities in Jizakh Region and Its Institutional Fundamentals //JournalNX. – С. 602-606.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Insonlarda tabiatga, jamiyatga va atrof-muhitga nisbatan ijobiy tafakkurning shakllanishida quyidagilar birlamchi hisoblanadi:

- xo‘jalik yuritishning tabiat bilan muloqotsiz bo‘lmasligi va shu boisdan ham betakror tabiatga munosabatning shakllanishi³⁶;

- tabiiy resurslarning tabiat tizimidagi tutgan o‘rni, manbalari, xo‘jalikda foydalanish xususiyatlariga ko‘ra cheklanganligi;

- resurslar cheklanganligi sababli ulardan oqilona foydalanib, mamlakatning betakror tabiatini kelajak avlodlarimiz bo‘lgan farzandlarimizga asl holda qoldirish.

Yuqorida qayd etilgan birlamchi hisoblangan zaruratning insonlar tafakkuridan ijobiy o‘rin olishida, avvalom bor, oilaning, shuningdek, ta’lim muassasalari, fuqarolar o‘zini-o‘zi boshqarish idoralarining keng ishtiroki zarur bo‘ladi.

Atrof-muhit muhofazasi bo‘yicha keyingi bosqich yo‘nalish bu – inson xo‘jalik faoliyatida, ayniqsa, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishda potensial xom ashyo hisoblangan chiqitlar, ya’ni ikkilamchi resurslarning to‘planishi va ulardan foydalanish samaradorligidadir.

Mamlakat o‘zining taraqqiyot strategiyasi yo‘lida o‘zining tabiiy boyliklariga tayanar ekan, tabiiy resurslardan kompleks foydalanish muhim ahamiyatga egadir. Mamlakatning ikkilamchi resurslari tuzilmasida paxta sanoatining, to‘qimachilikning, shu jumladan, maishiy chiqitlarning salmog‘i kattadir. Masalan, bir tonna paxta chiqitlaridan ikki yuz xildan ortiq buyumlar ishlab chiqarish mumkin. Bundan tashqari mineral xom ashyo hisoblangan rudadan olingan po‘lat, temirga nisbatan metall lomlarini qayta ishlash 70 % ga arzonga tushadi va bunda har bir tonna po‘lat hisobiga 1,5 tonna ruda, 0,2 tonna koks moddasi tejiladi, 60 % kam energiya sarflanadi, havoning ifloslanishi 15 % ga, suvning ifloslanishi esa 60 % ga kamayadi³⁷. Materiallardan ikkilamchi foydalanish mamlakat taraqqiyotining kompleks muammolarini yechishga xizmat qiladi, xususan:

- tabiiy boyliklar o‘zlashtirilmagan holatda, asl holicha kelajak avlod vakillariga meros bo‘lib qoladi;

- birlamchi xom ashyo iste’moli kamayadi;

- yer, suv va atmosferaning ifloslanishi kamayib, atrof–muhit muhofazalanadi, ekologik barqarorlik vujudga keladi;

- mehnat resurslarining mehnat shakli o‘zgarib, mehnat unumdorligi o‘sadi, samaradorlik ta’minlanadi;

- mamlakat xalqaro mehnat taqsimotida o‘z mavqeiga ega bo‘ladi.

Ikkilamchi resurslar to‘planishining monitoringini olib borish va uni qayta ishlash maqsadida sanoat hududlarida mazkur yo‘nalishga xizmat qiluvchi bir nechta kichik biznes subyektlarini tashkil qilish maqsadga muvofiqdir. Ularning vazifalariga quyidagilarni kiritish zarur:

- ikkilamchi resurslar shakllanishi va to‘planishining uzoq muddatli bashoratini tarmoqlar va hududlar bo‘yicha ishlab chiqish, hamda muntazam monitoringini olib borish;

³⁶Abdukhamidovich A.M., Abduvaliyevich X.A. Tourist Activity and Its Institutional Fundamentals in Jizak Region // JournalNX. – C. 597-601

³⁷ Abdukhamidovich A.M., Ikromovich A.B. The Concepts of Homeworking, Cooperation and Cluster and Their Interaction // JournalNX. – C. 594-596.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- ikkilamchi resurslarni maxsus belgilangan joylarga to‘plash maqsadida guruhlar tashkil qilish va unga aholining faol qismini jalb qilish;
- ikkilamchi resurslardan oqilona foydalanishning iqtisodiy rag‘batlantirish mexanizmini ishlab chiqish va amaliyotda qo‘llash;
- ikkilamchi resurslarning mamlakat tashqarisiga chiqib ketishining oldini olish.

Mazkur jarayonni yo‘lga qo‘yishda albatta davlat, nodavlat tashkilotlarining, bozor infratuzilmasining hamda jamoat tuzilmalarining beqiyos ko‘magi lozim bo‘ladi.

Bundan tashqari, mamlakatning boy tabiiy resurslar salohiyati sanalgan biologik, rekreatsiya resurslaridan oqilona foydalanish bo‘yicha ham bir qator iqtisodiy rag‘batlantirish mexanizmlarini qo‘llab, ekologik barqarorlikni ta‘minlash va shuningdek, turizm, sport va sog‘lomlashtirish sohalari orqali mamlakatni dunyoga keng tanitish mumkin.

Yuqorida bayon etilganlarni umumlashtirgan holda, shuni aytish mumkinki, bugungi kunda mamlakat tabiiy resurslar salohiyatidan oqilona foydalanish, uni avaylab asrash, uni kelajak avlodlarimiz bo‘lgan farzandlarimizga asl holicha yetkazish orqali tabiat musaffoligini saqlash, mamlakatda amalga oshirilayotgan taraqqiyot sari harakatlar strategiaysining tarkibiy qismi hisoblanadi. Zero, buni aynan ushbu maqsadda tashkil qilingan O‘zbekiston ekologik harakatining faoliyatida va uning o‘z oldidagi dasturiy vazifalarida ham ko‘rish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Айнакулов М. А., Худойбердиев Б. Б. Хозяйственные кластеры и их основные направления // Общество. – 2020. – №. 1. – с. 32-36.
2. Abdukhamidovich A. M., Tairovich A. A. Development of Household Activities in Jizakh Region and Its Institutional Fundamentals //JournalNX. – С. 602-606.
3. Abdukhamidovich A.M., Abduvaliyevich X.A. Tourist Activity and Its Institutional Fundamentals in Jizak Region // JournalNX. – С. 597-601.
4. Abdukhamidovich A.M., Ikromovich A.B. The Concepts of Homeworking, Cooperation and Cluster and Their Interaction // JournalNX. – С. 594-596.

**СРАВНЕНИЕ ТРАДИЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ, ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ
ЭКОНОМИКИ И ТРАДИЦИОННОЙ ЭКОЛОГИИ**

**Х.Асатуллаев, профессор Ташкентского государственного
экономического университета**

**А.Маматов, профессор Ташкентского государственного экономического
университета**

В неоклассической экономике внешние эффекты считаются второстепенной проблемой или проблемой, из-за которой не стоит беспокоиться. В отличие от этого, экономика окружающей среды учитывает внешние эффекты или, по словам Като М.: стремиться «вернуть эти отрицательные последствия в рамки дисциплины»³⁸. Однако, как уже

³⁸ Cato, M. (2009) Green Economics: An Introduction to Theory, Policy and Practice. Sterling, Va.: Earth Scan Publications Ltd. p. 6.

указывалось, научная неопределенность и трудность для определения ценности природных ресурсов, основанной на теневых ценах, остаются в экологической экономике.

Еще одной важной областью зеленой экономики является оценка природных ресурсов. Зеленая экономика предполагает, что не только человеческая деятельность имеет денежную ценность, но и природные ресурсы. Услуги, предоставляемые природой, не должны быть бесплатны. Если страховые компании или суды могут оценить человеческую жизнь, было бы также справедливо оценить, например, стоимость исчезновения белых китов в морской экосистеме. Хотя некоторые ученые считают, что мы должны действовать по моральным принципам, но дело в том, что моральные принципы слабее капитализма. Мы должны снова обратиться к Хавкен П., который указал на правильное положение дел: «пока не мы не сможем найти правильного способа для оценки леса или рек, все остальное - неправильный путь, который не придает этому никакой ценности»³⁹.

В этом отношении, наиболее известна статья, опубликованная Контанза Р. в которой сделан вывод, что 17 услуг экосистемы для 16 биомов имеют экономическую ценность⁴⁰. Минимальная оценка составляла 16-54 трлн долл. США в год (в среднем 33 трлн долл. США в год) при условии, что общий глобальный валовой национальный продукт составляет в год около 18 трлн долл. США. Однако зеленая экономика достаточно осторожно относится к механизму оценки природных ресурсов, поскольку в нем существует высокая степень научной неопределенности. Контанза Р., Дали Н. заявляют, что: «Сравнение немонетизированных значений друг с другом и с монетизированными значениями очень затруднено (...), но, как писал Альберт Эйнштейн, «законы математики, насколько они относятся к реальности, не являются определенными, и как они уверены, не относятся к действительности»⁴¹. Таким образом, неопределенность количественного характера должна рассматриваться как часть рисков, присущих любому решению, и не препятствовать процессу оценки природных ресурсов.

Однако оценка природных ресурсов не только ограничивается зеленой экономикой, но и широко используется в экономике окружающей среды и используется на регулярной основе. В этом отношении знаменитую «Концепцию зеленой экономики», в которой оценка природных ресурсов играет центральную роль, можно резюмировать в одной строке: «Важным принципом является то, что ресурсы и окружающая среда служат экономическим функциям и имеют положительную экономическую ценность⁴²». Различия между разнообразными областями исследований, кратко изложены в табл. 1.

³⁹ Hawken, P. (1993) *The Ecology of Commerce. a Declaration of Sustainability*. New York: Harper Business

⁴⁰ Costanza, R. et al. (1997), *The value of the world's ecosystem services and natural capital*, *Nature Journal of Science* 387, 253-260 (15 May 1997), p. 1.

⁴¹ Hawken, P., Lovins, A., and Lovins, L. H. (1999) *Natural Capitalism: Creating the Next Industrial Revolution*, Snowmass, CO: Rocky Mountain Institute.

⁴² Pearce, D., Markandya, A., Barbier, E. (1989) *Blueprint for a Green Economy*. London: Earth Scan Publications Ltd, p. 5.

Сравнение традиционной экономики, экологической экономики и традиционной экологии

	Традиционная экономика	Экология	Экологическая экономика
Мировоззрение	Механистическое, Статическое, атомистическое	Эволюционное, атомистическое	Динамическое, системное эволюционное
сущность	Полезность (только для людей), дефицит, рынок	Эволюция разновидностей	Этика, предельная полезность (распределение) экологическая устойчивость
Временной период	Краткосрочный (до 50лет)	От дней до тысячелетий (Эры)	Дни-эры многомасштабный синтез
Пространственный интервал	От местных к международным	От местных к региональным	От местных до глобальных
Структура разновидностей	Только люди	За исключением людей	Экосистемы включая людей
макроцель	Рост национальной экономики	Выживание видов	Устойчивость эколого-экономической системы
Микроцель	Максимизация при-были (компании) максимальная полезность (индивидуальная)	Максимальный репродуктивный успех	Корректируется с учетом целей системы
Представление о техническом прогрессе	Оптимистичное	Пессимистичное	Разумно скептическое
Академическая позиция	Дисциплинарная	Дисциплинарная	Междисциплинарная
Вид системы	открытая	Закрытая	Закрытая (зеленая экономика), открытая (экономика окружающей среды)
Технологии	Решение проблем дефицита ресурсов	Нет проблемы, связанной с дефицитом ресурсов	Проблемы, связанные с дефицитом ресурсов
Затрагиваемые поколения	нынешнее	Будущие (выживание видов)	Нынешнее и будущие
принципы	Эффективность, рациональность, максимизация полезности и прибыли, экономический рост	Сохранение, независимость, выживание	Обеспечение текущего (современного) и межпоколенного капитала

Другими словами, как пишет Ван ден Берг Ж. экологическая экономика

поддерживает ограничения роста, определенные биофизическим миром, и поэтому стремится использовать биофизические единицы и показатели для проведения экономического анализа⁴³. Следовательно, экономическое планирование и анализ всегда должны выполняться с учетом параметров биосферы, поскольку, как утверждает Асафу-Адае Ж. зеленая экономика может быть определена как школа мысли, которая исследует взаимосвязь между экономикой и природой, в которой люди рассматриваются как часть большего целого⁴⁴.

- Большая часть ученых занималась такими ограничениями, в частности, Рокстром Ж. доказавший⁴⁵, что есть несколько доказательств ограничений влияния человека на способности Земли, а именно:

- выделение биомассы человека - согласно расчетам Витоесек Р.М.эт ал. (1986)⁴ и др., до настоящего времени, человеческая экономика адаптировала около 40% чистого первичного продукта наземного фотосинтеза;

- изменение климата. Пятый доклад МГИК по оценке⁵. Повышение температуры атмосферы и океанической системы однозначно, и повышение уровня моря также беспрецедентно. По данным NASA⁶, наблюдается увеличение глобальной температуры +1,7 градуса по Цельсию, начиная с 1880 года;

- озоновая дыра. Антарктическая озоновая дыра была обнаружена в 1985 году британскими учеными Фарманом, Гардинером и Шанклином. Существует истощение озонового слоя и в Арктике и Тибете. По данным NASA текущее состояние в 2016 году, оценивается около 8,9 млн квадратных миль;

- деградация земель. По данным Министерства сельского хозяйства США, «Производительность некоторых земель снизилась на 50%, из-за эрозии почв и опустынивания. Снижение урожайности в Африке, из-за прошлой эрозии почвы, может составлять от 2 до 40%, при этом средняя потеря составляет 8,2% для континента. В Южной Азии ежегодные потери производительности оцениваются в 36 млн тонн в зерновом эквиваленте, на сумму 400 млн долл. США, это происходит из-за водной эрозии и 1,800 млн долл. США из-за ветровой эрозии. По оценкам, общая ежегодная стоимость эрозии сельского хозяйства в США составляет около 44 млрд долл. США в год, то есть около 247 долл. США на гектар пахотных земель и пастбищ. В глобальном масштабе, ежегодный убыток в 75 млрд тонн земли стоит в мире около 400 миллиардов долларов США в год, или примерно 70 долл. США на человека, в год»;

- потеря биоразнообразия. Согласно МСОПЗ, 1 из 8 птиц, 1 из 4 млекопитающих, 1 из 4 хвойных, 1 из 3 амфибий и 6 из 7 морских черепах

⁴³ Van den Bergh, J. (2001) Ecological economics: themes, approaches, and differences with environmental economics. In: Regional Environmental Change, vol. 2, pp. 13-23.

⁴⁴ Asafu-Adaye, J. (2005) Environmental Economics for Non-Economists. Techniques and Policies for Sustainable Development. Hackensack, N.J.: World Scientific Publishing.

⁴⁵ Rockström, J. et al. (2009) A safe operating space for humanity. Nature 461/7263: 472.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

находятся под угрозой исчезновения. 75% генетического разнообразия сельскохозяйственных культур утрачено, а 75% мирового рыболовства полностью или чрезмерно эксплуатируется.

Деградация океана: согласно НАСА, уровень моря повышается на 3,4 мм в год. Кроме того, согласно NOAA в 2014 году, гипоксия - нехватка кислорода в океане - стала покрывать более 5000 квадратных миль морского дна из-за техногенных загрязнителей, которые достигают океана: они включают пестициды, гербициды, химические удобрения, моющие средства, масло, сточные воды, пластмассы и другие твердые вещества.

Экономическая система, которая поощряла чрезмерную эксплуатацию природных ресурсов и производство отходов, подвергается полной реорганизации. Это переломный момент, для того чтобы следующая экономическая система не повторяла ошибок чрезмерной эксплуатации и загрязнения». Тем не менее, в настоящий момент зеленая экономика является антропоцентрической и «экономичной», в последнем - преобладании экономики над экологией. Таким образом, зеленая экономика в настоящее время находится под эгидой экономики окружающей среды.

“ZIYNATKOR” KTXF NING YASHIL IQTISODIYOT SARI ODIMLARI

B.Gapparov, Jizzax politexnika instituti katta o‘qituvchisi

M.Rahmonov, Jizzax politexnika instituti talabasi

Faol sanoat rivojlanishi va ishlab chiqarish hajmi ortib borayotgan davrda chiqindilarni ikkilamchi foydalanish yoki qayta ishlash masalasi tobora dolzarb bo‘lib bormoqda. Jizzax shahridagi qurilish materiallari ishlab chiqarishga ixtisoslashgan “Ziynatkor” ko‘p tarmoqli korxonasida yozgi amaliyot o‘tash davri menga ishlab chiqarish jarayonida ikkilamchi resurslarni shakllantirish bilan bog‘liq muammolar bilan bevosita tanishish imkonini berdi. Asosiy ishlab chiqarishga qo‘shimcha ravishda, korxonada temir, shisha, plastmassa, beton va yog‘och kabi katta miqdordagi mumtoz chiqindilarga duch keladi, ular qayta ishlash potentsialiga qaramay, ko‘pincha mazkur jarayonga mas‘uliyatsiz qaraladi. Bu tajriba meni “Ziyanatkor” korxonasida ikkilamchi resurslardan foydalanishni optimallashtirish orqali yashil iqtisodiyotga o‘tish yo‘llarini topishga bag‘ishlangan maqola yozishga turtki bo‘ldi.

Avvalo, ikkilamchi resurslardan foydalanishning tahliliy asosini amalga oshirish uchun qaysi ishlab chiqarish chiqindilari qayta ishlanishi va qayta ishlatilishi mumkinligini tushunish muhimdir. Buning uchun biz mavjud ma‘lumotlarni tartibga solishga va yechimlarni taklif qilishga yordam beradigan jadval yaratamiz (1-jadval).

Jadval ma‘lumotlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, chiqindilarning kengaytirilgan ro‘yxati va ularni qayta ishlash yo‘llari “Ziynatkor” KTXF da yanada barqaror va tejamkor ishlab chiqarish sikllarini yaratish imkoniyatlarini ta‘kidlaydi, xususan:

-temir va yog‘och chiqindilaridan ikkilamchi foydalanish amaliyoti korxonada allaqachon buyon mavjud. Ushbu materiallarni qayta ishlash xom ashyo xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirishi va yangi resurslarni qazib olish natijasida atrof-

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

muhitga yetkazilgan zararni kamaytirishi mumkin⁴⁶;

-plastik chiqindilarni yangi plastik mahsulotlariga aylantirishga qaratilgan yoki qadoqlash asosida samarali qayta ishlash mumkin. Bu yangi avlod plastmassa ishlab chiqarishga bo‘lgan ehtiyojni kamaytiradi, bu esa o‘z navbatida neft va gaz sarfini kamaytiradi va shu bilan birgalikda plastik chiqindilarni kamaytiradi;

-shisha chiqindilari osongina eritiladi va yangi shisha buyumlar ishlab chiqarish uchun ishlatilishi mumkin. Shishani qayta eritish sof va toza materiallardan ishlab chiqarishga qaraganda kamroq energiya talab qiladi, bu energiya sarfini va uglerod chiqindilarini kamaytirishga yordam beradi;

1-jadval

“Ziynatkor” KTXF da yashil iqtisodiyot sari odimlash ko‘rsatkichlari

t.r	Chiqindi turlari	Chiqindilardan ikkilamchi foydalanish yo‘nalishlari	Qayta ishlash usullari va mexanizmlari
1.	Temir parchalari	Metall konstruksiyalarni ishlab chiqarish	Yig‘ish, saralash, eritish
2.	Yog‘och chiqindilari	KQY (DSP), bioyoqilg‘i ishlab chiqarish	Maydalash, zichlash, issiqlik bilan ishlov berish
3.	Plastik chiqindilar	Plastmassa mahsulotlarini ishlab chiqarish, qadoqlash.	Yig‘ish, saralash, qayta ishlash (maydalash, yamash)
4.	Shisha chiqindilari	Shisha, himoyalovchi materiallar ishlab chiqarish	Yig‘ish, tozalash, eritish
5.	Beton chiqindilari	Yo‘l qurilishi, blok ishlab chiqarish	Maydalash, saralash, qayta ishlatish
6.	To‘qimachilik chiqindilari	To‘qimagan materiallar, himoyalovchi materiallar ishlab chiqarish,	Yig‘ish, saralash, qayta ishlash (maydalash, zichlash)

-chiqindilarni betondan yo‘l qurilishida yoki qurilish bloklarini ishlab chiqarishda foydalanish mumkin, bu yangi materiallarga bo‘lgan ehtiyojni kamaytiradi va chiqindixonalarda chiqindilarni kamaytirishga yordam beradi;

-chiqindilari hajmini kamaytiradi, balki sanoat va qurilish uchun muqobil, ekologik toza materiallar yaratadi⁴⁷.

-to‘qimachilik chiqindilari to‘qimagan materiallar yoki himoyalovchi materiallar ishlab chiqarishda ishlatilishi mumkin, bu nafaqat to‘qimachilik amalga oshirish nafaqat atrof-muhitga ta’sirni kamaytirishga yordam beradi, balki xom ashyo xarajatlarini kamaytirish va qayta ishlangan mahsulotlar.

Ushbu tahlil “Ziynatkor” kabi korxonalarda chiqindilarni boshqarishga kompleks yondashuv muhimligini ko‘rsatadi. Qayta ishlash strategiyalarini uchun yangi bozorlarni ochish kabi biznes uchun yangi iqtisodiy imkoniyatlarni ochib beradi.

⁴⁶ Жуланов И. О. и др. Актуальные проблемы окружающей среды и возможные пути их решения // Арктика: современные подходы к производственной и экологической безопасности в нефтегазовом секторе. – 2020. – С. 94-100.

⁴⁷ Гаппаров Б.Н. Взгляды восточных мыслителей на семью и семейное воспитание // Экономика и социум. – 2022. – №. 2-1 (93). – С. 264-270.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Ushbu strategiyalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun asosiy qadamlar sifatida quyidagi fikrlarni bidirish mumkin:

-chiqindilar potentsialini baholash nuqtayi nazaridan korxonada chiqindilarning qanday turlari va hajmlari hosil bo‘lish monitoringini yuritish uchun chiqindilar auditini o‘tkazish kerak;

-qayta ishlash texnologiyalarini ishlab chiqish bo‘yicha chiqindilarni yangi mahsulotlarga samarali qayta ishlash imkonini beruvchi texnologiyalarni tadqiq qilish va joriy etish;

-qayta ishlangan mahsulotlarni sotish uchun bozorlarni topish strategiyalarini aniqlash va ishlab chiqish;

-xodimlar va hamkorlarning qayta ishlash muhimligi haqida xabardorligini oshirish uchun dasturlarni ishlab chiqish va ularning ushbu jarayonlarda ishtirok etishi uchun rag‘batlantirishni yaratish.

Bu borada qayd qilish mumkinki, “Ziynatkor” KTXF da qayta ishlash tashabbuslari yashil iqtisodiyot maqsadlariga erishish yo‘lidagi muhim qadam bo‘lib, hatto mahalliy ishlab chiqarishda ham ekologik barqaror amaliyotga sezilarli o‘tish mumkinligini ko‘rsatishi mumkin.

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash joizki, yashil iqtisodiyotga intilish sharoitida “Ziynatkor” ko‘p tarmoqli korxonasining tajribasi chiqindilarni qayta ishlash amaliyotini joriy etishning ahamiyati va maqsadga muvofiqligini ko‘rsatmoqda. Bu nafaqat sanoat faoliyatining atrof-muhitga ta’sirini kamaytirishga yordam beradi, balki iqtisodiy o‘sish va barqaror ishlab chiqarishni rivojlantirish uchun yangi istiqbollarni ochadi. Ushbu tavsiya etilayotgan innovatsion yo‘nalishlar “Ziynatkor” KTXF misolida atrof-muhitga salbiy ta’sirini kamaytirish va yashil iqtisodiyot tamoyillariga o‘tishga intilayotgan boshqa korxonalar uchun ilhom manbai bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Жуланов И.О. и др. Актуальные проблемы окружающей среды и возможные пути их решения //Арктика: современные подходы к производственной и экологической безопасности в нефтегазовом секторе. – 2020. – С. 94-100.

2. Гаппаров Б.Н. Взгляды восточных мыслителей на семью и семейное воспитание // Экономика и социум. – 2022. – №. 2-1 (93). – С. 264-270.

«ЯШИЛ» ЛОЙИХАЛАР ТАКСОНОМИЯСИГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Э.Носиров, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Дунё миқёсида турли тахдид ва хавфлар тобора кучайиб бораётган ҳамда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ноаниқликлар шароитида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан илгари сурилган барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни амалга ошириш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда кўпчилик давлатлар ҳукуматлари сайёра миқёсида ресурслар чекланганлигини ҳисобга олиб, ўз мамлакатлари учун табиий ресурслар билан

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларини қидирар экан, «яшил» иқтисодиётга ўтишни миллий сиёсат ва халқаро ҳамкорликни ривожлантирувчи «катализатор» сифатида қарамоқда ҳамда барқарор ривожланишга ёрдам берувчи энг мақбул бўлган восита сифатида эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда «яшил» иқтисодий ўсиш концепциясини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ривожланишнинг ҳозирги босқичига бевосита тааллуқли бўлган бир қатор муаммолар юзага чиқмоқда. Хусусан, миллий бозорда фаолият юритувчи иқтисодиёт субъектлари ўз фаолиятларида ижтимоий ва экологик масъулиятли ёндошувлар механизмини қўллаш юзасидан турли хил усуллардан фойдаланмоқда. Баъзи хўжалик субъектлари мустақил равишда масъулиятли жавобгарлик тизими ва механизми юзасидан ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Бошқа хўжалик субъектлари эса, асосий эътиборни атроф-муҳит, жамият ва корпоратив бошқарув, яъни «ESG» тамойилларига қаратган ҳолда глобал халқаро ташкилотларга аъзо бўлишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан биргаликда, яқин вақтгача мамлакатимизда иқтисодиёт субъектлари томонидан киритилаётган инвестицияларнинг «яшил» мезонларга мувофиқлигини назорат қилиш тартиби йўлга қўйилмаган эди. Мамлакатимиз Хукумати томонидан 2023 йилнинг 25 октябрида қабул қилинган 561-сонли қарори юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги 561-сонли қарори билан мамлакатимизда «яшил» инфратузилмаларни яратишга хусусий капитални фаол жалб этиш, «яшил» иқтисодиётнинг асоси ҳисобланган соҳа ва тармоқларни молиявий таъминлашни қўллаб-қувватлаш ҳамда «яшил» турдаги фаолиятни таснифлаш мезонларини жорий этиш мақсадида Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси тасдиқланди⁴⁸.

Мазкур қарорга мувофиқ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясини жорий этиш ва мувофиқлаштириш бўйича масъул ижро этувчи орган сифатида белгиланди. Шунингдек, 2024 йилнинг 1 октябрига қадар «яшил» облигациялар ва кредитлар, шунингдек, бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилдиган «яшил» турдаги лойиҳаларни таснифлаш тажриба тариқасида Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси орқали амалга оширилиши белгиланди ҳамда субсидиялар, грантлар, кредит линиялари, кафолатлар ва бошқа турдаги давлат молиявий кўмагидан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари, шу билан биргаликда, хусусий ва давлат иштирокидаги хўжалик субъектларининг инвестиция харажатлари Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси асосида таснифланиши ҳамда улар томонидан масъул республика ижро этувчи

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги «Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 561-сонли Қарори

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

органига маълумотлар тақдим этиш тартиби жорий этилди.

Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси 7 та тоифадаги йўналишдан иборат бўлиб, улар сув ва хомашёлардан фойдаланиш самарадорлиги, ҳаво ва тупроқ сифатини яхшилаш, барқарор қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, экотуризм, яшил транспорт, энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия ва яшил биноларни ўз ичига олган. Ўз навбатида, мазкур 7 та тоифадаги йўналишлар хусусиятига кўра бўлимларга ажратилган (1-расм).

1. Сув ва хомашёлардан фойдаланиш самарадорлиги <ul style="list-style-type: none">• Сувни тежаш• Чикиндилар ва чикинди сувлардан самарали фойдаланиш• Ресурсларни тежаш ва тиклаш
2. Ҳаво ва тупроқ сифатини яхшилаш <ul style="list-style-type: none">• Ҳаво сифати• Тупроқ ифлосланишини олдини олиш
3. Барқарор қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, экотуризм <ul style="list-style-type: none">• Барқарор қишлоқ хўжалиги• Ўрмонларни барқарор бошқариш ва биологик хилма-хиллик ва экотизимларни сақлаш• Барқарор туризм
4. Яшил транспорт <ul style="list-style-type: none">• Кам углеодли транспорт воситалари• Кам углеодли ташиш ва юк ташиш• Яшил транспорт инфратузилмаси
5. Энергия самарадорлигини ошириш <ul style="list-style-type: none">• Мавжуд ва қурилаётган sanoat объектларида энергия самарадорлигини ошириш• Бюджет ва коммунал соҳада энергия самарадорлигини ошириш• Энергияни тежайдиган бино ва иншоотлар
6. Қайта тикланувчи энергия <ul style="list-style-type: none">• Шамол• Қуёш• Бошқалар• Геотермал• Гидро• Биоэнергия• Қайта тикланадиган энергия учун таъминот занжири ва қўллаб-қувватловчи инфратузилма• Водород ишлаб чиқариш
7. Яшил бинолар <ul style="list-style-type: none">• Яшил бинолар• Ҳамроҳ тизимлар ва қурилиш материаллари• Яшил инфратузилма

1-расм. Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси йўналишлари⁴⁹

Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси жаҳон амалиётида «яшил» облигацияларни халқаро капитал бозорига чиқариш ва халқаро реестрга киритиш учун Капитал бозорлари халқаро Ассоциацияси (ICMA-The International Capital Market Association) ва Иқлим облигациялари ташаббуси (CBI - Climate Bond Initiative) талабларига мос келишини қайд этиб ўтиш жоиздир.

«Яшил» лойиҳаларни тартибга солишнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида таксономияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳисобланади. «Яшил» лойиҳалар таксономияси барқарор ривожланишга ҳисса қўшадиган иқтисодий фаолият турлари, лойиҳалар тоифалари ва активлар таснифланишини тизимли аниқлашга хизмат қилади. Кўп ҳолларда миллий таксономиялар маълум бир мамлакат иқтисодиёти хусусиятларини ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳаракатларининг устувор йўналишларини акс эттиради.

Агар эътиборимизни Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистонда таксономияни қабул қилиш ва амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишларига

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги «Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 561-сонли қарори асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

каратадиган бўлсак, улар турли босқичда эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистонда «яшил» лойиҳалар таксономияси 2023 йилнинг 25 октябрида қабул қилинган бўлса, Қозоғистон ва Россияда миллий таксономиялар 2021 йилда қабул қилинган ва улар кейинги тартибга солувчи ҳаракатлар учун асос сифатида хизмат қилмоқда. Россия Федерацияси барқарор ривожланиш, хусусан «яшил» молиялаштириш воситаларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини яратиш борасида МДҲ давлатлари орасида етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2021 йил 21 сентябрдаги 1587-сонли қарори билан барқарор ривожланиш лойиҳалари учун сифат ва миқдорий мезонлар ҳамда бундай лойиҳаларни текшириш тизимига қўйилган талаблар батафсил белгилаб берилди⁵⁰.

Қозоғистонда қабул қилинган «яшил» лойиҳалар таксономияси шунингдек кўрсатадики, у «яшил» облигациялар ва «яшил» кредитлардан таркиб топган «яшил» молиялаштириш борасидаги миллий сиёсат ва стратегияни шакллантиришга қаратилган⁵¹.

Қуйида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан шунингдек кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россияда қабул қилинган «яшил» лойиҳалар таксономияси йўналишлари бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлиб, улар фақат сон жиҳатдан фарқ қилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия давлатларида «яшил» лойиҳалар таксономияси⁵²

Ўзбекистон	Қозоғистон	Россия
Сув ва хомашёлардан фойдаланиш самарадорлиги	1. Сув ва чиқиндиларни барқарор ишлатиш	1. Чиқиндилар билан ишлаш
Ҳаво ва тупроқ сифатини яхшилаш	2. Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва назорат қилиш	2. Сув таъминоти ва канализация
Барқарор қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, экотуризм	3. Яшил бинолар	3. Қурилиш
Яшил транспорт	4. Тоза транспорт	4. Транспорт
Энергия самарадорликни ошириш	5. Энергия самарадорлик	5. Энергетика
Қайта тикланувчи энергия	6. Барқарор қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, ердан фойдаланиш, биохилма-хиллик ва экотуризм	6. Саноат
Яшил бинолар		7. Қишлоқ хўжалиги Таббий ландшафтлар

⁵⁰ Постановление Правительства РФ от 21.09.2021г. №1587 (ред. от 11.03.2023) «Об утверждении критериев проектов устойчивого (в том числе зеленого) развития в Российской Федерации и требований к системе верификации инструментов финансирования устойчивого развития в Российской Федерации» URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_396203/

⁵¹ Постановление Правительства Республики Казахстан от 31 декабря 2021 года № 996 «Об утверждении классификации (таксономии) «зеленых» проектов, подлежащих финансированию через «зеленые» облигации и «зеленые» кредиты». <https://online.zakon.kz/Document/?doc>

⁵² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги 561-сонли, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2021 йил 21 сентябрдаги 1587-сонли ва Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 декабрдаги 996-сонли қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

«Яшил» лойиҳалар таксономиясини амалда қўллаш жуда муҳим ҳисобланиб, у инвесторлар учун қуйидаги имкониятларни тақдим этади. Хусусан:

- инвестиция фондлари учун «яшил» белгига асосланган фаолиятга инвестиция киритишга ёрдам беради ва инвесторлар учун шаффофликни оширади;

- «яшил» инвестицияларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади ҳамда инвесторлар учун «яшил» ёки «жигарранг» инвестицияларни амалга ошириш юзасидан танлаш имконини юзага келтиради;

- ҳукумат, тижорат банклари, биржалар ва бошқаларни жалб қилиш орқали манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда «яшил» иқтисодиётга ўтишни ривожлантириш мақсадида махсус жамғармани ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жамғармага ички ва ташқи манбаларни, хусусан, давлат маблағлари, хусусий бизнес, институционал инвесторлар, халқаро молия институтлари ва бошқа маблағ билан таъминловчи ташкилотлар маблағларини жалб қилиш мумкин. Жамғарма маблағларини Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясида белгиланган йўналишлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришга сафарбар қилиниши республикамизнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши ва «яшил» ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

YASHIL IQTISODIYOT NENEJMENTI: MUAMMO VA YECHIMLAR

A.Isanov, Jizzax politexnika instituti assistenti

Yashil iqtisodiyot tizimi menejmenti - bu ekologik barqarorlikni saqlab qolish maqsadida ularni tartibga solish uchun amalga oshiriladigan tadbirlar, sa'y-harakatlar majmuasidir. Yashil iqtisodiyot tizimi bo'yicha menejmentning asosiy maqsadi ekologik xavfsiz va barqaror rivojlanishni ta'minlashdir.

Yashil iqtisodiyot tizimi bo'yicha menejment tizimining tavsifi, birinchi navbatda, qo'yilgan maqsad bilan belgilanib, u aniq hududlarning ta'rifiga bog'liq. Bu esa yashil iqtisodiyot bo'yicha tizimni mintaqalashtirishni talab qiladi. Shuningdek, yashil iqtisodiyot bo'yicha menejment tizimi uning uslublariga ham bog'liq bo'lib, ular esa axborot va me'yoriy– huquqiy ta'minot jarayoni bilan belgilanadi.

Yashil iqtisodiyot tizimi bo'yicha menejment tizimini tashkil etish quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- ekologik siyosatning shakllanishi;
- ekologik siyosatning maqsad va vazifalarini aniqlashtirish, ustivor yo'nalishlarni belgilash;
- yashil iqtisodiyot tizimi bo'yicha strategiyani ishlab chiqish;
- menejment uslublarini tanlash;
- yashil iqtisodiyot tizimi menejmenti bo'yicha axborot va me'yoriy-huquqiy ta'minlashni barpo etish⁵³;

⁵³ Mahkamovich S.A., Parmanovich I.A. Korxonada faoliyati samaradorligini ta'minlashda transformatsiyalashning

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- yashil iqtisodiyot menejmenti uchun alohida institutsional infratuzilmani barpo etish;

Shuni alohida qayd etish lozimki, yashil iqtisodiyot bo'yicha menejment tizimi ekologiya yoki atrof-muhit jarayonlarini emas, balki ma'lum hududlarning tabiiy tizimlarga munosabat bildirayotgan odamlarning sa'y-harakatlarini va faoliyatini boshqarishni bildiradi.

Ekologik siyosat-atrof, tabiiy muhitga nisbatan amalga oshiriladigan siyosat bo'lib, u ekologiya maqsadlarini amalga oshirishga yo'naltirilgan bo'ladi.

Ekologik siyosatning iyerarxiyasi bo'yicha quyidagi to'rtta darajadan tarkib topadi:

- xalqaro global ekosiyosat; -mintaqaviy (makro darajadagi) ekosiyosat (Yevropa, O'rta yer dengizi, Dunay havzasi, Markaziy Osiyo va boshqalar); -milliy (Davlatlar) ekosiyosati (ayrim mamlakatlar bo'yicha); -lokal ekosiyosat (davlatlar hududidagi iqtisodiy rayonlar, daryo havzalari, siyosiy ma'muriy birliklar bo'yicha): mintaqaviy va mahalliy ekosiyosatni ham o'z ichiga oladi.

O'zbekiston ekosiyosati mamlakat bo'yicha so'ngra esa viloyatlar va tumanlar bo'yicha ularning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olib ushbu sohada ustivor yo'nalishlarni belgilaydi. Bu siyosat hududlar va mintaqalarning geografik va ekologik-iqtisodiy xususiyatlarini hisobga olgan holda ishlab chiqiladi va ular quyidagilarni har tomonlama hisobga oladi:

- mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish muammosini hal etishda aniq mintaq va hududlarining ekologik va tabiiy-geografik xususiyatlarini hisobga olish;
- aholining genetik salomatligini asrash;
- mamlakatlarning tabiiy resurs potentsialidan kompleks foydalanish;
- bio xilma-xillikni asrash va saqlash. Hozirgi kunda 40 dan ortiq ekosiyosat dastaglari bor. Ulur fiskal va fiskal bo'lmagan turlarga bo'linadi.

Fiskal bo'lmagan dastaglarga, masalan, tabiat muhofazasini huquqiy ta'minlash; ekologik me'yorlashtirish, ekologik ta'lim va boshqalar kiradi. Fiskal dastaglar (ya'ni moliya bilan bevosita bog'langan) ikki turga bo'linadi:

- davlat daromadlari bilan bog'langan (tabiatdan foydalanishni litsenziyalash, soliqlar); -davlat xarajatlari bilan bog'langan (maqsadi tabiatdan foydalanish investitsiyalarni, ilmiy tadqiqot ishlarining ekologik yo'nalishlarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash), davlat tomonidan tabiat muhofazasi tadbirlarini, ekologik dasturlarni moliyalash).

O'zbekistonda davlat ekosiyosatini amalga oshirishning eng muhim mexanizmlari turlari bo'yicha ma'muriy iqtisodiy, axborot kabilarga bo'linadi.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarishga davlat hokimiyatining barcha bo'g'inlari, qonun chiqaruvchi, ijro, hattoki, sud hokimiyati ham bevosita aloqadordirlar. Ularning har biri o'z funktsiyalarini bajarishi va yashil iqtisodiyotni boshqarish bo'yicha maxsus bo'limlarga ega bo'lishi lozim.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish bo'yicha qonun chiqaruvchi hokimiyat kompetentsiyasiga quyidagilar kirishi lozim:

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- davlat ekologik siyosatining asosiy yo‘nalishini belgilash⁵⁴;
- respublika ekologik dasturlarini tasqidlash;
- tabiiy muxitini boshqarish sohasida faoliyat ko‘rsatuvchi organlarni faoliyatini tashkil etish,
- tabiiy resurslardan foydalanish, ekologik xavfsizlikni ta‘minlash tartibini belgilash, favqulotda ekologik vaziyat va ekologik falokat zonalarining huquqiy rejimini ta‘minlash va boshqalar.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish bo‘yicha ijro xokimiyat kompetentsiyasiga davlat ekologik siyosatini amalga oshirish, ekologik dasturlarni ishlab chiqish va amalga oshirish, tabiat muhofazasi bo‘yicha vazirliklar va muassasalar faoliyatini muvofiqlashtirish, tabiiy muxitga ta‘sir ko‘rsatishning ekologik me‘yorlarini tasdiqlash, tabiatdan foydalanish to‘lovlari tartibini belgilash, alohida muhofaza qilinadigan hududlarni tashkil etish masalalari, ekologik ta‘lim va boshqalar kiradi.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish bo‘yicha ijro hokimiyat tarkibiga tabiat muhofazasi funktsiyasini bajaruvchi va tabiatdan foydalanuvchi quyidagi bo‘linmalar kiradi. Yer resurslari va yer tuzish qo‘mitasi, o‘rmon xo‘jaligi qo‘mitasi, gidrometeorologiya va atrof- muxit monitoringi xizmati, geologiya qo‘mitasi, baliqchilik qo‘mitasi va boshqalar.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish bo‘yicha tabiat muhofazasi bo‘yicha maxsus vakolatli asosiy organlariga tabiat kompetentsiyasiga quyidagilar kiradi:

- tabiat muhofazasi sohasidagi davlat siyosatini amalga oshirish;
- ekologik xavfsizlik biologik xilma-xillikni asrashni ta‘minlash;
- tarmoqlararo muvofiqlashtirish, ekologik nazorat, davlat ekologik ekspertizasi; o‘z ixtiyoridagi davlat qo‘riqxonalari va boshqa alohida muhofaza qilinadigan hududlarni boshqarish.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish tuzilmasida ekologik prokuratura, maxsus ixtisoslashgan ichki ishlar bo‘linmalari, sud hokimiyati bevosita ishtirok etishi lozim.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish bo‘yicha ma‘muriy tartibga solish qator boshqarish uslublarini qamrab oladi va ular qatoriga quyidagilar kiradi:

- atrof-muxit sifati standarti; -tabiiy muxitga ta‘sir ko‘rsatish standarti; - to‘g‘ridan-to‘g‘ri taqiqlash; -texnologik standartlar, mahsulot sifati standarti; - ekologik sertifikatlar, ruxsatnoma va litsenziyalar.

Yashil iqtisodiyot tizimini barpo etish jarayonida texnologik standartlar texnologiya va tozalashga ma‘lum talablar qo‘yiladi. Mahsulot sifatini standarti tayyor mahsulotlar sifatini talablarni belgilaydi⁵⁵.

O‘zbekiston Respublikasida tabiiy muxit holatini kuzatish va nazorat qilishning yagona tizimi tashkil etilgan bo‘lib, u quyidagilarni o‘z ichiga olishi tavsiya etiladi.

- davlat nazorat tizimi; -tabiiy resurslar va tabiiy muxit ifloslanishi (shu

⁵⁴ Maxkamovich S.A. Iqtisodiyotni transformatsiyalash sharoitida klasterlar faoliyatini rivojlantirish bo‘yicha ba‘zi tavsiyalar // International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 164-166.

⁵⁵ Гаппаров Б.Н. Экологические проекты как психологический метод экологического управления // Технологии социальной работы в различных сферах жизнедеятельности. – 2020. – С. 103-106.

jumladan, radiatsiya bo‘yicha) davlat monitoring turi (tarmog‘i); -tabiiy muxitga ifloslantiruvchi moddalarni havoga chiqarish va tashlab yuborishni nazorat qiluvchi idoralar tizimi;-tabiiy muxitning ekohalokat orqali ifloslanishi bilan bog‘liq favqulotda vaziyatni tezkor aniqlash, tahlil va bashorat qilish tizimi.

Yashil iqtisodiyot tizimini boshqarish g‘oyat murakkab muammo bo‘lib, u qator masalalarni hal etishni talab qiladi. Zero, bu sohada ekologik siyosat, menejmentning huquqiy asoslari, davlat institutsional mexanizmi, ma‘muriy tartibga solishni axborotlar bilan ta‘minlash g‘oyat muhim ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Mahkamovich S.A., Parmanovich I.A. Korxonalar faoliyati samaradorligini ta‘minlashda transformatsiyalashning o‘rni va roli // *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.* – 2021. – T. 1. – №. 5. – S. 800-805.

2. Maxkamovich S.A. Iqtisodiyotni transformatsiyalash sharoitida klasterlar faoliyatini rivojlantirish bo‘yicha ba‘zi tavsiyalar // *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research.* – 2022. – S. 164-166.

3. Гаппаров Б.Н. Экологические проекты как психологический метод экологического управления // *Технологии социальной работы в различных сферах жизнедеятельности.* – 2020. – С. 103-106.

GREEN BONDS (YASHIL OBLIGATSIYALAR) EMISSIYASI ORQALI INVESTITSIYLAR JALB QILISH ZARURIYATI

A.Shomirov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti

Bugungi kunda iqtisodiyotni turli sohalariga investitsiyalarni jalb qilish jarayoni dolzarb masalaga aylanib ulgurgan. Lekin davr va zamonlar o‘zgarishi bilan jalb qilinayotgan investitsiyalarning tabiat hamda atrof-muhitga ta‘sir etishi mumkin bo‘lgan salbiy asoratlarni eng rivojlangan mamlakatlar bo‘ladimi yoki rivojlanayotgan davlatlar bo‘ladimi, albatta o‘rganib chiqishmoqda. Ya‘ni shunday moliyaviy mexanizmlar yoki instrumentlar yaratish kerakki, global iqlimni boricha saqlab qolish, kelajak avlodga ona tabiatni bor elementlari bilan qoldirish imkoniyatini taqdim etsin.

Yuqoridagi fikrlarning isboti sifatida Birlashgan Millatlar Tashkiloti ham o‘tgan XX-asrning 80-yillaridan boshlab turli termin va atamalardan foydalana boshladi, jumladan, barqaror rivojlanish maqsadlari – bu Birlashgan Millatlar Tashkilotining dunyoda iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik vaziyatni har tomonlama yaxshilash orqali butun insoniyatning hayot tarzini yaxshilash va turmush farovonligini oshirishga, adolatli va barqaror jamiyat qurishga qaratilgan global chaqirig‘idir. Barqaror rivojlanish sohasidagi turli mamlakatlarning tajribasi juda katta farq qilganligi sababli, 2030 yil kun tartibining barcha maqsadlari va tegishli vazifalari umumiy, universal shaklda shakllantirilgan va qoida tariqasida aniq miqdoriy maqsadlar mavjud emas. Har bir mamlakat BRMni lokalizatsiya qilishi, ya‘ni 2030 yilga mo‘ljallangan kun tartibidagi 169 ta vazifadan o‘zining rivojlanish ustuvorligi va moliyaviy imkoniyatlaridan kelib chiqib, milliy rivojlanish maqsadlarini ishlab chiqishi belgilangan. Mamlakatlar ushbu maqsadlarni o‘zining milliy sharoitlariga moslashtirishi, har bir vazifaga tegishli statistik ko‘rsatkichlar

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

uchun miqdoriy ko'rsatkichlarni aniqlashi hamda vazifalar va aniq miqdoriy ko'rsatkichlarni milliy strategik hujjatlarda belgilashi kerak. Bugungi kunda Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqtisodiy va Ijtimoiy Departamentida (UNDESA) Barqaror Rivojlanish Maqsadlari bo'limi (DSDG) BRMLar va ular bilan bog'liq tematik masalalar, shu jumladan suv, energetika, iqlim, okeanlar, urbanizatsiya, transport, fan va texnologiyalar uchun moddiy yordam ko'rsatish va salohiyatni oshirish bo'yicha ishlarni ta'minlaydi.

Ayni davrda mamlakatlar fond bozori orqali investitsiyalarni jalb qilishda yangi termin, ya'ni GREEN BONDS (Yashil obligatsiyalar) iqtisodiy kategoriyasidan foydalanib kelinmoqda. Xo'sh, bu qanday moliyaviy instrument va u nima taqdim qila oladi? - degan savol muhim sanaladi.

Yashil obligatsiyalar - bu ekologik vaziyatni yaxshilash yoki hech bo'lmaganda tabiatga etkazilgan zararni minimallashtirishga qaratilgan loyihalarga investitsiyalarni jalb qilish uchun chiqarilgan qarz qimmatli qog'ozlari. Obligatsiyalarni chiqarishdan tushgan mablag'lar qimmatli qog'ozlarni chiqarish bo'yicha hujjatlarda to'g'ri tavsiflanishi kerak bo'lgan yashil loyihalarni amalga oshirish uchun ishlatiladi. Barcha ko'rsatilgan yashil loyihalar emitent tomonidan sifat va, agar iloji bo'lsa, miqdoriy xususiyatlar bo'yicha baholanishi sharti bilan ekologik foyda keltirishi kerak⁵⁶.

Green bonds ya'ni yashil obligatsiyalarni emissiya qilish tamoyillari quyidagi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Yashil obligatsiyalar orqali investitsiya jalb qilish tamoyillari⁵⁷

Yuqoridagi 1-rasmda keltirilgan tamoyillar ekologik maqsadlarga hissa qo'shadigan bir nechta keng toifadagi yashil loyihalarni aniq ta'minlaydi.

Yashil obligatsiyalarni joylashtirishdan olingan sof tushum yoki ushbu sof tushumga teng miqdor alohida portfelda saqlanadigan yoki emitent tomonidan alohida hisobga olinadigan alohida hisob raqamiga o'tkazilishi kerak. Hisoblash usuli emitent tomonidan yashil loyihalarga nisbatan kredit va investitsiya operatsiyalarini amalga oshirish bilan bog'liq alohida ichki tartib shaklida belgilanishi kerak.

Yashil obligatsiyalar bozorining paydo bo'lishi odatda 2007 yil deb hisoblanadi, o'shanda Yevropa investitsiya banki 600 million dollarlik iqlim obligatsiyalarini (Climate Awareness Bonds) chiqargan - bu obligatsiyalar muqobil

⁵⁶ <https://cbonds.ru/glossary/green-bond/>

⁵⁷ Muallif ishlanmasi

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

energiya manbalarini rivojlantirish loyihalarini moliyalashtirish uchun ishlatilgan. "Yashil obligatsiyalar" atamasining o‘zi hali paydo bo‘lmaganiga qaramay, bu faqat ekologik tashabbuslar, xususan, keskin iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashuvchi iqlim obligatsiyalari uchun mablag‘ to‘plash uchun qimmatli qog‘ozlarning birinchi chiqarilishi edi.

2008 yilda allaqachon rasman nomini olgan Yashil obligatsiyalar Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki (XTTB) tomonidan chiqarilgan. Yig‘ilgan mablag‘lar Oslo universiteti ekspertlari tomonidan mustaqil baholangan loyihalarni moliyalashtirishga sarflandi. Bu birinchi marta loyihalarni barqaror rivojlanish maqsadlariga sodiqligi uchun sinovdan o‘tkazuvchi maxsus ekologik mezonlar qo‘llanildi. Garchi 2007 yilgacha bir qator mamlakatlar atrof-muhitni muhofaza qilish loyihalarini moliyalashtirish uchun obligatsiyalar chiqargan bo‘lsa-da, yangi yondashuv obligatsiyalar chiqarishni mablag‘larni sarflashning muayyan sohalari bilan qat‘iy bog‘lash edi.

O‘zbekiston esa ilk bor 2023-yilda 4,25 trln so‘m miqdoridagi yashil suveren xalqaro obligatsiyalar hamda 660 mln dollar miqdoridagi xalqaro obligatsiyalarni London fond birjasida joylashtirdi.

Yashil obligatsiyalar bo‘yicha kelib tushadigan mablag‘lar suv tejoychi texnologiyalarni joriy qilish, temir yo‘l transporti va metro transportini rivojlantirish, sanitar tozalash ishlarini tashkil etish va aholi punktlarida tozalikni ta‘minlash, shamol eroziyasiga va suv xo‘jaligi obyektlarining qum bosishiga qarshi ihotada daraxtzorlari barpo etish kabi yashil loyihalarni moliyalashtirish uchun yo‘naltiriladi. Bunday loyihalarni tanlab olish jarayoniga Birlashgan millatlar tashkilotining rivojlanish dasturi (UNDP) jalb qilingan. Yashil obligatsiyalar dasturi bo‘yicha “Sustainalytics” tomonidan ikkinchi taraf ijobiy xulosasi olingan.

O‘zbekistondagi yashil obligatsiyalar bozori nisbatan qisqa tarixga ega, ammo shuni ko‘rish mumkinki, ushbu vositaning mashhurligi yil sayin tez sur‘atlar bilan o‘sib bormoqda, bu esa uning ulkan salohiyatini tasdiqlaydi. Yashil obligatsiyalar atrof-muhitga ijobiy ta‘sir ko‘rsatishga qaratilgan ijtimoiy mas‘uliyatli investorlarning keng doirasini jalb qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Балыкина О.А., Колесникова А.А. Первый выпуск зеленых облигаций: особенности и перспективы развития. МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА / WORLD ECONOMY. <file:///C:/Users/user/Downloads/pervyy-vypusk-zelenyh-obligatsiy-osobennosti-i-perspektivy-razvitiya.pdf>
2. В. Маматов Yashil obligatsiyalar bozori orqali o‘zbekiston iqtisodiyotiga investitsiya jalb qilish imkoniyatlari. International Journal of Finance and Digitalization
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2023/10/06/green-bonds/>
4. <https://cbonds.ru/glossary/green-bond/>

РАЗВИТИЯ ТЕОРИИ ЗЕЛЁНОЙ ЭКОНОМИКИ

З.Аллаберганов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доцент
Зеленая экономика стала официально признанной отраслью экономики в 1970-х годах в результате ряда экологических проблем. Тем не менее,

известные ученые, такие как Пиэрси Д. утверждали, что зеленая экономика родилась в Соединенных Штатах в 1952 году после создания первого «мозгового центра», ориентированного исключительно на природные ресурсы и экологические проблемы, по инициативе президента Трумэна⁵⁸. Правительству США нужны были объективные данные для принятия политических решений в отношении природных ресурсов для нации, особенно после того, как Вторая мировая война усилила нагрузку на полезные ископаемые, сельское хозяйство и энергетику.

Зеленая экономика - это новый подход к неоклассической экономике, которая вводит окружающую среду в область экономической науки. Экономика окружающей среды стимулирует экономический рост и защищает рыночные механизмы ее достижения. Таким образом, зеленая экономика представляет собой экологический компонент неолиберализма.

Следуя Айрес Р.У. и Книс А.В. наиболее важной особенностью зеленой экономики является то, что она представляет собой «открытую систему»⁵⁹. Чтобы функционировать, т.е. обеспечить товарами и услугами людей, экономика должна извлекать ресурсы (сырье и топливо) из окружающей среды, обрабатывать эти ресурсы (превратить их в конечные продукты для потребления), и избавиться от большого количества рассредоточенных и/или химически преобразованных ресурсов (отходов), отдав их обратно в окружающую среду. Поэтому, природа обеспечивает и природа получает, природа обеспечивает исходными материалами и получает продукт.

Как указано Пиэрси Д., Маркандия А., Барбиер Е «Устойчивое развитие свободно взаимодействует с наукой об экономике окружающей среды в нескольких основных аспектах. Основной аспект зеленой экономики касается нашего понимания путей, которыми взаимодействуют компании со средой»⁶⁰.

Якобс. М. предполагает, что зеленая экономика «может быть описана как попытка интегрировать окружающую среду в обычную или неоклассическую структуру экономического анализа»⁶¹. Окружающая среда воспринимается как совокупность товаров (товаров и услуг), оценивается, как и другие товары и услуги, людьми и обществом. Но, из-за того, что экологические предметы потребления обычно свободны (у них нулевая цена), эту стоимость обычно не признают, что приводит к ухудшению состояния окружающей среды». Якобс М. (1999) менее радикален в своем подходе, потому что он использует классические неолиберальные инструменты для корректировки, которые ранее не рассматривали, потому что не учитывали вклад экономических параметров. Поэтому появляется один из ключевых вопросов зеленой экономики: внешние факторы. На самом деле, это очень важно, как заявляет Берг Ж.С.Ж.М. ван ден: «Центральная концепция зеленой экономики – это

⁵⁸ Pearce, D. (2002): An Intellectual History of Environmental Economics. In: Annual Rev. Energy Environ. vol. 27, pp. 57-81.

⁵⁹ Ayres, R.U. and Kneese, A.V. (1969) Production, consumption and externalities. American Economic Review 59: 282-297.

⁶⁰ Pearce D., Markandya A., Barbier E. (1989) Blueprint for a Green Economy. London:EarthScan Publications Ltd, p. 4.

⁶¹ Jacobs, M. (1999) Green Economy. London: Pluto Press.

«внешние экологические последствия» Берг очень настойчив в этом вопросе, до такой степени, что утверждает: «Без экологических внешностей исчезает проблема неустойчивости»⁶².

Тем не менее, для Якобс М. внешние эффекты - это проблема с четким решением: сам рынок может исправить экологические проблемы, а экономические инструменты способны обеспечить реальные решения экологического ущерба. Одним из примеров может быть инновация. Чистые технологии являются частью развивающегося рынка. В связи с этим, Китай опубликовал в 2016 году свой официальный 13-й пятилетний план, в котором излагаются их цели развития с 2016 по 2020 год. Этот план основывается на предыдущих годах и направлен на создание прочной основы для «передового, инновационного, скоординированного, экологического, открытого и совместного развития»⁶³, что означает экологически чистую и устойчивую экономику в течение следующих двух десятилетий. К 2020 году Китай ожидает достижения ВВП на более, чем на 92,7 трлн юаней⁶³.

В этом отношении, в соответствии с теорией Вайнтрауба, эффективная зеленая экономика будет основана на финансовых выгодах, которые дает окружающая среда. Поскольку субъекты принимают решения по рациональным предпочтениям, максимизируя полезность, и действуя самостоятельно, она может быть достигнута путем оптимизации инвестиций в окружающую среду. Например, если чистые технологии приносят выгоду, тогда автоматически внедрится зеленая экономика.

Некоторые другие авторы, действительно, связывают две неоклассические экономики: «Зеленая экономика - это исследование того, как мы восполняем недостаточные природные ресурсы, принимая во внимание предпочтения людей правильно функционирующей окружающей среды, которая больше всего поддерживает деятельность человека»⁶⁴.

Вторая составляющая науки неоклассической экономики - экономика природных ресурсов, которая в основном касается спроса, потребности и природных ресурсов. Главная цель - понять, как существуют природные ресурсы в экономике, чтобы управлять ими для настоящего и будущего поколения.

Отцы экономики природных ресурсов согласны с классическими экономистами, для которых истощение природных ресурсов сыграло важную роль в их исследованиях. Для Т. Мальтуса и Д. Рикардо природные ресурсы были абсолютным ограничением для населения; для Ж.-А. Николь Кондорсэ и Дж. Милла - технологический прогресс может задержать возникновение дефицита природных ресурсов при растущем населении. Однако происхождение этой области можно отнести к публикации статьи Гарольда

⁶² Bergh, J.C.J.M. van den (2010). Externality or sustainability economics? *Ecological Economics*, 69(11), 2047-2052. p. 1.

⁶³ The 13th Five-Year Plan for Economic and Social Development of the People's Republic of China (2016–2020). <http://en.ndrc.gov.cn/newsrelease/201612/P020161207645765233498.pdf>.

⁶⁴ Environment Canada (1996) Handbook on Environmental Economics. Report 22 March 1996.

Хотеллинг в 1931 году под названием «Экономика исчерпаемых ресурсов»⁶⁵. Он заложил основы для дальнейшего исследования в области экономики невозобновляемых ресурсов.

Стоимость невозобновляемого ресурса зависит от длительности его использования и скорости эксплуатации. Минералы или леса, в частности, эксплуатируются слишком быстро и слишком дешево, таким образом, воздействие на будущие поколения не берется во внимание. Это может объяснить, почему США, до недавнего времени, не использовали свои запасы нефти.

По словам самого известного экологического экономиста нашего времени Контанза Роберт (1991), экологическая экономика является областью исследования, которая «рассматривает отношения между экосистемами и экономическими системами в самом широком смысле»⁶⁶. Трансдисциплинарный характер экологической (зеленой) экономики означает, что она объединяет другие дисциплины - экологию, антропологию, социальное благополучие и т.д., которые необходимы для объединения с экономикой, если общество хочет достичь устойчивого развития.

Боулдинг К.Е. измерял благосостояние и прогресс не по темпам экономического роста, а по состоянию запасов продовольствия, кислорода, воды, здоровья экипажа и других предметов первой необходимости. Основания К. Боулдинг можно резюмировать следующим образом: «...Я испытываю соствие на будущие поколения не берется во внимание. Это может объяснить, почему США, до недавнего времени, не использовали свои запасы нефти.

YASHIL IQTISODIYOTGA O‘TISH BO‘YICHA DASTLABKI NA’MUNAVIY YO‘L XARITASI

A.Soatov, Jizzax polixnika institute katta o‘qituvchisi

Ma’lumki, ekologik barqarorlik butun dunyo mamlakatlari bo‘yicha hamisha ham dolzarb bo‘lib kelgan. Shu boisdan, bu borada tinimsiz ilmiy izlanishlar olib borilmoqda, yashil iqtisodiyotga o‘tish yuzasidan usullar, mexanizmlar va yo‘nalishlar ishlab chiqilmoqda. Ana shunday yo‘llardan biri – bu yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha usullar, mexanizmlar va yo‘nalishlarni o‘z ichiga olgan yo‘l xaritasini ishlab chiqishdir (1-jadval).

Yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”ga kirish iqtisodiy tizimlar va jamoatchilik ongini barqaror rivojlanish va ekologik mas’uliyat sari o‘zgartirishning fundamental jarayonining boshlanishini ko‘rsatadi. Yashil iqtisodiyot deganda atrof-muhitga zararli ta’sirlarni kamaytirish, resurslardan samarali foydalanish va foydalarni adolatli taqsimlashga qaratilgan iqtisodiy faoliyat tushuniladi⁶⁷.

⁶⁵ Retrieved from <http://msl1.mit.edu/classes/esd123/2003/bottles/Hotelling.pdf> on 3/3/2017.

⁶⁶ Costanza, Robert. (1991) Ecological economics: The science and management of sustainability. Columbia University Press, New York. P.3.

⁶⁷ Maxkamovich S.A. Iqtisodiyotni transformatsiyalash sharoitida klasterlar faoliyatini rivojlantirish bo‘yicha ba’zi tavsiyalar // International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – C. 164-166.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Ushbu yo‘l xaritasining maqsadi davlatlar, biznes va fuqarolik jamiyatiga yashil iqtisodiyot tamoyillarini amalga oshirish yo‘lida samarali harakat qilish imkonini beradigan asosiy bosqich va mexanizmlarni belgilab berishdan iborat. U nafaqat aniq maqsad va vazifalarni o‘z ichiga oladi, balki ularga erishish uchun yashil texnologiyalarga sarmoya kiritish, ekologik soliqlarni joriy etish va barqaror iste‘molni rag‘batlantirish kabi vositalarni ham taklif etadi.

1. Energiya balansida qayta tiklanuvchi energiya manbalarining ulushini oshirish 1-2 yil ichida amalga oshiriladigan davlat subsidiyalari, soliq imtiyozlari, qayta tiklanuvchi energiya manbalariga investitsiyalarni rag‘batlantirish⁶⁸.

2. Uglarod neytralligini ta‘minlash 2-5 yil uglarod solig‘ini, emissiya kvotalarini joriy etishni, kam uglarodli texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etishni o‘z ichiga oladi;

3. Energiya samaradorligini oshirish 1-3 yil ta‘lim muassasalari ko‘magidagi modernizatsiya dasturlarini, energiya auditini, texnologik yangilashni qamrab oladi;

4. Yashil transportni rivojlantirish 3-5 yil bo‘lib, infratuzilmaga investitsiyalarni, soliq imtiyozlarini, shuningdek, elektr transporti va jamoat transportini joriy etishdan iboratdir;

1-jadval

Yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha yo‘l xaritasi

№	Ko‘rsatkichlar	Muddatlari	Amalga oshirish mexanizmlari	Amalga oshirish usullari
1	Energiya balansida qayta tiklanadigan energiya manbalarining ulushini oshirish	1-2 yil	Davlat subsidiyalari, soliq imtiyozlari	Qayta tiklanadigan energiya manbalariga investitsiyalarni rag‘batlantirish
2	Uglarod neytralligini ta‘minlash	2-5 yil	Uglarod solig‘ini joriy etish, emissiya kvotalari	Kam uglarodli texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish
3	Energiya samaradorligini oshirish	1-3 yil	Ta‘lim muassasalari ko‘magida modernizatsiya dasturlarini yaratish	Energiya audit, texnologik yangilash
4	Yashil transportni rivojlantirish	3-5 yil	Infratuzilmaga investitsiyalar, soliq imtiyozlari	Elektr transporti va jamoat transportini joriy etish
5	Qayta ishlash va chiqindilarni boshqarish	1-4 yil	Qonunchilik tashabbuslari, davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash	Chiqindilarni yig‘ish va qayta ishlash tizimini rivojlantirish
6	Ekotizimni himoya qilish va tiklash	2-10 yil	Qo‘riqxonalar yaratish, o‘rmonlarni qayta tiklash dasturlari	Biologik xilmaxillik monitoringi, faol reabilitatsiya

5. Qayta ishlash va chiqindilarni boshqarish ko‘rsatkichining amalga oshirilish davri 1-4 yil bo‘lib, bu qonunchilik tashabbuslaridan, davlat tomonidan qo‘llab-

⁶⁸ Soatov A. Ekologiyada kompyuter modellashtirish va simulyatsiya // Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – T. 1. – №. 5. – C. 912-914.

quvvatlanishdan, shuningdek, chiqindilarni yig'ish va qayta ishlash tizimlarini rivojlantirishdan tarkib topadi;

6. Ekotizimlarni muhofaza qilish va tiklash ham 2-10 yilni o'z ichiga olib, bunga qo'riqxonalarni yaratish, o'rmonlarni qayta tiklash dasturlari hamda biologik xilma-xillik monitoringi, faol reabilitatsiya kabilar kiradi.

Yuqoridagi qayd etilganlarga tahliliy izoh beradigan bo'lsak, yashil iqtisodiyotga o'tish ishlab chiqarish sohasi va aholining iste'mol odatlaridagi o'zgarishlarni o'z ichiga olgan murakkab jarayondir. Yashil iqtisodiyotning asosiy maqsadi ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy jihatlarni hisobga olgan holda barqaror rivojlanishga erishishdir. Bu zararli chiqindilarni kamaytirish, resurslardan oqilona foydalanish va hayot sifatini yaxshilashni o'z ichiga oladi.

Muvaffaqiyatli o'tish uchun tegishli qonunchilikni ishlab chiqish, toza texnologiyalarga xususiy va davlat investitsiyalarining jalb qilinishini rag'batlantirish, shuningdek, bu borada ta'lim va jamoatchilikni xabardor qilishni o'z ichiga olgan kompleks yondashuvni qo'llash muhimdir. Ekologik muammolar global xarakterga ega bo'lganligi sababli xalqaro hamkorlik va tajriba almashish ham muhim rol o'ynaydi.

Yana shuni ta'kidlash kerakki, yashil iqtisodiyotga o'tish yangi ish o'rinlari va imkoniyatlar manbai bo'lishi mumkin, xususan:

- qayta tiklanadigan energiya, toza transport va chiqindilarni boshqarish kabi iqtisodiyotning innovatsion tarmoqlarini rivojlantirish orqali iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish. Bu, o'z navbatida, davlatdan ekologiya va barqaror rivojlanish sohasidagi ta'lim dasturlari va ilmiy tadqiqotlarni faol qo'llab-quvvatlashni talab etadi;

- moliyaviy rejalashtirish va korporativ boshqaruvga ekologik xavf va imkoniyatlarni integratsiyalash mexanizmlarini yaratish ham muhim ahamiyatga ega. Bu korporativ barqarorlik hisoboti standartlarini ishlab chiqish, ekologik soliqlar va imtiyozlarni joriy etish va yashil loyihalarga sarmoya kiritishni rag'batlantirishni o'z ichiga oladi;

- yashil iqtisodiyotga o'tish ijtimoiy tengsizlikni kuchaytirmasligi uchun ijtimoiy adolat masalalariga alohida e'tibor qaratish lozim. Bunga iqtisodiyotning ekologik o'zgarishi natijasida ish joylari tugatilishi mumkin bo'lgan ishchilarni qo'llab-quvvatlash va qayta tayyorlash dasturlarini ishlab chiqish, shuningdek, aholining barcha qatlamlari uchun ekologik toza tovarlar va xizmatlar mavjudligi va sifatini ta'minlash kiradi.

Umuman olganda, yashil iqtisodiyotga muvaffaqiyatli o'tish uchun hukumat, biznes va jamiyat tomonidan muvofiqlashtirilgan harakatlar, shuningdek, o'zgarish va kelajakka sarmoya kiritishga tayyorlik talab etiladi. Bu uzoq muddatli jarayon bo'lib, katta miqdorda dastlabki investitsiyalarni talab qilishi mumkin, lekin oxir-oqibat barqaror rivojlanish va hayot sifatini yaxshilashga hissa qo'shadigan iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy foyda keltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Maxkamovich S. A. Iqtisodiyotni transformatsiyalash sharoitida klasterlar faoliyatini rivojlantirish bo'yicha ba'zi tavsiyalar // International Journal of

Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – C. 164-166.

2. Soatov A. Ekologiyada kompyuter modellashtirish va simulyatsiya // Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – T. 1. – №. 5. – C. 912-914.

SCIENTIFIC AND THEORITICAL FOUNDATIONS AND TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF THE "GREEN ECONOMY"

M.Yorkulova, student of Tashkent state university of economics

**Research advisor: A.Omonov, professor of Tashkent state university of
economics**

The majority of nations in the world are currently moving toward a "green" economy, which is essential to their sustainable growth. Regarding 21st-century green economic challenges that several scientists worldwide are considering, environmental issues, such as climate change, social issues, notably as persistent population increase and growing unemployment, economic issues, and recurring crises in different economic sectors are making the shift to a "green" economy unavoidable. Consequently, the globe turns unstable and unpredictable, which worries international organizations which advocate for the interests of humanity collectively.

The physiocrats' beliefs, maintaining that nature is the only source of wealth, first provide the conditions for the development of a "green" economy. The surplus of income over costs is derived from agricultural produce. Francois Quesnay, the creator of the "economic table," was the primary ideologist of this theory. Physiocrats hold that there are enduring natural principles (the idea of natural order) regulating the economy that dictate how it grows and that it is crucial that the government stay out of business operations⁶⁹.

The term "green" economy was first introduced into the scientific literature by British economists David Pearce, Anil Markandya and Edward Barbier in a report to the British Government in 1989 entitled "Blueprint for a green economy"⁷⁰.

The key characteristic of the "green" economy is the methodical "decoupling effect," which refers to the scientific separation between the rate of change in the economic outcome and the natural resources utilized in its production.

A different definition of a "green economy" was provided by UNEP in 2011. It states that "a green economy is a low-carbon, resource-efficient, and socially equitable economy in which revenue and labor expansion should be driven by the interests of the public and venture capital, leading to a reduction in carbon emissions and environmental pollution, an increase in resource usage efficiency, and the prevention of diversity and ecosystem loss"⁷¹.

The Economic and Social Commission for Asia and the Pacific (ESCAP)

⁶⁹ Yadgarov Y.S. History of economic doctrines: textbook. - M.: INFRA-M, 2009. - 480 p.

⁷⁰ Pearce D., Markandya A., Barbier E.B. Blueprint for a Green Economy. – London: Earthscan, 1989. - 192 p. ISBN 1 85383 066 6.

⁷¹ A guidebook to the Green Economy, Issue 1: Green Economy, Green Growth, and Low-Carbon Development—history, definitions and a guide to recent publications. [Electronic source]. - 2012. - URL: <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/GE%20Guidebook.pdf>. (Date of access: 3.06.2020).

initially suggested the notion of green growth. The ESCAP Declaration, which was endorsed in Seoul in 2005, recognized green growth as a tactic for attaining sustainable growth. "Growth that places an emphasis on environmentally sustainable economic advancements to promote low-emission and socially inclusive development" is what is known as "green growth." The first nation to create and implement a green growth strategy as a national economic model was South Korea⁷².

The terms "equity," "scarcity of natural resources," "environmental risks," and "human well-being" are among the most common descriptions that are comparable to the UNEP statistics defining the "green" economy. Following a year-by-year breakdown of definitions found in scientific literature, the following conclusions were drawn: 1) Although "green" and "green economy" are sometimes used synonymously, "green growth" is more closely related to economic development and production and serves as a means and strategy to achieve a "green" economy, whereas "green" economy is more closely related to social issues and environmental constraints; 2) since the start of 2008, other terms associated with the "green" economy have also emerged, including "low-carbon economic development," "circular economy," and "bio-economy"; the term "circular economy" is most frequently referenced in the scientific literature; 3) due to the increasing number of definitions and publications that do not provide a definition, the idea of a "green" economy is becoming increasingly ambiguous over time; 4) the definition of a "green" economy appears in scientific works three times more frequently than the definition of "green" growth⁷³.

The economic model that underpins such definitions is often one of increased living standards achieved through low-carbon development and green economic growth. When economic development is accomplished with decreased resource costs, it is known as decoupling. In this situation, "green" technology and inventions, as well as management that takes environmental problems into consideration, play a significant role. Terms like "green finance," "green procurement," "green jobs," and so on are becoming used in other areas⁷⁴.

To improve the state of the environment and alter the modern economy, the state must employ all available tools and levers of public policy, such as trade incentives, fiscal measures, legislative measures, and encouraging the use of green technologies. It must also develop national and international standards for carbon emissions, increase the amount of green goods purchased by the government, involve international public organizations in environmental issues, and influence private business policies by promoting the production of green goods and services⁷⁵(Figure 1).

⁷² Kasztelan A. Green growth, green economy and sustainable development: terminological and relational discourse // Prague Economic Papers. – 2017. - № 26(4). - P. 487–499, DOI: 10.18267/j.pap.626.

⁷³ Merino-Saum A. Clement J. Wyss R. Baldi M. (2020) Unpacking the Green Economy concept: A quantitative analysis of 140 definitions, Journal of Cleaner Production, 242, 2-16. DOI: 10.1016/j.jclepro.2019.118339.

⁷⁴ Selishcheva T.A. “Green” economy as a model for sustainable development of the EAEU countries // Eurasian Economic Perspective: Problems and Solutions. – 2018. - No. 3. - P. 6-12

⁷⁵ Pearce D., Markandya A., Barbier E.B. (1989). Blueprint for a Green Economy. – London: Earthscan, 192. ISBN: 1 85383 066 6.




Figure 1 - Relations between the economy, society and the environment⁷⁶

A significant position is also held by the report (Green Economy Plan) in Molly Scott-Cato's scientific book "Green economics" (Green Economics), which outlines the conditions that led to the development of ideas about the "green" economy from Aristotle to the present. According to Scott-Katov, there are four ways that the economy can take environmental concerns into consideration: ecological economics, which connects ecology and economics, eco-socialism, which seeks to achieve justice in the material world without endangering the environment, and ecofeminism, which combines the objectives of ecology and women⁷⁷. Though growing wealth via excessive utilization of natural resources affects the environment, she believes that economic expansion is the primary purpose of a market system. Furthermore, a rise in the economy lowers social communication amongst individuals, raises stress levels, causes mental disease, social inequality, and a decline in life quality. Thus, "green" growth through the economic application of new technologies, the utilization of renewable resources, waste minimization, and the prudent use of natural resources must be taken into consideration.

At the vanguard of sustainable development lies the green economy. Rethinking the nature of economic ties, society, and the environment is the book's main premise.

The following findings may be made when the intellectual underpinnings of the green economy notion have been examined and analyzed:

- 1) The idea of a "green" economy emerged in reaction to the persistently detrimental alterations in the environment;
- 2) Concerns about social welfare are linked to the idea of a "green" economy;
- 3) The government, public institutions, and international cooperation must take a proactive stance in order to facilitate the shift to a "green" economy;
- 4) The development of a "green" economy depends critically on the introduction of technical breakthroughs along with a decrease in the use of non-renewable natural resources and an increase in the use of renewable natural resources;

⁷⁶ Scott-Cato M. Green Economics: An Introduction to Theory, Policy and Practice, London: Earthscan, 2009. – 240 c. ISBN: 9781844075713.

⁷⁷ Scott-Cato M. Green Economics: An Introduction to Theory, Policy and Practice, London: Earthscan, 2009. – 240 c. ISBN: 9781844075713.

5) The "green" economy (as shown by the EU member states) depends on sensible environmental management, public awareness, and an integrated strategy;

6) Conversations concerning the incompatibility of economic expansion and the "green" economy aid in the formulation of the best course of action, which is to choose for a moderate kind of capitalism that takes the interests of the environment and society into consideration;

7) The adoption of green growth strategies to transform into a "green" economy is the only way that all nations in the world can achieve sustainable development. Since GDP is an irrelevant indicator of the success of the green economy, other metrics such as the ecological footprint and the global green economy index (GGEI) must be used instead.

Current scientific research on the "green" economy, "green" growth, and sustainable development is highly pertinent and demonstrates how the idea of a "green" economy is continually expanding to include new useful frameworks and techniques for constructing it. The issue of finite natural resources and the interdependence of all things on Earth are by now widely understood by society. Additionally, states have enacted legislation that aims to transition to a "green" economy and promote sustainable growth.

YASHIL IQTISODIYOTNI TARTIBGA SOLISH BO‘YICHA TAVSIYAVIY INSTITUTSIONAL ASOSLAR

D.Xoliqov, Jizzax politexnika instituti assistenti

Yashil iqtisodiyotni rivojlantirish uchun mikro va makro ko‘lamda kompleks yondashuv, jumladan, turli me‘yoriy-huquqiy hujjatlarni ishlab chiqish va qabul qilish talab etiladi. Ushbu hujjatlar iqtisodiy faoliyatning atrof-muhitga ta‘sir ko‘rsatadigan barcha jabhalarini qamrab olishi, yanada barqaror va ekologik toza ishlab chiqarish usullari va iste‘mol shakllariga o‘tishni tartibga solishi kerak. Keling, yashil iqtisodiyotni rivojlantirish uchun institutsional asosning har bir qismning tahliliy izohi bilan taklif etilayotgan tuzilmasini ko‘rib chiqaylik.

1. Yashil iqtisodiyot bo‘yicha asosiy qonunlar, bu barqaror rivojlanish, resurslardan oqilona foydalanish, iqlim o‘zgarishi oqibatlarini yumshatish va biologik xilma-xillikni saqlash bo‘yicha umumiy tamoyillar va maqsadlarni belgilovchi yashil iqtisodiyotni rivojlantirish asosidir.

2. Qayta tiklanuvchi energiya sohasidagi qonunlar va huquqiy-me‘yoriy hujjatlar bo‘lib, bu ham qayta tiklanuvchi energiya manbalarini ishlab chiqish va joriy etishga ko‘maklashish, mamlakat yoki mintaqaning energiya balansida qayta tiklanuvchi energiya sohasidagi qonunlar uchun standartlarni va kvotalarni belgilab beradi.

3. Resurslarni boshqarish va qayta ishlashga oid qonun hujjatlari chiqindilarni boshqarishni tartibga solish, qayta ishlash va ikkilamchi resurslardan foydalanishni rag‘batlantirish orqali chiqindilarni kamaytirish va resurslar samaradorligini

o'shinishga qaratilgan⁷⁸.

4. Emissiya va ifloslanishni kamaytirish qoidalari bo'lib, bular ham o'z navbatida korxonalar uchun zararli moddalar chiqarish chegaralarini belgilab, havo, suv va tuproq ifloslanishi darajasini pasaytirishga yordam beradi.

5. Biologik xilma-xillikni muhofaza qilish va ekologik faoliyatga oid qonun hujjatlari ham tabiiy hududlarni muhofaza qilishni ta'minlaydi, shuningdek, biologik xilma-xillikni saqlash va tiklashga qaratilgan faoliyatni tartibga soladi.

6. Yashil iqtisodiyotni rag'batlantirish uchun moliyaviy va soliqni tartibga solish ekologik yo'naltirilgan loyihalar va korxonalar uchun imtiyozlar, subsidiyalar, soliq ta'tillari, shuningdek, ekologik zararli faoliyatni tartibga solish uchun “yashil” soliq va yig'implarni joriy etishni o'z ichiga oladi.

7. Barqarorlik standartlari va sertifikatlash bo'lib bu tovarlar va xizmatlar uchun barqaror rivojlanish standartlarini ishlab chiqish va qo'llash, ekologik sertifikatlash toza mahsulotlar, ishlar va xizmatlar, bu ularning bozordagi raqobatbardoshligini va iste'molchilarning xabardorligini oshirishga yordam beradi.

8. Energiya samaradorligi qonunchiligi bo'lib, bu ham binolar, uskunalar, transport vositalari va ishlab chiqarish jarayonlari uchun energiya samaradorligi talablarini kiritadi, bu energiya sarfini kamaytirish va atrof-muhitga ta'sirni kamaytirishga yordam beradi⁷⁹.

9. Yashil moliya va investitsiyalar sohasida tartibga solish bo'yicha huquqiy asoslar yashil iqtisodiyotni rivojlantirishga qaratilgan loyihalarga, jumladan, yashil obligatsiyalar, ekologik jamg'armalar va boshqa moliyaviy vositalarga investitsiyalarni jalb qilish uchun shart-sharoitlar va mexanizmlarni yaratib beradi.

10. Urbanistika va yashil qurilish sohasidagi siyosat va standartlar ham yashil iqtisodiyotni tartibga solish nuqtayi nazaridan barqaror shahar rivojlanishi tamoyillarini ishlab chiqish va amalga oshirish, shu jumladan, yashil qurilish, yashil hududlarni yaratish, atrof-muhitning izlarini kamaytirish uchun shahar hududlaridan samarali foydalanishga xizmat qiladi.

Yuqoridagi qayd qilingan yo'nalishlarni samarali boshqarish va amalga oshirish uchun barcha darajadagi yashil iqtisodiyot tashabbuslarini muvofiqlashtirish, monitoring qilish va qo'llab-quvvatlash uchun mas'ul bo'lgan ixtisoslashtirilgan quyidagi muassasalar va bo'g'inlarini yaratish zarur:

- yashil iqtisodiyotni rivojlantirish milliy boshqarmasini o'z ichiga olib bu boshqaruv bo'g'ini mamlakat darajasidagi faoliyatni muvofiqlashtiradi, milliy strategiya va harakatlar rejasini ishlab chiqadi;

- hududiy va mahalliy yashil iqtisodiyot boshqaruvi bo'g'inlari bo'lib, bular milliy strategiyalarni hududlarning o'ziga xosligi va ehtiyojlariga moslashtirish, mahalliy loyihalarni amalga oshirishga xizmat qiladi;

- mustaqil nazorat bo'g'inlari atrof-muhit va barqaror rivojlanish qonunchiligiga rioya etilishini nazorat qiladi, litsenziyalaydi va sertifikatlaydi;

⁷⁸ Mahkamovich S.A. Qurilish majmuasida menejmentni tashkil qilishning zamonaviy shakllari // Me'morchilik va qurilish muammolari. – 2021. – C. 128.

⁷⁹ Makhkamovich S.A. Advantages of drawing mechanical details on computer // Journal of science, research and teaching. – 2023. – T. 2. – №. 11. – C. 56-63.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- ilmiy-ta'lim markazlari esa innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqadi, fuqarolar va korxonalarni yashil iqtisodiyot tamoyillari haqida o'qitadi va xabardorligini oshirish bilan shug'ullanadi⁸⁰;

- davlat-xususiy sheriklik negizida hukumat o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish ta'siri, biznes va fuqarolik jamiyati yashil iqtisodiyot loyihalarini amalga oshirish, birgalikda moliyalashtirish va ekspertiza bilan ta'minlash nazarda tutiladi;

- yashil tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash uchun fondlar va dasturlar bo'lib, bunga qayta tiklanadigan energiya sohasida loyihalarni moliyalashtirish va yashil iqtisodiyotga o'tishni rag'batlantirish uchun barqaror rivojlanish, ekologik toza texnologiyalar va loyihalarni joriy etish bilan shug'ullanuvchi yangi va rivojlanayotgan korxonalariga imtiyozli shartlarda grantlar, subsidiyalar va kreditlar beradigan maxsus jamg'armalar va dasturlar yaratish kiradi.

- qayta aloqa mexanizmlari va jamoatchilik ishtirokiga yashil iqtisodiyotni boshqarishning muhim elementi bo'lgan qarorlar qabul qilish jarayoniga jamoatchilikni jalb etish, shaffoflikni ta'minlash va dastur va loyihalarning borishi to'g'risidagi axborotdan foydalanish kiradi. Bunga jamoatchilik muhokamalarini o'tkazish, ekologik ahamiyatga molik masalalarni muhokama qilish va ovoz berish uchun platformalar yaratish, barqaror rivojlanish sohasidagi yutuq va muammolar yuzasidan monitoring va hisobot berish orqali erishiladi.

Yashil iqtisodiyotni boshqarish tuzilmasi ko'p bosqichli bo'lishi va turli darajadagi davlat boshqaruv bo'g'inlari, biznes, ilmiy doiralar va jamoatchilik o'rtasida muvofiqlashtirish va o'zaro hamkorlik mexanizmlarini o'z ichiga olishi kerak. Bu borada ekologik maqsadlarga erishish, iqtisodiy samaradorlik va ijtimoiy adolatni ta'minlashga qaratilgan kompleks dastur va loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish muhim ahamiyatga ega. Binobarin, bunday yondashuv yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonida iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik manfaatlarni muvozanatlash orqali barqaror rivojlanishga yetaklaydi.

Yashil iqtisodiyotni boshqarish uchun institutsional tuzilmani aks ettiruvchi batafsil va tashkiliy tuzilma bo'yicha quyidagi tarkibiy tavsiyalarni berish mumkin, ya'ni diagramma quyidagi elementlarni o'z ichiga olishi kerak:

1. Mamlakat sa'y-harakatlarini muvofiqlashtiruvchi yashil iqtisodiyotni rivojlantirish milliy bo'g'ini.

2. Yashil iqtisodiyotni boshqarish bo'yicha milliy strategiyalarni mahalliy xususiyatlarga moslashtiruvchi mintaqaviy va mahalliy bo'g'inlar.

3. Atrof-muhitni muhofaza qilish qonunchiligiga rioya etilishini va sertifikatlashtirishni mustaqil nazorat qiluvchi boshqaruv bo'g'inlari.

4. Innovatsiyalar va jamoatchilikni xabardor qilishga qaratilgan ilmiy-ta'lim markazlari.

5. Hukumat va xususiy sektor o'rtasidagi hamkorlikni ta'minlovchi davlat-xususiy sheriklik. Tuzilma muvofiqlashtirish, ma'lumot va qo'llab-quvvatlash oqimini ko'rsatish uchun strelkalar yordamida ushbu elementlar orasidagi iyerarxiya

⁸⁰ Soatov A. Ekologiyada kompyuter modellashtirish va simulyatsiya // Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – T. 1. – №. 5. – C. 912-914.

va munosabatlarni aniq tasvirlashi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mahkamovich S.A. Qurilish majmuasida menejmentni tashkil qilishning zamonaviy shakllari // Me'morchilik va qurilish muammolari. – 2021. – C. 128.
2. Makhkamovich S.A. Advantages of drawing mechanical details on computer // Journal of science, research and teaching. – 2023. – T. 2. – №. 11. – C. 56-63.
3. Soatov A. Ekologiyada kompyuter modellashtirish va simulyatsiya // Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – T. 1. – №. 5. – C. 912-914.

SCIENTIFIC-THEORETICAL FOUNDATIONS AND DEVELOPMENT TRENDS OF "GREEN ECONOMY"

A.Akramova, Student of Tashkent state university of economics

A green economy is an economy that aims to reduce environmental risks and ecological scarcity and achieve sustainable development without destroying the environment. It is closely related to ecological economics, but has a more politically applied orientation. The Green Economy Report notes that to be green, an economy must be not only efficient, but also fair. Fairness involves recognizing global and country-level dimensions of equity, particularly ensuring a just transition to a low-carbon, resource-efficient and socially inclusive economy.

"Green economy" has its place in ensuring sustainable development. Therefore, first of all, let's talk about the concept of "green economy" and the process of transition to "green economy": Green economy is a system that supports the harmonious interaction between humanity and nature and at the same time It is a methodology of the economy that tries to satisfy both needs equally, aims at efficient use of resources and sustainable development without harming the environment. The absence of generally accepted approaches to clarifying the essence of the concept of "green economy" indicates that the concept of "green economy" is still in the formative stage. This concept can be applied to economic sectors, "green economy" theory, principles, or "green economy" policies. The goal of the "green economy" concept is to ensure sustainable economic growth and increase the activity of investments, as well as to improve the quality of environmental protection and social integration. In order to achieve this goal, it will be necessary to involve public and private investments in environmental and social factors of sustainable development on a large scale.

In addition, the following are defined as the priority directions for the implementation of the strategy of the transition to the "green" economy of the Republic of Uzbekistan in the period of 2019-2030:

- Improving the energy efficiency of the basic sectors of the economy;
- Diversification of the consumption of energy resources and development of the use of renewable energy sources;
- Adapting to and mitigating the consequences of climate change, increasing the efficiency of natural resource use and protecting natural ecosystems;
- Development of financial and non-financial mechanisms to support the "Green Economy";

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Karl Burkart described the green economy as based on six main sectors:

- Renewable energy
- Green buildings
- Sustainable transport
- Water management
- Waste management

Land management

During the next half century, the number of environmental hazards on our planet is increasing, which seriously worries experts and scientists. Exceeding the norm of energy use for the purposes of economic development is recognized as the main cause of the problem. The environment is polluted due to the harmful gases coming out of the electric and thermal plants and internal combustion engines using organic types of fuel. Over the years, the ozone layer has been damaged as a result of the release of harmful substances into the atmosphere in large quantities, and there is a global energy shortage on Earth. As a result, the change of the world's climate, the reduction of energy sources are closely connected with the problem of global food shortage, and they pose huge problems to humanity. In addition, due to the continuous increase in the world population, the current energy systems cannot meet the demand for energy. More than 65 countries of the world have set goals for the wider use of alternative and renewable energy sources, as well as hydrogen, biogas, etc., through the use of solar, wind, and water energy. Green economy refers to an economic discipline that aims to develop an approach to the development of interdependence between people and nature and to simultaneously meet the needs of both. A green economy is closely related to, but distinct from, ecological economics in that it is a holistic approach that includes political advocacy for sustainable solutions.

In the long-term perspective strategy of transition to "green economy" in Uzbekistan, the main four priorities are defined, the main focus is on increasing energy efficiency, developing renewable energy sources, adapting to the consequences of climate change and natural resources. rational use of resources, aimed at developing economic mechanisms for the development of the "green economy". Reducing the consumption of energy and resources in the economy, introducing energy-saving technologies into development, as well as using renewable energy sources are the main priorities for the development of the "green economy". This, in turn, has a serious impact on energy security, job creation, improvement of the population's standard of living, and the country's development.

List of used lituratures

1. Barqaror iqtisodiy o'sish va uni ta'minlash bosqichlarining tahlili, —Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali, No6, noyabr-dekabr, 2020-yil3.
2. Yashil iqtisodiyot asosida barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashning nazariy va amaliy jihatlari, —XXI asr: fan va ta'lim ilmiy electron jurnali. No2, 2017.4.
3. Makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash-barqaror iqtisodiy o'sishni

ta‘minlashning muhim sharti, —Iqtisodiyot va Ta‘lim ilmiy jurnali, No2,2017.

4. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali, No1, yanvar-fevral, 2017.926. T.B

5. Захарова «Зеленая» экономика как новый курс развития: глобальный и региональный аспекты. Вестник Томского государственного университета, No4(16), 2011.

6. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления/ Подред. В.В. Попкова. Учебник. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. —295 с

7. Mominov A. «Iqtisodiy o‘shish va uning omillari nimalardan iborat» //O‘zbekiston ovozi. 2020-yil 20-may.

IQTISODIY O‘SHISHGA KO‘MAKLASHADIGAN YASHIL IQTISODIYOT BILAN BOG‘LIQ MUAMMOLAR VA IMKONIYATLAR

F.O‘razaliyev, Jizzax politexnika instituti assistenti

Ekologik inqiroz oqibatlari chegara bilmaydigan globallashtirilgan dunyoda yashil iqtisodiyot tushunchasi ayniqsa dolzarbdir. Yashil iqtisodiyot shunchaki muqobil iqtisodiy yondashuv emas bu iqtisodiy o‘shish va ekologik barqarorlik uyg‘unlikda mavjud bo‘lgan barqaror rivojlanishga erishishga qaratilgan strategik qarordir. Yashil iqtisodiyotning asosiy maqsadi an‘anaviy iqtisodiy va ishlab chiqarish jarayonlarini ekologik xavf va ekologik izlarni kamaytiradigan, resurslar samaradorligini oshiradigan tarzda qayta yo‘naltirish va o‘zgartirishdir.

Ushbu tadqiqotning maqsadi O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotning hozirgi holati va rivojlanish istiqbollari tahlil qilishdir. Biz barqaror iqtisodiy o‘shishga o‘tishga yashil iqtisodiyot bilan bog‘liq muammolar va imkoniyatlarni, shuningdek, ushbu o‘tishni muvaffaqiyatli amalga oshirishga yordam beradigan strategiya va siyosatlarni ko‘rib chiqamiz. Global va mintaqaviy ekologik va iqtisodiy tendentsiyalar davomiyligida ushbu yondashuvning iqtisodiy samaradorligi va uzoq muddatli barqarorligini tahlil qilishga alohida e‘tibor qaratiladi.

Ushbu tadqiqot yashil iqtisodiyotning dolzarbligi, uni O‘zbekistonda joriy etish xususiyatlari va barqaror rivojlanish usullariga o‘tishning strategik ahamiyatini ifodalab beradi.

O‘z mohiyatiga ko‘ra, yashil iqtisodiyot - bu atrof-muhitga zarar yetkazmasdan barqaror rivojlanishga qaratilgan iqtisodiy faoliyat hisoblanadi. U toza energiya manbalaridan foydalanishni, tabiiy resurslardan kompleks foydalanishni, karbonat anhidrid va boshqa issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirishni, shuningdek, ekologik barqaror texnologiyalar va sanoat jarayonlarini kuchaytirishni o‘z ichiga oladi (1-jadval).

Ushbu muammolarni hal qilish usullari quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

-xorijiy sarmoyani jalb qilish va hamkorlik: moliyalashtirish va texnologiya olish uchun xalqaro tashkilotlar va xorijiy investorlar bilan hamkorlikni

rivojlantirish⁸¹;

-davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish: Yashil texnologiyalarga o‘tayotgan korxonalarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha davlat dasturlari va imtiyozlarni, jumladan, soliq imtiyozlari va subsidiyalarni joriy qilish;

- ta‘lim dasturlari: Yashil iqtisodiyot haqida xabardorlikni oshirish va yangi yashil sanoatlarda ishlash uchun zarur bo‘lgan ko‘nikmalarni o‘rgatish uchun ta‘lim dasturlarini amalga oshirish.

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasining yashil iqtisodiyotga o‘tishi bilan bog‘liq muammolar

t/r.	Muammolarning nomlanishi	Muammolarning ko‘rinish jihatlari
1.	Moliyaviy cheklovlar	O‘zbekiston uchun yashil texnologiyalar va infratuzilma loyihalarini amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan moliyalashtirishni ta‘minlashdagi qiyinchiliklar
2.	Texnologik muammolar	Yashil iqtisodiyotga o‘tish bilan bog‘liq bo‘lgan zamonaviy texnologiya va nou-xaudan foydalanish talab etiladi, bu esa resurslari cheklangan mamlakat uchun qiyin bo‘lishi mumkin.
3.	Iqtisodiy tuzilmani o‘zgartirish	Yashil iqtisodiyotga o‘tish sanoat tuzilmasi va ishchi kuchida o‘zgarishlarni talab qiladi, bu esa ijtimoiy va iqtisodiy muammolarga, jumladan, an‘anaviy tarmoqlarda ish o‘rinlarining yo‘qolishiga olib kelishi mumkin
4.	Ta‘lim va xabardorlik	Aholi va korxonalar o‘rtasida yashil iqtisodiyotning afzalliklari haqida ta‘lim berish negizida xabardorlikni oshirish zarur

- barqaror rivojlanish siyosati: ifloslanishni kamaytirish va tabiiy resurslarni boshqarishni yaxshilash siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish⁸².

Yashil iqtisodiyotga ajratilgan dastlabki investitsiyalar, garchi sezilarli bo‘lsada, ammo bu mamlakat uchun uzoq muddatda o‘z samarasini berishi mumkin.

Yashil iqtisodiyot iqtisodiy o‘sish va rentabellikka qanday hissa qo‘shishi mumkinligining ba‘zi asosiy jihatlari sifatida quyidagilarni keltirish mumkin, xususan:

- energiya samaradorligi: energiya tejamkor texnologiyalar va amaliyotlarni qabul qilish korxonalar va uy xo‘jaliklari uchun energiya xarajatlarini kamaytirishi mumkin. Bu tezkor xarajatlarni kamaytiradi va mavjud daromadni oshiradi;

- ish o‘rinlari yaratish: Yashil iqtisodiyotga o‘tish qayta tiklanadigan energiya, barqaror qishloq xo‘jaligi, energiya tejamkor qurilish va chiqindilarni boshqarish kabi sohalarda yangi ish o‘rinlarini yaratishi mumkin. Bu ishsizlikni kamaytirish va iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirishga yordam beradi;

⁸¹ Айнакулов М.А. Абдухамидов Э.М. Нормативно-правовая база интеграционных отношений хозяйствующих субъектов // Молодой ученый». Международный научный журнал. Спецвыпуск Джизакский политехнический институт. – 2016. – Т. 7. – №. 111.2. – С. 48-50.

⁸² Айнақуллов М. А. Худайберdiyev В.В. Motivatsiya samaradorlik garovi sifatida // Ilmiy axborotnoma jurnali. Samarqand Davlat Universiteti. – 2020. – №. 2 (120). – С. 91.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- investitsiyalarni jalb qilish: Yashil texnologiyalar va barqaror amaliyotni faol rivojlantirayotgan mamlakatlar xalqaro investorlar va moliya institutlarining e'tiborini tortadi, bu esa to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmining oshishiga olib kelishi mumkin;

- sog'liqni saqlash xarajatlarini kamaytirish: Atrof-muhit sifatini yaxshilash havo va suv ifloslanishidan kelib chiqadigan kasalliklar bilan bog'liq sog'liqni saqlash xarajatlarini kamaytiradi;

- uzoq muddatli barqarorlik: Yashil iqtisodiyot tabiiy resurslardan barqaror foydalanishga yordam beradi, ularning kelajak avlodlar uchun mavjudligini ta'minlaydi, uzoq muddatli iqtisodiy rivojlanishni qo'llab-quvvatlaydi;

- iqlimga chidamlilik: Yashil texnologiyalarni qo'llagan mamlakatlar iqlim o'zgarishi oqibatlarini bartaraf etishga yaxshiroq tayyorgarlik ko'rishadi, bu esa kelajakda tabiiy ofatlardan kelib chiqadigan iqtisodiy yo'qotishlarni kamaytirishi mumkin.

Ammo shuni ta'kidlash kerakki, yashil iqtisodiyot yo'nalishidagi aniq natijalar ko'plab omillarga, jumladan, iqtisodiy siyosat, mintaqaviy xususiyatlar, texnologik rivojlanish darajasi va global iqtisodiy sharoitlarga ham bog'liqdir.

Asosiy xulosalardan biri shundaki, yashil iqtisodiyotni amalga oshirish iqtisodiy o'sishning katalizatoriga aylanishi va aholi turmush sifatini oshirishi lozim. Bu borada inson kapitalini shakllantirishga qaratilgan ta'limni rivojlantirish ham muhim jihatdir. Yashil iqtisodiyotda ishlash uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni egallashga qaratilgan o'qitish va rivojlantirish dasturlari ishchi kuchining eski tarmoqlardan yangi, ekologik barqaror tarmoqlarga silliq o'tishini osonlashtirishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda yashil iqtisodiyotga o'tish murakkab, ammo hayotiy zaruratdir. Uni muvaffaqiyatli amalga oshirish har tomonlama sa'y-harakatlarni, strategik rejalashtirishni va jamiyat va davlat boshqaruvining barcha darajalarida hamkorlikni talab qiladi. Bunday yondashuv nafaqat O'zbekistonning barqaror kelajagini ta'minlaydi, balki barqaror va ekologik mas'uliyatli rivojlanish modeliga o'tishga intilayotgan boshqa davlatlar uchun ham namuna bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Айнакулов М. А. Абдухамидов Э.М. Нормативно-правовая база интеграционных отношений хозяйствующих субъектов // Молодой ученый». Международный научный журнал. Спецвыпуск Джизакский политехнический институт. – 2016. – Т. 7. – №. 111.2. – С. 48-50.

2. Айнақолов М. А. Худайберdiyev В.В. Motivatsiya samaradorlik garovi sifatida // Ilmiy axborotnoma jurnali. Samarqand Davlat Universiteti. – 2020. – №. 2 (120). – С. 91.

INVESTITSIYA JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA YASHIL INVESTITSIYALARNING ROLI

F.Uroqboyeva, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti

Ikki asrdan ortiq vaqt davomida dunyo ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti iqtisodiy ishlab chiqarish va iste'molning atrof-muhitga salbiy ta'sirini yetarli darajada

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

hisobga olmadi. Oqibatda, havo va suvning ifloslanishi, resusrlarning o‘ta darajada kamayib ketishi, biologik xilma xillikning yo‘qolishi, oziq-ovqat xavfsizligi kabilar bilan bog‘liq bo‘lgan muammolar muhim bo‘lib qoldi. Ko‘plab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar o‘rtacha yoki yuqori darajadagi qashshoqlik, yirik yashirin iqtisodiyot, zaif investitsiyaviy salohiyat, noto‘g‘ri boshqaruv kabi tarkibiy muammolarga duch kelishmoqda. Ushbu muammolarni hal qilish uchun yashil iqtisodiyotga o‘tish samarali yechim hisoblanadi.

Mamlakatimizda ham so‘nggi yillarda yashil iqtisodiyotga alohida e‘tibor qaratila boshlandi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-oktyabrdagi PQ-4477-son qarori bilan “2019-2030-yillar davrida O‘zbekiston respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi” tasdiqlandi[1]. Ushbu strategiyada yashil investitsiyalarga alohida urg‘u berilgan hamda yashil investitsiyalarni qo‘llab quvvatlash bo‘yicha “yashil” kreditlash, venchur moliyalashtirish tizimini joriy etish, “yashil” fondlar, energiya tejamkorligi maxsus fondlari va boshqa xuddi shunday mexanizmlar yaratish, “yashil” iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha loyihalarni moliyalashtirishda xususiy sektorni faollashtirish, shuningdek, “yashil” investitsiyalarga nisbatan bank tizimini rag‘batlantirish, fiskal (xazinaga oid) siyosat orqali davlat tomonidan “yashil” iqtisodiyotning barqaror o‘shini qo‘llab-quvvatlash kabi maqsadlar belgilangan.

Bundan tashqari, 2023-yil 5-mayda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ““yashil energiya” sertifikatlari tizimini joriy etish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-156-son qarori qabul qilindi[2]. Qarorga ko‘ra Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Energetika vazirligi va “O‘zbekgidroenergo” aksiyadorlik jamiyatining elektr energiyasini qayta tiklanuvchi manbalardan foydalangan holda ishlab chiqarilganini tasdiqlovchi “yashil energiya” sertifikatlari tizimini bosqichma-bosqich joriy etilishi ko‘zda tutilgan.

Ko‘plab xorijiy tadqiqotchilar tomonida yashil investitsiyalarga turlicha ta‘rif berilgan. Yashil investitsiyalar energiya bo‘lmagan tovarlarni ishlab chiqarish va iste‘mol qilishni sezilarli darajada kamaytirmasdan, issiqxona gazlari va havoni ifloslantiruvchi moddalar emissiyasini kamaytirish uchun zarur bo‘lgan investitsiyalarni nazarda tutadi[3].

“Yashil investitsiyalar” - bu juda keng atama bo‘lib, kengroq investitsiya mavzusining kichik to‘plami yoki SRI (ijtimoiy mas‘uliyatli investitsiyalar), ESG (ekologik, ijtimoiy va boshqaruv investitsiyalari), barqaror, uzoq muddatli investitsiyalar yoki shunga o‘xshash boshqa investitsiya yondashuvlari bilan chambarchas bog‘liq holda ishlatilishi mumki,[4].

Yashil investitsiyalar tabiiy muhitga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadigan biznes amaliyotlarini qo‘llab-quvvatlashga intiladi. Ko‘pincha ijtimoiy mas‘uliyatli investitsiyalar (SRI) yoki ekologik, ijtimoiy va boshqaruv (ESG) mezonlari bilan guruhlangan yashil investitsiyalar tabiiy resurslarni saqlash, ifloslanishni kamaytirish yoki boshqa ekologik ongli biznes amaliyotlariga qaratilgan kompaniyalar yoki loyihalarga qaratilgan[5].


Ba‘zi investorlar yashil obligatsiyalar, yashil birja fondlari (ETF), yashil indeks fondlari, yashil investitsiya fondlarini sotib oladi yoki yashil tashabbuslarni qo‘llab-

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

quvvatlash uchun ekologik toza kompaniyalarda aksiyalarga ega. Daromad bu investorlar uchun yagona sabab bo‘lmasada, yashil investitsiyalar an'anaviy aktivlarning daromadlariga qaraganda ko‘proq daromad keltirishi haqida bir qancha qarashlar mavjud. Shuning uchun ham ko‘plab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda yashil iqtisodiyot yo‘lga qo‘yila boshlanganini investitsiya samaradorligini oshirish maqsadi sifatida ham ko‘rish mumkin. Bu borada mamlakatimizda ham ko‘plab loyihalar amalga oshirilmoqda hamda xorijiy investorlar va xalqaro moliya tashkilotlari bilan hamkorlik aloqalari yo‘lga qo‘

GEFF(Yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish) dasturi doirasida Yevropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki mahalliy moliya tashkilotlarining ishtirok etishi hamda xususiy qarz oluvchilarni kreditlash uchun 60mln.yevro kredit ajratdi. Ushbu mablag‘lar “Yashil iqtisodiyotga o‘tish” dasturiga muvofiq, issiqxona gazlari emissiyasini kamaytirish va energiya samaradorligini oshirish bo‘yicha kompleks strategiya asosida iqlim o‘zgarishi oqibatlarini yumshatish va moslashtirish investitsiyalari uchun foydalaniladi.

GEFF dasturining yashil iqtisodiyot investitsiyalari sifatidagi afzalliklari:



1-rasm. GEFF dasturining afzalliklari⁸³

Yuqoridagilardan shuni xulosa qilish mumkinki, yashil iqtisodiyot rivojlanishi, yashil investitsiyalash mexanizmining vujudga kelishi mamlakatda nafaqat iqlim

⁸³ Muallif tomonidan tayyorlandi

o‘zgarishini kamaytirish, resurslarni saqlash, ifloslanish darajasini pasaytirish, energiya samaradorligini oshirish afzalliklarini yuzaga keltiradi, balki investor uchun an’anaviy investitsiyalarga qaraganda ko‘proq daromad olish imkonini ham beradi. Shuning uchun ham mamlakatda yashil iqtisodiyotga qadam qo‘yilishi, ko‘plab loyihalarning amalga oshirilishi investorlarning qiziqishlarini orttiradi, bu o‘z navbatida investitsiya jozibadorligiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. “2019-2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 04.10.2019 yildagi PQ-4477-son
2. ““Yashil energiya” sertifikatlari tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 12.05.2023 yildagi PQ-156-son
3. Luc Eyroud, Benedict Clements, Abdoul wane, “Green investment: Trends and determinants”, Energy Policy, Volume 60, September 2013, Pages 852-865
4. Inderst, G., C. Kaminker and F. Stewart (2012), “Defining and Measuring Green Investments: Implications for Institutional Investors' Asset Allocations”, OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions, No. 24, OECD Publishing.
5. <https://www.investopedia.com/terms/g/green-investing.asp>

HUDUDIY SHAMOL YO‘NALISHINI HISOBGA OLIHNING YASHIL IQTISODIYOTGA TA’SIRI (JIZZAX VILOYATI HUDUDI MISOLIDA)

B.Xudayberdiyev, Jizzax politexnika instituti assistenti

O‘zbekistonning markaziy qismida joylashgan Jizzax viloyati tabiiy sharoiti va ekotizimlari xilma-xil bo‘lgan noyob hududdir. Bu uni barqaror rivojlanishni rag‘batlantirish uchun yashil texnologiyalar va yondashuvlarni, jumladan, shamolni boshqarishni o‘rganish va amalga oshirish uchun ideal joyga aylantiradi.

Jizzax viloyati hududida barqaror iqtisodiy rivojlanishni ta’minlovchi xo‘jalik obyektlari va uni har tomonlama qo‘llab quvvatlovchi infratuzilma obyektlarini loyihalash va joylashtirishga ta’sir qiluvchi muhim ekologik omillardan biri shamol yo‘nalishi hisoblanadi. Shamol yo‘nalishini hisobga olish barqaror iqtisodiy rivojlanishni ta’minlovchi xo‘jalik obyektlari xavfsizligi, mustahkamligi va samaradorligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Darhaqiqat, faoliyati va rivojlanishi iqtisodiy o‘sishga, ijtimoiy farovonlikka va atrof-muhitni muhofaza qilishga qaratilgan korxonalar, muassasalar va infratuzilmaning barqaror iqtisodiy rivojlanishini ta’minlovchi xo‘jalik yurituvchi subyektlardir. Ushbu xo‘jalik obyektlariga quyidagilar kiradi:

- atrof-muhitga zararli ta'sirni minimallashtirish uchun ekologik toza texnologiyalar va innovatsiyalardan foydalanadigan sanoat korxonalarini;
- barqaror dehqonchilik amaliyotlaridan, jumladan, organik dehqonchilikdan va suv resurslaridan samarali foydalanadigan qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi;
- quyosh va shamol energiyasi kabi qayta tiklanadigan energiya manbalarini


rivojlantirish va ulardan foydalanishga qaratilgan energiya inshootlari⁸⁴.

Ijtimoiy rivojlanishni qo‘llab-quvvatlovchi hamda barqaror iqtisodiy o‘shish uchun zarur shart-sharoitlarni ta‘minlovchi transport tarmoqlari, suv ta‘minoti va irrigatsiya tizimlari, ta‘lim va sog‘liqni saqlash muassasalari kabi infratuzilma loyihalari ham shular jumlasidandir.

Ushbu obyektlarning maqsadi - atrof-muhit va jamiyat ehtiyojlari bilan muvozanatlashgan uzoq muddatli iqtisodiy farovonlik uchun asos yaratish, shu bilan barqaror rivojlanishni ta‘minlashdir.

Ishlab chiqarish kuchlarining, shuningdek, logistika yo‘nalishlarining asosiy negizi sanalgan xo‘jalik obyektlarini oqilona joylashtirishning eng muhim amallaridan biri tabiiy muhit va uning resurslari bo‘lib, ular ma‘lum hudud tabiatining o‘ziga xosligi va tabiiy resurs salohiyati orqali ularni barpo etishga bevosita ta‘sir ko‘rsatadi. Aynan bir vaqtning o‘zida, xo‘jalik va infratuzilmaviy obyektlarni samarali joylashtirish tabiatdan foydalanish va uni muhofaza qilishning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Mazkur dasturiy amalga ko‘ra, Jizzax hududida so‘nggi yillarda “Maxsus industrial zona” larning vujudga kelishi, shuningdek, kichik sanoat tugunlarining barpo bo‘layotganligi mazkur sohaga birmuncha e‘tiborliroq bo‘lishni talab etmoqda, chunki ular ko‘laming ko‘payishi bugungi iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida alohida dolzarb masala bo‘lib, u ishlab chiqarishning katta samara berishini, hududlarning tabiiy-resurs salohiyatidan avaylab-asrab, tejab-tergab foydalanish asosida yuqori foyda olishni, aholi turmush tarzining me‘yoriy ekologik sharoitlarini saqlash va yaxshilashni ta‘minlaydi.

Iqtisodiyotni yuksaltirish va modernizatsiya qilish sharoitida ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish bilan bir paytda ularning logistika tarmog‘iga xizmat qiluvchi har xil infratuzilmaviy obyektlarni barpo etishda quyidagi asosiy tamoyillardan foydalanish muhimdir⁸⁵:



1-rasm. Jizzax shahar hududiy shamol yo‘nalishi sxemasi

⁸⁴ Соатов А.М. Новые идеи и инструкции в системе образования в современных условиях // Экономика и социум. – 2022. – №. 2-1 (93). – С. 485-490.

⁸⁵ Soatov A. Ekologiyada kompyuter modellashtirish va simulyatsiya // Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – T. 1. – №. 5. – С. 912-914.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- ishlab chiqarishni xom ashyo, yoqilg‘i va energiya manbalariga va iste‘mol hududlariga yaqinlashtirish sarhisobini xo‘jalik va infratuzilmaviy obyektlarni oqilona joylashtirish bilan birga qo‘shib olib borish;

- xo‘jalik va infratuzilma obyektlarini oqilona joylashtirishda ekologik vaziyatni sog‘lomlashtirish, tabiatdan oqilona foydalanish va tabiatni muhofaza qilishning samarali tadbirlari yuzasidan maxsus dastur ishlab chiqish.

Shamol sxemasi – ma‘lum bir hududda shamol yo‘nalishlari va tezligining ma‘lum bir davr ichida taqsimlanishini ko‘rsatadigan xarita yoki diagramma hisoblanadi.

Shamolning aylanish ma‘lumotlarini to‘plash va tahlil qilish mintaqadagi shamol qonuniyatlarining aniq modelini yaratish uchun juda muhimdir. Buning uchun yerosti ob-havo stansiyalari, masofadan zondlash va kompyuter modellashtirish kabi zamonaviy texnologiya va texnikalardan foydalanish talab etiladi. Olingan ma‘lumotlar turli loyihalar uchun eng mos joylarni aniqlashga va ularning potentsial samaradorligi va barqarorligini baholashga yordam beradi.

Sanoat tugunlarining, ishlab chiqarish quvvatlarining qo‘shimcha yaratilishi, ularni kommunikatsion jihatdan bog‘lovchi yo‘l qurilishining, shuningdek, infratuzilma obyektlarining, mahalliy iste‘mol bozorlarimizning zaruriy mahsulotlar bilan to‘lishida, shuningdek, aholini ish bilan band etishda alohida o‘rni va roli bor albatta, ammo ekologik barqarorlik nuqtayi nazaridan oqilona joylashtirish ayni muddao sanaladi. Buning eng birinchi yo‘nalishi bu “QMQ 2.01.01- 2004” bo‘yicha shamol esishining ustuvor yo‘nalishlariga rioya etish hisoblanadi. Mazkur tadqiqotning obyekti sifatida Jizzax hududidagi real ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatish obyektlari misolida ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, tahlillarimiz asosan qish faslining chilla payti hisoblangan yanvar oyi uchun, shuningdek, yoz faslining chilla payti hisoblangan iyul oylari uchun olindi (1-rasm).

Xulosa qilib aytganda, Jizzax viloyatida shamol yo‘nalishini hisobga olish ekologik barqarorlik, iqtisodiy farovonlik va ijtimoiy farovonlikka erishishga qaratilgan yashil iqtisodiyotni rivojlantirish strategiyasining muhim elementi hisoblanadi. Ushbu vositadan samarali foydalanish aniq ma‘lumotlar, innovatsion texnologiyalar, xalqaro hamkorlik va jamiyatning barcha sohalarining faol ishtirokiga asoslangan kompleks yondashuvni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Соатов А.М. Новые идеи и инструкции в системе образования в современных условиях // Экономика и социум. – 2022. – №. 2-1 (93). – С. 485-490.

2. Soatov A. Ekologiyada kompyuter modellashtirish va simulyatsiya // Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – T. 1. – №. 5. – С. 912-914.

YASHIL IQTISODIYOTNING JAMIYAT HAYOTIDA TUTGAN O‘RNI

Y.Xaydarova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti o‘qituvchisi

Mamlakatimizda yashil iqtisodiyot rivojlanishga erishishadigan bo‘lsa, boshqaruv sohasini yanada rivojlantirish va yaxshi darajaga chiqishini ta‘minlaydi.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Mamlakatga kirib keladigan mahalliy va xorijiy investitsiyalarni uchun rivojlangan va tahlil qilinadigan makroiqtisodiy muhitga ega bo‘lish juda muhim omil hisoblanadi.

Mamlakatimizga yashil iqtisodiy muhit ham shaffof bo‘lishi kerakligini talab qiladi. Boshqaruv jarayonida yaxshi va kuchli boshqaruv tizimi bo‘lmasa, barqaror rivojlanish yo‘liga o‘tish ehtimoli juda kam bo‘ladi.

Yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda samarali institutlar va boshqaruv tuzilmalari, rejalar va dasturlarning samarali amalga oshirilishini ta‘minlashda muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Yashil iqtisodiyotga o‘tish biznes yuritish jarayonida yangicha fikrlashni talab qiladi. Bu, shuningdek, turli sohalarda ishlay oladigan va ko‘p tarmoqli bir qismi sifatida ishlay olish salohiyatiga ega bo‘lgan yangi malakali ishchi va mutaxassislarni talab qiladi. Yashil iqtisodga o‘tish uchun kadrlarning salohiyatini yanada oshirish kerak. Yashil iqtisodiyotga o‘tish tadqiqot, texnologiyani rivojlantirish, innovatsiyalar va bilimlarni doimiy ravishda oshirishga sarmoya kiritib borish zarurligini talab qiladi. Ko‘plab rivojlangan mamlakatlarning yashil iqtisodiyotni rivojlantirish uchun ko‘plab resurslarni ajratilganligini va ilmiy-tadqiqot va ishlanmalarga katta miqdorda sarmoya kiritgan mamlakatlar iqtisodiyotining o‘sish sur‘atlarini tezlashganiga muvaffaq bo‘lganini ko‘rishimiz mumkin. Bunga Shimoliy Yevropa davlatlarining tajribasini ko‘rishimiz mumkin. Ushbu mamlakatlar qatoriga Daniya, Finlandiya, Islandiya, Norvegiya va Shvetsiya kabi mamlakatlar kiradi. Bu mamlakatlar “Yashil iqtisodiyot”ni rivojlantirishda soliq omilidan foydalanganlar. Ammo, barqaror rivojlanish maqsadlariga mos keladigan va qo‘llab-quvvatlanadigan yo‘nalishlarini aniq belgilash zarurati mavjud hisoblanadi. Ilmiy-tadqiqot va texnologiya innovatsion sa’y-harakatlari resurslar samaradorligiga, shuningdek, oqava suvlarni tozalash va tuzsizlantirish, qayta tiklanadigan energiya, qattiq chiqindilarni qayta ishlash va qayta ishlash, yashil qurilish va binolar, ekologik toza uskunalar va sanoat texnologiyalari kabi sohalarga yo‘naltirilishi kerakligini talab qiladi. Bunga “Byurokratik to‘siqlarni yanada qisqartirish hamda davlat organlari va tashkilotlari faoliyatiga zamonaviy boshqaruv tamoyillarini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” . O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 09.03.2020 yildagi 133-sonli qarorini ham yaqqol misol qilishimiz mumkin.

Bozorni iqtisodiyotini rag‘batlantirishni tartibga solish choralari qo‘llab-quvvatlash chora tadbirlarni ishlab chiqilish kerak. Bu ko‘plab muammolarga yechim bo‘ladi. Ko‘p hollarda siyosat vositalari mustaqil ravishda ishlab chiqilgan va bir-biriga zid bo‘lishi mumkin. Siyosiy - iqtisodiy masalalarga ko‘proq e‘tibor qaratish va uni ahamiyatini yanada oshirish kerak. O‘zgarishlar sekin bo‘lishiga sabab, o‘z manfaatlariga putur yetkazishi mumkinligiga ishonadiganlar tomonidan turli xil to‘sqinliklar qilinishi mumkinligidir. Bular yirik biznes egalari, korporatsiyalar egalari bo‘lishi mumkin. Shuning uchun har bir holat, jarayon va chora-tadbir ishlab chiqilganda, o‘zgarishlarga qarshi bo‘lishi mumkin bo‘lganlarni aniqlash va ular o‘zgarishlar oldida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan to‘siqlarni bartaraf etish choralari ko‘rish muhim hisoblanadi.

Fuqarolik jamiyati joylardagi yuz berayotgan voqea va hodisalar bilan

yaqindan tanish, mahalliy aholi bilan yaqindan hamkorlik qilishi lozim hisoblanadi. Qolaversa mamlakat ham xususiy tadbirkorlik sektorlarining barqaror rivojlanishga hissa qo‘shadigan loyiha va tadbirlarni moliyalashtirishni qo‘llab-quvvatlash kerak. Tijorat banklarini ham tartibga solish va rag‘batlantirish choralari orqali barqaror rivojlanish loyihalarini qo‘llab-quvvatlashni rag‘batlantirish kerak. Banklarni yer spekulyatsiyasini rag‘batlantiradigan kreditlar berish yoki atrof-muhitga zarar etkazuvchi va ifloslantiruvchi faoliyatni moliyalashtirishni to‘xtatish uchun tegishli choralar ko‘rish kerak. Mamlakatning hokimiyat tashkilotlari ko‘kalamzorlashtirish ishlarini takomillashtiradi. Turli jamoat birlashmalari va jismoniy shaxslar tomonidan, bu davlat idoralari, maktablar, kasalxonalar, pochta bo‘limlari va boshqa jamoat binolari qurilishini ko‘kalamzorlashtirishni o‘z ichiga oladi. Boshqa yashil xarajatlar atrof-muhitga zarar yetkazmaydigan ofis uskunalari va materiallarini sotib olishni o‘z ichiga oladi. Misol uchun olib qarasaq elektr energiyadan foydalanishda, tabiiy zahiralardan foydalanish ya’ni quyosh nurlari orqali quyosh bataryalaridan davlat tashkilotlari va korxonalar uchun foydalanish. Savdo siyosati yaxshi shakllantirilsa, Yashil iqtisodiyotga o‘tishni qo‘llab-quvvatlashda samarali vosita bo‘lishi mumkin. Agar mamlakatda ishlab chiqilgan savdo siyosati mahalliy bozorni qondirish va eksport qilish uchun atrof-muhitga oid tovarlar va xizmatlar, texnologiyalarga investitsiyalar qilish uchun munosib sharoit yaratishi mumkin. Shuningdek, u xorijiy ekologik texnologiyalardan foydalanishni rag‘batlantirishi ham mumkin. Shuni ta’kidlash kerakki, barqaror rivojlanishga barchaga mos keladigan yagona yondashuv yo‘q. Barqaror rivojlanishga erishish uchun yashil iqtisodiyot vositasi yoki vositasidan qanday foydalanishga mamlakatlar tayyor bo‘lishi davlatlar tomonidan ishlab chiqilishi va loyihalashiga bog‘liq hisoblanadi. Bu mamlakatlarning yashil iqtisodiyotga o‘tishga tayyorlanish tezligi, ularning ustuvorliklari, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlari va imkoniyatlariga asoslanishi kerak

Iste’molchilarning ehtiyojining cheksiz o‘sishi natijasida sayyoramizning yo‘q qiladigan, turli xil fabrikalarning ishlashi ham tobora ortmoqda. Insonlar har doim ko‘proq narsani hohlashlari sababli, bozor talabi va o‘sib borayotgan aholi yer yuzidan cheksiz foydalanishga olib keladi. Xulosa o‘rnida shuni aytioshimiz mumkinki biz qilayotgan yoki qilmayotgan har bir harakatimiz atrofimizdagi dunyoni shakllantiradi. Uning qay holatda shakllanishi va rivojlanishi yoki yo‘q bo‘lib ketishi insonlarga bog‘liq hisoblanadi. Yashil iqtisodiyotga o‘tish turli xil sarf - harajatlarning kamayishini, atrof muhitni saqlab qolish imkonini, mamlakatning tovar eksportini oshirish, xususiy tadbirkorlik yanada rivojlantirishga imkon yaratadi. Xorijiy texnologiyalarni keng joriy qilish va ish sifatini takomillashtirishga ham katta turtki bo‘ladi. Bunda texnologiyalar va innovatsion g‘oyalar bilan ishlay oladigan kadrlarga bo‘lgan talabni ham tobora ortishiga sabab bo‘ladi desam mubolag‘a bo‘lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. <https://zarnews.uz/uz/post/yashil-iqtisodiyot>
2. <http://researchgate.net/publication/357097181> Shimoliy yevropa mamlakatlari
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 09.03.2020 yildagi

“ЯШИЛ” ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎРНИ

Г.Алимова Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, иқтисодиётнинг турли тармоқларида “яшил технологиялар”ни жорий этиш аҳолининг яшаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида шаҳарлардаги ҳаёт қулайлашади, болалар ўлими қисқаради, ўртача умр кўриш давомийлиги узаяди ва ҳоказо. Лотин Америкаси ва Африканинг айрим минтақаларида эса ҳатто ташқи миграция оқимлари қисқариб, инсон капиталининг ривожланиши кузатилган. Ўзбекистонда «яшил» иқтисодиётни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири 2019 йил октябр ойида «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасини «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси» ни тасдиқлаш бўлди. Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш жараёнларига иқтисодиётнинг барча тармоқларида кам углерод сарфлаган ҳолда ривожланиш ва ресурсларни тежаш, самарали ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, шунингдек, барқарор қишлоқ хўжалигига йўналтирилган «яшил» иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали табиий ва энергия ресурсларидан унумли фойдаланиш усуллари тубдан ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Глобал яшил ўсиш институтига аъзо бўлди. Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилга қадар парник газларни атмосферага чиқаришни (10%га) қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни мунтазам бажариб келмоқда⁸⁶.

Е. Лясковская ва К. Григорьева “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни технологик ривожланишдан воз кечишни англатадими деган саволга жавоб беришга қаратилган бўлиб “барқарор ривожланиш”, инклюзив ривожланиш”, “яшил” ва “жигар” ранг иқтисодиёт моделлари кўриб чиқишган⁸⁷.

Иқтисодиётнинг “жигар” ранг ривожланиш модели XX асрга ҳос бўлган ва энерго-ресурс сифими юқори бўлган анъанавий ишлаб чиқариш назарда тутилган. Унинг асосий салбий оқибатлари экологик муаммоларни кескинлашиши, табиий бойликларни самарасиз ишлатилиши, сув ресурслар, озиқ-овқат ва энергия танқислиги билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда⁸⁸.

“Яшил иқтисодиёт”ни ривожланишида хизматлар соҳасининг муҳим йўналишларидан бири “экологик” туризмни ривожлантириш катта аҳамиятга эга⁸⁹. Натижада, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда

⁸⁶ <https://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/uzbekiston-p4g-ning-tulakonli-istirokcisiga-ajlanisga-karor-kildi>

⁸⁷ Лясковская, Е.А., Григорьева К.А. Формирование «зеленой» экономики и устойчивость развития страны и регионов. // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». - 2018. –Т. 12, № 1. - С. 15-22. БО! 10.14529/et180102

⁸⁸ Chapple K. Defining the Green Economy: A Primer on Green Economic Development // Berkeley: The Center for Community Innovation (CCI) at UC-Berkeley. - 2008. - P. 66.


⁸⁹ Худаяров А.А., Пирматов Х.Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.

имкониятларини кенгайтиради.

2020-2030 йилларда қайта тикланадиган энергия манбалари орқали электр энергия ишлаб чиқаришга, айниқса қуёш энергиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳалар фақат сармоядорлар - мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан амалга оширилади. Қайта тикланадиган энергетиканинг ривожланиш кўрсаткичларига эришиш мақсадида 2020-2030 йилларда 3 ГВт шамол ва 5 ГВт қуёш электр станцияларини қуриш кўзда тутилган ҚТЭМларнинг ҳар йили фойдаланишга топшириладиган қувватларининг мақсадли параметрлари белгиланган.

Шамол энергетикасида асосий эътибор ҳар бирининг қуввати 100-500 МВт бўлган йирик шамол электр станцияларини ташкил этишга қаратилади, уларнинг асосий қисми Шимоли-ғарбий минтақада (Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти) жойлаштирилади.

Қуввати 100-500 МВт бўлган қуёш электр станциялари асосан марказий ва жанубий вилоятларда (Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) жойлаштириш кўзда тутилган. Бироқ, республиканинг бошқа минтақаларида 50-200 МВт қувватга эга қуёш электр станциялари қурилади. Шу билан бирга, йирик қуёш фотоэлектрик станциялари (300 МВт дан ортиқ) ўзгарувчан ишлаб чиқаришни барқарорлигини ва энерготизимда истеъмолнинг тифиз соатларидаги максимал юкламани тартибга солишни таъминлаш учун саноат миқёсида энергия сақлаш тизимлари билан босқичма-босқич жиҳозланади.



1-расм. 2021–2030 йилга қадар ҚТЭМ асосида энергия ишлаб чиқариш тузилмаси, МВт

Шунингдек, республиканинг олис аҳоли пунктларида, экотуризмни ривожлантириш режалаштирилаётган минтақаларда ҳамда изоляцияланган (ягона электр энергияси тизимига уланмаган) кичик қуёш электр станцияларини яратишга ҳам эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари ва саноат технопаркларнинг шахсий эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича ўрта қувватли (1-2 МВт) қуёш электр станциялари қурилади.

Истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб

чиқариш ва ортиқча электр энергиясини тизимига етказиб бериш қобилиятининг жадал ўсишини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, республикада инвестиция салоҳияти фаоллашишини рағбатлантириш мақсадида 2021-2025 йилларда 150 мингга яқин қуёш фотоэлектр станцияларини (қуввати 2-3 кВт) ва уй хўжалиқларининг 2-2,5 фоизида сув иситгичлари (ўртача 200 литр) ўрнатишни кўзда тутувчи мақсадли дастур тасдиқланди.

2026 йилга келиб, аҳоли томонидан ҚТЭМ объектлари ўрнатилишини ҳисобга олган ҳолда, республикадаги уй хўжалиқларининг 4,3 фоизини йилига қарийб 800 млн. кВт.с. ҳажмида электр энергияси билан таъминлаш режалаштирилмоқда(1-расм).

2020 йилда Жаҳон банкининг кўмаги билан янги ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан қайта тикланадиган энергия манбалари интеграциясини ҳисобга олган ҳолда магистрал электр тармоқларини 2030 йилгача бўлган давр учун ривожлантириш режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Мамлакатда “Яшил” технологияларни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўрнини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар олинди:

- мамлакатимизда ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаш мақсадида индикатив бошқарув услубиётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Унда ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожланишини интеграл кўрсаткичлар тизимини баҳолашни уч босқичга ажратган ҳолда амалга ошириш мумкин;

- республика ҳудудларини ижтимоий – иқтисодий ривожланишини тавсифловчи ҳар бир кўрсаткичларни умумлаштирувчи кўрсаткичларни шакллантиришни оралиқ босқичларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг минтақавий хусусиятларини тавсифлаш ва тасодифий хавф-хатар ҳолатларни таъсирини минималлаштириш ҳамда асосий кўрсаткичларини аниқлигини оширишга хизмат қилади;

- ривожланиш кўрсаткичларининг катта қисми мутлақ қийматлар бўлганлиги сабабли, зарурий ҳисоблаш тартиби танланган кўрсаткичларни дастлаб меъёрлаштириш зарур, бу шаклланган ахборот базасининг маълумотларини таққосланувчанлигини таъминлаб беради;

- республика ҳудудларининг ЯХМдаги инновацион тармоқларнинг улуши 2 фоиздан ошмайди, бу ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан анча паст. Республикада инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, улар юқори технологияли корхоналар сонининг кескин кўпайиши учун етарли бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/uzbekiston-p4g-ning-tulakonli-istirokcsiga-ajlanisga-karor-kildi>

2. Лясковская, Е.А., Григорьева К.А. Формирование «зеленой»

экономики и устойчивость развития страны и регионов. // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». - 2018. –Т. 12, № 1. - С. 15-22. БО!:
10.14529/et180102

3. Chapple K. Defining the Green Economy: A Primer on Green Economic Development // Berkeley: The Center for Community Innovation (CCI) at UC-Berkeley. - 2008. - P. 66.

4. Худаяров А.А., Пирматов Х.Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.

ОБЩИЙ ОБЗОР ИСТОРИЧЕСКИХ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ

**Г.Авалова, доцент Ташкентского государственного экономического
университета**

Зеленая экономика стала одним из ключевых понятий не только в области экологии, но и в мировой экономике в целом. Этот термин означает экономическую систему, направленную на устойчивое использование природных ресурсов, сокращение загрязнения окружающей среды и создание условий для устойчивого развития.

Идеи зеленой экономики имеют древние корни, которые можно проследить в различных цивилизациях. Однако, с распространением индустриальной революции и усилением антропогенного воздействия на природу, вопросы экологии и устойчивого развития стали особенно актуальными.

Современная концепция зеленой экономики начала развиваться во второй половине XX века. Одним из ключевых вехопоставляющих моментов стало проведение Римской конференции ООН по человеческой среде в 1972 году, где было поднято множество вопросов, связанных с сохранением окружающей среды.

Хотя точные истоки термина могут быть трудными для определения, его использование стало более широко распространенным после публикации доклада "Наши общие будущие" (Our Common Future), также известного как "Доклад Брундэтланд" в 1987 году. В этом докладе было введено понятие "устойчивого развития", которое призывало к удовлетворению потребностей современных поколений, не ущемляя возможности будущих поколений удовлетворять свои собственные потребности.

С течением времени термин "зеленая экономика" стал ассоциироваться с экономическими моделями и стратегиями, направленными на снижение негативного воздействия человеческой деятельности на окружающую среду и на повышение эффективности использования ресурсов. В рамках зеленой экономики рассматриваются такие аспекты, как развитие возобновляемых источников энергии, энергосбережение, экологически чистое производство, устойчивое использование природных ресурсов и принятие мер по адаптации к изменению климата.

Таким образом, термин "зеленая экономика" стал отражать не только

экологические аспекты, но и экономические стратегии, направленные на достижение устойчивого развития, что является ключевым аспектом современной глобальной агенды. На смену этой концепции пришла зеленая экономика, которая обращает внимание на прямое взаимодействие между экономической деятельностью и состоянием окружающей среды. Она предлагает инновационные подходы к производству, управлению отходами, использованию возобновляемых ресурсов и другие меры, способствующие экологической устойчивости.

Таблица 1.

Исторические этапы развития «зеленой экономики»

Год	Событие/Исторический этап
1960- 1970-е	Возникновение осознания экологических проблем
1987	Публикация доклада "Наши общие будущие" (Доклад Брундэтланд)
1990-е	Рост интереса к устойчивому развитию и зеленой экономике
2000-е	Появление международных договоренностей о климатических изменениях и устойчивом развитии
2010-е	Интенсивное развитие зеленых технологий и инвестиций в возобновляемые источники энергии
2020-е	Усиление международных усилий в области борьбы с изменением климата и развития зеленой экономики

Сегодня зеленая экономика - это не просто модное направление, но и необходимость для сохранения будущего планеты и обеспечения благополучия людей. Многие страны мира активно внедряют новые экологические технологии, создают экологические фонды, поддерживают проекты по устойчивому развитию.

Развитие зеленой экономики требует не только технологических решений, но и изменения общественного сознания и культуры потребления. Важно, чтобы каждый человек осознавал свою ответственность за окружающую среду и принимал участие в формировании зеленой экономики.

Таким образом, история зеленой экономики начинается задолго до нашего времени и связана с постоянным стремлением человечества сохранить баланс между потребностями сегодняшнего дня и будущими поколениями. Развитие этого направления - это шанс не только на сохранение природы, но и на создание более справедливого и устойчивого мира для всех.

Одним из ключевых принципов зеленой экономики является принцип "жизненного цикла", который предполагает анализ и оптимизацию всех этапов жизненного цикла продукции, начиная с добычи ресурсов и заканчивая утилизацией отходов. Этот подход позволяет снизить воздействие производства на окружающую среду и повысить эффективность использования ресурсов.

Зеленая экономика также поддерживает развитие сектора возобновляемой энергетики, такой как солнечная и ветровая энергия, гидроэнергетика и др. Использование этих источников энергии позволяет снизить зависимость от традиционных источников, таких как нефть и уголь, и уменьшить выбросы парниковых газов.

Еще одним важным аспектом зеленой экономики является

стимулирование инноваций и развития экологически чистых технологий. Инвестиции в этот сектор способствуют созданию новых рабочих мест, повышению конкурентоспособности компаний и улучшению качества окружающей среды.

Кроме того, зеленая экономика предполагает пересмотр традиционных моделей потребления и производства в сторону более экологически устойчивых. Это включает в себя ограничение использования одноразовых материалов, повышение энергоэффективности, развитие систем переработки отходов и многие другие меры.

Также в рамках зеленой экономики активно развивается концепция "кругового экономического развития", которая предполагает максимальную утилизацию отходов и вторичное использование ресурсов. Это позволяет снизить потребление природных ресурсов и сократить объем отходов, направляемых на свалки.

Зеленая экономика также способствует улучшению качества жизни людей, поскольку снижение загрязнения окружающей среды имеет прямое воздействие на здоровье населения. Уменьшение выбросов вредных веществ и повышение экологической безопасности обеспечивают благоприятные условия для здоровья населения и повышают общественное благополучие.

Наконец, важно отметить, что зеленая экономика не только приносит пользу сегодняшнему поколению, но и оказывает важное воздействие на будущие поколения. Устойчивое использование ресурсов и охрана окружающей среды становятся ключевыми аспектами обеспечения устойчивого развития нашей планеты.

Таким образом, зеленая экономика представляет собой не просто модный тренд, а неизбежное условие для достижения глобальной устойчивости и сохранения природы для будущих поколений. Это важное направление развития, которое требует усилий всех уровней общества и стран.

Списка использованн литература

1. "The Green Economy: Environment, Sustainable Development and the Politics of the Future" - Мартин Хэлсворт. 2018
2. "Green Growth: Ideology, Political Economy and the Alternatives" - Мэттью Локвуд и Маркус Тейлор (редакторы). 2015.

ФИНАНСОВАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ПРОМЫШЛЕННОСТИ НА ОСНОВЕ ЗЕЛЕННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ: ПЕРСПЕКТИВЫ И ВЫЗОВЫ С.Ёдгоров, преподаватель Ташкентского государственного экономического университета

В условиях глобальных экологических изменений и стремительного истощения природных ресурсов вопросы экологической устойчивости и финансовой безопасности приобретают особую актуальность для промышленных предприятий. Разработка и внедрение концепции зеленых инвестиций становится не просто модной тенденцией, а необходимостью, диктуемой как международным сообществом, так и требованиями времени. Зеленые инвестиции, направленные на поддержку проектов и технологий,

способствующих снижению углеродного следа, улучшению энергоэффективности и сохранению природных ресурсов, обеспечивают промышленным предприятиям не только экологический, но и финансовый выигрыш в долгосрочной перспективе.

Актуальность данной темы обусловлена рядом основных аспектов. Во-первых, активизация глобальных усилий по ограничению климатических изменений и переходу к углеродно-нейтральной экономике повышает интерес к зеленым инвестициям со стороны правительств, бизнеса и общества. Во-вторых, рост экологической осведомленности населения и потребительских предпочтений в пользу экологичных продуктов и услуг стимулирует промышленные предприятия к «озеленению» своего производства. В-третьих, интеграция зеленых инвестиций в стратегию развития промышленных предприятий способствует повышению их конкурентоспособности, открывает новые рынки и источники финансирования, а также минимизирует риски, связанные с экологическим регулированием и изменениями в законодательстве.

Тем не менее, на пути реализации концепции зеленых инвестиций в промышленности встречаются значительные вызовы. К ним относятся высокие начальные инвестиции в «зеленые» технологии и проекты, неопределенность возвращения инвестиций из-за отсутствия устоявшихся стандартов и мер оценки эффективности, необходимость повышения квалификации персонала, а также изменение производственных процессов. Дополнительные сложности создают разнообразие национальных подходов к стимулированию зеленых инвестиций и различия в экологическом законодательстве разных стран.

Финансовая безопасность в контексте промышленности – это устойчивое состояние экономики предприятия, при котором оно способно противостоять различным внешним и внутренним финансовым рискам, сохраняя при этом свою ликвидность, платежеспособность и способствуя стабильному экономическому росту. Финансовая безопасность подразумевает наличие эффективной системы финансового управления, направленного на минимизацию рисков, связанных с волатильностью рынка, изменениями в законодательстве, флуктуациями курсов валют, а также с экологическими факторами и изменениями в потребительских предпочтениях.

Зеленые инвестиции – это инвестиции в проекты и технологии, способствующие снижению вредного воздействия на окружающую среду, повышению энергоэффективности, сохранению природных ресурсов и повышению уровня экологической безопасности. В контексте промышленности, зеленые инвестиции представляют собой финансирование разработки и внедрения «чистых» технологий, переход на возобновляемые источники энергии, реализацию проектов по утилизации отходов и сокращению выбросов загрязняющих веществ.

Влияние зеленых инвестиций на финансовую безопасность предприятий проявляется через несколько основных каналов:

1. Улучшение репутации и конкурентоспособности. Компании, активно внедряющие экологически чистые технологии и практики, выигрывают в глазах потребителей и инвесторов. Это способствует привлечению новых клиентов, увеличению доли рынка и, как следствие, укреплению финансовой стабильности.

2. Снижение операционных рисков и затрат. Зеленые инвестиции часто направлены на повышение эффективности использования ресурсов, что приводит к сокращению затрат на энергию, сырье и уменьшению объемов отходов. Это уменьшает зависимость от изменения цен на ресурсы и улучшает финансовые показатели компании.

3. Доступ к зеленому финансированию и грантам. Компании, реализующие экологические проекты, могут претендовать на получение государственных и международных грантов, льготное кредитование и финансовую поддержку от экологических фондов и организаций. Это позволяет улучшать финансовое состояние без значительных затрат собственных ресурсов.

4. Минимизация регуляторных и законодательных рисков. С ужесточением экологического законодательства, компании, игнорирующие требования устойчивого развития, сталкиваются с риском санкций, штрафов и исков. Зеленые инвестиции помогают не только избежать этих рисков, но и создают базу для более простой адаптации к будущим изменениям в экологических нормах.

Таким образом, зеленые инвестиции играют ключевую роль в обеспечении финансовой безопасности промышленных предприятий, повышая их экономическую устойчивость, снижая риски и открывая новые возможности для роста и развития.

Внедрение зеленых инвестиций в промышленности сопряжено с рядом вызовов и препятствий, которые могут оказывать значительное влияние на финансовую безопасность предприятий. Понимание этих вызовов помогает предприятиям разработать стратегии для их преодоления и минимизации сопутствующих рисков.

Основные вызовы и препятствия:

1. Высокие начальные затраты. Внедрение экологически чистых технологий и переход на альтернативные источники энергии требуют значительных первоначальных инвестиций. Это может стать серьезным препятствием для малых и средних предприятий с ограниченными финансовыми ресурсами.

2. Неопределенность окупаемости инвестиций. Существует опасность, что зеленые технологии могут не окупить вложенные в них средства в ожидаемые сроки, особенно если регуляторная поддержка изменится или рыночные условия станут менее благоприятными.

3. Нехватка квалифицированных специалистов. Для разработки и внедрения устойчивых технологий требуются высококвалифицированные специалисты. Недостаток таких кадров может затруднить эффективное

внедрение зеленых проектов.

4. Регуляторные и законодательные барьеры. Недостаточно развитая или чрезмерно бюрократизированная законодательная база может препятствовать внедрению зеленых технологий и привлечению соответствующих инвестиций.

5. Рыночная волатильность. Цены на зеленые технологии и услуги могут быть подвержены значительным колебаниям из-за изменения спроса, политических решений или технологического прогресса. Это создает риск для инвесторов и предприятий, привлекающих зеленые инвестиции.

Риски, связанные с зелеными инвестициями:

1. Риск устаревания технологий. Быстрый технологический прогресс может привести к тому, что внедренные технологии устареют раньше, чем окупятся вложенные средства.

2. Операционные риски. Применение новых, недостаточно изученных технологий может повлечь за собой неожиданные операционные сложности, вплоть до аварий и поломок.

3. Регуляторный риск. Изменения в экологическом законодательстве, политике поддержки зеленых проектов могут негативно сказаться на экономической эффективности и финансовой окупаемости зеленых инвестиций.

4. Риск репутации. Неспособность добиться заявленных экологических результатов может негативно отразиться на репутации компании и ухудшить ее отношения с заинтересованными сторонами.

Для преодоления этих вызовов и минимизации рисков требуется комплексный подход, включающий тщательное планирование, использование страхования, создание резервных фондов, привлечение наружной экспертизы и активное взаимодействие с регуляторными органами. Важно также налаживание открытого диалога с общественностью и участниками рынка для повышения прозрачности и укрепления доверия к зеленым инвестициям.

Финансовая безопасность промышленности, ориентированной на привлечение зеленых инвестиций, сталкивается с рядом перспектив и вызовов. С одной стороны, инвестиции в экологические проекты и технологии открывают новые возможности для устойчивого развития и могут значительно способствовать улучшению экологической ситуации, энергетической эффективности, а также повышению конкурентоспособности на мировом рынке. Привлечение зеленых инвестиций также может укрепить позиции компаний в вопросах корпоративной социальной ответственности и улучшить их репутацию.

С другой стороны, сталкиваемся с рядом непростых вызовов. Высокие начальные затраты, неопределенность окупаемости инвестиций, нехватка квалифицированных специалистов для разработки и внедрения новых технологий, регуляторные и законодательные барьеры, а также рыночная волатильность – все это создает сложности для промышленности на пути к зеленым инвестициям. Кроме того, имеются риски, связанные

непосредственно с зелеными инвестициями, включая риск устаревания технологий, операционные риски, регуляторный риск и риск репутации.

Важно, чтобы предприятия и правительства совместно работали над преодолением этих вызовов и рисков, разрабатывая и внедряя комплексные стратегии и политики, стимулирующие зеленые инвестиции и устойчивое развитие. Это может включать в себя создание благоприятных условий для инвестирования в устойчивые проекты, например, через льготное налогообложение, гранты, финансирование исследований и разработок в области зеленых технологий, а также обучение специалистов. Таким образом, несмотря на существующие вызовы, перспективы финансовой безопасности промышленности на основе зеленых инвестиций выглядят обнадеживающе, при условии принятия адекватных мер по снижению рисков и преодолению препятствий на этом пути.

Список использованной литературы

1. UNCTAD. «World Investment Report 2022: Investing in Sustainable Recovery», 2022. (Конференция ООН по торговле и развитию. «Мировой инвестиционный отчет 2022: Инвестирование в устойчивое восстановление», 2022).

2. Khan, S.A.R., Zhang, Y., Kumar, A., Zavadskas, E.K., and Streimikiene, D. "Green Investment Strategies for Sustainable Development", Sustainability, 2022.

2. Жуланов И. О. и др. Актуальные проблемы окружающей среды и возможные пути их решения // Арктика: современные подходы к производственной и экологической безопасности в нефтегазовом секторе. – 2020. – С. 94-100.

«ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА» И «ЗЕЛЕНый РОСТ»

**А.Маматов профессор Ташкентского государственного
экономического университета**

**З.Рахматуллаев, магистр Ташкентского государственного
экономического университета**

«Зеленый рост - это новая парадигма революционного развития, которая поддерживает экономический рост, в то же время обеспечивая климатическую и экологическую устойчивость. Он фокусируется на устранении первоначальных причин этих проблем, обеспечивая при этом создание необходимых каналов для распределения ресурсов и доступа к основным товарам для обездоленных»¹⁰⁹.

В контексте ОЭСР «рост» является рабочим определением. Оно используется при разработке и реализации программы и бюджета организации. Организация включает экологические цели в экономические стратегии. ОЭСР признает, что «зеленый рост стал новой парадигмой развития, способной одновременно достигать экономических и экологических целей»¹¹⁰. В связи с этим организация разработала термины «зеленый» и «рост» отдельно, чтобы облегчить их сочетание с позиций зеленых секторов, предметов, технологий и (удачных) практик. Таким образом, с экономической точки зрения «рост подразумевает создание богатства, измеряемое валовым внутренним или каким-либо другим показателем, который может быть использован для сравнения изменений уровня экономической жизнеспособности в регионе с течением времени». Однако в этой позиции отсутствует социальная составляющая, которая не обязательно вытекает из экономических и экологических мер.

Небольшие различия можно найти в определении Всемирный Банк:

¹⁰⁹ <https://sustainabledevelopment.un.org/index.php>.

¹¹⁰ Hammer, S. Cities and Green Growth: A Conceptual Framework. OECD Regional Development Working Papers 2011/08, OECD Publishing

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

«рост, который эффективен в использовании природных ресурсов, чистый, поскольку он сводит к минимуму загрязнение и воздействие на окружающую среду и мобилен в том, что он учитывает природные опасности, роль управления окружающей средой и природным капиталом в предотвращении физических бедствий»⁴. В определении Всемирного Банка присутствуют понятия «природные опасности» и «управление окружающей средой», поэтому оно более конкретно, чем другие «обездоленных».

Небольшие различия можно найти в определении Всемирного Банка: «рост, который эффективен в использовании природных ресурсов, чистый, поскольку он сводит к минимуму загрязнение и воздействие на окружающую среду и мобилен в том, что он учитывает природные опасности, роль управления окружающей средой и природным капиталом в предотвращении

Таблица 1

Ключевые слова в опубликованных определениях понятий «Зеленая экономика» и «Зеленый рост»

Сфера деятельности	Зелёная экономика	Зелёный рост
Социальная	Благосостояние людей, социальное равенство, социальная инклюзивность; улучшение качества жизни; социальное развитие; равный доступ; удовлетворение потребностей женщин и молодёжи	Благосостояние, социальная инклюзивность доступ к основным товарам для обездоленных: удовлетворение потребностей в производстве продуктов питания транспорте строительстве, жилья и энергетика
Экономическая	Рост доходов и занятости; государственные и частные инвестиции; устойчивая экономика; экономический рост; новая экономическая деятельность	Экономический рост и развитие технологии и инновации; экологический устойчивый экономический прогресс; устойчивый экономический рост; двигатель экономического роста; новые двигатели роста; зелёные технологии; новые возможности для трудоустройства; качественный рост, а не проста увелечение ВВП; создание рабочих мест или рост ВВП.
Окружающая среда	Снижение экологических рисков и экологических угроз; низкие содержание углерода; эффективный ресурс; сокращение выбросов углерода и загрязнений; повышение эффективности использования энергии и других ресурсов; предотвращение дефицита биоразнообразия и экосистемных услуг; экологический предел	Защита и поддержка окружающей среды экологические услуги; предоставление ресурсов и услуг с низким содержанием углерода; использование меньшего количества ресурсов и сокращение выбросов, эффективный ресурс; климатическая и экологическая устойчивость; энергетическая и ресурсная эффективность; минимизация загрязнений и воздействие на окружающую среду; устойчивость к угрозам; гармония между экономикой и

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

	планеты, экологическая ответственность.	окружающей средой	защита
		окружающей среды; уменьшение ПГ	

физических бедствий»¹¹¹. В определении Всемирного Банка присутствуют понятия «природные опасности» и «управление окружающей средой», поэтому оно более конкретно, чем другие определения. Однако, работая в области экологического менеджмента, перешли от термина «зеленый рост» к более широкому термину: «инклюзивный зеленый рост», что соответствует девизу организации «Работать для мира, свободного от бедности», с тем чтобы добавить социальную составляющую в экономическую и экологическую сферы.

ЮНЕП параллельно построила обе концепции и сделала неоднозначными сферы деятельности, связанные с терминами «зелёный рост» и «зелёная экономика» придавая последнему более широкое определение, поскольку оно также включает концепцию «зелёного роста». «ОЭСР рассматривает понятие как «слабый зелёный рост», а ЮНЕП как «сильный зелёный рост», по аналогии с различием между слабой и сильной устойчивостью. Понятие о «слабости» гласит, что обычно существуют компромиссы между ростом доходов и окружающей средой, но соответствующие политики могут смягчить этот компромисс»¹¹². Ниже приведены термины, используемые в определениях зеленой экономики, и других определениях зеленого роста.

Данные свидетельствуют о том, что международные учреждения приняли термин «зелёный рост», а не термин «зелёная экономика». Экологический компонент включает защиту и улучшение качества окружающей среды. И, наконец, социальная составляющая представляет собой простой социальный прогресс, предшествующий полной занятости. «Политика зелёного роста направлена на выявление взаимодополняемости экономических и экологических проблем таким образом, чтобы выявить возможности для новых источников экономического роста». Таким образом, зелёный рост фокусируется на двух из трех основных принципов устойчивого развития: экономическом и экологическом и является одним из компонентов устойчивого развития. Социальный же аспект покрывается инициативами зелёного роста, которые могут обеспечить социальные выгоды.

Поэтому зелёный рост является предпосылкой для создания «зелёной» экономики в контексте устойчивого развития и сокращения бедности¹¹³. Такие ученые, как Бина О., Камера Ф.Л., Брокенгтон Д., Виктор П.А., Джексон Т. утверждают, что рост и, более того, зелёный рост имеют ограничения, поскольку природные ресурсы имеют ограничения¹¹⁴. Это заметная разница между зелёной экономикой и зелёным ростом, потому что последняя подразумевает рост, которого первый не имеет. Экономика должна

¹¹¹ Доклад Всемирного Банка: Inclusive Green Growth: The Pathway to Sustainable Development. p. 30

¹¹² Smulders, S., Toman, M., Withagen, C. (2015) Growth theory and ‘green growth’. Oxford Review of Economic Policy. p. 425.

¹¹³ Hammer, S. et al. (2011) Cities and Green Growth: A Conceptual Framework. OECD Regional Development Working Papers 2011/08, OECD Publishing.

¹¹⁴ Bina, O. and Camera, F.L. (2011) Promise and shortcomings of a green turn in recent policy responses to the ‘double crisis’. Ecological Economics 70: 2308–2316

рассматриваться как единое целое; он может расти или нет, и никакое определение экономики не требует элемента роста как обязательного условия. Напротив, рост всегда связан с экономической сферой. Виктор П.А. and Джексон Т. утверждают, что рост и, более того, зелёный рост имеют ограничения, поскольку природные ресурсы имеют ограничения. Это заметная разница между зелёной экономикой и зелёным ростом, потому что последняя подразумевает рост, которого первый не имеет. Экономика должна рассматриваться как единое целое; он может расти или нет, и никакое определение экономики не требует элемента роста как обязательного условия. Напротив, рост всегда связан с экономической сферой.

Вышеприведенные аргументы имеют реалистичный взгляд в пользу зелёного роста. Как доказано финансовым кризисом 2008 года, нынешняя модель жестокого потребления, культ денег и коррупция моральных ценностей в финансах не являются надлежащей основой для реализации зелёной экономики, расходящейся с ростом. Зелёный рост лучше отвечает настоящей экономической парадигме. В то время как зеленая экономика имеет несколько иные теоретические рамки для зеленого роста, на практике зелёная экономика и зелёный рост совпадают, поскольку они оба реализованы в неолиберальной экономической системе.

TRANSFORMATSIYA NEGIZIGAGI YASHIL HARAKATLAR: YO‘NALISHLAR, USULLAR VA MEXANIZMLAR

A.Muxitdinov, Jizzax politexnika instituti katta o‘qituvchisi

X.Madrimov, Jizzax politexnika instituti talabasi

So‘nggi o‘n yilliklarda dunyo iqlim o‘zgarishi, ifloslanish va biologik xilma-xillikning yo‘qolishi kabi jiddiy ekologik muammolarga duch kelmoqda. Ushbu muammolarga javoban, barqaror rivojlanishga erishish uchun ijtimoiy, iqtisodiy va texnologik tizimlarda tub o‘zgarishlarni izlayotgan transformatsion yashil harakatlar paydo bo‘ldi va bo‘lmoqda. Ushbu harakatlar nafaqat atrof-muhitga salbiy ta’sirni kamaytirish, balki ishlab chiqarish va iste’mol usullarini, energiya tizimlarini, transportni va zamonaviy jamiyatning boshqa muhim jihatlarni o‘zgartirishga qaratilgan. Ushbu maqolada transformatsion yashil harakatlar doirasida qo‘llaniladigan asosiy yo‘nalishlar, usullar va mexanizmlar, shuningdek, ushbu sa’y-harakatlarning kutilayotgan natijalari ko‘rib chiqiladi (1-jadval).

Taqdim etilgan jadval tahlili shuni ko‘rsatadiki, transformatsion yashil harakatlar tizimli o‘zgarishlar orqali ekologik muammolarni hal qilishga qaratilgan keng ko‘lamli harakatlarni o‘z ichiga oladi¹¹⁵. Bu harakatlar jamiyat hayotining turli jabhalarini qamrab oladi va nafaqat davlat organlari, balki tadbirkorlik, nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining faol ishtirokini taqozo etadi.

Transformatsion yashil harakatlarning asosiy elementlarini aks ettiruvchi jadvalni tahlil qilish quyidagi jihatlarni ajratib ko‘rsatishga imkon beradi:

- qayta tiklanadigan energiya manbalariga o‘tish borasida bu nuqta, quyosh va

¹¹⁵ Abduvalievich M.A. Xo‘jalik yuritishni transformatsiyalash negizida xo‘jalik yuritish klasterlarining nazariy asoslari // International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – C. 356-359.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

shamol energiyasi kabi qayta tiklanadigan manbalar foydasiga qazib olinadigan yoqilg‘idan voz kechish zarurligini ta’kidlaydi. Kutilayotgan natija issiqxona gazlari emissiyasini sezilarli darajada kamaytirish va energiya mustaqilligiga erishishdir¹¹⁶. Bu yangi texnologiyalar va infratuzilmaga jadal izlanishlar va sarmoya kiritishni talab qiladi;

- ekologik dehqonchilik usullarini qabul qilish va pestitsidlardan foydalanishni kamaytirish tuproq va suv resurslariga salbiy ta’sirlarni kamaytirishga qaratilgan. Bu sog‘lom sayyorani saqlash uchun juda muhim bo‘lgan ekotizimni tiklash va biologik xilma-xillikni saqlashga olib kelishini ta’kidlaydi;

1-jadval

Transformatsion yashil harakatlarning asosiy elementlari

t.r.	Transformatsiya ko‘rsatkichlari	Transformatsiya usullari va mexanizmlari	Kutilayotgan natija
1.	Qayta tiklanuvchi energiya manbalariga o‘tish	Quyosh va shamol energiyasi texnologiyalarini ishlab chiqish va joriy etish	Issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirish, energiya mustaqilligi.
2.	Barqaror qishloq xo‘jaligi	Ekologik dehqonchilik usullarini qo‘llash, pestitsidlardan foydalanishni kamaytirish	Ekotizimlarni tiklash, biologik xilma-xillikni saqlash.
3.	Chiqindilarni kamaytirish va qayta ishlash	Chiqindilarni alohida yig‘ish tizimlarini ishlab chiqish, qayta ishlash texnologiyalarini joriy etish	Atrof-muhit ifloslanishini kamaytirish, resurslarni tejash.
4.	Energiya samaradorligi va resurslarni tejash	Qurilishda energiya samaradorligi standartlarini joriy etish, suv sarfini optimallashtirish	Energiya sarfini kamaytirish, tabiiy resurslarni tejash.
5.	Yashil shaharlarni rivojlantirish	Yashil hududlarni yaratish, jamoat transporti va velosiped infratuzilmasini rivojlantirish	Hayot sifatini yaxshilash, shovqin va havo ifloslanishini kamaytirish

- alohida chiqindilarni yig‘ish va qayta ishlash tizimlarini ishlab chiqish va joriy etish ifloslanishni kamaytirish va resurslarni tejashga yordam beradi. Bu iste’molchi odatlari va biznes modellarini o‘zgartirishni, shuningdek, yangi, kamroq resurs talab qiladigan materiallar va mahsulotlarni ishlab chiqishni o‘z ichiga oladi;

- energiya samaradorligi standartlarini amalga oshirish, suv va boshqa resurslarni iste’mol qilishni optimallashtirish umumiy iste’molni kamaytirish muhimligini ta’kidlaydi. Bu nafaqat atrof-muhitga yukni kamaytiradi, balki

¹¹⁶ Burxanovich M.A. Raqamli iqtisodiyot-mahsulot sifati-nazorat-kasbiy kompetentlilik // International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – C. 162-164.

iste'molchilar va korxonalar uchun xarajatlarni kamaytiradi;

- yashil hududlarni yaratish, jamoat transporti va velosport infratuzilmasini rivojlantirish shaharlarda hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan. Bu shovqin darajasini pasaytirish, havo ifloslanishini kamaytirish va shahar aholisi uchun yanada sog'lom va qulayroq yashash sharoitlarini yaratishni o'z ichiga oladi.

Umuman olganda, jadval tahlili shuni ko'rsatadiki, transformatsion yashil harakatlar ekologik muammolarni hal qilishga qaratilgan keng ko'lamli harakatlar va tashabbuslarni qamrab oladi. Biroq belgilangan natijalarga erishish uchun barcha darajalarda – xalqaro hamkorlikdan tortib mahalliy tashabbuslargacha, shuningdek, jamoatchilik va biznes vakillarining faol ishtirokigacha muvofiqlashtirilgan sa'y-harakatlar talab etiladi. Bu nafaqat yangi texnologiyalar va infratuzilmaga sarmoya kiritishni, balki turmush tarzi, ishlab chiqarish jarayonlari va iste'molchilarning xulq-atvoridagi jiddiy o'zgarishlarni ham talab qiladi.

Transformatsion yashil harakatlar harakati barqaror kelajakka intilishda asosiy rol o'ynaydi. Ular bizning davrimizning ekologik inqirozlarini bartaraf etish uchun zarur bo'lgan tizimli o'zgarishlarni yaratishga qaratilgan.

Xulosa qilib aytganda, transformatsion yashil harakatlar barqaror rivojlanishga intilishda kuchli vositadir. Ularning muvaffaqiyati ko'p jihatdan innovatsion yechimlarni barcha manfaatdor tomonlarning faol ishtiroki bilan uyg'unlashtirish qobiliyatiga bog'liq. Birgalikda biz kelajak avlodlar uchun yanada yashil va barqaror kelajakni ta'minlay olamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abduvalievich M. A. Xo'jalik yuritishni transformatsiyalash negizida xo'jalik yuritish klasterlarining nazariy asoslari // International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – C. 356-359.

2. Burxanovich M. A. Raqamli iqtisodiyot-mahsulot sifati-nazorat-kasbiy kompetentlilik // International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – C. 162-164.

“YASHIL IQTISODIYOT”NING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI VA RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

A.Dosnazarova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti

Ilmiy rahbar: N.Fayziyeva Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti PhD

Yashil iqtisodiyot, mamlakatlarda tabiat resurslarini soddalashgan, o'zaro hamkorlik va tovarlarni o'zaro almashish prinsiplari asosida iqtisodiy faoliyatni amalga oshiradigan bir tizimdir. Bu tizim, iqtisodiy faollikning ekologik, ijtimoiy va iqtisodiy taraflarini barqarorligi va o'zaro bog'liqlik prinsiplariga asoslangan. Yashil iqtisodiyotning ilmiy-nazariy asoslarining bir nechta muhim ko'rsatkichlari quyidagilardir:

1. Sustanaabl iklim fikriyat. Yashil iqtisodiyot, sodda resurslar va borganlar israfini kamaytirish, tabiat resurslari bilan samarali foydalanish va obodonoma jihatlardan iqtisodiy faollikni mustaid qilishga yo'l qo'yadi. Bu fikriyatni amalga oshirishda, odobnoma iqtisodiyat, israfni kamaytirish va samarali iqtisodiy modellar muhim ahamiyatga ega.

2. Birlashtiradigan energiya iste'molining o'sushining talab qilinishi. Yashil iqtisodiyotning bir qator mohiyatlari energiya samaradorligini o'sirishni qo'llab-quvvatlaydi va energiya birlashtiradigan texnologiyalarni rivojlantirishni talab qiladi. Bu esa, energiya iste'molining o'sushining majburiy emas, balki iqtisodiy va ekologik kengayishga aylanishiga yo'l qo'yadi.

3. Yashil infratuzilmasini rivojlantirish. Yashil iqtisodiyot, yoshlarni yashil ijtimoiy va iqtisodiy ejodiyatlarga qo'llab-quvvatlashning profesional kadrlarni o'stirishga e'tibor beradi. Bunday kadrlar yashil infratuzilmasini rivojlantirish va yashil iqtisodiyotning tizimini amalga oshirish bo'yicha zarur bilim va ko'nikmalarga ega bo'ladi.

Yashil iqtisodiyotning rivojlanish tendensiyalari esa quyidagilarni ko'rsatadi:

1. Yer belgili maslahatlar turli sohasida yashil iqtisodiyotni o'zgartirishga harakat qilmoqda. Bunday belgilar, mamlakatlarda sifat va matonat kafolatlari, sodda resurslarni amalga oshirish va energiya ishlatishga tegishli tartibotlar to'g'risidagi qonunlar va qarorlarning rivojlanishini o'z ichiga oladi.

2. Yashil iqtisodiyot bilan shug'ullanadigan tadbirkorlik va korporatsiya modellari o'saydi. Yashil iqtisodiyotning amalga oshirishining bir qatori, kompaniyalarning ekologik zamonaviylikka bog'liqlik ko'rsatkichlariga amal qilishi va yashil iqtisodiyot prinsiplarini quyidagi sohasida o'zlashtirishi kerak - tovarlarni ishlab chiqarish, tarqatish va yaratish uchun ishlab chiqarish usullari, materiallarning tanlash va chetlash, qopqog'i materiallar va armanlarning ishlatilishi, tovarlarni tarqatish usullari va qabul qilish.

3. Vaqt bola qisqa muddatda turli turdagi ta'sirchilar tufayli yashil iqtisodiyotning rivojlanishi kutiladi. Bu ta'sirchilar odatda moliyalashtirish, ijtimoiy talablar va qonuniy ta'limlar, zararli xavfsizliklar va makonni o'chirishga yo'l qo'yuvchi ta'sirlar kabi turli almashtirishlar bo'lishi mumkin.

Bular hammasi, yashil iqtisodiyotning ilmiy-nazariy asoslari va rivojlanish tendensiyalari haqida umumiy mexanizmlar hisoblanadi. Bu tezis, yashil iqtisodiyotning umumiy qonuniyliklarini, korporatsiyalar va tadbirkorliklarning yashil iqtisodiyotga asoslangan amaliyoti bilan birga ta'kidlash maqsadida yozilgan.

“YASHIL” SANOAT RIVOJLANISHINING SAMARADORLIK KO'RSATKICHLARI

A. Jalolov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti

Iqlim o'zgarishi bo'yicha chora ko'rmasdan turib, O'zbekiston o'z taraqqiyot maqsadlariga erisha olmaydi. O'zbekiston jadal iqtisodiy o'sish yo'lidan bormoqda, biroq bu emissiya intensivligining kamayishiga olib kelmayapti. Iqlim o'zgarishi haqiqatlari ikki asosiy sababga ko'ra mamlakatning ulkan iqtisodiy maqsadlariga putur etkazishi mumkin. Birinchidan, O'zbekiston uchun kutilayotgan yuqori demografik va iqtisodiy o'sish asosiy resurslar va ekotizimlarga ortiqcha bosim o'tkazadi. Shunday qilib, agar o'sish barqaror bo'lmasa, bu traektoriyaga erishib bo'lmaydi. Ikkinchidan, moslashuv choralari ko'rilmagan ekan, iqlim o'zgarishi geografiyasi, ekologiyasi va mo'rt iqtisodiy tuzilmalari iqlim o'zgarishidan ko'riladigan zarar juda katta bo'lgan O'zbekistonga jiddiy zarar yetkazadi.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Makroiqtisodiy modellashtirish shuni ko‘rsatadiki, iqlim o‘zgarishining ta’siri kattaroq iqtisodiy beqarorlikka va o‘shir sur’atlarining pasayishiga olib keladi, bunda 2050 yilga kelib iqtisodiyot iqlim o‘zgarishi zararisiz bo‘lganidan 10 foizga kichikroq bo‘ladi (1-rasm). Natijalar iqlim o‘zgarishining "ho‘l va issiq" yoki "quruq va issiq" stsenariyda sodir bo‘lishidan qat’i nazar, o‘xshashdir.



Источник: Анализ Всемирного банка.

1-rasm. 2023–2050-yillar YAIM iqlim o‘zgarishning kutilgan va kutilmagan oqibatlari bilan


Dekarbonizatsiya bilan bog‘liq tarkibiy o‘zgarishlar yuqori qo‘shimcha qiymatga ega bo‘lgan tarmoqlarda ko‘proq ish o‘rinlarini yaratadi, ammo ishchilar bu ishlarni to‘ldirish uchun zarur bo‘lgan ko‘nikmalarga ega bo‘lishi kerak. Dekarbonizatsiya qishloq xo‘jaligida bandlikning nisbiy qisqarishini va ishlab chiqarishdagi ish o‘rinlarining o‘shirini tezlashtirishi kutilmoqda, xizmatlar sohasi esa iqtisodiyotdagi o‘z ulushini saqlab qoladi. Qayta tiklanadigan energiya kabi ba’zi kichik tarmoqlarda ish o‘rinlarining katta o‘shiri kuzatiladi, sug‘urta va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kabi yuqori qo‘shimcha qiymatga ega xizmatlar segmentlari va mehmondo‘stlik kabi boshqa xizmat segmentlari NBV-2060 stsenariysiga ko‘ra, bu bazaviy stsenariydan ko‘ra ko‘proq ish o‘rinlari yaratilishi kutilmoqda. Energetika sohasida sof ish o‘rinlarining o‘shiri kutilmoqda. Gap yangi, yashil texnologiyalarni qurish, o‘rnatish, foydalanish va texnik xizmat ko‘rsatish bo‘yicha yangi ish o‘rinlari haqida bormoqda; Eskirgan texnologiyalar bilan bog‘liq ish o‘rinlarining yo‘qolishi ham hisobga olinadi. Asosiy muammolardan biri ishchilarning yangi ish o‘rinlarini to‘ldirish uchun zarur ko‘nikmalarga ega bo‘lishini ta’minlashdir.

O‘zbekistonning rivojlanish maqsadlariga erishishda, shuningdek, yashil iqtisodiyotga muvaffaqiyatli o‘tishda xususiy sektor muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekistonda jadal davom etayotgan iqtisodiy islohotlarning mantiqiy asosi shundan iboratki, kuchli, mustaqil va dinamik xususiy sektor odamlarga xizmat qiladi va asosan hukumat tomonidan rejalashtirilgan modelga qaraganda yaxshiroq ish o‘rinlari yaratadi. Hukumatlar ushbu maqsadlarga erishish yo‘lini belgilashda

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

muhim rol o‘ynaydi va yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun ham xuddi shunday. Kerakli xususiy investitsiyalarni ta‘minlash va samarali yashil o‘shni qo‘llab-quvvatlash uchun mamlakat allaqachon bosib o‘tayotgan islohotlar yo‘lidagi taraqqiyotni tezlashtirish juda muhimdir. Ushbu bo‘limda ushbu maqsadga erishish uchun asosiy siyosat yo‘nalishlari muhokama qilinadi.

O‘zbekistonda biznes iqtisodiyotning “yashil” tarmoqlarida mintaqaning boshqa mamlakatlariga qaraganda faolroq. Yaqinda O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishi davlat siyosatining asosiy yo‘nalishiga aylangan bo‘lsa-da, biznes yashil investitsiyalar va amaliyotlarda birinchi o‘rinda turishi haqida dalillar mavjud. 2019 yilga kelib, O‘zbekistondagi firmalarning qariyb 90 foizi allaqachon yashil investitsiyalarning qandaydir ko‘rinishini amalga oshirayotgan bo‘lsa (2-rasm), firmalarning 80 foizi “yashil” samaradorlikni kuzatgan, yarmi esa “yashil” maqsadlarga ega bo‘lgan (2-rasm). O‘zbekistondagi ishbilarmon doiralar uchta qo‘shni davlatga qaraganda iqlimga ko‘proq e‘tibor qaratadi. Biroq, firmalarning atigi 10 foizi biznesni rejalashtirish va strategik maqsadlarni belgilashda atrof-muhit muammolarini hisobga oladi va faqat 8 foizi menejmentga ekologik muammolarni hal qilishda aniq belgilangan rolni beradi.



Источник: lootty et al. 2022.


Примечание. Доля частных фирм в сфере производства и услуг по данным Обследования предприятий 2019 года.

2-rasm. “Yashil” boshqaruv metodlarini qo‘llayotgan korxonalar ulushi, 2019 yil

O‘zbekistonda iqtisodiyotni yanada ochiq va raqobatbardosh qilishga qaratilgan islohotlar yo‘lidan borish xususiy sektor yetakchiligidagi yashil iqtisodiyotga muvaffaqiyatli o‘tishning zarur shartidir. Xususiy sektorning o‘shishi va yangi, yashil imkoniyatlardan foydalanishi uchun zaif bozor institutlari va ishlab chiqarishga davlatning haddan tashqari to‘g‘ridan-to‘g‘ri jalb etilishini bartaraf etish kerak. 2016-yildan boshlab O‘zbekistonda ochiq bozorga munosabat yanada ijobiylashdi, biroq hali ko‘p ish qilish kerak. O‘zbekiston o‘z tengdoshlari orasida iqtisodiyotdagi davlat korxonalarining eng katta ulushiga ega va teng sharoitlarni

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

ta'minlash uchun zaif raqobat siyosati (3-rasm). O'zbekistondagi davlat korxonalarining qariyb 80 foizi davlatning ishlab chiqarishga bevosita jalb etilishi uchun asos bo'lmagan raqobatbardosh tarmoqlarda faoliyat yuritadi. Islohotlar to'g'ri yo'nalishda ketmoqda, ammo o'zgarishlar sur'atini tezlashtirish kerak. Xususiyl sektorga erkinroq faoliyat ko'rsatishga ruxsat berilmaguncha, iqtisodlarda yashil iqtisodiyotni o'zgartirish va moslashish uchun zarur bo'lgan dinamizm yetishmaydi.



Источник: Различные отчеты Всемирного банка, публикация Всемирного банка «Участие государства в экономике», оценки сотрудников Всемирного банка. Примечание: оранжевая линия представляет собой среднее значение для всех стран в выборке.

3-rasm. YaIMda davlat korxonalari daromadlarining ulushi

Zamonaviy sharoitda korxonalarining BAT tamoyillariga o'tishi ularning ekologik va ishbilarmonlik obro'sining umumiy darajasining oshishiga olib kelishi, ular uchun qo'shimcha iqtisodiy afzalliklarning paydo bo'lishiga ta'sir qilishi, shu jumladan quyidagi tendentsiyalarda ifodalanganligi ayon bo'ladi:

- investitsion jozibadorlik indeksini oshirish; potentsial qarz
- oluvchilar sifatidagi reytingini oshirish xorijiy va mahalliy banklar;
- qo'shimcha hajm ishlab chiqarish imkoniyatlarining paydo bo'lishi potentsial investorlar orasida talab qilinadigan qimmatli qog'ozlar;
- korxonalarining raqobatbardoshligini umumiy oshirish, shuningdek ular ishlab chiqaradigan mahsulotlar va ular ko'rsatadigan xizmatlar;
- investorlar shaklida qo'shimcha daromad oladi dividendlar ortdi.

Bugungi kunda biznes mas'uliyati mavzusi ayniqsa dolzarbdir. So'nggi yillarda yangi loyihalarga sarmoya kiritishning yondashuvlari va mezonlari o'zgardi. Agar ilgari loyiha samaradorligining asosiy ko'rsatkichi tijorat samaradorligi bo'lsa, endi ko'plab boshqa ta'sirlar, xususan, ijtimoiy va ekologik ta'sirlar hisobga olinadi. Xorijiy mamlakatlarda keng qo'llaniladigan sarmoyaviy va korporativ boshqaruv mezonlarining maxsus tizimi – Ekologik va ijtimoiy

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

boshqaruv (ESG) mavjud¹¹⁷. Uning shakllanishi uchta asosiy komponentni ko‘rib chiqishni birlashtirgan zamonaviy SD kontseptsiyasining asosiy tamoyillariga asoslangan edi. ESG mezonlari bugungi kunda kompaniya reytinglarini tuzishda, investitsion portfellarni shakllantirishda, investitsiya loyihalarini baholashda va sanoat sohasidagi kompaniyalar uchun korporativ hisobotlarni ishlab chiqishda qo‘llaniladi.

Har xil turdagi ekologik kontseptsiyalarning, jumladan, past uglerodli rivojlanish va aylanma iqtisodiyotning paydo bo‘lishi sharoitida ijtimoiy va ekologik javobgarlik reytinglarida etakchi bo‘lgan sanoat kompaniyalariga e'tiborni jalb qilish investorlarga kompaniyaning bozor va sanoat salohiyatini aniqlashga imkon beradi. faqat moliyaviy ko‘rsatkichlar asosida. Moliyaviy ko‘rsatkichlar o‘zgaruvchan bo‘lib, har doim ham biznesning ob'ektiv rasmini aks ettirmaydi, shu bilan birga ekologik cheklovlar va ekologik texnologiyalardan keng miqyosda foydalanish sharoitida hosildorlik va ishlab chiqarish hajmining o‘shishi biznes barqarorligi va uning yuqori iqtisodiy salohiyatidan dalolat beradi. Hozirgi vaqtda tonna, kubometr va gektarlarda berilgan texnik va ekologik ko‘rsatkichlar ular bozor manipulyatsiyasi va sun'iy siyosiy bosimga duchor bo‘lmagani uchun ob'ektivroqdir. Aytish mumkinki, sanoat kompaniyalarining ijtimoiy va ekologik reytinglari moliyaviy hisobotda to‘liq aks ettirilmasligi mumkin bo‘lgan mavjud ichki muammolarning to‘liq tasvirini berishi mumkin. Sanoat korxonalari ishlab chiqarish-xo‘jalik faoliyatining ekologik samaradorligi va ekologik texnologiyalar asosida modernizatsiya qilish sur‘atlari amalga oshirilayotgan investisiya dasturlariga xolis baho berish imkonini bermoqda.

O‘rganilgan yondashuvlar, ekologik yo‘naltirilgan ishlab chiqarishni tashkil etishdan kutilayotgan samaralar va MSC korxonalari samaradorligini baholash uchun yaratilgan ko‘rsatkichlar ro‘yxati BAT asosida ishlab chiqarish samaradorligini baholashning yaxlit metodologiyasini shakllantirish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. bajarilgan tadqiqotning amaliy ahamiyatini belgilaydi. Ishlab chiqilgan tashkiliy-iqtisodiy mexanizm doirasida yaxlit uslubiy yondashuvni shakllantirishning muhim jihati tabiiy va yer osti boyliklaridan oqilona foydalanishning ekologik va ijtimoiy samaradorligini aks ettiruvchi turli xil ko‘rsatkichlarni hisobga olish hisoblanadi.

Iqlim o‘zgarishi haqiqatlari ikki asosiy sababga ko‘ra mamlakatning ulkan iqtisodiy maqsadlariga putur etkazishi mumkin. Birinchidan, O‘zbekiston uchun kutilayotgan yuqori demografik va iqtisodiy o‘shish asosiy resurslar va ekotizimlarga ortiqcha bosim o‘tkazadi. Shunday qilib, agar o‘shish barqaror bo‘lmasa, bu traektoriyaga erishib bo‘lmaydi. Ikkinchidan, moslashuv choralari ko‘rilmas ekan, iqlim o‘zgarishi geografiyasi, ekologiyasi va mo‘rt iqtisodiy tuzilmalari iqlim o‘zgarishidan ko‘riladigan zarar juda katta bo‘lgan O‘zbekistonga jiddiy zarar yetkazadi.

¹¹⁷ Pathways to an energy and carbon efficient // McKinsey&Company. –2009. – 134 p. – [Electronic resource] URL: https://www.mckinsey.com/~media/McKinsey/dotcom/client_service/Sustainability/cost%20curve%20PDFs/CO2_Russia_ENG_final.ashx.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

O‘zbekistonning rivojlanish maqsadlariga erishishda, shuningdek, yashil iqtisodiyotga muvaffaqiyatli o‘tishda xususiy sektor muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekistonda jadal davom etayotgan iqtisodiy islohotlarning mantiqiy asosi shundan iboratki, kuchli, mustaqil va dinamik xususiy sektor odamlarga xizmat qiladi va asosan hukumat tomonidan rejalashtirilgan modelga qaraganda yaxshiroq ish o‘rinlari yaratadi. Hukumatlar ushbu maqsadlarga erishish yo‘lini belgilashda muhim rol o‘ynaydi va yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun ham xuddi shunday. Kerakli xususiy investitsiyalarni ta‘minlash va samarali yashil o‘sishni qo‘llab-quvvatlash uchun mamlakat allaqachon bosib o‘tayotgan islohotlar yo‘lidagi taraqqiyotni tezlashtirish juda muhimdir. kichikroq bo‘ladi. Natijalar iqlim o‘zgarishining "ho‘l va issiq" yoki "quruq va issiq" stsenariyda sodir bo‘lishidan qat'i nazar, o‘xshashdir.

**2-YO‘NALISH. IQLIM O‘ZGARISHI: “YASHIL IQTISODIYOT”GA
O‘TISH ZARURIYATI VA YASHIL ISH O‘RINLARI**

**IQLIM O‘ZGARISHINING MEHNAT UNUMDORLIGIGA TA’SIRINI
IQTISODIY BAHOLASH MUAMMOLARI**

**A.Elov, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi
universiteti bosh ilmiy xodimi, h.f.f.d (PhD)**

Bugungi kunda yuqori haroratning inson faoliyatiga biofizik ta’siri chuqur tadqiq etilib, zamonaviy texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyotda iqlim o‘zgarishlarining mehnat unumdorligiga tizimli ta’siri nisbatan kamroq o‘rganilgan soha hisoblanadi. 2015 yillardan keyin mazkur mavzuga oid muammolar olimlar e’tiborini o‘ziga tortmoqda va ular tomonidan bu borada qator tadqiqotlar amalga oshirilmoqda.

Iqlim o‘zgarishlari va uning oqibatlarini atrof muhit, havo va ichimlik suvi kabi insonlarning fundamental birlamchi ehtiyojlarining buzilishi va ifloslanishini keltirib chiqarib, mazkur o‘zgarishlar bir tomondan insonlar salomatligiga jiddiy xavflarni yuzaga keltirsa, ikkinchi tomondan havo haroratining normadan isib borishi mehnat unumdorligini proporsional ravishda kamaytirib boradi.

Qayd etish lozimki, Markaziy Osiyo mintaqasi, xususan O‘zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy va ekologik jihatdan iqlim o‘zgarishlari ta’siriga juda zaif hudud hisoblanadi. Bugungi kunda O‘zbekiston global issiqxona gazlari emissiyasiga nisbatan eng kam hissa qo‘shayotgan bo‘lsada, iqlim o‘zgarishi ta’siridan bevosita ko‘proq aziyat chekmoqda.

Shu nuqtai nazaridan, iqlim o‘zgarishlarining O‘zbekiston Respublikasi mehnat resurslariga ta’sirini baholash, ushbu ta’sirlarga moslashish, qarshi kurashish hamda milliy iqtisodiyotni “yashil iqtisod” ta’moyillari asosida rivojlantirish istiqbollari belgilash dolzarb hisoblanadi.

Xalqaro mehnat tashkilotining prognozlariga ko‘ra, 2030-yilda butun dunyo bo‘ylab havo haroratining isishi natijasida ish soatlarining yo‘qotilishi 3,8 foizga oshib, bu 136 million to‘liq ish kuni ekvivalentini tashkil qiladi. Global isish 2030-yildan keyin ham davom etar ekan, haroratning oshishi mehnat unumdorligini yanada pasaytirishi kutiladi. Xususan, O‘zbekistonda 2030 yilga kelib issiqlik stressining ta’siri sezilarli darajada oshadi va ish vaqtining 0,15 foizi yoki to‘liq ish kuni ekvivalenti hisobida 22,6 ming ish o‘rni yo‘qolishi prognoz qilingan. Bunda, qishloq xo‘jaligi 0.36%, sanoat 0.12%, qurilish 0.36% va xizmat ko‘rsatish 0.01% ish vaqtini yo‘qotadi¹¹⁸. Fikrimizcha, iqlim o‘zgarishlarining mehnat unumdorligiga ta’sirini aniqlashda O‘zbekiston sharoitida havoning o‘rtacha normadan isish kunlari, bunday kunlar soni, ochiq quyoshli va issiq xonalar (sovutgichsiz) sharoitida ishlovchilar soni, ish tartibi o‘zgartirishlarni ham hisobga olish lozim.

Shuningdek, mehnat resurslarining asosiy qismi qishloq xo‘jaligi, qurilish va boshqa ochiq quyoshli sharoitda mehnat qilishini hisobga olinsa, O‘zbekiston

¹¹⁸ Working on a warmer planet: The impact of heat stress on labour productivity and decent work. International Labour Office – Geneva, ILO, 2019. – P. 69. ISBN 978-92-2-132967-1 (print) ISBN 978-92-2-132968-8

sharoitida iqlim o'zgarishlarining mehnat samaradorligiga ta'siri yuqoridagi to'liq ish kuni ekvivalenti hisobida 22 ming ish o'rni yo'qotilishi ko'rsatkichidan ancha yuqori bo'ladi. Biroq, ushbu davrda ishbay ishlovchi fuqarolar ish tartibini o'zgartirib, ishni vaqtli ertalab soat 4-5 larda boshlashlari, soat 10-11 larda tugatib, yana soat 17-18 larda davom ettirishlarini inobatga olish maqsadga muvofiq. Ammo, ushbu davrda vaqtbay ishlovchi fuqarolar ish unumdorligi ancha pasayadi.

Xitoylik olimlar iqlim o'zgarishlarining mehnat bozoriga ta'sirini o'rganib, ular Xitoy Xalq Respublikasining 279 qishloq jamoasidagi 8076 mehnatga layoqatli aholi bilan so'rov o'tkazgan va haroratning o'rtacha haroratdan 1°Cga o'sishi qishloq aholisining qishloq xo'jaligi ishlariga sarflaydigan o'rtacha vaqtini 7%ga qisqartirishini aniqlagan. Shuningdek, issiqroq harorat erkaklar vaqtini bo'sh vaqtdan qishloq xo'jaligidan tashqari ishlarga, ayollar vaqtini xo'jalik ishlari va qishloq xo'jaligidan tashqari ishlarga o'zgartiradi¹¹⁹. Bu esa, aynan qishloq xo'jaligi va xo'jalik ishlarida mehnat unumdorligini pasayishini anglatadi.

Shuningdek, iqlim o'zgarishi natijasida tarmoqlar kesimidagi etkazilgan nomutanosib zarar ayrim tarmoqlar daromadlarining kamayishiga olib keladi. Shu sababli, mehnat resurslari mehnatni ko'proq zarar ko'rgan tarmoqlardan kamroq zaif bo'lgan tarmoqlarga qayta taqsimlashga moyil bo'ladi. Mehnat ishlab chiqarishning muhim omili bo'lganligi sababli, iqlim o'zgarishi natijasida mehnatni qayta taqsimlash bilan bog'liq iqtisodiy va ijtimoiy zararlar kuzatiladi.

Bangladeshlik ekolog iqtisodchi Sh.Dasgupta va uning jamoasi mintaqalar kesimida iqlim o'zgarishlarining mehnat unumdorligiga ta'sirini o'rganib, hozirgi iqlim darajasi, ayniqsa, tropik mamlakatlarda mehnat unumdorligiga salbiy ta'sir ko'rsatayotganligini aniqlagan. Ularning fikriga ko'ra, kelajakda iqlimning 3°Cga isishi stsenariysida past ta'sir ko'rsatadigan tarmoqlarda (xonada yoki ochiq havodagi soyada ishlovchi) global ishchi kuchi umumiy hajmini 18 foiz punktga (-48,8 dan 5,3 gacha), ta'sir darajasi yuqori bo'lgan tarmoqlarda (quyoshli ochiq havoda) 24,8 foiz punktga qisqarishiga olib keladi. Mintaqalar kesimida, jumladan Afrikada kam ta'sir ko'rsatadigan sektorlarda pasayish 25,9 foiz punkt (-48,8 dan 2,7 gacha), Osiyoda 18,6 foiz punkt (-33,6 dan 5,3 gacha) va Amerikada 10,4 foiz punkt (-35,0 dan 2,6 gacha) tashkil qiladi. Ushbu mintaqaviy ta'sirlar ochiq havoda yorqin quyosh nurida ishlash uchun yopiq joylarda ishlashga nisbatan sezilarli darajada kattaroq bo'lishi prognoz qilinmoqda, Afrikada ishchi kuchi umumiy hajmining o'rtacha qisqarishi 32,8 foiz punkt (-66,3dan -1,6 gacha), Osiyoda 25 foiz punkt (-66,3 dan 7,0 gacha), Shimoliy va Janubiy Amerikada 16,7 foiz punkt (-45,5dan 4,4 gacha)ni tashkil qildi¹²⁰.

Boshqa xitoylik olimlarning tadqiqot natijalariga ko'ra, 2100 yilga kelib,

¹¹⁹ Kaixing Huang, Hong Zhao, Jikun Huang, Jinxia Wang, Christopher Findlay, The impact of climate change on the labor allocation: Empirical evidence from China, Journal of Environmental Economics and Management, Volume 104, 2020, 102376, ISSN 0095-0696, <https://doi.org/10.1016/j.jeem.2020.102376>.

¹²⁰ Shouro Dasgupta and etc. Effects of climate change on combined labour productivity and supply: an empirical, multi-model study. VOLUME 5, ISSUE 7, E455-E465, July, 2021 DOI:[https://doi.org/10.1016/S2542-5196\(21\)00170-4](https://doi.org/10.1016/S2542-5196(21)00170-4)

Issiqlik bilan bog‘liq mehnat unumdorligining pasayishi natijasida jami iqtisodiy yo‘qotishlar RCP6.0 stsenariysida (asr oxiriga kelib taxminan 3°C isish) global YaIMning taxminan 1,5% ga, RCP2.6 stsenariysida (asr oxiriga kelib taxminan 2°C gacha isish) global YaIMning taxminan 0,1% gacha yo‘qotilishi kuzatiladi. Mehnat unumdorligining pasayishi Janubi-Sharqiy Osiyo, Hindiston va Yaqin Sharq mamlakatlarida yuqori darajada bo‘lib, bu qo‘shimcha moslashish choralarini ko‘rish zarurligini ko‘rsatadi¹²¹. Fikrimizcha, mazkur tadqiqotda Markaziy Osiy davlatlari bo‘yicha mehnat unumdorligi o‘zgarishi alohida ko‘rsatilmagan bo‘lsada, Respublikamizning janub viloyatlarida ushbu ta’sirlar kuzatilmoqda. Xususan, barcha fasllarda oldingi davrga nisbatan isish kuzatilib, ayniqsa yoz faslining ayrim kunlari issiqlik darajasining 30°Cdan yuqori bo‘lishi, mehnat unumdorligiga bevosita salbiy ta’sirini ko‘rsatmoqda. Biroq, iqlim o‘zgarishi ta’sirlari yer sathidagi issiqlik darajasi bilan bevosita bog‘liqligi sababli, ushbu ta’sirlarni ilmiy jihatdan aniq o‘lchash imkoniyati mavjud emas.

Kaliforniya universiteti olimasi K.Jessoe va uning jamoasi iqlim o‘zgarishining mehnat bozoriga ta’sirini tushunish uchun yillik ob-havo o‘zgarishlarining Meksika qishloqlaridagi bandlikka ta’sirini baholagan. Ularnig fikriga ko‘ra, haddan tashqari issiqlik mahalliy ish bilan bandlikning 1,4 foizga qisqarishiga va migratsiyaning 1,4 foizga oshishiga olib kelishi mumkin. Bunda, qishloqdan shaharlarga va chet eldan AQShga ichki migratsiyani kuchaytiradi¹²². Biz, K.Jessoe va uning jamoasi fikrlariga qo‘shilamiz, xususan haddan tashqari isish aholini qishloq xo‘jaligida daromad olishini qiyinlashtiradi. Bu esa, ish kuchini nisbatan ish sharoiti yengil bo‘lgan sohalarga ko‘chishiga sharoit yaratadi hamda migratsiyani kuchaytiradi.

Shanxay Jiao Tong universiteti professori Dawei Li va uning jamoasi olib borgan tadqiqotlarda o‘rtacha haroratning sanoatdan oldingi darajadan 1°C ga ko‘tarilishi har yili kamida bir kunda 33°C dan yuqori haroratga duchor bo‘lgan insonlar sonini 97 milliondan 275 millionga oshiradi. Agar harorat 1,5°C ga ko‘tarilsa 508 million kishi, 2°C ga 789 million va 3°C ga 1,22 milliard kishi issiqlik stressini boshdan kechiradi¹²³.

Inson tanasi yuqori namlikda 35°C dan yuqori haroratdagi fiziologik ta’sirga (shu jumladan o‘lim) bardosh bera olmasligi sababli, ish joyidagi haddan tashqari yuqori harorat mehnat qobiliyati va unumdorlikni qisqarishiga olib keladi. Eng konservativ prognozlarga ko‘ra, 2030 yilda global haroratning 1,5°C ga ko‘tarilishi bilan dunyoda umumiy ish vaqtining yo‘qolishi 2,2%ni tashkil qiladi, bu to‘liq 80 million ish joyini yo‘qotishga tengdir¹²⁴. Shu o‘rinda qayd etish lozimki, so‘nggi yillarda O‘zbekiston sharoitida havo haroratining 35°Cdan yuqori kunlarning

¹²¹ Zhao M, Huang X, Kjellstrom T, Lee JKW, Otto M, Zhang X, Romanello M, Zhang D, Cai W. Labour productivity and economic impacts of carbon mitigation: a modelling study and benefit-cost analysis. *Lancet Planet Health*. 2022 Dec;6(12):e941-e948. doi: 10.1016/S2542-5196(22)00245-5. PMID: 36495888.

¹²² Jessoe, Katrina & Manning, Dale & Taylor, J.. (2017). Climate Change and Labour Allocation in Rural Mexico: Evidence from Annual Fluctuations in Weather Short Title: Climate Change and Labour in Rural Mexico. *The Economic Journal*. Accepted. 10.1111/eoj.12448.

¹²³ Dawei Li, Jiacan Yuan va Robert E Kopp. Escalating global exposure to compound heat-humidity extremes with warming. *Environmental Research Letters*. 2020. 5 March. 17 p. // <https://iopscience.iop.org/>

¹²⁴ Жилина И.Ю. Экономические последствия изменения климата. DOI: 10.31249/rsm/2020.03.04. // <https://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskie-posledstviya-izmeneniya-klimata/viewer>

ko‘plab kuzatilishi, ushbu davrda mehnat resurslarining ish samaradorligiga o‘zining salbiy ta‘sirini ko‘rsatdi. Biroq, ushbu ta‘silarni aniqlash keng ko‘lamli dala tadqiqotlarini o‘tkazishni talab qiladi. Dastlabki o‘rganishlarimiz natijalariga ko‘ra, ushbu davrda ochiq havo sharoitida ishlovchi fuqarolarning mehnat samaradorligi 50-70% ga tushib ketishi kuzatiladi. Qolgan soha vakillari ham issiqlik stresslaridan jiddiy aziyat chekadi.

Xulosa qilish mumkinki, iqlim o‘zgarishlari sharoitida hozirgi iqtisodiy rivojlanishni saqlab qolish va iqlim o‘zgarishi natijasida yetkaziladigan zararlar miqdorini minimallashtirish uchun “yashil” iqtisodiyotga o‘tish choralari ko‘rish zaruriyati kundan kunga oshib bormoqda. Iqlim o‘zgarishi mehnat unumdorligini sezilarli darajada kamaytiruvchi makroiqtisodiy muammo bo‘lib, mehnat unumdorligidagi har qanday o‘zgarishlar milliy mahsulot va aholi daromadiga bevosita ta‘sir qiladi. Iqlim o‘zgarishining hozirgi tendensiyalarining davom etishi ishchi kuchining qishloq xo‘jaligidan boshqa sohalarga qayta taqsimlanishiga, ichki va tashqi migratsiyaning rivojlanishiga olib keladi. Shu sababli, iqlim o‘zgarishi sharoitida mehnat resurslarini himoyalash va ularning samaradorligini saqlab qolish maqsadida quyidagilar taklif etiladi. Jumladan,

1. O‘zbekiston sharoitida iqlim o‘zgarishlari natijalarining mehnat resurslariga ta‘sirini baholash bo‘yicha mutasaddi idora va tashkilotlar vakillari ishtirokida keng ko‘lamli ilmiy-amaliy tadqiqotlar o‘tkazish;

2. Iqlim o‘zgarishlarining ta‘silarni o‘lchash ko‘rsatkichlarini shakllantirish va ularni baholash hamda monitoring qilib borish amaliyotini yo‘lga qo‘yish. Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishda iqlim o‘zgarishlari natijasida mehnat resurslari unumdorligini kamaytirish jihatlarini inobatga olish;

3. Haroratning 35°C dan yuqori darajasida mehnat resurslari uchun shart-sharoit mavjud bo‘lmagan sharoitda ularning ish tartibini odatdagidan o‘zgartirish qoidalarni belgilash;

4. Mehnat resurslari samaradorligini saqlab qolish uchun, haqbay ishlovchi xodimlarni 4 kunlik ish tartibiga va soha xususiyatidan kelib chiqib ayrim xodimlarni onlayn ishlash tartibiga o‘tkazish.

Mazkur choralarning ko‘rilishi mehnat resurslarini iqlim o‘zgarishlaridan himoyalash va ularning mehnat unumdorligini saqlab qolishga imkoniyat yaratadi.

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ САРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ЧУЧУК (ИЧИМЛИК) СУВ ТАЪМИНОТИ СТРАТЕГИЯСИ

**Д.Тожибоева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти
профессори**

Эҳтиёжларни тўлароқ кондириш мақсади муносабатлари, унда бозор муносабатларининг асосий роль ўйнаши охир-оқибат табиатга катта зарар етиши, атроф-муҳитни ифлосланишининг кучайиши, чўл-сахроларнинг кенгайиши, биохилма-хилликнинг йўқолиши, табиий капиталнинг таназзулга юз тутиши, тоза ичимлик суви, озиқ-овқат, энергия етишмаслиги, иқлим ўзгариши, умуман олганда экологик муаммоларни борган сари ўткирлашиб боришига олиб келди. У ўз навбатида “Яшил иқтисодиёт” ва унинг

тарафдорларини келиб чиқиши, кишилиқ жамиятининг омон қолиши ва таракқиёти учун экологик рисклар ва танқисликлардан холи инсоният фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи “яшил иқтисод” моделига ўтиш заруриятини ўтқирлаштирди.

2000 йиллардан бошлаб “яшил” иқтисодиёт концепцияси шаклланиб, илмий оборотга киритилар экан, у дастлабки атроф-муҳит, табиий ресурсларни асраш-авайлаш, экологияни ҳам қамраб олган кенг маънодаги тушунчага айланди. Иқтисодчилар томонидан унга турлича таърифлар берилишига қарамай, кўпчилик унинг нисбатан тўлиқ таърифи сифатида БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурида: “яшил” иқтисодиёт — бу инсонлар фаровонлиги ва ижтимоий тенглигининг яхшиланиши, экологик рисклар ва экологик тақчилликни сезиларли даражада қамайтиришга олиб келувчи иқтисодиётдир” - деб берилган таъриф дея эътироф этишади.

“Яшил” иқтисодиёт йўналишлари хилма-хил. Биз улар орасидаги республикамиз учун ниҳоятда долзарб, ҳаёт манбаи — сув ресурсларидан фойдаланиш масаласига диққат қаратамиз. Айниқса, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликда сувнинг қадрни бебаҳо.

Планетамизда мавжуд сув ресурсларининг атиги 2 фоизини ичимлик суви ташкил этади, ундан атиги 0,66 фоиздан инсонлар фойдалана олади.

Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирда планетамизда яшаётган олти одамдан биттаси ичимлик суви етишмаслигидан азоб чекади. Ер шарида аҳоли 3 марта ортганда ичимлик сувидан фойдаланиш 17 марта кўпайди. Баъзи прогнозларга қараганда 20 йилдан кейин яна 3 мартага ортиши мумкин.¹²⁵

ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра жаҳонда чучук сувнинг 72 %и қишлоқ хўжалигида, 16 %и индустриал ишлаб чиқаришда, 12%и маиший мақсадларда ва унинг энг кам миқдори бевосита истеъмол қилишга ишлатилади.

Ўзбекистонда истеъмол қилинадиган сувнинг 80 %и қўшни давлатларда шаклланади. Амударё ва Сирдарё сувининг табиий қамайиб бораётгани ундан тежаб фойдаланиш масаласини янада долзарблаштиради. Жами сув захираларининг деярли ярми Ўзбекистон иомонидан истеъмол қилинади. Ҳозирда сувнинг 75-80%и қишлоқ хўжалигида ишлатилади. 2009 йили қишлоқ хўжалигида 44410 млн. м³ сув ишлатилган бўлса, 2017-йилда 49969.9 млн. м³, 2023 йили 54 500 млн. м³ сув ишлатилди,¹²⁶ яъни 122,7 %га кўпайди. 2009 йили ўртача 1 гектар ерга 10,5 минг м³, 2017 йили 13,5 м³, кейинги йилларда ҳам ўртача 11-12 минг м³ сув сарфланган.

Worldometer хизмати маълумотларига кўра кунлик киши бошига сув истеъмоли бўйича дунёда Туркманистон етакчилиқ қилмоқда. Кунига киши бошига —15,9 минг литр сув истеъмол қилинади. Иккинчи ўринни Чили 5935

¹²⁵ Доклад ООН о состоянии водных ресурсов мира. Обзор (Программа оценки водных ресурсов мира). - М., 2003.-с. 4; Кушнаренко А. Дефицит пресной воды: проблемы и способы решения // The WALL magazine. - URL : <http://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/>
⁹ <https://www.gazeta.uz/ru/2021/09/07/water/>

¹²⁶ Ўзбекистон Давлат статистика кўмитаси маълумотлари

литр, 3-ўринни Куба 5283 литр, Ўзбекистон ҳозир киши бошига сув истеъмоли бўйича дунёда 4 754 литр билан 4-ўринни эгаллаб турибди. Тожикистонда —4,5 миңг литр (5-ўрин), Қирғизистонда —4,2 миңг литр (6-ўрин), АҚШда — 3750 (7-ўрин), Қозоғистонда —3,5 миңг литр (11-ўрин) сув истеъмол қилинади.¹²⁷

Кейинги 15 йил ичида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига сув таъминоти 2048 м³ дан 1589м³ даражасига тушди. ЎР Президенти Ш.М. Мирзиёев, сув ресурслари билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги кундан-кунга ортиб бораётганига алоҳида диққат қаратиб, ўтган йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 39 миллиард куб метр сув сарф этилгани, шундан 36 фоизи, яъни 14 миллиард куб метрдан ортиғи тупроқ ўзанли канал ва ариқларда йўқолгани ҳамда ерларнинг 70 фоизи эски усулда суғорилгани боис 5–6 миллиард куб метр сув беҳуда сарфланиб, коллекторларга ташланаётганини таъкидлаб ўтди.¹²⁸ Бугунги кунда 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 миңдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 7 миллиард киловатт соат электр сарфланади. Лекин 80 фоиз насослар 35–40 йилдан бери ишлатилиб, ўз ресурсини ўтаб бўлган, - деди Президент.

Сув хўжалиги соҳаси мутасаддилари 2030 йилга бориб мамлакатда 7 миллиард куб метр сув етишмаслигини таъкидлашмоқда. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, сув сарфи нафақат қишлоқ хўжалигида, балки маиший соҳада ҳам ортиқча сарфланмоқда. Тошкент шаҳрида айрим пайтларда сув сарфи аҳоли жон бошига суткасига 400 литргача етади. Бу кўрсаткич Берлин бўйича 124 литр, Москвада 249 литр, Хитой шаҳарларида 204 литрни ташкил қилади.

Ҳаёт “яшил” иқтисодиёт концепциясини неоклассиклар кўрсатганидек, ўз-ўзини бошқарувчи бозор орқали тартибга солиб бўлмаслигини кўрсатди. Ҳозирда жаҳонда, шу ыаторда, республикамизда ҳам экологик хавфсизликни, таъминлаш, жумладан, сув ресурслари таъминоти учун ҳукуқий асос яратишга катта эътибор берилмоёда.

2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742 сон фармони,¹²⁹ ҳамда «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 22-майда ЎР Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида сувдн фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сон қарори қабул қилинди.¹³⁰

Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор халқаро конвенциялар ва тегишли ривожланиш протоколлари ратификацияларига қўшилди. Лекин сувни тежаш ўз навбатида фақат ҳукуқий

¹²⁷ <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/uzbekistan-zanyal-chetvertoe-mesto-v-mirovom-reytinge-po-potrebleniyu-vody/>

¹²⁸ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/10/20/water/>

¹²⁹ <https://lex.uz/docs/4378526#4379559>

¹³⁰ <https://lex.uz/ru/docs/4823390?ONDATE2=28.09.2023&action=compare>

асоснигина эмас, биринчидан, катта маблағни, иккинчидан, уни амалга оширишни талаб қилади. Boston Consulting Group бошқарувчи директори ва ҳамкор Игор Алексеев ўз таклифини билдираркан, Ўзбекистонда сувни тежаш бўйича барча ташаббусларни амалга ошириш учун тахминан 19 млрд. доллар сармоя талаб этилишини қайд этди.¹³¹ Сувни тежашга қаратилган технологияларни қўлламай, қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, республикамиз водопровод суви дунёдаги энг арзон 5 та мамлакатнинг бири ҳисобланади. Харажатларни қоплаш ҳамда уни тежаш учун иқтисодий йўл билан таъсир кўрсатиш энг самарали усуллардан бири эканлигини ҳисобга олиб 2024 йилгача 1м³ сув 0,11 доллар бўлса, энди янги тариф билан аввалгига нисбатан 2 баравар қимматлаштирилди. Бу чора ҳам сувни тежаб ишлатишга ёрдам беради.

Сувни тежаш ҳар бир инсондан халқимизнинг “Уммон ёнида бўлсанг ҳам сувни томчисини исроф қилма!” - деган ўғитига риоя қилишни талаб этади. Қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилашнинг ҳуқуқий асослари – расмий институтлари яратилди, деб айта оламиз. Лекин энг қийин ва муҳим вазифа уни амалга оширишдир. Чунки уни амалга ошириш эса дунёқарашлари (жумладан эгоистик), мотивациялари, маданият, моддийлик билан маънавийликни қиёсий баҳолаш, маънавий етуклик, баркамолликка интилиш даражалари ҳар хил, айрим пайтларда тубдан қарама-қарши инсонларга боғлиқ. Хар бир инсоннинг бу борадаги ҳатти ҳаракатини, танловини узлуксиз назорат қилиб бўлмайди. Фикримизча, айнан, бунда норасмий институтлар – норасмий норма, қоидалар асосий ўрин тутди. Демак, сувни ҳаёт манбаи сифатида асраб-авайлаш, фойдаланиш бўйича аждодларимизнинг анъаналари, қадриятларини, қабул қилган қоидаларига мурожаат қилиш, уларни ёшлар онгига сингдириш зарур.

«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ

Э.Носиров, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Глобал миқёсда экологик чекловларнинг кучайиши назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам дунёда иқтисодий ривожланишнинг янги «яшил» иқтисодиёт йўналишини шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди. Бундай янги йўналиш 2008-2012 йилларда БМТнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш ташаббусларида ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD - Organisation for Economic Co-operation and Development)га аъзо бўлган давлатлар томонидан «яшил» ўсиш дастурларида илгари сурилди.

Дунё миқёсида барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун катта молиявий ресурслар талаб этилиб, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра йилига 2-4 триллион доллар ёки 2030 йилгача ҳар йили глобал ЯИМнинг 14% чегараларида ўзгариб туради. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ҳисоб-

¹³¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/06/23/water> Тошкентда ўтказилган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида 28 апрель куни «Сув ресурсларини комплекс бошқариш: қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, Марказий Осиёда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида панел мунозараси

китоблари бўйича, COVID-19 инқирозидан олдин, Ўзбекистон БРМга эришиши учун ривожланишни қўшимча молиялаштиришга бўлган умумий эҳтиёж ҳар йили мамлакат ЯИМнинг қарийб 7,9 фоизини ташкил этиши тахмин қилинган эди. Бироқ инқироз натижасида талаб қилинадиган маблағлар миқдорининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. ХВЖ маълумотларига кўра, COVID-19нинг ташқи ва ички таъсирини бартараф этиш учун қўшимча ташқи молиялаштириш тахминан 4 миллиард долларни (ЯИМнинг 7%и) талаб этиши кутилмоқда¹³².

Шу билан биргаликда мамлакатимизда охириги йилларда «яшил» иқтисодиётга ўтиш борасида ижтимоий масъулиятли ҳатти-ҳаракатларга жамоатчиликнинг қизиқиши аста-секин ортиб бораётган бўлса ҳам, ижтимоий масъулиятли инвестициялаш, яъни «ESG» тамойиллари асосида инвестиция киритиш амалиёти мамлакатимизда кенг тарқалишга ҳали улгурмади. Бунинг сабаби сифатида мазкур амалиётни миллий тартибга солиш тизими ва уларни шакллантириш концепциясига оид мезонлар қабул қилинмаганлигини келтириш мумкин. Шу билан биргаликда, масъулиятли инвестицияларни амалга оширганлиги учун хусусий бизнесни рағбатлантириш ва миллий компаниялар томонидан йўналтирилган масъулиятли инвестицияларнинг ҳажми ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб бориш ва умумлаштириш ҳамда бу борада компанияларнинг «ESG» рейтингини аниқлаш тизими йўлга қўйилмаганлиги ҳолатлари мамлакатимизда ижтимоий масъулиятли инвестициялаш амалиёти ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Бу борада мамлакатимизда фақат экологик омил сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган инвестициялар статистикасига оид маълумотларнинг юритилишини ижтимоий масъулиятли инвестицияларнинг ягона кўрсаткичи сифатида қайд этиш мумкин.

Энди эътиборимизни амалий маълумотлар таҳлиliga қаратадиган бўлсак, республикаимиздаги айрим хўжалик субъектлари масъулиятли инвестициялаш борасида бир қатор глобал ташаббус иштирокчиларига айланишди. Мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда тижорат банклари фаоллик кўрсатаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон тарихида илк бор «Ozsanoatqurilishbank» АТБ 2023 йилнинг август ойида қиймати 100 млн. АҚШ доллари миқдоридаги «яшил» еврооблигацияларни халқаро бозорда жойлаштиришга муваффақ бўлди.

«Ozsanoatqurilishbank» АТБ томонидан чиқарилган «яшил» еврооблигацияларни инвесторларга сотишдан тушган маблағлар барқарор ривожланиш лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланган. Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки «Ozsanoatqurilishbank» АТБ томонидан чиқарилган “яшил” еврооблигацияларнинг 25 фоизини сотиб олиш орқали асосий харидорлардан бири бўлди. ОИИБдан ташқари «яшил» облигацияларга Халқаро молия корпорацияси, Германия Инвестиция ва

¹³² «Ўзбекистон - 2023». Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи нашр) - б. 12. (-161 б.)

таракқиёт корпорацияси ва Австрия таракқиёт банки каби йирик молия институтлари инвестиция киритишди¹³³.

«Ozsanoatqurilishbank» АТБ томонидан чиқарилган «яшил» облигациялар беш йиллик муддатга чиқарилган бўлиб, уларни сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистонда «яшил» лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан энергия самарадорлигини таъминлаш, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, сувни тежаш, кичик ва ўрта корхоналар томонидан мазкур йўналишларда амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, аёллар етакчилигидаги бизнес ташаббусларни молиялаштиришга тақдим этилади.

Мазкур эмиссия «Ozsanoatqurilishbank» АТБ томонидан барқарор ривожланишни молиялаштириш дастури доирасида Капитал бозорлари халқаро Ассоциациясининг «яшил» ва «ижтимоий» тоифадаги облигацияларни муомалага чиқариш тамойилларига мос келадиган барқарор облигацияларнинг биринчи маротаба чиқарилишидир.

Бунгача, «Ozsanoatqurilishbank» АТБ 2019 йилда мамлакатимиз тижорат банклари ичида биринчи бор Лондон фонд биржасида қиймати 300 млн. АҚШ доллари миқдоридаги еврооблигацияларни халқаро капитал бозорида жойлаштиришга муваффақ бўлган эди.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция портфелидан 13 та лойиҳа ўрин олган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этади¹³⁴. Мазкур лойиҳалар энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва тиббиёт соҳаларини ўз ичига олади. ОИИБнинг инвестиция портфелидаги лойиҳаларга Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида Бирлашган Араб Амирлиги (БАА)нинг «Masdar» компаниясига қуёш панеллари орқали қайта тикланадиган энергия манбаларини яратишга 394 млн. АҚШ доллари миқдорида, шунингдек, Бухоро вилоятида сув таъминоти ва канализация, темир йўл ва автомобил йўллари тармоғини модернизациялаш учун кредит маблағлари ажратилганлигини қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сонли¹³⁵ ҳамда 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сонли¹³⁶ Қарорлари республикамизни «яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича стратегик мақсадлари

¹³³ <https://www.aiib.org/en/news-events/news/2023/AIIB-Invests-USD25-Million-into-JSCB-UzPromStroyBank-Sustainable-Bonds.html>

¹³⁴ <https://www.aiib.org/en/news-events/news/2023/AIIB-Invests-USD25-Million-into-JSCB-UzPromStroyBank-Sustainable-Bonds.html>

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сонли Қарори

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон Қарори

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

хамда «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш дастурининг устувор йўналишларини ифодалайди. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон - 2030 стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли Фармони¹³⁷ билан «яшил» иқтисодиёт сари ҳаракат мамлакатимизда келгуси етти йил учун устувор вазибалардан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли Қарори билан республикамизнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди (жадвалга қаранг). Республикамизнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлари 8 та йўналишдан иборат бўлиб, унда 2022 йилдан 2030 йилгача бўлган муддатда ЯИМ бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини 30 фоизга камайтириш (2021 йилга нисбатан); саноатда электр энергияси истеъмоли (умумий истеъмолдаги улуши)ни 20 фоизга тушириш; қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини (гидроэнергетика билан бирга) 30,5 фоизга етказиш; 1500,0 МВт электр-энергиясини ишлаб чиқарадиган кичик қувватли қуёш фотоэлектр станцияларни қуриш; жами аҳоли сонига нисбатан яхшиланган ичимлик сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли қамровини 90 фоизга етказиш; ўрмон фонди ҳудудларида дарахт ва буталар захиралари фондини 92,3 млн.м³га етказиш; «Яшил макон» лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдон ҳудудларини аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан 30 фоизга етказиш ҳамда ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 2022 йилдаги 30,0 фоиздан, 2030 йилга келиб 65,0 фоизга етказиш режа қилинган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлари¹³⁸

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил	2024 йил	2026 йил	2028 йил	2030 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини камайтириш (2021 йилга нисбатан)	%	5,0	14,0	22,0	27,0	30,0
2.	Саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улуши	%	26,0	25,0	23,0	21,0	20,0
3.	Қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини кенгайтириш (гидроэнергетика билан бирга)	%	8,0	9,0	24,3	29,0	30,5
		кВт/с	6,5	8,6	25,0	34,0	40,7

¹³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон - 2030 стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли Фармони

¹³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон Қарорининг 1-илоvasи

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

4.	Кичик қувватли қуёш фотоелектр станцияларини қуриш	МВт	10,0	150,0	400,0	800,0	1500,0
5.	Яхшилланган ичимлик сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга аҳоли, жами аҳоли сонига нисбатан	%	69,7	80,93	87,12	88,5	90,0
6.	Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт ва буталар захираларини кўпайтириш	млн.м ³	64,2	68,1	77,0	85,5	92,3
7.	«Яшил макон» лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни кенгайтириш (аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан)	%	8,3	12,4	15,8	23,8	30,0
8.	Ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси	%	30,0	40,0	50,0	60,0	65,0

Ўзбекистонда 2014 йилда умумий иссиқхона газлари эмиссияси 214,7 миллион метрик тонна карбонат ангидрид эквивалентини (MtCO_{2e}) ташкил этган. Бу кўрсаткич глобал иссиқхона газлари чиқиндиларининг 0,44 фоизига тенг бўлган. Ўзбекистонда иссиқхона газлари чиқиндиларининг асосий манбаи энергетика тармоғи ҳисобланади. Чиқиндиларнинг 89,4 фоизи энергия чиқиндилари, 13,1 фоизи қишлоқ хўжалиги, 2,7 фоизи саноат жараёнлари ва 2,4 фоизи маиший чиқиндилар ҳиссасига тўғри келган. Ўзбекистонда ердан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришлар ва ўрмон хўжалиги сектори 2014 йилда эмиссия қилинган 16,4 миллион тонна CO_{2e} иссиқхона газларини ўзига сингдирган¹³⁹. Юқорида қайд этилган маълумотлардан мамлакатимиз иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва истеъмол нуқтаи назаридан қазиб олинган ёқилғиларга бевосита боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, республикаимиз иссиқхона газлари эмиссияси бўйича катта углерод қолдиқларига эга бўлган дунёдаги юзта мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Бизнинг фикримизча, мазкур омиллар мамлакатимизнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши объектив зарурат эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, охириги йилларда дунёнинг етакчи мамлакатлари томонидан «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва масъулиятли инвестициялаш борасида қабул қилинган қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида янги тенденциялар юзага келди. Хусусан,

- Европа Иттифоқи давлатлари, Япония ва АҚШ энергоресурслар бўйича бошқа давлатларга боғлиқликни камайтириш мақсадида юқори технологияларни қўллаш орқали босқичма-босқич ўз-ўзини таъминлаш йўлига ўтмоқда;

- Иқлим ўзгаришларини юзага келтирувчи техноген омиллар билан курашиш ва экологик назоратнинг кучайиши натижасида янги «яшил» стратегиялар қабул қилинмоқда;

- Энергия тежамкорлик сиёсатини янада кенгайтириш, шу жумладан энергия истеъмоли меъёрларини янада қисқартириш ҳамда энергия тежамкорлиги борасида технологик ва таркибий ўзгаришларни амалга

¹³⁹ Информационный бюллетень о выбросах парниковых газов: Узбекистан. Глобальное изменение климата (climatelinks.org)

оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

1. Бугунги кунда халқаро амалиётда институционал ва хусусий инвесторлар томонидан ESG омилларга асосланган ижтимоий масъулиятли инвестицияларни амалга ошириш янги трендга айланди. Шу сабабли, мамлакатимизда ESG тамойилларига асосланган ижтимоий масъулиятли инвестициялар киритилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий даражадаги сиёсат, стратегия ва меъёрий-ҳуқуқий асос ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, иқтисодиёт субъектларининг ESG концепциясига асосланган инвестициялар ҳисоботини юритиш, мазкур ҳисоботларни қабул қилишга масъул бўлган давлат органини белгилаш ҳамда ҳисоботлар таҳлилига асосланган ҳолда иқтисодиёт субъектларининг ESG рейтинги ва ренкинги юритилишини йўлга қўйиш зарур.

2. Ривожланган давлатларда атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш мақсадида «ифлословчи тўлайди» тамойилидан кенг фойдаланилади. Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўлов юридик шахслардан чиқиндилар ва зарарли моддаларни атроф-муҳитга чиқариш ва чиқиндиларни утилизация қилиш натижасида табиатга етказилган зарарни қоплашни назарда тутди. Мазкур хориж тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда атроф-муҳитни оқилона бошқаришни таъминлайдиган иқтисодий механизм сифатида «ифлословчи тўлайди» тамойилини амалиётга жорий қилиш зарур.

YASHIL IQTISODIYOTGA O‘TISHNING ZARURATI, DOLZARBLIGI VA RO‘YOBGA CHIQRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI

M.Aynakulov, Jizzax politexnika instituti dotsenti

O‘z mohiyatiga ko‘ra, yashil iqtisodiyot - bu atrof-muhitga ta’sirni kamaytirish, resurslar samaradorligini oshirish, chiqindilarni kamaytirish va milliy boylarning aholining barcha qatlamlari o‘rtasida adolatli taqsimlanishini ta’minlashga qaratilgan barqarorlikka yo‘naltirilgan iqtisodiy rivojlanish yondashuvidir. Yashil iqtisodiyotning asosiy e’tibori ekologik barqarorlikka, biologik xilma-xillikni saqlashga va tabiiy resurslarning kamayib ketishining oldini olishga qaratilgan.

Yashil iqtisodiyotga o‘tish bugungi kunda dunyo duch kelayotgan ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy muammolar bilan bog‘liq turli sabablarga ko‘ra global ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu o‘tishning muhimligini ta’kidlaydigan asosiy omillar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

Shulardan birinchisi iqlim o‘zgarishiga qarshi kurash bo‘lib, iqlim o‘zgarishi global barqarorlik va inson farovonligi uchun eng jiddiy tahdidlardan biridir¹⁴⁰. Qazib olinadigan yoqilg‘I matereiallarini yoqish va boshqa faoliyat natijasida issiqxona gazlari chiqindilarining ko‘payishi global isishni tezlashtiradi, bu ekstremal ob-havo, dengiz sathining ko‘tarilishi va ekotizimlardagi halokatli o‘zgarishlarga olib keladi. Shu sababdan ham ushbu chiqindilarni kamaytirish va uglerod sekvestratsiyasini oshirishga qaratilgan yashil iqtisodiyot iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashda asosiy vositadir. Ikkinchidan, tabiiy resurslarni saqlash bo‘lib, tabiiy

¹⁴⁰ Айнакулов Х. А. и др. Решение проблем оздоровления почвы // Арктика: современные подходы к производственной и экологической безопасности в нефтегазовом секторе. – 2020. – С. 22-24.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

resurslardan beqaror foydalanish ularning kamayishiga, atrof-muhitning ifloslanishiga va biologik xilma-xillikning yo‘qolishiga olib keladi. Yashil iqtisodiyot resurslardan samarali va oqilona foydalanish, ekotizimlarni saqlash va tiklash, ularning kelajak avlodlar uchun mavjudligini ta‘minlashga yordam beradi.

Uchinchi omil bo‘lib, iqtisodiy barqarorlik va ish o‘rinlarini yaratish asosiy omil sifatida yashil iqtisodiyotga o‘tish innovatsiyalarni rag‘batlantiradi va iqtisodiy o‘sish va rivojlanish uchun yangi imkoniyatlar yaratadi. Qayta tiklanadigan energiya manbalari, energiya tejaydigan texnologiyalar, barqaror qishloq xo‘jaligi va boshqa yashil tarmoqlar iqtisodiy barqarorlik va qashshoqlikni kamaytirishga hissa qo‘shib, ish o‘rinlarini yaratadi. To‘rtinchidan, salomatlik va hayot sifatini yaxshilash omili bo‘lib, havo, suv va tuproqning ifloslanishi odamlar salomatligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatib, turli kasalliklar xavfini oshiradi. Yashil iqtisodiyot ifloslantiruvchi moddalarning emissiyasini cheklash orqali atrof-muhit sifatini va natijada aholi salomatligi va farovonligini yaxshilashga yordam beradi. Beshinchidan, energiya xavfsizligini takomillashtirish bo‘lib, qazib olinadigan yoqilg‘iga qaramlik mamlakatlarni energiya narxlarining o‘zgarishi va siyosiy beqarorlikdan himoyasiz qoldiradi. Qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirishga qaratilgan yashil iqtisodiyot energiya xavfsizligini yaxshilaydi va importga qaramlikni kamaytiradi. Oltinchidan, ijtimoiy inklyuziya va tenglik bo‘lib, bu ham o‘znavbatida, yashil iqtisodiyotga o‘tishda adolatli taqsimot jarayoni uchun imkoniyatlar yaratadi, shuningdek, resurslar va imtiyozlarni almashish, har bir kishi iqtisodiy imkoniyatlar va ijtimoiy imtiyozlarga ega bo‘lgan inklyuziv jamiyatlar rivojlanishini qo‘llab-quvvatlaydi. Bu, ayniqsa, ko‘plab jamoalar tabiiy resurslarga bevosita bog‘liq bo‘lgan va iqlim o‘zgarishi ta‘siriga bardoshi kam bo‘lgan rivojlanayotgan mamlakatlarda tengsizlikka qarshi kurashish va teng imkoniyatlarni ta‘minlash uchun juda muhimdir. Yashil iqtisodiyotga o‘tish mamlakatlarni bilim, texnologiya va moliyaviy resurslarni almashishga undaydi, bu esa BMT Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda global hamkorlikni mustahkamlashga yordam beradi. Sakkizinchi omil bu iqlim o‘zgarishiga chidamlilikni shakllantirishni o‘z ichiga olib, iqlim o‘zgarishiga moslashish va yumshatishni qamrab olgan yashil iqtisodiyot sa’y-harakatlari jamiyatlar va iqtisodiyotlarning ekstremal ob-havo va tabiiy sharoitlarning o‘zgarishiga chidamliligini oshiradi¹⁴¹. Bu iqtisodiy yo‘qotishlarni kamaytirish va hayotni himoya qilishga yordam beradi. Va nihoyat to‘qqizinchi omil bu barqaror rivojlanishni qo‘llab-quvvatlash omili bo‘lib, yashil iqtisodiyotga o‘tish barqaror rivojlanishning asosiy jihatini ta‘kidlaydi, ya‘ni, kelajak avlodlarning bugungi kun ehtiyojlarini qondirishga intiladi. Bu iqtisodiy o‘sish, atrof-muhitni muhofaza qilish va ijtimoiy farovonlik muvozanatini o‘z ichiga oladi.

Yashil iqtisodiyotga o‘tish va uglerod neytralligiga erishish uchun bir qator chora-tadbirlarni amalga oshirish kerak, xususan:

- qazib olinadigan yoqilg‘iga qaramlikni kamaytirish uchun qayta tiklanadigan energiya manbalariga (quyosh, shamol, gidroenergetika) sarmoya kiritish;
- sanoat, qurilish, transport va kundalik hayotda energiya samaradorligini

¹⁴¹ Aynaqulov M. A. Xudayberdiyev B.B. Motivatsiya samaradorlik garovi sifatida // Ilmiy axborotnoma jurnali. Samarqand Davlat Universiteti. – 2020. – №. 2 (120).

oshirish;

-uglerodni ushlash va saqlash texnologiyalarini, shuningdek, issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirish texnologiyalarini ishlab chiqish va qo‘llash;

-o‘rmonlarni o‘stirish va tiklash loyihalarini amalga oshirish;

-issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytiradigan va iqlim o‘zgarishiga moslashuvchi loyihalarga yashil moliyalashtirish va investitsiyalarni rag‘batlantirish;

-emissiyalarni, shu jumladan uglerod solig‘i, chiqindilar savdosi va atrof-muhitni muhofaza qilish qoidalarini kamaytirish uchun siyosat va standartlarni ishlab chiqish va amalga oshirish;

-barqaror qishloq xo‘jaligini rivojlantirish, shu jumladan, organik dehqonchilik amaliyoti, suv resurslari va tuproq unumdorligini saqlash;

-yashil iqtisodiyotga o‘tishda bilim, texnologiya va resurslarni almashish uchun xalqaro hamkorlikni rivojlantirish;

-barqaror iste‘mol va ishlab chiqarish muhimligi haqida aholining xabardorligini oshirish, fuqarolar va korxonalar o‘rtasida ekologik mas‘uliyatli xulq-atvorni rag‘batlantirish;

-barqarorlikni korporativ strategiyaga integratsiyalash, bu ekologiyalashtirilgan xo‘jalik yuritishni rejalashtirish va bu borada monitoring yuritishga ekologik xavf va imkoniyatlarni chamalash;

-barqaror qishloq xo‘jaligini rivojlantirish, shu jumladan, organik dehqonchilik amaliyoti, suv resurslari va tuproq unumdorligini saqlash;

-yashil iqtisodiyotga o‘tish va global darajada uglerod neytralligiga erishish uchun zarur bo‘lgan bilim, texnologiya va resurslarni almashish uchun xalqaro hamkorlikni rivojlantirish.

Uglerod neytralligiga erishish hukumatlar, korxonalar, nodavlat tashkilotlar va har bir shaxsdan kompleks yondashuv va birgalikdagi sa‘y-harakatlarni talab qiladi. Bunga yangi texnologiyalarni qabul qilish, iste‘mol usullarini o‘zgartirish, iqlim bilan bog‘liq xavflarni boshqarish va past uglerodli kelajakka sarmoya kiritish kiradi. Bunday yondashuv nafaqat iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashish, balki yangi ish o‘rinlari yaratish, aholi salomatligini yaxshilash va yanada adolatli va barqaror rivojlanishga erishishga yordam beradi.

Shunday qilib, yashil iqtisodiyotga o‘tish iqlim o‘zgarishi, tabiiy resurslarning kamayishi, iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlik bilan bog‘liq joriy va kelajakdagi global muammolarni hal qilishda muhim ahamiyatga ega. Buning uchun xalqaro hamkorlikdan tortib mahalliy tashabbuslargacha bo‘lgan barcha darajadagi muvofiqlashtirilgan sa‘y-harakatlar, shuningdek, jamiyatning barcha qatlamlarining faol ishtiroki talab etiladi. Yashil iqtisodiyotga o‘tishning ahamiyatini e‘tirof etmasdan bo‘lmaydi, chunki u barcha uchun yanada barqaror va adolatli dunyoga yo‘l ochadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Айнакулов Х. А. и др. Решение проблем оздоровления почвы // Арктика: современные подходы к производственной и экологической безопасности в нефтегазовом секторе. – 2020. – С. 22-24.

2. Aynaqulov M. A. Xudayberdiyev B.B. Motivatsiya samaradorlik garovi sifatida // Ilmiy axborotnoma jurnali. Samarqand Davlat Universiteti. – 2020. – №. 2 (120).

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ИННОВАЦИОН СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Г.Халикулова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Янги Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари фаолиятини сифат кўрсаткичлари замон талаблари асосида самарали ривожлантириш, суғурта бозорининг интеллектуал даражасини рақобатбардошликка кўра ошириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва самарали андеррайтинг механизмларини жорий қилиш кабилар юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жадаллашган ва Ўзбекистон янги тараққиёт йўлига қадам кўймоқда, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, таълим, илмий муҳитнинг ўзи эса анча мураккаб ва серқирра бўлиб бормоқда. Бу ўринда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қабул қилиниши ва “инсон – жамият – давлат” тамойилга асосланган ислохотлар фалсафасининг кейинги эволюцияси табиий кўринади. Унинг кун тартибига миллий иқтисодиёт ва иқтисодий ўсишни трансформация қилиш, инклюзив ва барқарор жамият қуриш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш каби вазифалар киритилган. Ўзбекистонда ўзгаришлар марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари турибди. Инсон капиталига, билим ва инновацияларга йўналтирилган инвестициялар, “яшил” иқтисодиётга ўтиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири, унинг рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатни барқарор ривожлантириш шарти сифатида қаралмоқда¹⁴². Мазкур иқтисодий ислохотлар доирасида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлардан бири сифатида суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш» бўйича устувор вазифа¹⁴³ белгиланганлиги миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, суғурта соҳасини янги босқичга ўтказиш, рақамлаштириш жараёнларини кенг жорий қилиш, механизмлари ёрдамида мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, миллий суғурта ташкилотларининг рақобатбардош маҳсулотларини таклиф қилиш ва жаҳон молия бозорларига интеграциясини таъминлаш, суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблари асосида шакллантириш ва суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

узлуксизлигини таъминлашда суғурта ташкилотларининг ўрнини ва аҳамиятини такомиллаштириш юзасидан тадқиқот ишларини амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиши кўп жиҳатдан рақамли иқтисодиётнинг янги технологияларини жорий этилишига боғлиқдир. Уларни қўллаш суғурта фаолиятидаги кўплаб жараёнлар самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради. Суғурта компаниялари, шунингдек бошқа хўжалик юритувчи субъектлар замонавий рақамли технологиялар ва InsurTech воситаларидан фойдаланиши уларга суғурталовчи бизнес-жараёнларининг барча босқичларида қарорларни қабул қилиш тезлигини ошириш, мавжуд рискларни индивидуал баҳолашни қўллаш, мижозларнинг замонавий эҳтиёжларини қондирадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва бошқа омиллар орқали суғурта хизматларининг сифатини оширишга имкон беради. Суғурта хизматининг сифати кўп жиҳатдан уни тақдим этиш сифати ва суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида, яъни шартноманинг бутун ҳаётийлик даври мобайнида мижоз (суғурталанувчи)нинг қониқиш даражаси билан белгиланади.

Коронавирус пандемияси Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқлари фаолиятига, шу жумладан суғурта соҳасига ҳам катта таъсир кўрсатди. Суғурта бозори карантинга оид чекловчи тадбирлар таъсирини ва “локдаун” туфайли юзага келган салбий тенденцияларни бошидан ўтказди, улардан аҳолининг ҳарид қобилияти тушиб кетиши, суғуртанинг муайян турлари бўйича суғурта полислари сотилмаганлиги, рақамли тенгсизлик ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Мураккаб эпидемиологик вазият суғурта компаниялари томонидан суғурта шартномаларининг ҳаётийлик даври мобайнида рақамли технологиялардан фойдаланиш рақобат устунлиги берди, улар масофавий хизмат кўрсатиш ва мижозлар эҳтиёжларини қулай ва хавфсиз йўл билан масофавий қондириш орқали мижозларнинг айнан шу суғурта ташкилотлари билан ишлашларига туртки бўлди.

Суғурта - бу рискни узатишнинг бир усулидир. Бир томон рискни узатади, иккинчиси эса буни қабул қилади. Шунинг учун, агар гап P2P ҳақида бўлса, мижознинг rischi суғурта корхонасига эмас, балки шахсга ёки кўпи билан бир гуруҳ инсонларга ўзатилиши керак. Суғуртада P2P концепциясидан фойдаланиш имкониятлари асосан техник ютуқлар билан эмас, балки суғурта хизматининг хусусиятлари билан белгиланади. Инсон ўзи қоплашга тайёр бўлмаган рискни узатади. Қабул қилувчи томон мумкин бўлган тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлса ва бу унинг молиявий ҳолатига таҳдид солмасагина бундай рискни топшириш унга самарали бўлади. Шунинг учун, P2P концепциясига мувофиқ суғурта доирасида, қабул қилувчи томон қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) ўзи қабул қилган риск оқибатларидан сезиларли даражада кўп бўлган молиявий ресурсларга эга бўлган шахс;

б) биргаликда зарур молиявий ресурсларга эга бўлган ва улар ўртасида риск олдиндан белгиланган қоидаларга мувофиқ қайта тақсимланадиган

инсонлар гуруҳи.

Суғурта битимининг асоси - бир томоннинг маълум тасодифий ҳодисалар рўй берганда тўловни амалга ошириш тўғрисидаги ваъдасидир. Бундай ваъда учун тўлов дарҳол олинади ва баъзи вақтдан кейин бажарилиши мумкин ёки унинг бажарилиши умуман керак бўлмайди. Шу боис суғурта қилишда бундай ваъдалар бераётган шахслар, уларнинг молиявий ҳолати ва истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш жуда муҳим. Анъанавий суғурта соҳасида бу назоратни тартибга солувчи ва монополияга қарши хизматлар вакили бўлган давлат, шунингдек, профессионал уюшмалар (масалан, ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар) амалга оширади.

P2P концепцияси доирасида давлат истеъмолчилар ҳуқуқларини назорат қилиш ва ҳимоя қилиш учун деярли ҳеч қандай имкониятларга эга эмас. Шу сабабли, P2P суғурта операцияларининг ишончилиги расмий суғурта ташкилоти билан тузилган суғурта шартномасига қараганда анча паст (айниқса, умумий P2P ва хусусан суғурта P2Pси бўйича ривожланмаган меъёрий базани ҳисобга олган ҳолда).

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, P2P ғояси кўпроқ ёки камроқ даражада самарали амалга оширилиши мумкин бўлган суғурта соҳаларини тахминан кўрсатиш мумкин.

Биринчи навбатда, бу жисмоний шахслар учун “суғуртанинг оммавий риск туғдирувчи турлари”, деб аталади. Улар маълум бир стандарт хавф-хатарлар тўпламига дучор бўлган жуда кўп миқдордаги ўхшаш, нисбатан арзон объектларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Суғурта суммаларининг пастлиги ва “рискнинг соф қиймати” сабабли транзакция ва ишни юритиш харажатлари анъанавий суғурталовчиларда суғурта нархининг муҳим қисмини ташкил қилади. Агар кўрсатиб ўтилган харажатларнинг янада паст бўлган даражасига эга суғуртанинг муқобил вариантлари юзага келса улар ушбу майдонда анъанавий суғурта корхоналари билан рақобатлаша оладилар.

Иккинчидан, P2P суғуртаси доирасида муайян рискларга эга бўлган потенциал суғурталовчиларнинг айрим тоифалари ҳимоя топиши мумкин, улар учун анъанавий суғурталовчилар мос келадиган маҳсулотларни умуман таклиф қилмайдилар ёки улар учун суғурта шартлари мижознинг эҳтиёжларига жавоб бермайди (турли экстремал спортчилар ва бошқалар).

Учинчидан, P2P доирасида стандарт шартларни кенгайтирадиган ёки классик суғурталовчиларнинг суғурта қоидаларидан турли истисноларни қамраб оладиган қўшимчалар оддий суғурта шартномаларига таклиф этилиши мумкин. Бунга каско суғурта шартномалари бўйича франшиза доирасидаги қоплаб беришни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолда, суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги факти ва зарар миқдори суғурта корхонаси томонидан белгиланади, P2P суғурталовчиси эса фақат унинг тақдирига эргашади ва франшиза миқдорида тўловни амалга оширади. Шу билан кичик P2P суғурталовчилари мустақил равишда амалга оширишлари қийин бўлган суғурта ҳодисасини тўлиқ текшириш ва зарарни баҳолаш билан боғлиқ барча

кийинчиликлар энгиб ўтилади.

Юқори суғурта суммалари билан тавсифланган ва стандартлаштириш ҳамда бирлаштириш қийин бўлган “жиддий” суғурта турлари учун P2P ғоялари принципиал жиҳатдан қўлланилмайди. Йўқотишнинг потенциал ҳажми қанчалик катта бўлса, унинг юзага келиши фактини ва унинг ҳажмини исботлаш қанчалик қийин бўлса, молиявий ва операцион ресурсларнинг чекланганлиги сабабли P2P суғурталовчилар орасида уни қоплашга тайёр бўлганларни топиш шунчалик қийин бўлади. Улар учун махсус қайта суғурта қилиш ҳақида тасаввур қилиб кўриш мумкин эди, аммо, бундай схемалар ишончлилиқ нуқтаи назаридан оддий корхонада суғурта қилишдан паст бўлиш эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, суғуртанинг техник жиҳатдан мураккаб турлари ва йирик рисклар сегменти

Суғурталовчининг виртуаллиги, иштирокчилар билан ва риск юзага келган ҳолатлар билан бевосита алоқанинг йўқлиги, манфаатдор томонлар томонидан масофадан туриб тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларга эътибор қаратиш – буларнинг барчаси фирибгарлик хавфини оширади. Ёлғиз суғурталовчининг ҳужум қилувчиларга, айниқса гуруҳга бирлашганларига қарши туриши қийинроқ. Ва шу билан бирга, соддалаштирилган назорат ва бозорга кириш учун нисбатан паст чегара билан, унинг ўзи қафолатланмаган сохта суғурта ҳимоясини таъминлаш эвазига осон пул олиш васвасасига тушиши мумкин. Фирибгарликка қарши курашиш учун ишлаб чиқилган аппарат ва дастурий таъминотлар, албатта, ушбу рискни камайтириши мумкин, лекин у шунда ҳам ҳақиқий суғурта корхоналарига қараганда юқори бўлади.

Натижада, электрон воситачиларда харажатларнинг мавжудлиги ва фирибгарликнинг юқори rischi, шунингдек, нисбатан юқори риск устамалари суғуртада B2P дан P2P га ўтишнинг барча иқтисодий афзалликларини оддийгина четга суриб қўйиши мумкин. Бироқ, баъзи суғурта секторларида (жисмоний шахсларнинг оддий оммавий riskлари, махсус riskларга эга бўлган суғурталовчилар, оддий шартномаларга қўшимча қоплама) P2P мафкураси муваффақиятга эришиш имкониятига эга. Аммо ушбу концепциядан фойдаланиш кўлами сезиларли даражага етиши учун, биринчи навбатда, бир қатор муаммоларни ҳал қилиш қилишни талаб этади.

YASHIL IQTISODIYOTGA O‘TISH TEXNOLOGOYASI VA UNING BOSQICHLARI

B.Gapparov, Jizzax politexnika instituti katta o‘qituvchisi

Yashil iqtisodiyotga o‘tishning dolzarbligi uglerod chiqindilarini kamaytirish, bioxilma-xillikni saqlash va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishga bo‘lgan ehtiyojning ortib borishi bilan bog‘liq. Zero, global iqlim o‘zgarishi va qayta tiklanmaydigan resurslarning kamayishi sharoitida yashil iqtisodiyotga o‘tish barqaror rivojlanishga erishishga qaratilgan jahon iqtisodiyotini rivojlantirishning strategik yo‘nalishini ifodalaydi. Binobarin, mazkur jarayon, iqtisodiy o‘tish va ijtimoiy farovonlikni rag‘batlantirish bilan birga atrof-muhitga ta’sirni

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

kamaytirishga yordam beradigan qayta tiklanadigan energiyadan tortib samarali chiqindilarni boshqarishgacha bo‘lgan keng ko‘lamli texnologiyalar va amaliyotlarni o‘z ichiga oladi. Shuning uchun ham har bir hududiy iqtisodiy subyekt yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha o‘zining texnologiyasiga va rejaviy bosqichiga ega bo‘lmog‘i kerak. Quyida yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha namunaviy texnologik tarkib va bosqichlar keltirilgan(1-jadval).

1-jadval

Yashil iqtisodiyotga o‘tish texnologiyasi va uning bosqichlari

t.r	Texnologiya tarkibi	Texnologiya bosqichlari
1.	Qayta tiklanadigan energiya manbalarini joriy etish	Tadqiqot. Ishga tushuruvchi loyihalar. Masshtabni kengaytirish
2.	Sanoat va qurilishda energiya samaradorligi	Audit. Yechimlarni amalga oshirish. Jarayonni optimallashtirish
3.	Barqaror suv resurslari boshqaruvi	Monitoring. Innovatsion texnologiyalar. Amalga oshirish
4.	Yerdan oqilona foydalanish va landshaftlarni tiklash	Rejalashtirish. Qayta tiklash. Barqaror boshqaruv
5.	Resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish	Baholash. Texnologik innovatsiyalar. Qayta ishlash
6.	Ekologik toza transportni rivojlantirish	Andozalash. Sinov. Bozorga kirish

“Yashil iqtisodiyotga o‘tish texnologiyasi va uning bosqichlari” jadvalining tahlili yashil iqtisodiyot yo‘lida barqaror innovatsiyalarni joriy etishga kompleks yondashuvni aks ettiradi¹⁴⁴. Keling, jadvalda keltirilgan asosiy jihatlar va bosqichlarning har birini batafsil ko‘rib chiqaylik.

1. Qayta tiklanadigan energiya manbalarini joriy etish bo‘yicha:

- birinchi qadam quyosh, shamol, gidroenergetika va bioenergiya kabi qayta tiklanadigan energiya manbalarining imkoniyatlarini o‘rganishdir. Muayyan mintaqa yoki jamoa uchun eng samarali manbalarni aniqlagandan so‘ng, ishga tushuruvchi loyihalar boshlanadi. Ushbu bosqich real sharoitlarda texnologiyalarning amaliy yaroqliligini baholash uchun muhimdir. Yakuniy bosqich - muvaffaqiyatli loyihalarni keng ko‘lamli qo‘llash uchun kengaytirish, bu ham texnologik, ham moliyaviy rejalashtirishni talab qiladi.

2. Sanoat va qurilishda energiya samaradorligi bo‘yicha:

- energiya samaradorligi auditori binolar va sanoat jarayonlarida energiyadan foydalanishni yaxshilash sohalarini belgilaydi. Yaxshilangan himoyalash, samarali yoritish va energiya tejoyvchi uskunalari kabi yechimlarni amalga oshirish energiya sarfini sezilarli darajada kamaytirishga olib keladi. Shuning bilan birgalikda, jarayonni optimallashtirish bosqichi ham samaradorlikni yanada oshirish uchun yangi texnologiyalar va usullarni doimiy ravishda joriy etishni o‘z ichiga oladi.

3. Barqaror suv boshqaruvi bo‘yicha:

- suv resurslarini monitoring qilish suvning hozirgi holati va ehtiyojlarini tushunish uchun kalit hisoblanadi. Tomchilatib sug‘orish tizimi, oqava suvlarni

¹⁴⁴ Гаппаров Б. Н., Жуланов И. О. Традиции трудового воспитания узбекского народа (на примере работ восточных мыслителей) // Общество. – 2020. – №. 1. – С. 66-68.

qayta ishlash kabi innovatsion texnologiyalar suvdan samarali foydalanishga xizmat qilmoqda. Bunday texnologiyalarning keng joriy etilishi toza suvdan foydalanish imkoniyatini yaxshilaydi va atrof-muhitga suv ta'sirini kamaytiradi¹⁴⁵.

4. Yerdan oqilona foydalanish va landshaftlarni tiklash bo'yicha:

- ekologik jihatdan harakatdagi yerdan foydalanishni rejalashtirish tuproq degradatsiyasi va biologik xilma-xillikning yo'qolishining oldini oladi. Landshaftni qayta tiklash, shu jumladan, o'rmon va botqoq yerlarni tiklash ekotizimlarni tiklashga yordam beradi. Bu boradagi barqaror menejment tabiatni muhofaza qilish bilan mos keladigan va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlaydigan amaliyotlarni o'z ichiga oladi.

5. Resurs samaradorligini oshirish bo'yicha:

- resurslarni baholash kalitni aniqlashga yordam beradi, sohalardan foydalanish samaradorligini oshiradi. Mazkur jarayonda texnologik innovatsiyalar, jumladan, yangi materiallarni ishlab chiqish, qayta ishlash jarayonlari va chiqindilarni boshqarish tizimlari muhim rol o'ynaydi. Ushbu innovatsiyalar chiqindilarni kamaytirishga, sof toza resurslardan foydalanishni qisqartirishga va qayta ishlash samaradorligini oshirishga olib keladi. Qayta ishlash bosqichi atrof-muhitga ta'sirni kamaytirish va resurs zanjirini yopish uchun kalit hisoblanadi.

6. Ekologik toza transportni rivojlantirish bo'yicha:

- dastlabki andozalash bosqichi elektr energiyasi, vodorod yoki bioyoqilg'i kabi muqobil energiya manbalari bilan ishlaydigan yangi transport vositalarini ishlab chiqish va sinovdan o'tkazishni o'z ichiga oladi. Shuningdek, sinovdan o'tkazish, ishlatish va xavfsizlikni yaxshilash uchun potentsial muammolarni va imkoniyatlarni aniqlashga yordam beradi. Bozorni kirish tegishli infratuzilmani, jumladan, zaryadlash yoki yonilg'i quyish shoxobchalarini, shuningdek, toza transportga o'tishni tezlashtirish uchun rag'batlantirish dasturlari va tartibga soluvchi rag'batlarni ta'minlashni talab qiladi.

Jadval tahlili shuni ko'rsatadiki, yashil iqtisodiyotga o'tish tadqiqot, innovatsiyalarni ishlab chiqish, tajriba loyihalari va muvaffaqiyatli yechimlar ko'lamini o'z ichiga olgan kompleks yondashuvni talab qiladi. Muhokama qilingan jihatlarining har biri o'ziga xos rivojlanish bosqichlariga ega bo'lib, ular turli manfaatdor tomonlar, jumladan, davlat organlari, xususiy sektor, ilmiy-tadqiqot institutlari va butun jamiyatning faol ishtirokini talab qiladi.

Bu borada albatta, yashil texnologiyalarni joriy etish va ommalashtirishga ko'maklashuvchi infratuzilma va me'yoriy-huquqiy bazani rivojlantirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Barqaror rivojlanishga global o'tishni jadallashtirishda xalqaro hamkorlik va bilim almashishning o'rni ham muhim.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, yashil iqtisodiyotga o'tish global hamjamiyatning barcha ishtirokchilari samarali va muvofiqlashtirilgan yondashuvni qo'llash sharti bilan keyingi avlodlar uchun barqaror kelajakni ta'minlay oladigan murakkab, ammo muhim jarayondir.

Shuningdek, yashil iqtisodiyotga o'tish murakkab va ko'p bosqichli vazifa

¹⁴⁵ Гаппаров Б. Н. Экологические проекты как психологический метод экологического управления // Технологии социальной работы в различных сферах жизнедеятельности. – 2020. – С. 103-106.

bo‘lib, texnologik innovatsiyalar, iqtisodiy mexanizmlar va siyosiy iroda va integratsiyasini talab qiladi. Bunday o‘tishning asosiy natijasi albatta hozirgi va kelajak ehtiyojlar o‘rtasidagi muvozanat bilan ifodalanadi hamda avlodlar, shu bilan birga ekotizimlarga minimal ta’sirni va maksimal resurslar samaradorligini ta’minlaydi. Ko‘pgina mamlakatlar tajribasi bunday o‘tishning ijobiy natijalarini, jumladan, qazib olinadigan yoqilg‘iga qaramlikni kamaytirish, issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirish, yashil texnologiyalar sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratish va aholi turmush sifatini yaxshilashni ko‘rsatmoqda. Bu yo‘lda davom etish barcha darajalarda – mahalliy hamjamiyatlardan tortib xalqaro tashkilotlargacha – hamma uchun yanada barqaror va farovon kelajak yaratish uchun birgalikdagi sa’y-harakatlarni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Гаппаров Б. Н., Жуланов И. О. Традиции трудового воспитания узбекского народа (на примере работ восточных мыслителей) // Общество. – 2020. – №. 1. – С. 66-68.
2. Гаппаров Б. Н. Экологические проекты как психологический метод экологического управления // Технологии социальной работы в различных сферах жизнедеятельности. – 2020. – С. 103-106.

IQLIM O‘ZGARISHI: “YASHIL IQTISODIYOT”GA O‘TISH ZARURIYATI VA YASHIL ISH O‘RINLARI

M.Abdukarimova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

**Ilmiy rahbar: S.Abdulhalilova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
dosenti**

So‘nggi o‘n yil ichida yashil iqtisodiyot rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda barqaror rivojlanish uchun muhim siyosat asosi sifatida paydo bo‘ldi. U resurslardan tejamkorroq, kamroq uglerodli, atrof-muhitga kamroq zarar etkazadigan, ijtimoiy jihatdan inklyuziv bo‘lgan jamiyatlarni ta’minlash uchun jozibali asosni taqdim etadi. Raqobatchi yashil iqtisodiyot nutqlari o‘rtasida keskinliklar mavjud va bir qator turli xil ta’riflar mavjud bo‘lib, ularning barchasida katta kamchiliklar mavjud. Bu “zaif”, “transformatsion” va “kuchli” yashil iqtisodiyotning turli xil tushunchalari bilan yanada murakkablashadi. Bir nechta muhim ta’riflar "transformatsion yashil iqtisodiyot" ga qaratilgan. Ushbu "transformatsiya" ni yoqish va kuzatish uchun iqtisodiy va ekologik o‘lchov muhim ahamiyatga ega. Mavjud yondashuvlar hali ishlab chiqilmoqda, mavjud ma'lumotlar yo‘q yoki taklif qilingan ta’riflar bilan nomuvofiqlikni ko‘rsatmoqda va shuning uchun na samarali qarorlar qabul qilishni, na iqtisodiyotni o‘zgartirishga qaratilgan sa’y-harakatlarni qo‘llab-quvvatlamaydi. Ushbu sharh ushbu mavjud kamchiliklarni aniqlaydi va yashil iqtisodiyotni o‘zgartirish uchun o‘lchovlarni takomillashtirish bo‘yicha to‘rtta umumiy tavsiyalarni beradi, shu jumladan arzonroq, tezroq va kengroq mavjud ma'lumotlar va iqtisodiyot-jamiyat-atrof-muhit o‘zaro ta’sirini o‘lchash uchun kengroq asoslar. Biz yashil iqtisodiyotni to‘g‘ri o‘lchash taraqqiyotning markaziy o‘lchovi sifatida YaIMdan tashqariga chiqish va "transformatsion yashil iqtisodiyot" ni yaxshiroq kuzatishni taklif qila olamiz.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Amaliy va nazariy yutuqlar tez rivojlanayotgan iqtisodiyotda barqaror va ayniqsa yashil modelga o'tishni amalga oshirayotgan ilmiy tadqiqotlarning o'sishiga erisha olmadi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti 2030-yilgacha Barqaror rivojlanish kun tartibini qabul qilganidan so'ng butun dunyo akademiklari orasida yashil iqtisodiyotga qiziqish kuchaygan va bu boradagi adabiyotlar ko'payib bormoqda. Ushbu maqola 2016 yildan 2022 yilgacha yashil iqtisodiyot mavzusiga oid tegishli adabiyotlarni umumlashtirish uchun bibliometrik tahlil va tematik tahlil metodologiyasini qabul qiladi desak mubolag'a bo'lmaydi. Endilikda bizning mavzuimizga to'xtaladigan bo'lsak, Xususan, sohaga oid qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. “Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish to'g'risida”gi, “Gidrometeorologiya faoliyati to'g'risida”gi qonunlar, 2030 yilgacha bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasining atrof-muhitni muhofaza qilish kontsepsiyasi, 2019-2030 yillar davrida O'zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o'tish strategiyasi shular jumlasidandir.

Prezidentimizning 2022 yil 2 dekabrda “2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o'tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori mazkur jarayonlarning mantiqiy davomi sifatida Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilangan vazifalarning o'z vaqtida ijrosini ta'minlash, “yashil” iqtisodiyotga o'tish strategiyasi doirasida “yashil” va inklyuziv iqtisodiy o'sishni ta'minlash borasidagi chora-tadbirlar samaradorligini oshirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish hamda iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida resurslarni tejash yo'lidagi muhim tarixiy hujjat, desak mubolag'a bo'lmaydi.

Qaror bilan tasdiqlangan 2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasida “yashil” iqtisodiyotga o'tish va “yashil” o'sishni ta'minlash dasturida bir qator muhim strategik maqsadlarga erishish ko'zda tutilgan. Xususan, Parij kelishuvi majburiyatlariga sodiq qolgan holda issiqxona gazlarining yalpi ichki mahsulot birligiga nisbatan solishtirma ajratmalarini 2010 yildagi darajadan 35 foizga qisqartirish mas'uliyati yuklatilmoqda.

Ushbu maqsadlar uchun qayta tiklanuvchi energiya manbalari ishlab chiqarish quvvatini 15 GVt.ga oshirish va ularning ulushini elektr energiyasini ishlab chiqarish umumiy hajmining 30 foizidan ko'prog'iga etkazish vazifalari belgilanmoqda.

Sanoat sohasida energiya samaradorligini kamida 20 foizga oshirish, yalpi ichki mahsulot birligiga to'g'ri keladigan energiya sarfi hajmini, shu jumladan, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish hisobiga 30 foiz kamaytirish maqsadlari belgilanmoqda. Shuningdek, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida suvdan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada oshirish maqsadida 1 million gektargacha maydonda suv tejoychi sug'orish texnologiyasini joriy etish yiliga 200 million ko'chat ekish va ko'chatlarning umumiy sonini 1 milliarddan oshirish orqali shaharlardagi yashil maydonlarni 30 foizdan ortiqroqqa kengaytirish, o'rmon fondi zaxiralari ko'rsatkichini 90 million kub metr dan ortiqroqqa etkazish mamlakatda ekologik barqarorlikni ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Hosil bo‘ladigan qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash darajasini 65 foizdan oshirish esa aholi punktlarining sanitariya va ekologik holatini yaxshilashda zarur tadbir hisoblanadi. Shuningdek, qaror bilan sanoat tarmoqlarida “yashil” iqtisodiyotga o‘tish va energiya tejamkorligini ta’minlash bo‘yicha kontseptsiya, 2030 yilgacha O‘zbekiston Respublikasida “yashil” iqtisodiyotga o‘tish va “yashil” o‘sishni ta’minlash bo‘yicha harakatlar rejasi, 2022–2026 yillarda iqtisodiyot tarmoqlarida yoqilg‘i-energetika resurslarini tejashning maqsadli parametrlari ham tasdiqlangan.

Shu bilan birga, hujjat bilan “yashil” iqtisodiyotni joriy etish va uni rivojlantirish bo‘yicha vakolatli davlat organlari belgilanib, mutasaddi vazirlik va idoralarning bu boradagi vazifalari aniq belgilab berildi.

Shu o‘rinda yuqorida ta’kidlangan muhim maqsadlar yo‘lida qator ijobiy ishlar amalga oshirilayotganini qayd etib o‘tish lozim. Jumladan, birgina 2022 yilning 9 oyi mobaynida xavflilik darajasi yuqori va o‘rta bo‘lgan metallurgiya, yog‘-moy, energetika va qurilish materiallarini ishlab chiqaruvchi 28 yirik korxonada samaradorligi 95 foizdan kam bo‘lmagan 150 ta chang-gaz tozalash uskunasi modernizatsiya qilinishi hisobiga atmosferaga 2,2 ming tonna chiqindi gazlari tashlanishining oldi olindi.

Shunday chora-tadbirlar natijasida so‘nggi besh yilda atmosferaga tashlanayotgan tashlanmalar miqdori 11 foiz kamaydi. Atmosfera havosi ifloslanishining oldini olishda ekologik toza transport vositalari sonini oshirish, yoqilg‘i sifatini xalqaro standartlarga moslashtirish muhim ahamiyatga ega. Bu borada ham mamlakatimizda qator ishlar qilinmoqda.

Masalan, elektromobillar soni ortishi yoki Toshkent shahrida elektrobuslarning harakati yo‘lga qo‘yilgani bunga yaqqol misol bo‘ladi. Qayta tiklanuvchi energiya manbalari ishlab chiqarish quvvatini oshirish borasida ham sezilarli natijalarga erishilmoqda. Jumladan, 2021 yilda Karmana tumanida ishga tushirilgan (loyiha qiymati 110 million AQSh dollari, quvvati 100 megavatt) quyosh fotoelektr stantsiyasi energetika tizimidagi birinchi ulkan qadam bo‘ldi.

Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘shish sur‘atlarini ta‘minlash uchun barcha sohalarda yashil iqtisodiyot texnologiyalarini faol joriy etish 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi vazifalari doirasidagi maqsadlardan biri.

Ushbu maqsadga erishish bir vaqtning o‘zida yashil iqtisodiyot uchun kadrlar tayyorlash zaruratini ham ko‘ndalang qo‘yadi.

Shuningdek, mamlakatimizning “yashil” iqtisodiyotga o‘tishini tezlashtirish maqsadida bu soha uchun kadrlar tayyorlash ishlari amalga oshirilmoqda. Xususan, mamlakat oliy o‘quv yurtlarida (shu jumladan, hududiy filiallarda) yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun eng zarur mutaxassisliklar bo‘yicha kadrlar tayyorlash, jumladan, biotexnologlar, muqobil (quyosh va shamol) energetika, shuningdek, suv va yer resurslaridan samarali foydalanish bo‘yicha muhandislar, iqlim xavfini baholash, bioiqtisodiyot bo‘yicha mutaxassislarni tayyorlash yo‘lga qo‘yilgan.

2019-yilning 8-9-iyul kunlari Toshkent shahrida “yashil” iqtisodiyot bo‘yicha normativ-huquqiy bazani va siyosatni takomillashtirish, davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi sheriklik munosabatlari orqali innovatsion “yashil” investitsiyalarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan Yevropa va MDH davlatlarining “yashil” iqtisodiyot bo‘yicha mintaqaviy vazirliklar konferensiyasi o‘tkazildi.[3]

Shu bilan birga, o‘tkazilgan tahlil iqlimning o‘zgarishi sharoitida samarali, resurs tejamkor va ekologik xavfsiz iqtisodiyotni ta‘minlashda o‘zaro bog‘liq muammolar va ehtiyojlar mavjudligini ko‘rsatdi.

Xususan, jadallashayotgan sanoatlashtirish va aholi sonining ortishi iqtisodiyotning resurslarga bo‘lgan ehtiyojini sezilarli darajada oshirmoqda, shuningdek, atrof muhitga salbiy antropogen ta‘sirni kuchaytirmoqda va issiqxona gazlari ajratmalarining ortishiga olib kelmoqda.

Iqtisodiyot energiya samaradorligining past darajasi, tabiiy resurslardan nooqilona foydalanish, texnologiyalar yangilanishining sustligi, yashil iqtisodiyotni rivojlantirish uchun innovatsion yechimlarni joriy etishda kichik biznes ishtirokining yetarli emasligi mamlakatni barqaror rivojlantirish sohasidagi ustuvor milliy maqsadlar va vazifalarga erishishga to‘sqinlik qilmoqda.

Mamlakat hududida energiya tejamkorligini ta‘minlash maqsadida 2022-yil 9-sentyabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Energiya tejavchi texnologiyalarni joriy qilish va kichik quvvatli qayta tiklanuvchi energiya manbalarini rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PF-220-son Farmoni ishlab chiqildi.

Bu farmonga asosan, aholi va tadbirkorlik subyektlarining qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan keng foydalanishini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini joriy etish, ushbu manbalar orqali elektr va issiqlik energiyasi bilan ta‘minlash hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlarda energiya resurslaridan samarali foydalanishni rag‘batlantirish maqsadida:

- aholi va tadbirkorlik subyektlarining qayta tiklanuvchi energiya manbalari qurilmalari xarid qilishini moliyaviy rag‘batlantirish;

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- ma'muriy-maishiy bino va inshootlarda, shu jumladan aholi massivlari va xonadonlarida muqobil energiya manbalarini qo'llash bo'yicha manzilli chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- mikro va kichik gidroelektr stansiyalarini qurishga doir biznes loyihalarining jozibadorligini oshirish orqali sohaga xususiy investitsiyalarni kengroq jalb qilish;
- quyosh va shamol elektr stansiyalari hamda kichik gidroelektr stansiyalari qurilmalarini ishlab chiqaruvchi tadbirkorlik subyektlarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash amalga oshirilmoqda.[1]

Bu kabi rag'batlantirishlarni amalga oshirish maqsadida 3 yil davomida foizsiz bo'lib to'lash evaziga ishlab chiqarilgan quyosh va shamol elektr stansiyasi hamda quyosh suv isitish qurilmalarini berish yo'lga qo'yildi. Shuningdek, bu kabi xarajatlarni moliyalashtirish maqsadida Moliya vazirligi 2022-yil uchun 100 milliard so'm miqdorida mablag'lar ajratilishi ko'zda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasining bu kabi “yashil” iqtisodiyotga o'tish strategiyalari bilan qisqa muddat ichida eng dolzarb muammolardan biri bo'lgan energiya tejamkorligini ta'minlash vazifasi samarali bajariladi.

Energiya tejamkorligini ta'minlash uchun mos ravishda muqobil elektr energiya ishlab chiqarishni oshirish lozim. Shuningdek, bu taklifni amalga oshirish uchun elektr-energiya olish usullari (quyosh panellari, gidroelektr stansiyalari - GES, shamol elektr stansiyalari – ShES)ni hududlar miqyosida to'g'ri taqsimlashni taklif qiladi: voha viloyatlarida quyoshning muntazam chiqishi sababli quyosh panellaridan ko'proq foydalanish, vodiy viloyatlarida shamolning kuchliligi sababli shamol elektr stansiyalarini qurishni ko'paytirish, Amudaryo, Sirdaryo, Zarafshon kabi oqimli daryolarda gidro elektr stansiyalarni salmog'ini oshirish maqsadga muvofiq. Bu orqali elektr energiya ishlab chiqarishni hajmini oshirish bilan birga “yashil” iqtisodiyotga o'tish jarayonini tezlashtirish imkoniyatini yaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 9-sentyabrdagi “Energiya tejoyvchi texnologiyalarni joriy qilish va kichik quvvatli qayta tiklanuvchi energiya manbalarini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” gi PF-220-son Farmoni.
2. [The 5 Principles of Green Economy | Green Economy Coalition](#)
3. [O'zbekistonning yashil iqtisodiyotga o'tishi: muammolar va imkoniyatlar «Daryo»](#)
4. [O'zbekistonda yashil iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qanday mutaxassislar kerak – Spot.](#)

НАЦИОНАЛЬНАЯ МОДЕЛЬ «ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ»

**Г.Авалова, доцент кафедры “Общественные науки” Ташкентского
государственного экономического университета**

В современном мире, где вызовы изменения климата и истощения природных ресурсов становятся все более острой проблемой, концепция «Зеленой экономики» становится все более актуальной. Национальные модели зеленой экономики - это стратегические планы и политика, направленные на создание экономической системы, которая способствует экологической

устойчивости, социальному равенству и экономическому процветанию.

Узбекистан, с его богатыми природными ресурсами и стремлением к модернизации экономики, стоит перед важным выбором в направлении устойчивого развития. В условиях изменяющегося климата и мировых требований к охране окружающей среды, разработка и реализация национальной модели зеленой экономики может стать ключом к обеспечению благополучия будущих поколений и укреплению экономической устойчивости страны.

Узбекистан богат разнообразными природными ресурсами, включая углеводороды, минералы и потенциал для использования возобновляемой энергии. Однако, эксплуатация этих ресурсов, а также интенсивное сельское хозяйство и промышленность, привели к серьезным проблемам с загрязнением воздуха, воды и почвы. Кроме того, изменения климата становятся все более заметными, приводя к учащению засух и других экологических бедствий.

В экономике Узбекистана также существуют вызовы, такие как недостаток диверсификации, неравномерное распределение богатства и низкая эффективность использования ресурсов. Инвестиции в солнечную и ветровую энергию, развитие гидроэнергетики и других возобновляемых источников энергии помогут сократить зависимость от ископаемых топлив и снизить выбросы парниковых газов.

Внедрение экологически устойчивых методов ведения сельского хозяйства, включая современные системы орошения и водосберегающие технологии, поможет сберечь водные ресурсы и улучшить качество почв. Поддержка научных исследований и разработок в области экологически чистых технологий и инноваций, таких как энергоэффективные процессы производства, утилизация отходов и очистка воды и воздуха. Пропаганда экологической грамотности среди населения, внедрение образовательных программ, направленных на осознание важности сохранения окружающей среды и принятие экологически ответственного образа жизни. Поддержка и поощрение предпринимательской деятельности, направленной на создание экологически чистых товаров и услуг, а также на развитие зеленых отраслей, способствует росту экономики и сокращению негативного воздействия на окружающую среду.

Зеленая экономика представляет собой экономическую модель, в которой приоритет отдается устойчивому использованию ресурсов, снижению выбросов и загрязнений, развитию возобновляемых источников энергии и стимулированию экологически чистых технологий и инноваций. Она стремится к гармоничному взаимодействию между человеком и природой, обеспечивая экономический рост, но без ущерба для окружающей среды.

Основная цель национальной модели зеленой экономики - это создание устойчивой экономической системы, которая обеспечивает долгосрочное благосостояние общества, минимизируя негативное воздействие на окружающую среду. Сокращение выбросов загрязняющих веществ, охрана природных ресурсов, сохранение биоразнообразия и принятие мер по

адаптаци к изменению климата.

Содействие социальному равенству, создание рабочих мест в зеленых отраслях, обеспечение доступа к экологически чистым услугам и технологиям для всех слоев общества.

Повышение эффективности использования ресурсов, стимулирование инноваций и развитие зеленых отраслей, что способствует экономическому росту и конкурентоспособности страны.

Продвижение энергоэффективных технологий и методов производства для сокращения потребления энергии и выбросов парниковых газов.

Повышение экологической грамотности населения, внедрение образовательных программ и кампаний по пропаганде экологических ценностей и практик.

Развитие общественного транспорта, создание экологически чистых транспортных средств и инфраструктуры, способствующей снижению выбросов и загрязнений.

Инвестиции в солнечную, ветровую, гидроэнергетику и другие виды возобновляемых источников энергии для снижения зависимости от ископаемых топлив и сокращения выбросов углекислого газа.

Экологически чистые технологии и инновации: Поддержка научных исследований и разработок, направленных на создание экологически чистых и энергоэффективных технологий для различных секторов экономики.

Список использованной литературы

1."Green Economy Reader: Lectures in Ecological Economics and Sustainability" - Edited by Juliet Schor and Clifford Cobb,2017

2."The Green Economy: Environment, Sustainable Development, and the Politics of the Future" by Adrian Parr, 2018.

O‘ZBEKISTON YASHIL IQTISODIYOT SALMOG‘INI OSHIRISH BO‘YICHA O‘TKAZILGAN SIYOSIY MULOQOTLAR TAHLILI

D.Nasirxodjayeva, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori

M.Raximova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti

Bugun jahon hamjamiyati iqlim o‘zgarishlarini insoniyat oldida turgan eng jiddiy muammolardan biri sifatida tan olmoqda. Sayyoramizda o‘rtacha harorat 30 yilda bir darajaga oshdi. Yangi turdagi viruslar hamda zararkunandalar paydo bo‘ldi. Olimlarning fikricha, iqlim o‘zgarishlariga moslashish va oldini olish yo‘lidagi muhim qadamlardan biri “yashil iqtisodiyot”ga o‘tishni jadallashtirishdir. Bu borada mamlakatimizda ham amaliy ishlar boshlab yuborilgan.

Xususan, sohaga oid qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. “Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish to‘g‘risida”gi, “Gidrometeorologiya faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlar, 2030 yilgacha bo‘lgan davrda O‘zbekiston Respublikasining atrofmuhitni muhofaza qilish kontseptsiyasi, 2019-2030 yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi, “yashil” iqtisodiyotga o‘tish jarayonini boshqarish tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” shular jumlasidandir.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Qaror bilan tasdiqlangan 2030 yilgacha O‘zbekiston Respublikasida “yashil” iqtisodiyotga o‘tish va “yashil” o‘shishni ta'minlash dasturida bir qator muhim strategik maqsadlarga erishish ko‘zda tutilgan. Xususan, Parij kelishuvi majburiyatlariga sodiq qolgan holda issiqxona gazlarining yalpi ichki mahsulot birligiga nisbatan solishtirma ajratmalarini 2010 yildagi darajadan 35 foizga qisqartirish mas'uliyati yuklatilmoqda;

Ushbu maqsadlar uchun qayta tiklanuvchi energiya manbalari ishlab chiqarish quvvatini 15 GVt.ga oshirish va ularning ulushini elektr energiyasini ishlab chiqarish umumiy hajmining 30 foizidan ko‘prog‘iga etkazish vazifalari belgilanmoqda;

Sanoat sohasida energiya samaradorligini kamida 20 foizga oshirish, yalpi ichki mahsulot birligiga to‘g‘ri keladigan energiya sarfi hajmini, shu jumladan, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish hisobiga 30 foiz kamaytirish maqsadlari belgilanmoqda;

Orol dengizi ekologik halokati oqibatlarini yumshatish choralari ko‘rilmoqda.

Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida suvdan foydalanish samaradorligini oshirish, qishloq xo‘jaligida tomchilatib sug‘oriladigan yerlarni 1 million gektargacha kengaytirish va oziq-ovqat ekinlari hosildorligini 20–40 foizga oshirish vazifasi belgilanmoqda;

Shuningdek, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida suvdan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada oshirish maqsadida 1 million gektargacha maydonda suv tejavchi sug‘orish texnologiyasini joriy etish yiliga 200 million ko‘chat ekish va ko‘chatlarning umumiy sonini 1 milliarddan oshirish orqali shaharlardagi yashil maydonlarni 30 foizdan ortiqroqqa kengaytirish, o‘rmon fondi zaxiralari ko‘rsatkichini 90 million kub metr dan ortiqroqqa etkazish mamlakatda ekologik barqarorlikni ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 2-dekabrda “2030-yilgacha O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-436-son qarorida yashil iqtisodiyotga o‘tishning ustuvor yo‘nalishlaridan kelib chiqib, davlat organlari boshqaruv xodimlarining boshqaruv va rejalashtirish salohiyatlarini oshirish, yashil o‘shish choralari rejalashtirish, amalga oshirish borasida mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining salohiyatini oshirish bo‘yicha seminarlar tashkil qilish hamda Yashil» o‘shish choralari rejalashtirish, amalga oshirish borasida mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining salohiyatini oshirish va boshqa yo‘nalishlarda salohiyatni oshirish bo‘yicha seminar treninglar tashkil etish belgilangan. Shu sababli 2023 yilda ushbu yo‘nalishda mas’ul vazirlik va idoralar tomonidan seminarlar tashkil qilindi. Mazkur seminarda ishtirokchilarga yashil iqtisodiyotning asosiy tshunchasi va maqsadlari bo‘yicha taqdimotlar o‘tkazildi. Xususan 2023 yil 20-22-iyun kunlari “Yashil” o‘shish va “yashil” iqtisodiyotga o‘tishni rejalashtirish, amalga oshirish va natijadorlikni doimiy baholab borish bo‘yicha 3 kunga mo‘ljallangan onlayn seminar treningda asosiy maqsad “yashil” iqtisodiyotga o‘tishni rejalashtirish, amalga oshirish va natijalarni doimiy baholab borish bo‘yicha davlat va xususiy tashkilotlarning

texnologik salohiyatlarini mustahkamlash hamda “yashil” o‘sish bo‘yicha doimiy faoliyat yurituvchi mahalliy trenerlarni tayyorlash hisoblanadi.

O‘zbekistonda Yashil iqtisodiyot yo‘nalishidagi barcha ma‘lumotlarni o‘z ichiga oluvchi Yashil iqtisodiyot onlayn platformasi tashkil etirdi. Maskur platforma Yashil iqtisodiyotga tegishli ma‘lumotlar bazasi, xizmatlar va turli xil instrumentlarni o‘z ichiga oladi va birlashtiradi. Ushbu platformadagi ma‘lumotlar respublikadagi davlat idoralari tomonidan kiritilgan ma‘lumotlar asosida shakillanadi hamda davlat idoralari, xorijiy investorlar va axoli uchun yashil iqtisodiyotga tegishli ma‘lumotlardan foydalanish uchun ochiq bo‘ladi. Xozirgi kunda mazkur platformani Germaniya hamkorlik tashkiloti va Osiyo taraqqiyot agentligi bilan hamkorlikda yanada takomillashtirish ishlari olib borilmoqda. Shu bilan birga O‘zbekistonda Iqlim xavflarini baholash instrumentlari loyihasini amalga oshirmoqda. Iqlim va tabiiy ofatlar xavfini tekshirish vositalari - bu loyiha va milliy/siyosat vositalarini o‘z ichiga olgan xavfni tekshirish vositalari to‘plamini o‘z ichiga olgan veb-sayt hisoblanadi. Loyiha vositalariga qishloq xo‘jaligi, suv toshqinidan himoya qilish, energiya, sog‘liqni saqlash, yo‘llar, suv va umumiy vositalar kiradi. Vosita tabiiy ofat va iqlim barqarorligini rivojlantirish uchun integratsiyalashgan mamlakatga oid ma‘lumotlar va onlayn ma‘lumot manbalaridan foydalangan holda, loyihani loyihalashning dastlabki bosqichlarida iqlim va ofat xavfini aniqlashga yordam berish uchun mo‘ljallangan. Vosita turli miqyosdagi loyihalar uchun potentsial xavflarning jiddiyligini aniqlaydigan rejalashtirish jarayonlarini ishlab chiqishda yordam beradi; milliy rejalardan individual loyiha investitsiyalarigacha; va iqlim o‘zgarishi uchun potentsial xavflar bilan bir qatorda mustahkamlangan chidamlilik imkoniyatlarini rivojlantirishga qaratilgan fikrlashni rag‘batlantirishga yordam beradi. Ushbu vosita yangi tashkil etilgan Yashil iqtisodiyot onlayn platformasiga integratsiya qilish ishlari olib borilmoqda.

O‘zbekiston “yashil” iqtisodiyot salmog‘ini oshirish orqali suvdan samarali foydalanish, oqava suvlarni tozalash va ulardan qayta foydalanish va energiyaning muqobil manbalariga keng ko‘lamda o‘tish, chiqindilarni boshqarish, qayta ishlash va qattiq maishiy chiqindilar poligonlari ekologik ta‘sirini pasaytirish, elektr transportidan foydalanishni rag‘batlantirish, shaharni yashil ko‘rinishga keltirish g‘oyasini ilgari surish, sanoat, qurilish va turar joylar qurilishini ko‘kalamzorlashtirish, yetkazib berish zanjirlaridagi qo‘shimcha qiymatni "yashillashtirish" va oshirish, unumdorlik hamda resurslar barqarorligini (ayniqsa, qishloq xo‘jaligida) oshirish, xususiy sektorni "yashil" sarmoyalardan foydalana olishi va atrof muhitni muhofaza qilish bo‘yicha xabardorligini maqsad qilmoqda. iqlim o‘zgarishlari tobora kuchayib bormoqda. Bugun “yashil taraqqiyot” borasidagi maqsadlarga erishish uchun mamlakatlarning harakatlari yanada faol va samarali bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 4-oktabrdagi PQ–4477-son 2019–2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “Yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Qarori.
2. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Tashmatov Sh.A., Butaboyev M.T.

Yashil iqtisodiyot. Darslik –T. “Universitet” 2020y.

3. <https://www.lex.uz>
4. <https://parliament.gov.uz/articles/1263>
5. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099905206302223031/pdf/P1708700b978730eb09a17023c938c721bc.pdf>
6. https://api.mf.uz/media/document_files/MILLIY_AXBOROTNOMA.pdf
7. <https://zarnews.uz//post//yashil-iqtisodiyot>
8. <https://green.imv.uz>
9. <https://uzlidep.uz/news-of-party/11055>

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПРИОРИТЕТЫ РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ПРИ ПЕРЕХОДЕ К «ЗЕЛЕННОЙ» ЭКОНОМИКЕ

**С.Абдулхалилова, доцент кафедры «Экономика» Ташкентского
государственного экономического университета**

Введение. Переход к "Зеленой" экономике является стратегическим приоритетом для Республики Узбекистан в контексте устойчивого развития. В Указе Президента РУз от 12.09.2023 года «А стратегии «Узбекистан 2030» одной из целью обозначено «Переход к зеленой экономике, кардинальное повышение показателей использования возобновляемой энергии как ее основы»¹⁵⁸. Природный капитал является важнейшим экономическим активом и источником общественных благ, особенно для сельских общин, средства к существованию которых зависят от природных ресурсов. Таким образом, переход к инклюзивной зеленой экономике создает огромные возможности для инвестиций и создания рабочих мест и может вывести Узбекистан на уровень мировых лидеров с точки зрения реагирования на изменение климата. Сейчас мы рассматриваем стратегию развития зеленой экономики, основанную на передовом опыте и уроках, извлеченных из других стран. Это может включать в себя увеличение амбиций, а также больший акцент на синергии между секторами, политикой и инвестициями. Кроме того, это может распространяться на инвестиционный план, в котором показатели устойчивости рассматриваются в качестве критериев определения приоритетности инвестиций. Для успешной реализации этой стратегии необходимо определить ключевые приоритеты в следующих областях энергетики и ресурсов. Узбекистан должен активно развивать возобновляемые источники энергии, такие как солнечная и ветровая энергия, с целью сокращения зависимости от ископаемого топлива. Современные технологии энергосбережения и эффективного использования ресурсов также должны стать приоритетом для страны. Транспорт и инфраструктура должны развиваться в направлении создания экологически чистой и устойчивой инфраструктуры, включая развитие общественного транспорта, велосипедных дорожек и пешеходных зон, снижения выбросов углекислого газа и улучшения качества жизни горожан. В промышленности необходимо стимулирование

¹⁵⁸ <https://lex.uz/ru/docs/6600404>

развития зеленых технологий и инноваций, что способствует созданию экологически чистых производственных процессов и продукции. Инвестиции в исследования и разработки зеленых технологий позволят промышленности стать более конкурентоспособной на мировом рынке. Переход к устойчивому сельскому хозяйству, основанному на органическом земледелии и устойчивом водохозяйстве, поможет сохранить плодородие почв и уменьшить негативное воздействие на окружающую среду. Важно отметить, что успешная реализация стратегии перехода к "Зеленой" экономике требует совместных усилий государства, бизнеса и общественности. Необходимо разработать комплексное законодательство, обеспечивающее стимулы для развития зеленых отраслей и технологий, а также проводить информационно-просветительскую работу с населением. В итоге, интеграция изначальных приоритетов в общую стратегию развития Республики Узбекистан позволит сохранить ресурсы для будущих поколений и обеспечить устойчивый экономический рост страны.

Переход к "Зеленой" экономике не только способствует экологической устойчивости страны, но и открывает новые возможности для экономического роста и диверсификации. Инвестирование в зеленые технологии и инфраструктуру может привести к созданию новых рабочих мест, повышению производительности и конкурентоспособности экономики, а также улучшению качества жизни граждан. Одним из ключевых аспектов успешного перехода к "Зеленой" экономике является обучение и подготовка кадров в области зеленых технологий. Проведение обучающих программ и курсов, а также поддержка научных исследований в этой области, помогут создать необходимую экспертную базу и специалистов для развития зеленой экономики. В целом, переход к "Зеленой" экономике требует комплексного подхода и согласованных действий со стороны всех заинтересованных сторон. Важно развивать партнерство между государственными органами, бизнесом, общественными организациями и населением для достижения общей цели - создания устойчивой и процветающей экономики, основанной на принципах экологической ответственности и устойчивого развития.

Еще одним важным аспектом является принятие законодательных и регуляторных мер для стимулирования экологически устойчивого поведения предприятий и населения. Введение экономических механизмов, таких как налоги на выбросы углекислого газа или премии за использование возобновляемых источников энергии, может способствовать переходу к более экологичным технологиям и практикам.

Важным шагом в направлении "Зеленой" экономики является также сотрудничество с международными партнерами и участие в глобальных инициативах по сохранению окружающей среды. Участие в международных договорах и соглашениях, например, в рамках Парижского соглашения по климату, поможет узбекской экономике интегрироваться в мировое сообщество и принимать участие в международных проектах по борьбе с изменением климата.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

В целом, переход к "Зеленой" экономике представляет собой важное и сложное задание, требующее совместных усилий всех участников общества. Однако это также представляет собой возможность для Узбекистана развиваться устойчиво, сбалансированно и экологически ответственно в интересах будущих поколений.

Список использованной литературы

1. Навстречу «зеленой» экономике: путь к устойчивому развитию и искоренению бедности. Обобщающий доклад для представителей властных структур.–Найроби,2021.–

http://www.un.org/ru/development/sustainable/ger_synthesis.pdf. (дата обращения: 08.04.2021). – Текст : электронный.

2.Программа Организации Объединенных Наций по окружающей среде : сайт. – URL:<https://www.unep.org> (дата обращения 07.04.2021). – Текст. Изображение : электронные.

3.Green economy coalition. – URL: <https://www.greenecomomycoalition.org> (дата обращения 07.04.2021). – Текст : электронный.

YASHIL IQTISODIYOTGA O‘TISH YO‘NALISHLARI

N.Fayzieva, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti PhD

Jahon iqtisodiyotidagi "yashil" sektorning miqyosi hali nisbatan kichik, shuning uchun iqtisodiyotning "yashil kurtaklar" atamasi "yashil iqtisodiyot" tushunchasi bilan birga odatda maxsus adabiyotlarda ham qo`llaniladi. Haqiqatan ham, ushbu sohada mahsulot va xizmatlarning qiymati 2010-yilda 2 trln. AQSh dollarini yoki jahon yalpi ichki mahsulotining 2,7 foizni, foyda esa 530 mlrd. AQSh dollarini, ish bilan bandlik - 10 mln. kishini tashkil etgan. Biroq, "yashil" sektorning ushbu sohadagi salohiyatlari va investitsiyalarining asosiy qismini jamlovchi ayrim davlatlarning iqtisodiy kompleksini rivojlantirishga qo`shgan hissasi sezilarli darajada yuqori: AQShda "yashil iqtisodiyot" 600 milliard dollardan ortiq mahsulot va xizmatlarni taqdim etadi (YaIMning 4,2%), bandlik 3 million kishiga baholanadi; Yaponiyada - YaIMning mos ravishda 3,4 foizi va 1,5 mln. ; Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida jami YaIMning 2,5 foizi va 3,4 milliondan ortiq kishi; biroq ayrim mamlakatlarda bu ko`rsatkichlar yuqoriroq: Germaniyada esa YaIMning 4,8%i, bundan tashqari, Germaniya ekologik toza mahsulotlar va xizmatlarni eksport qilishda (xususan, iqlimni tejovchi uskunalardagi jahon savdosining 12% dan ortig`i) dunyoning yetakchi mamlakatlaridan biri; yalpi ichki mahsulotda "yashil" sektor ulushi bo`yicha dunyoda yetakchi bo`lgan Buyuk Britaniyada bu ko`rsatkich 240 milliard dollarni (yoki YaIMning 8,8 foizini) tashkil etadi, uning eksportdagi ulushi 5 foizni va umumiy ish bilan ta`minlanish darajasi 3 foizni tashkil etgan.

Mutaxassislarning fikricha, "yashil iqtisodiyot" an`anaviy "jigarrang iqtisodiyot"ga qaraganda qisqa muddatda YaIMning o`shishini, aholi jon boshiga to`g`ri keladigan daromadning ortishini va ish bilan ta`minlanishni bir xil yoki undan yuqoriroq ko`rsatkichda oshirishi mumkin. So`nggi paytlarda o`tkazilgan xalqaro munozaralar "yashil iqtisodiyot" tushunchasini aniq ishlab chiqish, uni barcha mamlakatlar manfaatlarini nuqtai nazaridan amalga oshirish bo`yicha chora-tadbirlarni chuqur tahlil qilish zarurligini ko`rsatadi. "Yashil iqtisodiyot"ga o`tish strategiyasi

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

yirik investitsiyalarni (yiliga YaIMning 2 foizigacha) talab qiladigan murakkab jarayon bo`lib, iqtisodiyotning deyarli barcha tarmoqlariga ta`sir qiladi¹⁵⁹. Jahon tajribasi shuni ko`rsatadiki, "yashil iqtisodiyot" mintaqaviy rivojlanishni rag`batlantiradi, ijtimoiy barqarorlikka ko`maklashadi, "yashil iqtisodiyot" tarmoqlarida yangi ish o`rinlarini yaratish orqali iqtisodiy salohiyatni oshirishga erishish mumkin.

Ekologik yo`naltirilgan rivojlanish siyosatini olib borish sur`ati innovatsion rivojlanish va innovatsion o`zgarishlar hisobiga jadallashmoqda. Dunyo bo`ylab umumiy ixtirolar soni 2000-yildan buyon 2017-yilgacha 30%ga ortgan bo`lsada, iqlim o`zgarishini qisqartirishga yordam beradigan innovatsion texnologiyalar soni esa shu vaqt davomida uch barobar ortdi. Bunday texnologiyalarning deyarli 90%i OECD mamlakatlari hissasiga to`g`ri keladi. Innovatsion texnologiyalar orqali past narxlarda ekologik xavfsiz ishlab chiqarishni tashkil etish mumkin, bu, o`z navbatida, yangi biznes imkoniyatlari va yangi bozorlar paydo bo`lishini ta`minlaydi. Mamlakatlar miqyosida tahlil qilinganda, Germaniya iqtisodiyotning barcha sohalariga yashil tamoyillarni joriy etishda chiqindisiz ishlab chiqarish siklini yaratgan ushbu sohadagi ilg`or davlatlardan biridir. Germaniya chiqindilarni qayta ishlash hamda ulardan qayta foydalanish bo`yicha dunyoda yetakchi hisoblanadi. Germaniyada patentli texnologiyalarning 23 foizi atrof muhit sohasiga to`g`ri keladi va shamol, quyosh energetikasi sohasidagi kompaniyalarning 30 foizdan ortig`i nemis kompaniyalariga tegishli. Yashil sektorda, ya`ni atrof-muhit va iqlimni muhofaza qilish bilan bog`liq bo`lgan sohalarda (energiya, transport, qayta ishlash, chiqindilarni yo`q qilish va boshqalar) nemis korxonalaridagi faoliyat yuritayotgan ishchilar soni, taxminan 2 million kishini yoki jami iqtisodiy faol aholining 4,5 foizini tashkil qiladi. Bugungi kunda bu ko`rsatkich o`shish tendensiyasiga ega. Ekologik innovatsiyalar sohasida Shvetsiya tajribasi muhim ahamiyatga ega. Shvetsiya - qayta tiklanadigan energiya va mahalliy yoqilg`i manbalaridan foydalanish bo`yicha jahonda yetakchi mamlakat hisoblanadi. Yel universiteti olimlari tomonidan sayyoradagi "yashil" mamlakatlar ro`yxatini ishlab chiqilganda, Shvetsiya ushbu reytingda birinchi o`rinni egallagan. Bugungi kunda mamlakat hukumati iqtisodiyotning barcha sohalarida yashil tamoyillarni joriy etish bo`yicha faol siyosat olib bormoqda. Energiya samaradorligi va qayta tiklanadigan energiya manbalari asosiy va ustuvor yo`nalishlar bo`lib, energetika va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasi siyosat darajasiga chiqarilgan. Shvetsiyada maishiy chiqindilarning 96 foizi yo`q qilinadi, bu dunyodagi eng yuqori ko`rsatkichlardan biridir. Qayta tiklanadigan energiya manbalariga o`tishda uy egalari soliq imtiyozlari beriladi. Shuningdek, avtomobil uchun ekologik toza yoqilg`idan foydalanadigan avtomobil egalari uchun soliq ham kamaytiriladi. Bundan tashqari, shaharda bepul mashinajoylari ham taklif etiladi. Mamlakatda bunday avtomobillarning ulushi yildan yilga oshib bormoqda. Bular, albatta, mamlakat ekologiyasiga o`zining ijobiy ta`sirini ko`rsatuvchi qo`shimcha chora-tadbirlar guruhiga kiradi. Ekologik investitsiyalar uchun moliyaviy imtiyozlar bo`yicha

¹⁵⁹ Xakimova Nargiza Axadjon qizi/Yashil iqtisodiyot"ga o`tish yo`nalishlari va ustuvorlik xususiyatlar/Iqtisodiyotda innovasiya jurnali/02.2018.54 b

Gollandiya tajribasiga qaraydigan bo'lsak, Gollandiya MIA va VAMIL - Gollandiyalik kompaniyalar tomonidan ekologik texnologiyalardan foydalanishga rag'batlantirishning ikki alohida choralari sifatida qaraladi. MIA va VAMIL Gollandiyada alohida-alohida rag'batlantiruvchi choralar hisoblansada, bu chora-tadbirlar juda ko'p o'xshashliklarga ega.

MIA kompaniyalarga ularning investitsion qiymatining 36%igacha ekologik investitsiyalarni ayirib tashlash imkonini beradi. MIA tizimi bilan foyda qo'llaniluvchi soliq tartibi va kapital qo'yilmalarga bog'liq (korporativ yoki daromad solig'i). Soliqdan chiqarib tashlanadigan kapital qo'yilmalarning foizdagi ulushi ekologik ro'yxatda aniq belgilangan. Kapital qo'yilmalar va qo'llaniluvchi texnologiyalar xususiyatiga bog'liq holda 15, 30, 40% ayirib tashlanishi mumkin. Ikki tizimdan ham har qanday kompaniya foydalanishi mumkin. Shu bilan birga, ariza beruvchilarning 93%ini kichik va o'rta korxonalar tashkil qilib ularning ko'pchiligi qishloq xo'jaligi bilan shug'ullanadi, sababi bu sektorlarning tarmoq birlashmalari korxonalariga ushbu soliq vositasidan foydalanish natijasida olinuvchi imkoniyatlarni samarali belgilaydi¹⁶⁰

Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, "yashil iqtisodiyot" mintaqaviy rivojlanishni, ijtimoiy barqarorlikka erishishni, "yashil iqtisodiyot" tarmoqlarida yangi ish o'rinlari yaratilishi orqali iqtisodiy salohiyatni oshirishni rag'batlantiradi. "Yashil iqtisodiyot", asosan, iqtisodiy taraqqiyotga yordam beradi va yalpi ichki mahsulotning o'sishini, mamlakat daromadlarini oshirishni, aholini ish bilan ta'minlash, mamlakatda ishsizlik darajasini pasaytirishni ta'minlaydi. Shu bilan birga, "yashil iqtisodiyotga" o'tish iqlim o'zgarishi, foydali qazilma minerallarning yo'qolishi va suv resurslarining tanqisligi kabi global tahdidlar xavfini kamaytiradi. Ammo butun jahon rivojlanishini olib qaralsa, uning umumiylik xususiyati namoyon bo'ladi, ya'ni, bugungi dunyo sivilizatsiyasi kuch to'plagan, o'z qudratining eng yuqori nuqtasiga yetgan vaqtda jahonning barcha mamlakatlari iqtisodiy rivojlanishda ekologik yo'naltirilgan model tanlanmas ekan, globallashtirish sharoitida butun sayyoraning asta-sekin tanazzulga yuz tutishi va butunlay yo'q bo'lib ketishgacha borish xavfi yuzaga keladi, degan xulosaga kelishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Hakimova Nargiza Axadjon qizi/Yashil iqtisodiyot"ga o'tish yo'nalishlari va ustuvorlik xususiyatlar/Iqtisodiyotda innovasiya jurnali/02.2018.54 b
2. Экология малых и средних предприматий.Пособие по инструментом природоохранной политики для стран Восточного партнетрство https://www.unep.org/greeneconomy/Portals/88/documents/research_products
3. World Economic and Social Survey 2011: The Great Green Technological Transformation / Department of Economic and Social Affairs of the United Nations Secretariat (DESA). - New York: United Nations, 2011. - E/2011/50/Rev. 1 ST/ESA/333.

¹⁶⁰ Экология малых и средних предприматий.Пособие по инструментом природоохранной политики для стран Восточного партнетрство https://www.unep.org/greeneconomy/Portals/88/documents/research_products

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING “YASHIL” IQTISODIYOTGA
O‘TISH STRATEGIYASINING USTUVOR YO‘NALISHLARI**

M.Sadullayeva, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Shahrisabz filiali o‘qituvchisi

I.Islamova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Shahrisabz filiali talabasi

“Yashil iqtisodiyot”ga o‘tishda ishlab chiqish jarayonlarini takomillashtirish va atrof-muhitga zarar yetkazmagan holda yangi texnologiyalardan foydalanib ishlab chiqarishni rivojlantirish va iqtisodiyotni yuksalishini taminlab berish strategiyalari amalga oshiriladi. “Yashil iqtisodiyot”ning ustuvor yo‘nalishlaridan asosiysi mamlakatimiz ekologiyasini yaxshilash va atrof-muhitga zarar yetkazmagan holda qayta ishlab chiqarishni ta’minlashdan iborat.

2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish, O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi doirasida “yashil” va inklyuziv iqtisodiy o‘tishni ta’minlash borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar samaradorligini oshirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish hamda iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida resurslarni tejashni yanada kengaytirish maqsadida strategik maqsadlarga erishishga mo‘ljallangan 2030 yilgacha O‘zbekiston Respublikasida “yashil” iqtisodiyotga o‘tish va “yashil” o‘tishni ta’minlash dasturi tuzildi. Yashil iqtisodiyot sohasidagi ustuvor yo‘nalishlar bo‘yicha fundamental va amaliy tadqiqotlarni olib borish iqtisodiyot tarmoqlarida “yashil” texnologiyalar, xususan, resurs tejovchi, chiqindisiz ishlab chiqarish, chiqindilarni qayta ishlash imkoniyatini beruvchi texnologiyalarni va xavfsiz kimyoviy moddalarni qo‘llashga o‘tish hamda qayta tiklanuvchi energiya texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlarini o‘rganish va ularni amaliyotga tatbiq etish, istiqbolli innovatsion ishlanmalar va “startap” loyihalarni amalga oshirish hamda ularni tijoratlashirish va texnologiyalar transferini qo‘llab-quvvatlash.¹⁶¹ Barqaror rivojlanishni “ijtimoiy”-“iqtisodiy”-“ekologik” uchlikning o‘zaro bog‘liqlikda rivojlanishiga asoslangan sinergetik samara hisobidan taraqqiy etadigan jarayon sifatida tasavur etish mumkin. Barqaror rivojlanishni ta’minlashdagi iqtisodiy yondashuv cheklangan resurslardan oqilona foydalanishni nazarda tutadi. Ijtimoiy yondashuv global miqyosda ijtimoiy barqarorlik va madaniy xilma-xillikni ta’minlashga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Ekologik yondashuv esa har qanday ekologik tizimlarning normal faoliyat yuritishini ta’minlashga xizmat qilishi zarur bo‘ladi.

“Yashil iqtisodiyot”ga o‘tish konsepsiyasi o‘z rivojlanish tarixiga ega va quyidagi bosqichlarga bo‘linadi¹⁶².

Birinchi bosqich - 1950—1960-yillar iqtisodiyotning atrof-muhit va insonga salbiy ta’sirini anglab yetish davri hisoblanadi. Bu davrda iqtisodiy rivojlanish va atrof-muhitning degradatsiyalashuvi o‘rtasidagi bog‘liqlikni to‘liq anglab yetilgan

¹⁶¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 02.12.2022. <https://president.uz/oz/lists/view/5805>

¹⁶² Yashil iqtisodiyot.(darslik).- M.T.Asqarov, J.J.Jamolov, X.S.Xadjayev. –T.:«Inavatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2022.-312b.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

bo‘lsa-da, ekologik muammolar iqtisodiy rivojlanish jarayonida tabiatni muhofaza qilish zarurligini e‘tiborga olish bilan cheklanib qolgan. Bu davrda atrof-muhitning degradatsiyalashuviga bag‘ishlangan qator xalqaro anjumanlar o‘tkazildi. Jumladan, 1955-yilda dunyoning yirik shaharlarida zaharli gazlardan o‘lim holatlarining ko‘payishi atmosferaning ifloslanishiga bag‘ishlangan birinchi xalqaro konferensiya o‘tkazildi. Xalqaro darajada muvofiqlashtirish va kelishuvning yo‘qligi, biznes va atrof-muhit muhofazasi borasidagi vazifalarning bir-biriga to‘g‘ri kelmasligi xalqaro miqyosda ekologik kuchlarni to‘liq ishga solish imkonini bermas edi. BMT Bosh Assambleyasi 1962-yil 18- dekabrda “Iqtisodiy rivojlanish va tabiatni muhofaza qilish” (1831(XVII) to‘g‘risidagi rezolutsiyasini qabul qildi¹⁶³.

Ikkinchi bosqich - 1960-1970-yillarni o‘z ichiga oladi. Ushbu bosqichda barqaror iqtisodiy rivojlanish tufayli tabiiy resurslardan jadal sur‘atlarda intensiv foydalanish va atrof-muhitni ifloslantirish iqtisodiyotning moddiy-resurs bazasini izdan chiqarishi va inson turmush farovonligining pasayishiga olib kelishi to‘g‘risidagi bahsmunozalar kuchaydi. Muhokamalardagi bosh g‘oya - tabiiy resurslarni va inson uchun qulay atrof-muhitni saqlab qolish maqsadida tejamkor (ratsional) iqtisodiyotni shakllantirishdan iborat edi. 1970-yillarda tabiiy resurslar muhofazasiga bag‘ishlangan turli xil tashkilotlarning harakat dasturlari shakllana boshladi.

Uchinchi bosqich -1980-1990-yillar. Ushbu davr rivojlangan mamlakatlarda “yashil” texnologiyalarning jadal sur‘atlarda rivojlanish bosqichi bo‘lib, ekologik modernizatsiya g‘oyasi ilgari surildi. Mazkur g‘oyaning asosiy mazmuni iqtisodiy o‘sish va sanoatning rivojlanishi ekologik jihatdan moslashishi iqtisodiyot nuqtayi nazaridan maqsadga muvofiq ekanligi bilan izohlanadi. 1983-yilda Atrofm uhit va rivojlanish bo‘yicha Butunjahon komissiyasi tashkil etildi¹⁶⁴.

“Yashil iqtisodiyot”ning asosi bo‘lgan qayta tiklanuvchi energiyadan foydalanish ko‘rsatkichlari oshirish doirasida qator islohotlar amalga oshirilmoqda.

“O‘zbekiston – 2030” strategiyasi va uni 2023-yilda amalga oshirish chora-tadbirlari loyihalari va “yashil iqtisodiyot”ga o‘tish, uning asosi bo‘lgan qayta tiklanuvchi energiyadan foydalanish ko‘rsatkichlarini keskin oshirish bo‘yicha ham qator maqsadlar belgilab qo‘yilgan.¹⁶⁵ Jumladan:

- qayta tiklanuvchi energiya manbalarini 25 ming MVtga hamda jami iste‘moldagi ulushini 40 foizga yetkazish;
- sanoatda “yashil sertifikat”lar bozorini rivojlantirish va “ekologik markirovkalash” amaliyotini joriy qilish;
- ekologiyaga zarar yetkazmaydigan infratuzilmani shakllantirish va sanoat korxonalarida “aylanma (sirkulyar) iqtisodiyot” amaliyotini joriy qilish jarayonlarini rag‘batlantirish rejalashtirilgan.

Shuningdek, 9 GVt quyosh va 5 GVt shamol elektr energiyasi stansiyalari davlat-xususiy sheriklik asosida bunyod etiladi. Hamda quvvati 1,9 GVt bo‘lgan 28 ta gidroelektr stansiyasi quriladi.

¹⁶³ <https://www.un.org/ru/ga/17/docs/17res.shtml>

¹⁶⁴ <https://www.un.org/ru/ga/pdf/brundtland.pdf>

¹⁶⁵ O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi ma’lumotlari <https://minenergy.uz/uz/news/view/3159>

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Bundan tashqari, 3 GVt quvvatli 3 ta issiqlik elektr stansiyasini modernizatsiya qilish orqali tabiiy gaz sarfi kamaytiriladi. Ko‘p qavatli uy-joylardagi xonadonlarni energiya samaradorligi (energoaudit)ni baholash tizimi joriy etiladi.

Strategiyaga ko‘ra:

- jamoat transportini to‘liq ekologik toza yoqilg‘iga o‘tkazish;
- iqlim o‘zgarishi sohasida barcha issiqxona gazlarini qamrab oluvchi monitoring tizimini (MRV) yaratish;
- “Yashil o‘shish” sharoitida bozor iqtisodiyoti nuqsonlarini bartaraf etish va “maqbul narxlarni shakllantirish” institutlarini mustahkamlash nazarda tutilmoqda.

Bugun sayyoramiz aholisi ko‘payishda davom etyapti, bu tabiiy resurslar zaxirasini qisqartirmoqda. Avvalo, global ekologik muammolarning keskinlashuvini kuzatyapmiz. Dunyo hamjamiyati esa vaziyatni o‘nglash uchun jahon iqtisodiyotida «yashil taraqqiyot» tamoyillarini joriy qilish zarurligini ta’kidlashadi. Markaziy Osiyo va butun dunyo uchun dolzarb ahamiyatga ega Orol fojiasi, shuningdek, yer va suv resurslaridan samarasiz foydalanish, yerlarning va ekotizimning tanazzulga uchrashi, biologik xilma-xillikning, o‘simlik va hayvonot dunyosi turlar genofondining qisqarishi, atmosfera havosi va oqova suvlarning ifloslanishi, sanoat va maishiy chiqindilarning to‘planishi kabi ekologik muammolar har bir mamlakatni bu masalaga yanada jiddiy e’tibor qaratishini taqozo etmoqda. Bu kabi muammolar biz uchun ham juda muhim va kechiktirib bo‘lmaydigan masalalar hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 02.12.2022.
<https://president.uz/oz/lists/view/5805>
2. Yashil iqtisodiyot.(darslik).- M.T.Asqarov, J.J.Jamolov, X.S.Xadjayev. – T.:«Inavatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2022.-312b.
3. <https://www.un.org/ru/ga/17/docs/17res.shtml>
4. <https://www.un.org/ru/ga/pdf/brundtland.pdf>
5. O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi ma’lumotlari
<https://minenergy.uz/uz/news/view/3159>.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING “YASHIL
IQTISODIYOTGA O‘TISH” STRATEGIYASINING USTUVOR
YO‘NALISHLARI**

M.Erxanova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori

Z.Sharipov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Bugungi kunda global ekologik muammolarning keskinlashuvi sharoitida jahon iqtisodiyotida “yashil iqtisodiyotga o‘tish” yo‘nalishlarini joriy etish obyektiv zaruriyatga aylandi. Yaqin kelajakda mamlakatda iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida ekologik toza va resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish, qayta tiklanuvchi, samarali energiya manbalaridan keng foydalanish ko‘zda tutilgan. “Yashil” iqtisodiyotning muhim komponenti qayta tiklanadigan energiya manbalarini yaratish va foydalanish hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qarorlariga asosan O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasining ustuvor yo‘nalishlari, jamiyati milliy mohiyatini ko‘rish va

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

ijtimoiy-iqtisodiy jadallik ostida rivojlanayotgan yangi iqtisodiyot modelini o‘rnatish, faol ishtirokchilikni ta’minlash, mehnatkashlik va yashil korporativ boshqaruv tamoyillarini rivojlantirish, iqtisodiy raqobat konkurensiyaning ta’minlash, innovatsiyalar investitsiya, innovatsiya va sanoat muammosini hal qilish muhim hisoblanadi.

Bu strategiya kerakli yashil iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha muammolarni hal qilish uchun asosiy yo‘nalishlardan biri hisoblanadi va O‘zbekiston Respublikasining iqtisodiyot sohasidagi rivojlanuvchi tuzilmalarini mustahkamlash uchun keng doirada dastlabki joyini egallaydi. O‘zbekiston Respublikasida yashil iqtisodiyotni o‘tkazishni rejasi iqtisodiy raqobat konkurensiyasini kengaytirish, xususan, iqtisodiy islohatlar va yangiliklar amaliyotda amal qilish uchun muammoni muammolik tarzda hal qilishda sababchi tuzilishini amalga oshirishda soliqqa o‘zgartirishlar qilish fikrini amalga oshiradi.

O‘zbekiston Respublikasining “yashil iqtisodiyotga o‘tish” strategiyasining ustuvor yo‘nalishlari 2030 yilgacha belgilangan vazifalarni amalga oshirish maqsadida yo‘lga qo‘yilgan. Bu strategiya, O‘zbekistonning iqtisodiyotini inklyuziv va ekologik ravishda rivojlantirishni maqsad qiladi. Quyidagi chora-tadbirlar bu yo‘nalishda amalga oshirilayotgan:

1. Energiya Samaradorligini Oshirish: Bu yo‘nalishda issiqxona gazlarining yalpi ichki mahsulot birligiga nisbatan solishtirma ajratmalarini 2010 yildagi darajadan 35%ga qisqartirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalarining ishlab chiqarish quvvatini 15 GVtga oshirish, sanoat sohasida energiya samaradorligini kamida 20%ga oshirish, va yalpi ichki mahsulot birligiga to‘g‘ri keladigan energiya sarfi hajmini 30%ga kamaytirish maqsad qo‘yilgan.

2. Qayta Tiklanuvchi Energiya Manbalarini Rivojlantirish: Qayta tiklanuvchi energiya manbalarining ishlab chiqarish quvvatini oshirish va ularning ulushini elektr energiyasini ishlab chiqarish umumiy hajmining 30%idan ko‘prog‘iga yetkazish.

3. Sanoat sohasida Energiya Samaradorligini Oshirish: Sanoat sohasida energiya samaradorligini kamida 20%ga oshirish.

4. Suvdan Foydalanish Samaradorligini Oshirish: Strategiya suvdan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada oshirishni maqsad qiladi. Bu yo‘nalishda 1 million gektargacha maydonda suv tejoychi sug‘orish texnologiyasini joriy etish va shaharlardagi yashil maydonlarni 30%dan ortiqroqqa kengaytirish maqsad qo‘yilgan.

5. Yashil Maydonlarni Kengaytirish: Yiliga 200 million ko‘chat ekish va ko‘chatlarning umumiy sonini 1 milliarddan oshirish orqali shaharlardagi yashil maydonlarni 30%dan ortiqroqqa kengaytirish.

6. Respublika O‘rmon Fondi Zaxiralari Ko‘rsatkichini Oshirish: Respublika o‘rmon fondi zaxiralari ko‘rsatkichini 90 million kub metrdan ortiqroqqa yetkazish.

7. Qattiq Maishiy Chiqindilarni Qayta Ishlash: Bu yo‘nalishda qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash darajasini 65% dan oshirish har tomonlama ko‘zda tutilgan.


Bu chora-tadbirlar O‘zbekistonning “yashil” iqtisodiyotga o‘tish va “yashil”

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

o‘shini ta‘minlash bo‘yicha strategiyasini amalga oshirishda muhim ahamiyatga ega. Yashil iqtisodiyot iqtisodiy fanlarning bir yo‘nalishi sifatida o‘tgan asrning oxirlarida paydo bo‘ldi. Mazkur iqtisodiyot tabiiy muhitning tarkibiy qismi bo‘lib, uning bir yo‘nalishi hisoblanadi. “Yashil” iqtisodiyot tushunchasi iqtisodiy fanlar va falsafaning ko‘plab boshqa sohalaridagi g‘oyalarni o‘z ichiga oladigan tabiat va jamiyat bilan bog‘liq ekologik iqtisodiyot, atrof-muhit va tabiiy resurslar iqtisodiyoti, resurslarga asoslangan iqtisodiyot, aholi-ning rivojlanishi, feminizm iqtisodiyoti kabi yashil siyosat bilan bog‘liq iqtisodiyotni o‘z ichiga oladi.

O‘zbekiston Respublikasining “yashil iqtisodiyotga o‘tish” strategiyasining ustuvor yo‘nalishlari bilan bog‘liq davlat dasturini, yashil iqtisodiyotning rivojlanishini ta‘minlash, ekologik muammolarni hal qilish va ijtimoiy ravishda yaxshilash bo‘yicha ustuvor tushunchalarni aniqlashtirishni maqsad qiladi.

Bu strategiya quyidagi ustuvor yo‘nalishlarga e‘tibor qaratadi:



1-rasm. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun 3 ta yo‘nalishlar¹⁶⁶

O‘zbekistonda ekologik yaxshilanishning iqtisodiy yo‘nalishlari o‘zaro qo‘llanilishlariga qarab bugungi kunda ko‘proq diqqat qaratiladi. O‘zbekiston energiya sohasida yashil energiyaga o‘tishni kengaytirishga intilishmoqda. Hidroelektr stantsiyalar, shamol, quyosh va boshqa alternativ energiya manbalari ustida ishlarni rivojlantirish uchun harakat qilinmoqda. Bu, energiya isrofligini kamaytirish va ekologik sayozlikni yuqoritishga yordam beradi. Ekologik mahsulotlar uchun o‘zbekistonda eko bozorlarining yaxshilanish, uning yetkazib berish tizimini rivojlantirish va ekologik mahsulotlarni sotib olish imkoniyatlarini rivojlantirish muhimdir. Bu, ekologik mahsulotlarni export qilish, aholi uchun uning yetkazib berishini ta‘minlashni va ekologik oziq-ovqatlarni o‘stirishni ta‘minlaydi. Yashil iqtisodiyotda rivojlanish muhim qo‘llovlarning boshidagi biri bo‘lib yashil texnologiyalarni va innovatsiyalarini qo‘llab-quvvatlashdir. Bu texnologiyalar energiya isrofligini kamaytirish, atrof-muhimni himoya qilish, ekologik mahsulotlarni ishlab chiqarish, transport sohasini yaxshilash kabi sohalarda qo‘llaniladi. Bu yo‘nalishlar O‘zbekistonning ekologik yaxshilanishni mustahkamlash uchun katta ahamiyatga ega bo‘lib, davlat hukumati tomonidan rag‘batlantiriladi va rivojlantiriladi.

O‘zbekistonda yashil texnologiyalarga investitsiyalar o‘rtacha darajada oshirilmoqda. Davlat va xususiy sektorlar bu sohasini rivojlantirish uchun harakat qilmoqda. Yer usti va yuqori sifatli energiya resurslarini foydalanish, texnologik

¹⁶⁶ Ilmiy manbalarni o‘rganish asosida muallif tomonidan tuzilgan.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Для обоснования целесообразности формирования и развития специальных инструментов совершенствования бизнес-моделей в области экологического предпринимательства, необходимо определение четких критериев, какие именно субъекты предпринимательства можно отнести к экологическому. Соответственно, необходимо проанализировать подходы зарубежных и отечественных исследователей к определению понятия и сущности экологического предпринимательства, выделить и обобщить отличия экологического предпринимательства от других видов предпринимательства, проанализировать существующие подходы к определению видов экопринёрской деятельности, предложить критерии отнесения субъектов предпринимательства к экологическому.

Как известно, в законодательстве Республики Узбекистан под предпринимательской деятельностью в общем случае понимают самостоятельную, осуществляемую на свой риск деятельность, направленную на систематическое получение прибыли от использования имущества, продажи товаров, выполнения работ или оказания услуг лицами, зарегистрированными в этом качестве в установленном законом порядке. В современной научной литературе, преобладает подход, согласно которому, предпринимательской считается коммерческая деятельность, характеризующаяся инновационностью, проактивностью и готовностью к риску²²⁶. Понятие же экологического предпринимательства является достаточно новым и дискуссионным.

²²⁶ Широкова Г.В. Предпринимательская ориентация: истоки концепции и основные подходы к исследованию // Российский журнал менеджмента. 2012. Часть 10, № 3. С. 55-72.

На 15-ом пленарном заседании межпарламентской Ассамблеи государств участников СНГ была предпринята попытка внедрения модельного закона «Об основах экологического предпринимательства». В ст. 1 указанного закона определено экологическое предпринимательство как производственная, научно-исследовательская, кредитно-финансовая деятельность по производству товаров, выполнению работ и оказанию услуг, имеющая целевым назначением обеспечение сохранения и восстановления окружающей среды и охрану природных ресурсов²²⁷. Сами работы и услуги природоохранного назначения раскрываются в данном документе как часть объектов гражданских прав, использование которых обеспечивает охрану окружающей среды, а субъекты экологического предпринимательства – это юридические лица и предприниматели, осуществляющие деятельность по производству продукции, выполнению работ и услуг природоохранного назначения.

В экономической науке на сегодняшний момент также не сложилось общепринятого подхода к определению экологического предпринимательства. Экопринёрство как особый вид предпринимательства впервые подробно было описано в работах [Isaak, 1997; Anderson, 1998; Keogh, Polonsky, 1998, Pastakia, 1998; Schaltegger, 2002]. Для обозначения явления, которое мы называем «экологическим предпринимательством», в зарубежной литературе используют такие термины, как *environmental entrepreneur(-ship)*, *green entrepreneur(-ship)*, *ecological entrepreneur(-ship)*, *eco-entrepreneur(-ship)* и *ecopreneur(-ship)*, а также *green-green business*, считая их синонимами²²⁸.

Таблица 1

**Определения экологического предпринимательства (предпринимателя)
зарубежных авторов²²⁹**

Автор	Определение
[Isaak, 2002]	Тот, кто создает зеленый-зеленый бизнес для того, чтобы радикально изменить сектор экономики, в котором он оперирует
[Schaltegger, 2002]	Экопренерство-предпринимательство через призму экологии
[Walley, Taylor, 2002]	Индивид, основавший новый, нацеленный на прибыль, в значительной степени “зеленый” бизнес.
[Beveridge, guy 2005]	Индивиды или организации, которые, в различных формах объединяются драйв, образ мышления и действия обычного предпринимателя с заботой об окружающей среде
[Dean, McMullen, 2007]	Предприниматель, который комбинирует экономического экологическое осознание со своим бизнесом для сдвига развития в более “экологичную” сторону
[Gibbs, 2009]	Те предприниматели, которые комбинируют экологическое осознание со своим бизнесом для сдвига экономического развития на более дружественные к природе основы
[Kirkwood,	Те, кто предоставляют “зеленый” продукт или услугу и идут в

²²⁷ Межпарламентской Ассамблеи государств участников СНГ. «Об основах экологического предпринимательства» (принят в г. Санкт-Петербурге 13 июня 2000 года Постановлением № 15-6)

²²⁸ Anderson A. R. Cultivating the Garden of Eden: Environmental Entrepreneurship // Journal of Organizational Change Management. 1998. Vol. 11. N 2. P. 135–143.

²²⁹ Разработано на основе исследования автора

Walton, 2014]	развитии и управлении предприятием по “зеленому” пути (т.у. «зеленый- зеленый»)
---------------	---

Двойное обозначение “green-green” означает, что «зелеными» в бизнесе являются как продукт или услуга, так и технологии их производства²³⁰. С. Шалтеггер определяет экопринёрство как «предпринимательство через призму экологии» и выделяет экологическое предпринимательство среди других форм экологического поведения предпринимателей, представив экопренеров как предпринимателей с одновременно высокими рыночными и экологическими целями²³¹. Определения других зарубежных авторов представлены в таблице 1 выше.

Рассматривая определения зарубежных авторов, можно намы выделяет следующие основные подходы к определению экологического предпринимательства:

1) Определение экологического предпринимательства на основе характера воздействия на окружающую природную среду: экологическое предпринимательство может рассматриваться как предпринимательство, результатом деятельности которого является улучшение качества окружающей природной среды или минимизация негативного воздействия экономической системы на окружающую природную среду. Следует отметить, что функциональная направленность данного подхода не полностью раскрывает иные значимые свойства и функции экологического предпринимательства.

2) Определение экологического предпринимательства на основе противопоставления целевых установок различных форм предпринимательской деятельности. Например, экологическим предпринимательством движет стремление реализовать исключительно социальные цели. При этом термин «экологическое предпринимательство» теряет связь с исходными атрибутивными свойствами предпринимательства.

3) Определение экологического предпринимательства как деятельности, осуществляемой в рамках концепции устойчивого развития. Экологическое предпринимательство рассматривается как предпринимательство, ориентирующее на соблюдение принципов устойчивого развития экологической, экономической и социальной систем. Данный взгляд аналогично требует от предпринимателя руководствоваться мотивами, напрямую не связанными с атрибутивными свойствами предпринимательства.

Первая точка зрения – это определение экологического предпринимательства на основе дополнительных доходов от взаимодействия с экологической системой. Экологическое предпринимательство рассматривается как способ получения дополнительного дохода благодаря взаимодействию с окружающей природной средой при условии повышения экологической эффективности. Вероятно, данный подход ближе к пониманию сущности экологического предпринимательства, поскольку выявляет

²³⁰ Isaak R. Green Logic: Ecopreneurship, Theory and Ethics. Sheffield: Greenleaf, 1998. – 144 p.

²³¹ Schaltegger S. A Framework for Ecopreneurship: Leading Bioneers and Environmental Managers to Ecopreneurship // Greener Management International. 2002. Issue 38. P. 45-58.

механизм функционирования экологического предпринимательства.

Вторая точка зрения – это определение экологического предпринимательства как деятельности, направленной на изменение принципов функционирования рынка в целях устойчивого развития. Предпринимательская деятельность рассматривается как отражение процессов, происходящих в обществе, как механизм удовлетворения долгосрочных жизненно важных потребностей индивида. В данном подходе наблюдается единство целевых установок предпринимателя и характера воздействия, оказываемого им на окружающую природную среду.

В целом можно отметить, что большинство определений зарубежных авторов носят довольно образный характер, и, на наш взгляд, не подходят для дословного использования в экономической науке, где исследования экологического предпринимательства не так развиты. В экономических источниках авторами используются такие термины, как «экологическое предпринимательство» и «экологически ориентированное предпринимательство», а также «экологически приемлемое предпринимательство», при этом зачастую – в качестве синонимов.

Модифицировав классификации основных подходов и точек зрения на определение экологического предпринимательства, проанализируем определения по следующим критериям:

- 1) характер осуществляемой деятельности, выпускаемой продукции или оказываемых услуг;
- 2) целевые установки;
- 3) указание на получение дополнительных доходов (или возможностей) в связи с экологическими характеристиками.

Этот критерий мы считаем основным, поскольку само понимание термина предпринимательства, принятое в передовых научных кругах, включает понятие «предпринимательские возможности».

- 4) стремление к изменению принципов функционирования рынка в целях устойчивого развития.

На наш взгляд, эти критерии отражают принятое в передовых западных научных кругах понимание экологического предпринимательства. Кроме того, наблюдается ограничение авторами характера деятельности (и выпускаемых продуктов), которую можно отнести к экологическому предпринимательству, продукцией и услугами природоохранного назначения. Однако можно отметить, что более поздние по времени опубликования определения в большей степени соответствуют критериям.

EKOLOGIK INQIROZLAR VA HAVO IFLOSLANISHINING SALBIY OQIBATLARINI BARTARAF ETISHDA «YASHIL» IQTISODIYOTNI TUTGAN O‘RNI

A.Vosijonov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Milliy iqtisodiyotni barcha tarmoq va sohalarni rivojlantirishi, jumladan sanoat sohasining faoliyati salbiy ta’sirlari oqibati bo‘lishi mumkin. Iqtisodiy

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

faoliyatning ajralmas fazasi bo‘lgan ishlab chiqarish jarayonida atrof-muhitni ifloslanishini keltirib chiqaradi. So‘ngi paytlardagi ko‘plab mamlakatlar atrof-muhitni muhofaza qilish va yashil barqaror rivojlanishga katta e‘tibor berilmoqda.

Bugun jahon hamjamiyati iqlim o‘zgarishlarini insoniyat oldida turgan eng jiddiy muammolardan biri sifatida tan olmoqda. Yangi iqtisodiyot sharoitida mintaqalarning tabiiy sharoiti va resurslardan foydalanishni ilmiy asoslangan, ekologik talablarga mos tizimlarini joriy etish, iqtisodiy resurslarni ijtimoiy tuzilmalarga moslashtirish, tabiiy resurslardan foydalanishni yanada takomillashtirish muhim amaliy ahamiyatga ega bo‘lmoqda. Ishlab chiqarish korxonalaridan chiqayotgan bug‘lanish darajasini oshiradigan zararli gazlar va atmosferaning keng ko‘lamda ifloslanishi muammolarni yanada chuqurlashtirmoqda. Hozirda “yashil taraqqiyot” borasidagi maqsadlarga erishish uchun jahondagi barcha mamlakatlarning harakatlari yanada faol va samarali bo‘lishi kerakligiga hech kim shubha qilmayapti. Tabiatdan oqilona foydalanish, uning samaradorligini oshirish uslublari va tizimlarini takomillashtirish, foydalanish jarayonida tabiatga yetkaziladigan zararli oqibatlarining oldini olish, tabiiy resurslardan samarali foydalanish, ekologik-iqtisodiy barqaror rivojlanish va ekologik-iqtisodiy savodxonlikni oshirish bugungi kunda dolzarb masalaga aylandi. Demak-ki, “yashil taraqqiyot”ga erishish uchun “yashil iqtisodiyot”ga o‘tishimiz va uni rivojlantirishimiz lozim. Lekin “Yashil iqtisodiyot”ning o‘zi nima, yashil iqtisodiyotga qanday o‘tiladi degan savollar tug‘iladi.

Yashil iqtisodiyot bu iqtisodiy tizim bo‘lib, uning asosiy maqsadi sayyoramizning ekologiyasi va uni saqlab qolish bilan birga iqtisodiyotning barcha sohalarini rivojlantirishga qaratilgan. Shunday qilib yashil iqtisodiyot deganda, inson hayoti va sog‘lig‘i uchun zarur bo‘lgan resurslarni, atrof-muhit va ekologiyani bir butun holda saqlab qolib ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalarini bilan bog‘liq iqtisodiyotni yanada rivojlantirishni amalga oshirishga asoslangan iqtisodiy faoliyatdir.²³² Yashil iqtisodiyotda bandlik va daromadning o‘sishi uglerod chiqindilari va ifloslanishini kamaytirish, energiya va resurslar samaradorligini oshirish, biologik xilma-xillik va ekotizim xizmatlarining yo‘qolishining oldini olish imkonini beruvchi iqtisodiy faoliyat, infratuzilma va aktivlarga davlat va xususiy investitsiyalar orqali ta‘minlanadi.

Yashil iqtisodiyotga o‘tishda bir qancha tadbirlarni amalga oshirish kerak. Birinchi navbatda, aholi ehtiyojlarini qondirib, ularning faravonligi, yashash darajasi va sifatini oshirish uchun moddiy ne‘matlarni yaratish bilan bir vaqtda ekologiya va atrof-muhitga zarar yetkazmasdan ularni ko‘paytirib borish lozim. Ishlab chiqarish va iqtisodiyotni rivojlantirish uchun energiya resurslari kerak bo‘ladi, ularni qayta tiklanadigan energiya manbalari hisobidan ko‘paytirishni tashkil etish. Jamoat transportlarini ham elektr bilan yuradiganlariga almashtirish shu bilan bir qatorda energiya tejovchi binolarni barpo qilish kabi sohalarda ko‘plab ishlar olib borish darkor. Ayniqsa, transportlardan chiqayotgan zaharli tutun va gazlar atrof-muhit hamda insonlar salomatligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. Hozirda yurtimizda elektr quvvati orqali harakatlanadigan avtotransport vositalari ko‘payib

²³² www.zarnews.uz

bormoqda. Poytaxtimizdagi aksariyat jamoat transportlari ya'ni avtobuslar ham elektr quvvati bilan yuradiganlariga almashtirildi. Bu ham yashil iqtisodiyot sari bir qadam ekanligini ta'kidlab o'tmoq lozim. Shuningdek, atrof-muhitga zararli gazlarni chiqarmaydigan, atrof-muhitni asraydigan, ekologik toza texnologiyalarni yaratish orqali ekologik toza mahsulotlarni yetishtirish masalasiga ham alohida ahamiyat berish lozim bo'ladi. Bozor iqtisodiyotining shakllanishi va rivojlanishi sharoitida ishlab chiqarish kuchlarini samarali joylashtirish alohida ahamiyatga ega bo'lib, u ishlab chiqarishning katta samara berishi, hududlarning tabiiy resurs imkoniyatidan tejab foydalanish asosida maksimal foyda olish, aholi yashashining normal ekologik sharoitini saqlash va yaxshilashni ta'minlaydi. Bunda ayniqsa, tabiiy resurslardan foydalanish, homashyo va yoqilg'ini qayta ishlashda chiqitsiz texnologiyalarini qo'llash katta ahamiyatga ega.²³³

Hozirgi paytda tabiatda foydalanishni boshqarish tizimini takomillashtirish eng muhim muammo hisoblanadi. Shu munosabat bilan tabiatga yetkaziladigan zararga va unga ma'sulyatsizlik bilan munosabatda bo'lishga, ekologik ifloslantiruvchi mahsulotlarni ishlab chiqarishga yo'l qo'ymaslik. Ekologik muhitni sog'lomlashtirish, tabiatdan samarali foydalanishga erishish uchun quydagilarga e'tibor qaratish kerak:

- ishlab chiqarish kuchlarini rivojlantirish va joylashtirishni mintaqalar va ekotizimlar bo'yicha ekologik cheklash tizimining qonunchilik va normativlariga amal qilish;
- ekologik sog'lomlashtirish, tabiiy resurslarda unumli foydalanish va ularni takror ishlab chiqarishga yo'naltirishni rag'batlantiruvchi ekologik soliq va to'lovlar tizimini qo'llash;
- tabiiy resurslar iste'moli limiti, ifloslantiruvchi moddalarni, chiqitlarni atrof-muhitga chiqarish va tashlash, joylashtirish limitini, shuningdek tabiiy resurslardan samarali foydalanish ko'rsatkichlarini ishlab chiqish.²³⁴

Lekin yana bir tomondan, tabiatdagi barcha resurslar cheklangan bir paytda inson ehtiyojlari cheksizligini inobatga olib, ularning muvofiqligini ta'minlash maqsadida ne'matlarni ishlab chiqarishni kengaytirishni tabiiy resurslarni kamaytirmagan holda amalga oshirish choralarini ham ko'rish dolzarb masalalar sirasiga kiradi. Aholini doimiy o'sib boruvchi ehtiyojlarini qondirish uchun qancha ishlab chiqarish, qanday ishlab chiqarish va kim uchun ishlab chiqarish masalasiga atrof-muhitni asragan holda katta ahamiyat beriladi.

Yashil iqtisodiyot ifloslantiruvchi sanoatlarni dekarbonizatsiya qilishga qaratilgan bozorning kichik bir burchagi emas. Bu iqtisodiyotning barcha jabhalarini qamrab oluvchi va atrof-muhitning barcha jabhalariga ta'sir ko'rsatadigan keng va keng faoliyat ekotizimidir. Oxford Economicsdagi tadqiqotchilar 2050-yilga kelib ekologik barqaror dunyoga o'tishni nafaqat iqlim o'zgarishi oqibatlarini yumshatish bo'yicha chora-tadbirlar xarajatlari nuqtai nazaridan, balki global iqtisodiyotni ko'klamzorlashtirish yaratadigan imkoniyatlardan kelib chiqib o'rganib chiqdi. Ular imkoniyatning uchta asosiy turini aniqladilar:

²³³ “Tabiatdan foydalanish iqtisodiyoti” 126-bet Toshkent-2010

²³⁴ “Tabiatdan foydalanish iqtisodiyoti” 127-bet Toshkent-2010

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Birinchi, sanoatning buzilishi jarayonida paydo bo‘ladigan yangi raqobat imkoniyatlari - ba’zi korxonalar yashil chora-tadbirlarni qabul qilish uchun tezda harakat qilganda, ularning operatorlari yangi kashfiyotlarni patentlash va dominant bozor pozitsiyalarini o‘rnatish uchun birinchi navbatdagi afzalliklardan foydalanishlari mumkin.

Ikkinchi, yangi yashil bozorlar paydo bo‘ladi, chunki qayta tiklanadigan energiya va yashil texnologiyalarga bo‘lgan talab yashil tovarlar va xizmatlar uchun yangi bozorlarni yaratadi va butun ta‘minot zanjirida "palapartishlik effektlari" yaratadi.

Uchinchi, iqlim o‘zgarishi va tabiiy resurslardan beqaror foydalanish natijasida salbiy ta‘sir ko‘rsatadigan mintaqalar hosildorlik o‘shiga erishiladi, bu salbiy ta‘sirlar bekor qilinadi, bu esa yanada barqaror asosga qurilgan global iqtisodiyotga olib keladi.

Oxford Economics prognozlariga ko‘ra, ushbu yangi yashil tadbirlar 2050-yilgi Jahon YaIMga 10,3 trillion dollar yoki o‘sha yilgi global YaIMning 5,2 foizini tashkil etish imkoniyatini yaratadi. Imkoniyatning asosiy ulushi elektr transport vositalarini ishlab chiqarish va qayta tiklanadigan elektr energiyasini ishlab chiqarish, shuningdek, ularning keng ta‘minot zanjirlarida.²³⁵

Hozirgi vaqtda asosan resurslarni iste‘mol qilishga tayanadigan iqtisodiy rivojlanish ham asta-sekin kamroq resurslarni iste‘mol qiladigan, atrof-muhitni kamroq ifloslantiruvchi, toza va yuqori samarali bo‘lgan ilmiy rivojlanish rejimiga o‘tadi. Yuqoridagi tadqiqotlar qayta tiklanadigan energiya manbalarini ishlab chiqish va ulardan samarali foydalanish hamda firmalarni texnologiyani yangilash va ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga undash ahamiyatini ko‘rsatadi. Resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish, bandlikni rag‘batlantirish va iqtisodiyotning “yashil” sektorlarida moliyalashtirish kabi boshqa “yashil” choralar ham qisqa muddatli istiqbolda O‘zbekistonga foyda keltiradi. Biroq “yashil” iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha turli jarayonlar fuqarolar farovonligiga qanday ta‘sir qilishini ham hisobga olish kerak. Bunda aholining eng ehtiyojmand qatlamlarini ijtimoiy-iqtisodiy qo‘llab-quvvatlash nihoyatda muhimdir. Ushbu tamoyillarni yashil iqtisodiyotga adolatli o‘tishni ta‘minlashda e‘tibor markaziga qo‘yish kerak.

So‘zimizni yakunida shuni aytib o‘tishim joizki, O‘zbekistonda so‘nggi yillarda yashil iqtisodiyot va ekologiya sohasida qator islohotlar olib borilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan mamlakatimizda barqaror iqtisodiy rivojlanishga erishish, atrof-muhitni muhofaza qilishga qaratilgan loyihalar, strategiyalar, siyosatlar qabul qilindi. Mamlakatimiz ekologik toza iqtisodiy rivojlanish bo‘yicha yetakchiga aylanish yo‘lidan bormoqda. Milliy maqsadlar va innovatsiyalarni doimiy ravishda qo‘llab-quvvatlash mamlakatning ekologik barqarorligini ta‘minlashning yakuniy maqsadiga erishishda yanada muhim yutuqlarni ta‘minlaydi. Lekin yashil iqtisodiyotga o‘tishda barcha birdek ma‘suliyat bilan harakatlanishi darkor. Ya‘ni jahonning barcha mamlakatlari iqtisodiy rivojlanishda yagona ekologik yo‘naltirilgan metodni qo‘llamas ekan bugungi globallashuv sharoitida butun yer sayyorasi tanazzulga yuz tutish xavfi yuqori.

²³⁵ www.arup.com

EKOLOGIK INQIROZLAR VA HAVO IFLOSLANISHING SALBIY OQIBATLARINI BARTARAF ETISHDA “YASHIL” IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI

Z.Sharipov, Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti talabasi

Ilmiy rahbar: Z.Allaberganov, Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti dotsenti


Ekologik inqirozlar va havo ifloslanishing salbiy oqibatlarini bartaraf etishda "yashil" iqtisodiyotni rivojlantirishning ahamiyati katta. Dunyo bo'ylab yirik ekologik muammolar bilan yuzaga keladi va faol ekologik muhofazaga o'tish vaqt oxiriga yetadi. Yer yuzidagi o'rmonlar ko'payishi o'rniga tobora qisqarib bormoqda, tabiat va havo har xil chiqindi hamda gazlar hisobiga ifloslanmoqda. Bundan tashqari, tabiatda toshqinlar, o'rmon yong'inlari, chang bo'ronlar va boshqa tabiiy jarayonlar yuz bermoqda.

Bizning fikrimizga muvofiq, "Yashil" iqtisodiyot, ya'ni atrof muhitni himoyalash, energiya iste'molini kamaytirish va sodir etiladigan moddiy va energiya resurslarini isrofni kamaytirish, ekologik tizimlarni yangilash, iqtisodiy va ekologik ravishda islohotlarni qilish va ijtimoiy boylikni oshirish bilan bog'liq bo'lgan iqtisodiyotning bir turi hisoblanishi mumkin. Bu shunday iqtisodiyot texnika, uslublar va sohalar uchun garov barkamol kelib chiqqanligi sababli, ekologik muammolarni bartaraf etish va ekologik muhofazani ta'minlash imkoniyatlari mavjuddir.

Bulardan kelib chiqib, "yashil" iqtisodiyot rivojlantirishning ahamiyati ekologik muammolarni bartaraf etish va mustahkam ijtimoiy va ekologik boylikni ta'minlashda katta ahamiyatga ega bo'lishi sababli, dunyo bo'ylab bir nechta davlatlar XXI asr mobaynida "yashil" iqtisodiyotga qaratilgan muhofazani kuchaytirishga intilishmoqda va O'zbekistonda ham shunga o'xshash ishlar olib borilmoqda. Shuni ta'kidlash kerakki, Ekologik inqirozlar va havo ifloslanishga qarshi kurashish "yashil" iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy prinsplari bo'lishi zarur. "Yashil" iqtisodiyot rivojlantirish orqali ekologik muammoni hal qilish, faol atrof muhitni himoyalash va energiya iste'molini o'zgartirish kabi muhim vazifalar o'rin oladi.

Ekologik inqirozlar va havo ifloslanishing salbiy oqibatlari, tabiiy resurslarni sarflash, atrof muhitni ifloslash, va inson salomati uchun katta xavf tashkil etadi. Hozirgi kunda eng katta ekologik muammo bo'lgan "Orol dengizi" qurib borishi ko'plab tabiiy muammolarga olib kelmoqda. Masalan, Orol dengizi qurib borayotgani sababli undagi sho'r tuzlar havoga ko'tarilishi va O'rta Osiyoda havoning ifloslanishi shamollar sababli butun dunyo xavf ostida ekanligini aytishimiz mumkin. Ma'lumotlarga asoslanib, Orol dengizining sho'r tuzlari dunyoning chekkasida joylashgan Antarktidada ham topilgan va bu muzlarning erishiga olib kelishi bundan mustasno emas. Natijada, suv toshqinlari yuzaga keladi va bu odamlarning suv ostida qolishiga olib kelishi tayin. Shu bois, davlatimiz rahbari Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasida jahon hamjamiyati e'tiborini yana bir bor davrimizning o'tkir muammolaridan biri

— Orolbo‘yi hududidagi ekologik holatga qaratib, jumladan, bunday dedilar: “Bugungi kunda har bir mamlakat bu jarayonning salbiy ta'sirini his etmoqda. Ming afsuski, bunday o‘zgarishlar Markaziy Osiyo taraqqiyotiga ham katta xavf tug‘dirmoqda”.²³⁶ Shuning uchun ham, “Yashil” iqtisodiyot esa bu muammolarga yechim topishda katta ro‘l o‘ynaydi va pastda berilgan 4 ta yechim bilan biz ekologik muammoni qisman bo‘lsa ham yechishimiz mumkin.



1-rasm. Ekologik inqirozlar va havo ifloslanishing salbiy oqibatlarini yechishda 4 ta yechim²³⁷

Tabiiy resurslarni saqlash — “Yashil” iqtisodiyot, suv, energiya, va boshqa tabiiy resurslarni samarali foydalanish orqali saqlashga qaratilgan. Bu, energiya tejamkorligini oshirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalarini kengaytirish, va suvni samaradorlik bilan ishlatishni o‘z ichiga oladi.

Jamiyatning rivojlanib borishi bilan insonlarning atrof - muhitga bo‘lgan ta’siri o‘sib boradi. Inson tabiat bilan, ya’ni o‘simliklar, hayvonot dunyosi hamda yer osti va yer usti boyliklari bilan o‘zaro muloqatda bo‘ladi. Ekologik muammolar kengayib ularni hal etish dolzarb vazifa bo‘lib qolgan. Hozirgi davrda bu muammolarni hal qilishda insoniyat uchun asosan ekologik ong va ekologik madaniyatning o‘rni beqiyosdir. Davlat ekologik siyosatining asoslari O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 49-moddasida o‘z aksini topgan. “Har kim qulay atrof-muhitga, uning holati to‘g‘risidagi ishonchli axborotga ega bo‘lish huquqiga ega. Davlat Orolbo‘yi mintaqasining ekologik tizimini muhofaza qilish hamda tiklash, mintaqani ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan rivojlantirish yuzasidan choralar ko‘radi.”²³⁸ Unga ko‘ra, yer, yer osti boyliklari, suv, o‘simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zaxiralar umummilliy boylikdir, ulardan oqilona foydalanish zarur va ular davlat muhofazasidadir. Ushbu konstitutsiyaviy norma davlat ekologik faoliyatining quyidagi asosiy prinsiplarini ifodalaydi:

Birinchidan, respublika tabiiy resurslari umummilliy boylik hisoblanadi, ya’ni yuridik ma’noda ular xalq mulkini tashkil etadi hamda ular nomidan davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari qonunda belgilangan vakolatlari doirasida ish yuritadi.

²³⁶ BMT(Birlashgan Millatlar tashkiloti) Assambleyasida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 75-sessiyasidagi nutqi.

²³⁷ Ilmiy manbalarni o‘rganish asosida muallif tomonidan tuzilgan.

²³⁸ O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 49-modda “ekologiya atrof muhitni asrash to‘g‘risidagi” qonuni

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Ikkinchidan, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish zarur. Ekologiya huquqida oqilona deganda, tabiiy resurslardan ekologik normativ va standartlarga qat’iy rioya etgan holda foydalanish tushuniladi.

Uchinchidan, tabiat ob’yektlari va resurslari davlat tomonidan qo’riqlanadi. Bu davlat tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va muhofaza qilishni ta’minlashini hamda jismoniy va yuridik shaxslarning ekologik huquq va manfaatlariga, shuningdek ekologik huquq-tartibotga rioya etilishini kafolatlashini anglatadi.

Yuqorida ko’rganigizdek barcha qonun va qoidalar bizning konstitutsiyamizda to’g’ri va tushunarli keltirib o’tilgan bo’lib, xozirgi kunda bularning barchasi o’z aksini topmoqda. Yaratilgan qonunlarning barchasi amaliyotda qo’llanilmoqda va davlat Ekologiya qo’mitasi tarkibidagi bioxilmaxillik va muhofaza etiladigan tabiiy hududlarni muhofaza qilish va ulardan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi va chiqindilarning hosil bo’lishi, to’planishi, saqlanishi, tashilishi, utilizatsiya qilinishi, qayta ishlanishi, ko’milishini nazorat qilish inspeksiyasi negizida ko’rib chiqilib zarur choralar ko’rib kelinmoqda. Biz atrof-muhitga va inson salomatligiga jiddiy zarar yetkazadigan atrof-muhitga ta’sirini tavsiflash bilan boshlashimiz kerak edi aslida.

Energetika sohasida — “Yashil” iqtisodiyot, issiqxona gazlarining ishlab chiqarishini kuchaytirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalarini joriy etish, va energiya samaradorligini oshirishga qaratilgan. Bu, ekologik inqirozlarni kamaytirish va tabiiy resurslarni saqlashga yordam beradi.

Elektr energiyasi ishlab chiqarish manbalariga ko’ra energetika sanoati uch turga bo’linadi: issiqlik, gidro va atom energetika tarmoqlaridir. Mamlakatimiz energetika tizimining umumiy quvvati 11,3 million kilovatt bo’lgan 37 ta issiqlik va gidravlik elektr stansiyalaridan iborat. O’zbekistonda ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasining 85 foizini IES lar beradi. Aksariyat IES larda elektr energiya va issiqlik energiyasi (bug’) ishlab chiqariladi. Bunday IES larni TES (IEM) issiqlik elektr markazlari deyiladi. Issiqlik energiyasini 20 kilometrdan uzoq masofaga uzatish qiyinligi uchun TES lar foydalanuvchilarga yaqin joylarda shaharlarda, yirik zavodlar yaqinida quriladi. Ularda elektr energiya ishlab chiqarish vaqtida isigan suvni ishlab chiqarish ehtiyojlari uchun yuboriladi. O’zbekiston tog’ daryolari gidroresurslarga boy bo’lib, GES lar, gidrouzellar (suv taqsimlagich), elektr energiya ishlab chiqarish, xo’jaliklarni suv bilan ta’minlash, baliqchilikni rivojlantirish masalalarini kompleks hal qiladi.

Sanoat tarmoqlarida — “Yashil” iqtisodiyot, sanoat tarmoqlarini energiya samaradorligini oshirish va atrof muhitni saqlashga yo’naltirishga yo’naltiradi. Bu, zamonaviy texnologiyalarni qo’llash, qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash, va energiya sarfi hajmini kamaytirishga qaratilgan.

Hozirgi vaqtda sanoat ekologiyasi odatda insonning “o’z uyi” - biosfera, uning xususiyatlari, inson va butun insoniyat jamiyati bilan o’zaro munosabati va o’zaro munosabati haqidagi fan deb ataladi. Darhaqiqat, sanoat ekologiyasi butun insoniyat uchun nafaqat fan, balki fikrlash va xulq-atvor uslubiga aylandi va hanuzgacha davom etib kelmoqda. Sanoat ekologiyasi sivilizatsion nuqtai nazardan insonparvarlik, jumladan ma’naviyat, inson va tabiatning birligini anglash, yuksak

madaniyat tomonlaridan biriga aylandi. Bizni o‘rab turgan tabiat butun insoniyat hayotining asosidir, uning iqtisodiyoti uchun manbalar manbai hisoblanadi, ammo afsuski fan uzoq vaqt davomida sivilizatsiyaning tabiatga ta’siri muammosidan uzoqlashdi.

Agar biz sanoat ekologiyasining rivojlanishining izchil bosqichlarini kuzatsak, unda dastlab bu botanika va zoologiyaning ikkita o‘ziga xos qismi edi. XX asrning o‘rtalarida ekologiya o‘z ko‘lamini sezilarli darajada kengaytirdi va atrof-muhit bilan birga organizmlar to‘plami bo‘lgan supraorganizmik tizimlarni o‘rganadigan biologiya sohasiga aylandi va ular umumiy ekologiya deb nomlandi. Hozirgi vaqtda sanoat ekologiyasi fanlararo ma’noga ega bo‘lib, umumiy ekologiyaga aylandi.

Iqtisodiyot tarmoqlarida — “Yashil” iqtisodiyot, iqtisodiyot sohasidagi harakatlar rejasi va konsepsiyalarni o‘z ichiga oladi. Bu, ekologik inqirozlarni kamaytirish va sanoat tarmoqlarini “yashil” prinsiplarga mos kelishga yo‘naltiradi.

Yilda atrof-muhit iqtisodiyoti, ekologik muammolarni ilmiy tushunish targ‘ib qilishga qaratilgan iqtisodiy siyosat va strategiyalarni ishlab chiqish uchun ishlatiladi barqaror rivojlanish va resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish. Ushbu siyosat va strategiyalar iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy istiqbollarni birlashtirgan va olimlar, siyosatchilar va manfaatdor tomonlar o‘rtasidagi hamkorlikni o‘z ichiga olgan multidisipliner yondashuvga asoslangan.

Atrof-muhit iqtisodiyotidagi muammolarni iqtisodiy tahlil qilish ekologik muammolar bilan bog‘liq xarajatlar va foydalarni tahlil qilish uchun iqtisodiy printsiplar va vositalarni qo‘llashni o‘z ichiga oladi. Bunga barqaror amaliyotni targ‘ib qilish va iqtisodiy faoliyatning atrof-muhitga salbiy ta’sirini minimallashtirish uchun xarajatlar va foyda tahlili, soliqlar va sotiladigan ruxsatnomalar kabi bozorga asoslangan vositalar va boshqa iqtisodiy imtiyozlar kiradi.

Iqtisodiy tahlil, shuningdek, turli xil siyosat variantlari va iqtisodiy o‘sish va rivojlanishga mumkin bo‘lgan ta’sirlarni hisobga olgan holda ekologik maqsadlarga erishishning eng samarali va samarali vositalarini aniqlashga yordam beradi. Masalan, iqtisodiy tahlil turli xil ifloslanishni nazorat qilish choralarining xarajatlari va foydalarini muvozanatlashtiradigan ifloslanishni kamaytirishning maqbul darajasini aniqlashga yordam beradi.

Umuman olganda, iqtisodiy tahlil ekologik siyosat qarorlarini xabardor qilishda, ekologik maqsadlarga ijtimoiy farovonlikni maksimal darajada oshiradigan va iqtisodiy xarajatlarni minimallashtiradigan tarzda erishilishini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Atrof-muhit iqtisodiyoti nafaqat iqtisodiy yoki ilmiy, balki siyosiy masaladir. Buning sababi shundaki, ekologik siyosat turli manfaatdor tomonlarga, shu jumladan jismoniy shaxslarga, korxonalariga va hukumatlarga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi 2030 yilgacha “yashil” iqtisodiyotga o‘tishga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish maqsadida yuqoridagi chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Bu, ekologik inqirozlarni kamaytirish, tabiiy resurslarni saqlash, va energiya samaradorligini oshirishga qaratilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, “yashil” iqtisodiyotning o'ziga xos o'zgaruvchilari va muhimligi bor. Bu, inson salomati, tabiiy muhitni saqlash, va mustaqil iqtisodiyotni ta'minlashga qaratilgan. O'zbekistonning bu yo'nalishga qadam qo'yishi va kelajakda farovon yashash uchun juda muhimdir.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**И.И.Мелиев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил
изланувчиси**

Экологик хавфсизликни таъминлашда давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим элемент экологик аудит ҳисобланиб, хўжалик фаолиятини амалга оширишда атроф-муҳитга таъсирини ҳар томонлама назорат ва таҳлил қилишни таъминлайди. Экологик аудит хўжалик юритувчи субъектнинг экологик фаолият самарадорлигини оширишга охир-оқибат атроф-муҳитга антропоген юкнинг пасайишига олиб келади. Бу борада хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлари ўзларининг қуйидагича ёндашувларини келтирган. Э.А.Аренс, Дж.К.Лобекларнинг фикрича, «молиявий ҳисобот аудити жамланган молиявий ҳисобот (маълумотлари текширилиши мумкин бўлган) маълум мезонларга мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун молиявий ҳисобот аудити ўтказилади»²³⁹ деган фикрни билдирган.

Т.В.Ножкинанинг фикрича - “Жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари, жумладан АҚШ, Бельгия, Индонезия, Норвегия, Ямайка, Боливия, Франция, шунингдек, Европа Иттифоқи ва халқаро молиявий корпорациялар тадбиркорлар доирасига атроф-табiiй муҳитни бошқариш ва молиявий бозор riskини пасайтиришда ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг хавфсизлигини таъминлашни текшириш учун экологик аудитдан фойдаланишни бошлади”²⁴⁰

Ўзбекистонда экологик аудитни тартибга солиш мақсадида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Экологик аудитни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар²⁴¹

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи
Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги «Экологик аудит тўғрисида»ги ЎРҚ-678-сон Қонуни
Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-363-сон «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда. lex.uz
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сон «Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 525-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон, 07.03.2019 й., 09/19/195/2712-сон. lex.uz

²³⁹ Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2021 й., 03/21/677/0155-сон, 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон.

²⁴⁰ Аренс А.Э., Лобек Дж.К. Аудит: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2001. С.12.

²⁴¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Экологик аудит методологиясининг асосий элементлари бўлган экологик аудит, экологик аудитор, экологик аудит объекти, экологик аудит субъекти, экологик аудиторлик ташкилоти, экологик аудиторлик фаолияти ва экологик аудит хулосасини беришга доир таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги «Экологик аудит тўғрисида»ги ЎРҚ-678-сон Қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида ўз аксини топган. Натижада берилган таклиф хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида экологик аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга хизмат қилган.

Экологик аудит аудиторлик ташкилоти ва экологик аудит буюртмачиси ўртасида тузиладиган шартнома асосида ўтказилади. Экологик аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома фақат экологик аудиторлик ташкилоти фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда тузилади.

Миллий экологик аудит стандартлари экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир ягона талабларни белгилайди. Экологик аудиторлик ташкилотлари экологик аудитни ўтказиш чоғида шартномага мувофиқ халқаро экологик аудит стандартларини қўллаши мумкин. Экологик аудит ўтказиш яқунлари бўйича экологик аудит хулосаси тузилади.

Экологик аудиторлик ташкилотлари ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва фаолиятини амалга ошириши мумкин, бундан акциядорлик жамияти мустасно. Улар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас. Уларга ушбу экологик аудиторлик ташкилоти ўзи учун асосий иш жойи бўлган экологик аудитори раҳбар бўлиши мумкин. Бизнингча, Ўзбекистон амалиётида экологик аудитни ташкил этишда ўз ечимини кутаётган қуйидаги илмий-амалий муаммолар мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда экологик аудитнинг илмий-амалий муаммолари²⁴²

№	Муаммонинг мазмуни
1	Амалдаги аудитга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётларида Экологик аудитни ўтказиш бошқичлари ва аудит жараёнида бажариладиган амаллар ёки тартиб-қоидалар етарлича ва аниқ мазмунда ёритилмаганлиги
2	Республикада экологик аудит янги фаолият тури сифатида шаклланганлиги боис, экологик аудиторлик ташкилотлари ва экологик аудиторларнинг етарли эмаслиги
3	Миллий экологик аудит стандартларини амалиётга тўлиқ жорий этилмаганлиги сабабли экологик аудит амалиётининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва талаблар асосида ўтказиш имкониятининг чекланганлиги
4	Экологик аудит соҳасидаги қатор халқаро меъёр ва ишчи ҳужжатлари, хусусан, халқаро экологик аудит стандартларини Ўзбекистон амалиётида етарлича тадқиқ этилмаганлиги ва уларнинг ўзбек тилидаги расмий таржималаридан амалиётда етарлича фойдаланилмаганлиги
5	Экологик аудит жараёнларида аудитор ва аудиторлик ташкилотлари томонидан ИНТОСАИ, ЕВРОСАИ ва АЗОСАИ каби халқаро ташкилотлар меъёрларидан етарлича фойдаланилмаганлиги;
6	Экологик аудит бўйича ўқув адабиётлари ҳамда илмий тадқиқот ишларини камлиги ва ҳ.к.

²⁴² Муаллиф томонидан тайёрланган.

Экологик аудит ва молиявий аудит капитални жалб қилиш, инвестицияларни ривожлантириш, ноу-хау, ресурсларни тежаш, экологик харажатларни камайтириш ҳамда ҳоказолар бўйича иқтисодий ва экологик баҳолани амалга ошириши керак. Экологик аудит экологик ҳисобнинг ажралмас қисми бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектларининг алоҳида соҳалари ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни мунтазам равишда баҳолани имконини беради. Экологик аудитда экологик харажатлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, очиқ беришнинг тўлиқлиги, сифатини баҳолани бўйича таҳлилий жараёнларни бажариш орқали экологик фаолиятга доир экологик ҳисоботларни тузади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2021 й., 03/21/677/0155-сон, 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон;
2. Аренс А.Э., Лобек Дж.К. Аудит: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2001. С.12.

MAMLAKATIMIZDA “YASHIL” INVESTITSIYALARNI QO‘LLAB-QUVVATLASH VA VENCHUR MOLIALASHTIRISH TIZIMINI JORIY ETISH ISTIQBOLLARI

N.Sherkuziyeva, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Ма’лумки, dunyoda iqlim o‘zgarishi va energiya bozoridagi inqiroz masalalari "yashil" texnologiyalar deb nomlangan muqobil, ekologik toza va iloji boricha, qayta tiklanadigan resurslardan foydalanish texnologiyalarini ishlab chiqishga olib keldi.

Mamlakatimizda ham tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish, iqtisodiyotning bazaviy tarmoqlarini modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash hamda hududlarni bir maromda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, o‘tkazilgan tahlillarga ko‘ra iqlimning o‘zgarishi sharoitida samarali, resurs tejamkor va ekologik xavfsiz iqtisodiyotni ta’minlashda o‘zaro bog‘liq muammolar va ehtiyojlar mavjudligini ko‘rsatmoqda. Binobarin, jadallashayotgan sanoatlashtirish va aholi sonining ortishi iqtisodiyotning resurslarga bo‘lgan ehtiyojini sezilarli darajada oshirmoqda, shuningdek, atrof muhitga salbiy antropogen ta’sirni kuchaytirmoqda va issiqxona gazlari ajratmalarining ortishiga olib kelmoqda.

2018-yilda O‘zbekiston Respublikasi Parij bitimini (Parij, 2015-yil 12-dekabr) ratifikatsiya qildi va uni amalga oshirish yuzasidan milliy miqyosda belgilanadigan hissa bo‘yicha — 2030-yilga qadar issiqxona gazlarining yalpi ichki mahsulot birligiga nisbatan solishtirma ajratmalarini 2010-yildagi darajadan 10 foizga qisqartirish miqdoriy majburiyatini qabul qildi. Parij bitimi majburiyatlarini bajarish doirasida issiqxona gazlari ajratmalarini qisqartirish bo‘yicha o‘rta muddatli ustuvor vazifalar mamlakatda iqtisodiyotning energiya va resurs sarfi hajmini kamaytirish, ishlab chiqarishda energiya tejamkor texnologiyalarni keng joriy qilish, qayta

tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish, Orolbo‘yida ekologik tanglik oqibatlarini bartaraf etishni nazarda tutadigan qator strategik va tarmoq rejalari, dasturlari, shuningdek, normativ-huquqiy hujjatlar orqali amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, iqtisodiyotning energiya samaradorligi yetarli darajada emasligi, tabiiy resurslardan oqilona foydalanmaslik, texnologiyalar yangilanishining sustligi, “yashil” iqtisodiyotni rivojlantirish uchun innovatsion yechimlarni joriy etishda kichik biznesning faol ishtirok etmayotgani milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishning ustuvor maqsadlariga erishishga to‘sqinlik qilmoqda.

Mavjud muammolarni hal etish uchun iqtisodiy rivojlanish jarayonlariga iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida kam uglerod sarflagan holda rivojlanish va resurslarni tejash, samarali va ekologik toza texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, barqaror qishloq xo‘jaligiga yo‘naltirilgan “yashil” iqtisodiyot tamoyillarini integratsiya qilish orqali tabiiy va energiya resurslaridan foydalanish usullarini tubdan o‘zgartirish talab etiladi.

Bunda uzoq muddatli istiqbolda “yashil” iqtisodiyotga o‘tish quyidagi asosiy tamoyillarga asoslanishi kerak:

- barqaror rivojlanish sohasida Milliy maqsad va vazifalarga muvofiqlik;
- resurslardan oqilona foydalanish, barqaror iste‘mol va ishlab chiqarish;
- iqtisodiy hisob tizimiga ekologik va ijtimoiy mezonlarni kiritish;
- ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish maqsadlariga erishish uchun “yashil” vositalar va yondashuvlarni qo‘llash ustuvorligi;
- eng muhim tarmoqlarda raqobatbardoshlikni oshirish va ko‘rsatkichlarni yaxshilash, “yashil” ish o‘rinlarini yaratish, aholining farovonligini oshirish orqali mavjud makroiqtisodiy maqsadlarga erishish;
- resurslardan samarali foydalanish tadbirlarining investitsion jozibadorligini ta‘minlash.

Shu munosabat bilan iqlim o‘zgarishi masalalarini milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga integratsiya qilishga yo‘naltirilgan 2019 — 2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi tasdiqlandi. Ushbu Strategiyaga ko‘ra “yashil” iqtisodiyotni qo‘llab-quvvatlashning moliyaviy va nomoliyaviy mexanizmlarini ishlab chiqish maqsadida “yashil” investitsiyalarni qo‘llab-quvvatlash vazifasi belgilandi. Bunda quyidagi yo‘nalishlarni joriy etish belgilandi²⁴³:

- “yashil” kreditlash, venchur moliyalashtirish tizimini joriy etish;
- “yashil” fondlar, energiya tejamkorligi maxsus fondlari va boshqa xuddi shunday mexanizmlar yaratish;
- “yashil” iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha loyihalarni moliyalashtirishda xususiy sektorni faollashtirish, shuningdek, “yashil” investitsiyalarga nisbatan bank tizimini rag‘batlantirish;
- fiskal (xazinaga oid) siyosat orqali davlat tomonidan “yashil”

²⁴³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 — 2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risidagi PQ-4477-son qarori. 04.10.2019 y.

iqtisodiyotning barqaror o‘shini qo‘llab-quvvatlash.

Shuni alohida ta’kidlashimiz kerakki, aynan venchur kapitali va xususiy kapital milliy "yashil" iqtisodiyotning o‘shini moliyalashtirishda muhim rol o‘ynashi xorijiy davlatlar tajribalarida ko‘p kuzatilgan. Xususan, venchur biznesining vatani AQSh dagi Kremniy vodiysi bo‘lib, u yerda 1957 yilda birinchi marta tashkillashtirish yoki tuzilish bosqichida bo‘lgan va yangi istiqbolli texnologiyalarni yaratishga qaratilgan kichik hamda o‘rta firmalarni tavakkalli investitsiyalash uchun pul mablag‘larini to‘plash usuli qo‘llanilgan edi²⁴⁴. Venchur moliyalashtirish mexanizmi tufayli Kremniy vodiysida Kleiner Perkins Caufield & Vuers, Sequoia, MayField, GreyLock kabi mashhur firmalar paydo bo‘ldi²⁴⁵.

Butun dunyoda oxirgi 20-30 yilda kuzatilayotgan venchur investitsiyalashning tezkor rivojlanishi venchur kapitali bozorlarining keskin o‘shiga olib keldi²⁴⁶.

Mamlakatimizda ham O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tadbirkorlik va innovatsiya sohasida loyihalarni moliyalashtirish mexanizmlarini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi 2019-yil 24-noyabrdagi PF-5583-sonli Farmoniga muvofiq venchur moliyalashtirishni rivojlantirish maqsadida “Investitsion va boshqaruv kompaniyalar to‘g‘risida”gi Nizom loyihasi ishlab chiqildi va Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 17-maydagi 414-sonli Qarori bilan tasdiqlandi.

Shu bilan birgalikda Respublikada innovatsion g‘oyalar va startap-ekotizimni qo‘llab-quvvatlash, innovatsion infratuzilmani rivojlantirish jarayonini jadallashtirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “UzVC” milliy venchur fondi faoliyatini tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qaroriga muvofiq “UzVC” Milliy venchur fondi tashkil etildi hamda ustav kapitali 15 milliard so‘m miqdoridagi Fondning boshlang‘ich ustav kapitali 2020-yil O‘zbekiston Respublikasi byudjetidan O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligiga ajratilgan mablag‘lar hisobidan shakllantirildi. Hozirgi kunda mazkur «UzVC» milliy venchur fondi tomonidan mamlakatimizda venchur investitsiya bozorini rivojlantirish, venchur ekotizimining me'yoriy-huquqiy bazasini takomillashtirish, xususiy sektor va davlat o‘rtasidagi aloqa agenti sifatida ishlash, biznes inkubatsiya va akseleratsiya tizimini rivojlantirish, venchur moliyalashtirishda moliyaviy savodxonlikni oshirish kabilar borasida bir qator tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Xulosa sifatida aytadigan bo‘lsak, "yashil" iqtisodiy o‘shining roli va uni moliyalashtirishga yondashuvlar haqidagi qarashlarning evolyusiyasi natijasida bugungi kunda har bir mamlakat bu sohadagi barqaror rivojlanishni moliyalashtirish bo‘yicha o‘z strategiyasini ishlab chiqishi zarur bo‘lib, bunda moliyaviy resurslarning barcha manbalarini (davlat va xususiy) hisobga olinishi, shu jumladan noan’anaviy moliyalashtirish manbalarini faol jalb qilish maqsadga muvofiqdir.

²⁴⁴ Ашурова Н., Атамурадов Ш. "ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ", Экономика и финансы (Узбекистан), 1 (133), 2020. 143-151.

²⁴⁵ Lee, Chong Moon; Miller, William F.; Hancock, Marguerite Gong; Rowen, Henry S. The Silicon Valley Edge: A Habitat for Innovation and Entrepreneurship. 2000.

²⁴⁶ <https://investprofit.info/venture-world/> sayti ma’lumotlari.

**6-YO‘NALISH. «YASHIL» IQTISODIYOTGA O‘TISH VA UGLEROD
NEYTRALLIGIGA ERISHISH YANGI O‘ZBEKISTONNING STRATEGIK
MAQSADI SIFATIDA**

**ТЕОРИЯ НИЗКОУГЛЕРОДНОЕ РАЗВИТИЕ ЕГО
СОДЕРЖАНИЕ**

**А.Маматов, профессор Ташкентского государственного экономического
университета**

**А.Хуррамов, профессор Каршинского инженерно-экономического
института**

Термин «Низкоуглеродное развитие» появился в рамках Департамента Международного Развития Соединенного Королевства (СКДМР) для определения проектов по поддержке программ в области изменения климата в развивающихся странах в целях достижения низкоуглеродного роста. Европейский союз в 2008 году представил Инициативы в области низкоуглеродного развития в РКИК ООН. Низкоуглеродное развитие может быть достигнуто только путем устранения связи между экономическим ростом, выбросом углерода и экологической кривой. В процессе эволюции низкоуглеродного развития необходимо, чтобы темпы роста выбросов были ниже, чем темпы роста ВВП.

Низкоуглеродное развитие охватывает не менее семи родственных терминов: развитие совместимое с климатическими условиями, низкоуглеродная экономика, низкий уровень выбросов углерода, город с низким содержанием углерода, общество, заботящееся о чистоте окружающей среды и низкоуглеродной жизни, и все они расположены между изменением климата и развитием²⁴⁷.

По этому вопросу существуют две позиции, которые формально вытекают из четвертого оценочного доклада МГЭИК; в нем освещается спорный вопрос о том, какой подход является приоритетным: климат или развитие? Одна из позиций в отношении низко углеродного развития была высказана в докладе 2008 года, где раскрывается широкое видение низко углеродного развития, ориентированного на развитие. «Развитие может стать движущей силой для решения проблем климата»²⁴⁸. Эта концепция также называется «Общество, заботящееся о чистоте окружающей среды», исследования которого представляют устойчивость как неизбежный результат осуществления политики в области «технологических и организационных инноваций, международного и регионального сотрудничества, целевых технологических и инвестиционных потоков и работы по согласованию интересов заинтересованных сторон».

Меры для успешной работы общества, заботящегося о чистоте окружающей среды: (а) действия, следующие принципам устойчивого

²⁴⁷ OECD (2010): Low-Emission Development Strategies (LEDS): Technical, Institutional and Policy Lessons;

²⁴⁸ Этот подход к развитию впервые был поддержан Т. Морита и др. (2001): Greenhouse gas emission mitigation scenarios and implications. Climate Change 2001

Miqdoriy tahlilda investitsiyalar rentabelligi (ROI), kapitalning rentabelligi (ROE) va kapital qiymati kabi kapitaldan foydalanish samaradorligini baholash uchun moliyaviy ko'rsatkichlar va ko'rsatkichlardan foydalaniladi. Bu ishga tushirilgan kapital tomonidan yaratilgan qiymatni aniqlashga va yaxshilash uchun yo'nalishlarni aniqlashga yordam beradi. Bunda, arzon kapitalni muvaffaqiyatli jalb qilgan aksiyadorlik jamiyatlarining real misollarini ko'rib chiqiladi va ular qo'llagan strategiyalarni tahlili amalga oshiriladi.

Intervyu usulida kapitalni baholash va kapitalni jalb qilish strategiyalari bo'yicha bevosita tushunchalarni to'plash uchun moliyaviy ekspertlar, sanoat mutaxassislari va kompaniya rahbarlari bilan suhbatlar o'tkazing. Ularning istiqbollari miqdoriy tahlilni to'ldirish uchun qimmatli sifatli ma'lumotlarni taqdim etishi mumkin.

So'rovlarda aksiyadorlar, investorlar va boshqa manfaatdor tomonlarga kompaniyaning kapital qiymati va jozibadorligi haqidagi fikr-mulohazalarini to'plash uchun so'rovnomalarni tarqatiladi. Bu tashqi imkoniyatlarni tushinishga va yaxshilash uchun sohalarni aniqlashga yordam beradi.

Ushbu metodologiyalarni birlashtirish yordamida biz moliyaviy menejmentda kapitalning qiymatini har tomonlama tushunishimiz va aksiyadorlik jamiyatida arzon kapitalni jalb qilishning samarali strategiyalarini ishlab chiqishimiz mumkin.

Moliyaviy boshqaruvda kapital qiymatini aniqlash va aksiyadorlik jamiyati sharoitida arzon kapitalni jalb qilish imkoniyatlaridan samarali foydalanish, kapitalni baholash metodologiyasining ahamiyatini ta'kidlash zarur. Sof joriy qiymat (NPV), ichki daromad darajasi (IRR) va kapitalning o'rtacha og'irligi (WACC) kabi usullarni qo'llash orqali siz investitsiya qarorlari bilan bog'liq potentsial daromad

va xavflarni baholashingiz mumkin.

Moliyaviy menejmentda kapital qiymatini aniqlashda odatda bir nechta usullar qo'llanilishini hisobga olishimiz kerak, jumladan, sof joriy qiymat (NPV), ichki daromad darajasi (IRR) va kapitalning o'rtacha og'irligi (WACC). Keling, har bir usulning kuchli tomonlari va kuchsiz tomonlarini ko'rib chiqaylik:

1. Hozirgi sof qiymat (NPV):

- Kuchli tomonlari:

- NPV kelajakdagi pul oqimlarini hozirgi qiymatiga diskontlash orqali pulning vaqt qiymatini hisobga oladi.

- Bu investitsiya kompaniya qiymatini oshiradimi yoki yo'qligini aniq ko'rsatib beradi.

- NPV diskont stavkasi orqali kelajakdagi pul oqimlari bilan bog'liq riskni hisobga oladi.

- Kuchsiz tomonlari:

- NPV pul oqimining aniq prognozlariga tayanadi, bu esa taxmin qilish qiyin bo'lishi mumkin.

- Bu pul oqimlarini diskont stavkasi bo'yicha qayta investitsiya qilish mumkinligini taxmin qiladi, bu har doim ham real bo'lmasligi mumkin.

- NPV investitsiya hajmi yoki ko'lamini hisobga olmaydi, bu esa potentsial egri natijalarga olib keladi.

2. Ichki daromad darajasi (IRR):

- Kuchli tomonlari:

- IRR investitsiyalarning rentabelligini umumlashtiruvchi yagona daromad stavkasini taqdim etadi.

- Bu pulning vaqt qiymatini hisobga oladi va pul oqimlari vaqtini hisobga oladi.

- IRR turli investitsiya imkoniyatlarini solishtirish uchun foydalidir.

- Cheklovlar:

- IRR ba'zi loyihalar uchun bir nechta tariflarni keltirib chiqarishi mumkin, bu esa talqinni murakkablashtiradi.

- Bu pul oqimlari IRRda qayta investitsiya qilinishini taxmin qiladi, bu har doim ham amalga oshirilmasligi mumkin.

- IRR investitsiyalar ko'lamini yoki yaratilgan umumiy qiymatni hisobga olmaydi.

3. Kapitalning o'rtacha og'irligi (WACC):

- Kuchli tomonlari:

- WACC kompaniyaning kapital tuzilishining har tomonlama ko'rinishini ta'minlab, qarz va o'z mablag'larini moliyalashtirish xarajatlarini hisobga oladi.

- Bu kompaniyaning umumiy kapital qiymatini aks ettiradi va investitsiya imkoniyatlarini baholashda yordam beradi.

- WACC moliyaviy qarorlar qabul qilish va kapitalni byudjetlashtirishda keng qo'llaniladi.

- Kuchsiz tomonlari:

- WACCni hisoblash qarz qiymati, o'z kapitali qiymati va kompaniyaning kapital tuzilishining aniq hisob-kitoblarini talab qiladi.

- WACC vaqt o'tishi bilan kompaniyaning xavf profilidagi o'zgarishlarni hisobga olmasligi mumkin.

Bu kompaniyaning kapital tuzilmasi o'zgarimasligini taxmin qiladi, bu har doim ham shunday bo'lmisligi mumkin. NPV, IRR va WACC ning kuchli va cheklovlarini tushunish uchun moliyaviy menejerlar kapital va investitsiya imkoniyatlari qiymatini baholashda asosli qarorlar qabul qilishlari mumkin. Ammo, biz aksiyadorlik jamiyatlari uchun arzon kapitalni jalb qilish uchun moliyalashtirishni ta'minlash uchun turli imkoniyatlar va strategiyalarni o'rganish juda muhimdir. Qarzni moliyalashtirish, aksiyadorlik kapitali, venchur kapitali va boshqa moliyalashtirish manbalari diqqat bilan baholanishi kerak bo'lgan alohida afzalliklar va risklarni taqdim etadi. Masalan, qarzni moliyalashtirish kompaniyalarga qarz mablag'larini o'z mablag'larini moliyalashtirishga nisbatan arzonroq narxda ishlatishga imkon beradi, lekin u asosiy qarzni foizlar bilan birga to'lash majburiyatini ham o'z ichiga oladi. Boshqa tomondan, kapitalni moliyalashtirish kompaniyadagi egalik ulushlarini kapital evaziga sotishni o'z ichiga oladi, bu mavjud aksiyadorlarning egalik huquqini susaytirishi mumkin, ammo to'lovni talab qilmaydi. Venchur kapitali kapitalga qo'shimcha ravishda ko'pincha ekspertiza va yo'l-yo'riqlar bilan ta'minlaydigan kapital evaziga investorlardan moliyalashni taklif qiladi, lekin nazoratning muhim qismidan voz kechishni o'z ichiga olishi mumkin. Arzon kapitalni jalb qilishning har bir varianti bilan bog'liq xarajatlar va xavflarni tahlil qilib, siz kompaniyaning moliyaviy maqsadlari va o'sish rejalariga mos keladigan eng mos moliyalashtirish strategiyasini aniqlashimiz mumkin bo'ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, moliyaviy menejmentda kapitalning qiymati aksiyadorlik jamiyatining muvaffaqiyati va rivojlanishi uchun eng muhim hisoblanadi. Sarmoya qiymatini samarali aniqlash va arzon kapitalni jalb qilish imkoniyatlaridan foydalangan holda, kompaniyalar o'zlarining moliyaviy sog'lig'ini yaxshilashlari, aksiyadorlar qiymatini oshirishlari va strategik tashabbuslarni amalga oshirishlari mumkin. Kompaniyalar uchun kapital qiymati, xavf omillari, bozor sharoitlari va tartibga solish muhiti kabi turli omillarni hisobga olgan holda kompleks yondashuvni qo'llash juda muhimdir.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

К.Насурова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти PhD

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик тамойил-лари ва механизмлари асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқарув амалиётини мувофиқлаштириш жараён-ларига алоҳида устуворлик берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунини 3-моддасига мувофиқ; “давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асос-ланган

хамкорлиги”²⁶⁶ сифатида эътироф этилади.

Қонунчиликка асосан, таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклиги, умумий мақсадларга эришиш учун давлат таълим ташкилотлари ва бизнес тузилмаларининг ўзаро манфаатларга асосланган ҳамкорлиги сифатида ифодаланиб, Ўзбекистон Республикасида мазкур ҳамкорлик алоқалари “Таълим тўғрисида”ги ва “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунлари орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини давлат-хусусий шерикчилик асосида молиялаштириш тизими билан боғлиқ жараёнлар “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларида келтирилган бўлиб, қонунчиликнинг муайян тизимида мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлан-тиришда давлат-хусусий шериклигининг амалий аҳамияти келтириб ўтилган. Аммо, молиялаштириш тизими ва уни самарали амал қилиш механизми билан боғлиқ чора тадбирлар тизимига етарлича эътибор қаратилмаган.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим соҳасида давлатнинг функциялари ўзгарувчан аҳамият касб этиб, таълим хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солиш шакли ва механизми бозор муносабат-ларига мувофиқлаштирилади. Ушбу жараёнда таълим хизматлари бозорини тартибга солиш маъмурий усуллардан четлашиб, асосий устуворлик бозор механизмига нисбатан берилади.

Бозор муносабатларига мувофиқ давлатнинг таълим хизматлари фаолиятига аралашуви иккита асосий сабабга мувофиқ характерланади. Биринчидан, таълимга киритилаётган инвестициялар узоқ муддатли характерга эга бўлганлиги сабабли, давлат мудрофаа, хавфсизлик ва ижтимоий соҳалар учун кадрлар тайёрлаш жараёнини стратегик илмий-техник дастурлар орқали молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

Иккинчидан, давлат ўзининг ижтимоий функцияси орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламини; етимлар, кўп болали оилалар учун кафолатланган таълим хизматларини кўрсатиш орқали иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат ўртасида мувозанатликни сақлашга ҳаракат қилади. Давлатнинг таълим тизимини такомиллаштириш жараёнидаги асосий вазифаси жамиятнинг барча фуқаролари учун таълим олиш имкониятини таъминлашдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда тегишли самарадорликни ошириш мақсадида бозор муносабатларига асосланган таълим фаолиятини тегишли тартибда қўллаб-қувватлашга интилади. Мақтабгача таълим хизматлари бозорида давлат-хусусий шериклик тизимини қўллаб-қувватланиши ҳам таълим хизматларини ташкил этишнинг бозор муносабат-ларига тўла устуворлик берилиши англатади.

Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмини ривожлантириш жараёни қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

– ҳудудий даражада таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини

²⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни

такомиллаштириш орқали таълим хизматларининг ижтимоий самарадорлигини ошириш;

– мактабгача таълим хизматлари самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган инновацион технологияларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини синовдан ўтказиш;

– ҳудудлар кесимида мактабгача таълим ташкилотларини барпо этишга доир истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни кўп каналли молиялаштириш тизими орқали қўллаб-қувватлаш;

– мактабгача таълим тизимида табақалашга иш ҳақларини ташкил этиш орқали мутахассисларнинг касбий малакаси ва тайёргарлигини ошириб бориш.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик тизими мактабгача таълим соҳасида ижтимоий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий механизми сифатида таълим ташкилотлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги ўзаро интеграцион жараёнларни такомиллашуви учун хизмат қилмоқда. Умумий натижалар, таълим хизматлари бозорини ташкил этишнинг ишончли механизми шакллантиришга асос яратмоқда.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклигининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

– шартнома муносабатларнинг узоқ муддатли табиати;

– муайян натижага эришиш учун ресурсларни бирлаштиришдаги инновацион ҳамкорлик;

– давлат-хусусий шериклиги ўртасида масъулият ва риск даражасини самарали тақсимлаш ва бошқалар.

Мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шериклигининг шакллари хилма-хил бўлиб, уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин. (1-жадвал).

1-жадвал

Мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш шакллари²⁶⁷

Бошқарув функцияларини бажаришга қаратилган ДХШ шакллари	- консеция; - аутсорсинг; - таълим муассасасининг бошқарув функцияларини бошқарувчи компанияларга ўтказиш
Хусусий компаниялардан инвестицияларни жалб қилишга қаратилган ДХШ шакллари	- тижорат ташкилоти (давлат-хусусий шериклиги) ни ташкил этиш; - нотижорат ташкилотлари (хусусий мактабгача таълим)ни ташкил этиш; - оддий шериклик шартномасини тузиш (давлат ва хусусий сектор ўртасида); - ҳамкорлик шартномаси асосида мактабгача таълим ташкилотларининг мақсадли капитал фондини шакллантириш
ДХШда жамоатчилик иштироки шакллари	- васийлик кенгаши; - бошқарув кенгаши

²⁶⁷ Тадқиқот натижаларига мувофиқ муаллиф томонидан шакллантирилган

Мактабгача таълим тизимида ДХШнинг асосий фаолият шакллари куйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Васийлик кенгашлари ёки бошқарув кенгаши шаклидаги давлат-хусусий шериклиги. Унда хусусий сектор субъектларидан тегишли вакил иштирок этади.

ДХШнинг ушбу механизми, мактабгача таълим ташкилотини бошқаришга турли манфаатдор гуруҳлар - давлат, маҳаллий ҳудудлар, хайриячилар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари киритилади. Ижтимоий инвесторларга таълим ташкилоти томонидан узоқ муддатли молиялаштиришни амалга ошириш ҳисобига тегишли дастурлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар юклатилади.

2. Давлат органлари эксперт кенгашлари, ишчи гуруҳлари ва бошқалар давлат-хусусий шериклиги шаклидаги мактабгача таълим ташкилотларида жамоатчилик шаклидаги қарорларни қабул қилиш ва ижросини таъминлашда ўзаро ҳамкор ҳисобланадилар.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг жаҳон амалиётида ушбу механизм кенг тарқалган бўлиб, деярли барча маъмурият бирликларининг жамоатчилик кенгашлари ишчи гуруҳ аъзоларига ўзларининг эксперт сифатидаги тегишли маслаҳатларини бериб борадилар. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида ушбу механизмнинг кенг жорий этилиши жамоатчилик фикрига мувофиқ тегишли маблағларни мавжуд муаммога йўналтириш имкониятини беради.

3. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида биргаликдаги ҳаракатларни амалга ошириш, ҳамкорлик шартномасига асосланган давлат-хусусий шериклиги.

ДХШнинг ушбу шакли мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида энг оддий ва кенг тарқалган шакллардан бири ҳисобланиб, тегишли шартнома асосида томонларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари тақсим-ланади.

Мактабгача таълимда иштирок этишга асосланган давлат-хусусий шериклиги, устидан бошқарув органлари орқали давлат назоратини амалга ошириш имкониятини беради.

ДХШнинг ушбу шаклини амал қилиши механизми доирасида:

–мактабгача таълим инфратузилмасини шакллантиришни тизимли кўллаб-қувватлаш ва модернизация қилиш;

–мактабгача таълимда турли инновацион ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш;

–мактабгача таълим ташкилотларининг сифимини ошириш;

–таълим соҳасида кўчар ва кўчмас мулкни самарали бошқаришни таъминлаш жараёнларини мувофиқлаштириб боради²⁶⁸.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмлари орасида; нотижорат ташкилот, нотижорат шериклик, фонд кўринишидаги шакллари ҳам кенг тарқалган.

²⁶⁸ Мельник М. В. Государственно-частное партнерство в образовании // Известия Санкт-Петербургского университета экономики и финансов. 2011. № 3.

Нотижорат шериклик шаклида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилади. Аммо бошқарув жараёни доимий тартибда давлат назорати остида қолади. Бундай ташкилотларнинг фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан эмас, балки ўз фаолиятидан олинган даромадлар, шунингдек хусусий молиявий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилади.

БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ГЛОБАЛ ХАТАРЛАР

Н.Шарипова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, PhD

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда, авваламбор мамлакат иқтисодиётига глобал рисклар таъсирини ҳисобга олиш зарур. Қуйида ҳозирги пайтда турли мамлакатлар мисолида иқтисодиётда, банк тизими барқарорлигига хавф туғдириши мумкин бўлган глобал риск омилларини таҳлил қиламиз.

АҚШ банк тизими 2023 йил баҳорда, 2007-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозидан кейин биринчи марта банк тизимида нобарқарорликка юз келди, албатта, бу каби муаммолар Европа банк тизимида ҳам кузатилди. Турли банklar тўқнаш келган вазият жуда паст бўлган фоиз савкалари даврида молиявий институтларда яширин муаммолар йиғилганини исботлади. Шу билан биргаликда, инфляцион рисклар юқориликча қолганлиги, йирик масштабда фоиз рискларининг юзага келгани, кенг қамровдаги қарздорлар гуруҳида қарз юкининг юқорилиги сабабли кредит рискларининг ошиб кетиши кузатилди. Дунё иқтисодиётида юқори инфляциянинг узок давр мобайнида сақланиб қолиши жаҳон иқтисодиётини стагфляцияга олиб келиши мумкин.

Дунё иқтисодиётининг ўсиш даражаси пасайиб кетса, бу рецессия хавфини кучайтиради. Халқаро валюта фондининг маълумотлари бўйича дунё ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўсиши 2022 йилда 3,4%га, 2021 йилда 6,2%га секинлашган. ЯИМ ўсишининг сезиларли камайиши етакчи иқтисодиётга эга давлатлар, АҚШ, Европа ва Хитой иқтисодиётида кузатилган (1-жадвал). Иқтисодиёт ўсишининг секинлашуви пандемия сабабли юзага келган вазият, ундан кейинги геосиёсий омиллар занжирида инфляция даражасининг кескин ортиши билан изоҳланади.

2023 йил бошида Америка қўшма штатларида қатор регионал банklar (Silicon Valley Bank (SVB) ва First Republic Bank (FRB))нинг инқироzi глобал молиявий тизимнинг бундай ўзгарувчанликларга таъсирчан эканлигини исботлади. АҚШ банкларининг инқироzi қатор омиллар оқибатида юзага келган. Охирги ўнйилликда молия бозори иштирокчилари жуда паст фоиз ставкаларига ва етакчи марказий банklarнинг йўриқномалари (Forward Guidance) га асосланиб иш юритишган. Бу эса молия ташкилотларида фоиз рискни хеджирлашга етарлича аҳамият берилмаслиги ҳамда уларнинг балансида узок муддатли қарз қимматли қоғозларнинг ҳажми ортиб кетишига олиб келган. Натижада, Федерал резерв тизими фоиз ставкаларини ошириши

билан регионал банклар балансида бундай инструментларнинг салбий қайта баҳолаш қиймати яширин тарзда юзага келган.

1-жадвал

Жаҳоннинг турли мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси (фоизда)²⁶⁹

	2021 йил	2022 йил
Жаҳонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси	6,2	3,4
АҚШ	5,9	2,1
Буюк Британия	7,6	4,0
Евროзона мамлакатлари	5,3	3,5
Германия	2,6	1,8
Франция	6,8	2,6
Италия	6,7	3,7
Испания	5,5	5,5
Япония	2,1	1,1
Хитой	8,4	3,0
Ҳиндистон	8,7	6,8
Россия	4,7	-2,1
Бразилия	5,0	2,9
ЖАР	4,9	2,0
Мексика	4,7	3,1

Йирик банклардан фарқли равишда, регионал банкларнинг баланси регулятив капиталда ушбу қиймат (АҚШ омонатларни суғурталаш бўйича Федерал корпорацияси FDIC баҳолаши маълумотларига кўра, 2022 йил охирига 600 млрд. АҚШ долларида ортиқ қийматда) акс этирилмаган. Бундай ҳолатда SVB банк 2023 йил март ойида омонатларнинг кескин чиқиб кетиши ва активларининг қиймати тушиб кетганлиги натижасида юзага келган ликвидлик муаммосидан чиқиб кета олмади ва банкротликка учради.

Бундан ташқари, онлайн-банкнинг имкониятлари катта ҳажмдаги банк ўтказмаларини кичик вақт оралиғида бошқа банкка ўтказиш транзакцияларини амалга ошириш имконини яратганлиги, омонатчиларнинг маблағлари чиқиб кетишини тезлаштириб юборган. Бундай вазият катта ҳажмдаги талаб қилиб олинган депозитларни жалб қилишга асосланган банк моделлари ҳар доим ҳам ўзини оқламаслигини кўрсатди. Банклар молиявий барарорлигининг ёмонлашуви тўғрисидаги салбий ахборотлар фонида бошқа америка регионал банклари ҳам депозитларнинг кескин чиқиб кетиши муаммосига юз келдилар.

2023 йилнинг апрел ойи охири май ойининг бошларида FRB банк FDIC ташкилотининг бошқарувида ўтди, ва кейинчалик йирик банклардан J.P. Morgan Chase & Co. банки билан қўшиб юборилди. Шу билан биргалликда, Pacific Western, Bank Western Alliance, Valley National ва бошқа регионал банкларнинг акциялари нархи пасайишда давом этди. Шунингдек, мижозларнинг юқори концентрацияси вазиятни қийинлаштирди (Silicon Valley Bankнинг асосий депозитлари стартапларга тегишли бўлиб, Silvergate Bank ва Signature Bank мижозлари криптосаноат, First Republic Bank ипотека

²⁶⁹ Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида тайёрланди.

кредитларига ихтисослашган). Бундай вазиятдан келиб чиқиб, ханузгача банкларга ишонч муаммоси сақланиб қолмоқда.

Бу даврда Европада ҳам банкларнинг барқарорлиги хавфи ортди. Жаҳоннинг энг йирик банкларидан Credit Suisse банки охиригича икки йилда шу каби муаммога дуч келди. Глобал тизимли муҳим банкнинг банкротлигига йўл қўймаслик учун ушбу банкнинг бошқа швецария банки UBS билан қўшилиши бўйича қарор қабул қилинди. Credit Suisse банкининг инқирози бошқа европа банкларининг акциялари нархининг кескин тушиб кетишига олиб келди (қисман, Deutsche Bank). Шу билан, Credit Suisse банкнинг субординар қарзлари бўйича 17 млрд. франк ечилиши қўшимча ишончсизликларни келтириб чиқарган.

АҚШда 2023 йил март ойидаги стресс ҳолати билан биргаликда стейблкоинлар ва таъминланмаган криптовалюталар бозори турли йўналишдаги динамикани акс эттирди. SVB банк инқирозидан кейин USDC стейблкоин инвесторлари оммавий равишда ушбу активдан ресурсларини қайтиб ола бошладилар, ушбу стейблкоинни сўндириш ҳажми 16 мартга 3 млрд долларни ташкил қилган. Унга параллел равишда DAI, USDD, USDP стейблкоинларининг ҳам нархи пасайиб, инвесторлар бу каби активлардан маблағларини қайтиб олишига олиб келган. Аммо бу даврда таъминланмаган криптовалюталар (биткойн, эфириум) бозори нархлари қайта тикланган.

2023 йилгача Россия банки rischi юқори кредитлар берилишини чегаралаш ва буфер капитали йиғилиши учун макропруденциал устамани қўллаган. Натижада катта ҳажмда буфер капитали йиғилган ва пандемия ҳамда санкцион инқироз даврида банкларнинг капиталини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилган. Аммо rischi юқори кредитлаш ўсиши даражасига ушбу инструмент кам самарали таъсир кўрсатди. Кредитлашга устама билвосита таъсир қилиб, банкнинг rischi юқори сегментлар бўйича капиталга талабини оширади. Бу эса капитал захираси чегараланган банклар учун кредитлаш имкониятини камайтиради, бир вақтнинг ўзида, капитал йирик захирасига эга банклар rischi юқори кредитлар ҳажмини оширишда давом этишлари мумкин бўлди.

Ҳозирги пайтда глобал молия тизимида вазият нисбатан барқарор бўлсада, қуйидаги омиллар янги инқироз ҳолатларини юзага келтириши мумкин дея оламиз:

- Фоиз rischi янада кенг масштабда юзага келиши ва у нобанк секторни ҳам қамраб олиши эҳтимоли мавжуд. Нобанк ташкилотлар банкларга нисбатан, марказий банклар томонидан ликвидлиликни қўллаб-қувватлаш бўйича турли механизмларга мурожаат қилиш имкони кам бўлгани сабабли бундай тизимларда фоиз rischi сезиларли таъсир ўтказиши, бундай рискнинг занжир механизми бўйича бошқа суғурта ташкилотлари, пенсион фондлар, инвестицион фондларга таъсири тизимли рискни юзага келтириши мумкин;

- Кўчмас мулк бозорида салбий таъсирлар кузатилиши. Ипотека кредитлари фоизларининг ортиб бориши бундай уйларни қурувчилар харажатини ошириб, кўчмас мулк нархининг ортиши кузатилиши мумкин.

Ўзгарувчан стакадаги ипотека кредити бўйича муаммоли кредитлар улушининг ортиши, кейинчалик фоиз ставкаларининг ўсиши фонида банклар барқарорлиги учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин;

- Мижозларнинг қарз юки ортиши натижасида кредит рискининг ортиши. Халқаро Ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, “Йигирматалик гуруҳи” давлатларининг 2022 йил 1 октябр ҳолатига номолиявий компаниялар қарзи ЯИМнинг 93,3 фоизини, уй хўжаликлари учун ЯИМнинг 59,7 фоизини, давлат қарзи ЯИМнинг 86 фоизини ташкил қилган. Қарзларнинг катта қисми фоиз ставкалари нисбатан паст даврда шаклланган бўлиб, қайта молиялаш ставкасининг ортиши билан автомат равишда бундай кредитлар фоизи ҳам ортган ёки кредит шартномалари сузувчи фоиз ставкаси бўйича шакллантирилган. Бундай ҳолатда юқори қарз юки мавжуд давлатларда тизимли риск юзага келади ва бу банк тизими барқарорлиги учун муаммоларни яратади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, глобал иқтисодиётда юз берадиган турли салбий макроиқтисодий таъсирлар банк тизими барқарорлигига тегишли хавфларни келтириб чиқаради. Мамлакат банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлашда айнан юқоридаги каби салбий хатарлар сценарийларида стресс-тестларнинг амалга оширилиши ҳамда миллий иқтисодиётга салбий таъсирларнинг олдини олиниши банк тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Демченко, Л.В. Банковский надзор: модели и структурные особенности // Интеллект. Инновации. Инвестиции – 2016 - №11.
2. Обзор финансовой стабильности № 1 (22) • IV квартал 2022 – I квартал 2023 года - Центральный банк Российской Федерации, 2023.
3. Шарипова Н.Х. “Банк тизимининг ривожланиш тенденциялари асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш”, Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2023. ISSN: 2181-1016.
4. Перспективные направления развития банковского регулирования и надзора - Центральный банк Российской Федерации, 2022.

БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТНИ ЎРНИ

Н.Хасанхонова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Замонавий иқтисодий шароитда билим кўп жихатдан бошқарувнинг турли даражаларида иқтисодий тизимларнинг ривожланишини белгилайди. Бу ҳолат ривожлантиришнинг сиёсий мақсади – билимга асосланган иқтисодиётни куриш, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун Ўзбекистон танлаган курс ва бошқа кўплаб фактлар билан тасдиқланади. Билимларни шакллантириш жараёнлари хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи ва мамлакат иқтисодий ривожланишини рағбатлантирувчи энг муҳим омиллардир.

Бироқ, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва суръати, унинг хом ашёвий табиати, инқироз даврида кўплаб ишлаб чиқариш

корхоналарининг тугатилиши, умуман олганда иқтисодиётнинг пасайиши, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигининг заифлиги. Жаҳон ва ички бозорда ва бошқа бир қатор омиллар билим иқтисодиёти ривожланишига тўсқинлик қилувчи жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Янги турдаги иқтисодиёт ва иқтисодий тузилманинг шаклланиши муайян институционал ўзгаришларни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда номоддий соҳа иқтисодиётнинг рақобатбардошлигининг энг муҳим омилига айланадиган билим ва инновацияларга асосланган иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш муаммоси олдида турибди. Мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон ривожланишининг иқтисодий моделини тубдан ўзгартириш ва мамлакатни хом ашё экспорти иқтисодиётидан билимлардан фойдаланишга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўйди.

Инновацияларнинг асосий манбаи фирмалар бўлганлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида билимларни шакллантириш жараёнлари ва уларнинг институционал таркибий қисмини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Кўриб чиқиладиган ҳудудни зарур стандартлар билан таъминлаш уни тартибга солиш ва ривожлантиришга, билимларни ишлаб чиқаришнинг шаффофлигини оширишга, уни режалаштириш, мониторинг қилиш ва билимларни ишлаб чиқариш жараёнларини ўз вақтида оптималлаштириш учун шароит яратишга ёрдам беради.

20-аср давомида илмий, технологик ва инновацион тадқиқотлар фан ва технология сиёсатини шакллантириш учун ишлатиладиган концептуал асосларни ишлаб чиқди.

Давлат илмий-техник сиёсати ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, давлатнинг илмий ва илмий-техник фаолиятга муносабатини ифодалайди, у давлат органларининг фан, техника ва фан, техника соҳасидаги мақсадлари, йўналишлари, фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган фаолият шакллари белгилайди.

Юқори технологиялар халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам берувчи энг муҳим омил, “ривожланган иқтисодиёт” рамзи сифатида кўрилади. Мамлакатларнинг саноатнинг технологик даражасини баҳолаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини статистик ўлчаш тизими ишлаб чиқилган, сўнгра ушбу тизим жаҳон савдосидаги айрим давлатларнинг позициялари динамикасини таҳлил қилиш учун ишлатилган.

Миллий инновацион тизим - бу янги технологияларнинг ривожланиши ва тарқалишига биргаликда ва индивидуал равишда ҳисса қўшадиган ва ҳукуматлар инновацион жараёнларга таъсир қилиш сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган асосларни яратадиган турли институтлар тўпламидир. демак, бу янги технологияларни ишлаб чиқишни белгиловчи билим, кўникма ва воситаларни яратиш, сақлаш ва узатиш бўйича ўзаро боғланган институтлар тизимидир.

Миллий инновацион тизимлар бир-биридан тафсилоти жиҳатидан анча фарқ қилса-да, уларнинг умумий хусусиятлари ва фаолияти учун зарур бўлган

асосий тузилма мавжуд бўлиб, улар ўзаро таъсир қилувчи блоклар мажмуасини ўз ичига олади. Қоида тариқасида, бундай беш ёки олти блок мавжуд:

1. Билимларни шакллантириш блоки (университетлар, илмий институтлар ва бошқалар).

2. Технологияни узатиш блоки (биринчи блок вакиллари учун алоқаларни таъминлашга қодир бўлган ҳар хил турдаги воситачилар потенциал харидорлар билан).

3. Молиявий блок (банклар, венчур капитал компаниялари, давлат ва жамоат фондлари ва бошқалар).

4. Ишлаб чиқариш блоки (ишлаётган ва янги инновацион компаниялар).

5. Кадрлар тайёрлаш блоки (университетлар, шунингдек илмий кадрларни шакллантиришга йўналтирилган муассасалар, миллий муҳандислик мактаблари).

Билимлар иқтисодиёти мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш учун билимлар яратиладиган, тарқатиладиган ва фойдаланиладиган бутун тизимга айланмоқда. Бу ерда фақатгина давлатнинг билимлар иқтисодиётидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

GLOBAL VENCHUR MOLIYALASHTIRISH AMALIYOTINING TENDENSIYALARI

N.Tursunova, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi dotsenti

Bugungi kunda kapital bozorida korporativ sektor tomonidan moliyaviy resurslarni jalb qilish shakllari va usullarini takomillashtirish iqtisodiy ilm-fanni rivojlantirishning dolzarb masalalaridan biridir. Bu holat iqtisodiyotning globallashtirish jarayoni, milliy qimmatli qog‘ozlar va kredit bozorlarining jahon iqtisodiy hamjamiyatiga integratsiyalashuvi, kapital bozori va ushbu bozor institutlarini shakllantirish, rivojlantirish va zamon talablaridan kelib chiqqan holda o‘zgartirishni tavsiflovchi jarayonlar va tendensiyalarni aniqlash va tushunish zarurligini belgilovchi yangi moliyaviy vositalarni yaratish bilan bog‘liq.

Innovatsion tadqiqotlarni venchur moliyalashtirishning asosiy xususiyatlari va qator afzalliklari quyidagilar bilan izohlanadi:

- innovatsiya loyihasining dastlabki bosqichidan boshlab noaniqlik va risk darajasining yuqoriligi;

- venchur kapitali egalari foiz va ta‘minot shartlarini qo‘ymaydilar va uzoq muddatga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aksiyadorlik kapitaliga sarmoyalar kiritadilar;

- sarmoyalar yuqori ilmiy texnologik loyihalarga kiritilishi va daromadligiga qarab tarmoqlararo taqsimlanishi;


- venchur investorlar faqat mablag‘ ajratish bilan chegaralanib qolmaydilar, ular korxonada boshqaruvida faol qatnashib o‘z tajribalari, malakalari, biznes hamkorlari bilan yordam berib, kerakli imkoniyatlar yaratib, venchur kichik korxonasiga «ilm – ishlab chiqarish» jarayonidagi barcha sharoitlar yaratib beradi.

Venchur moliyalashtirish bo‘yicha xalqaro amaliyotni tahlil qiladigan bo‘lsak, Jahon venchur investitsiya bozorining hajmi 2023-yil oxirida 345,7 milliard dollarni

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

tashkil etdi, bu oʻtgan yilgi koʻrsatkichdan 35 foizga kam, aniqroq aytsak 531,4 milliard dollar. Buni PitchBook tahliliy kompaniyasining 2024-yil yanvar oyi boshida eʼlon qilingan maʼlumotlari tasdiqlaydi. Xalqaro moliyaviy ekspertlarning taʼkidlashicha, 2023-yilda venchur investitsiyalar hajmi 333,4 milliard dollarni tashkil etgan boʻlib ushbu koʻrsatkich, 2019-yildan beri eng past koʻrsatkich hisoblanadi. Investitsiyalardan tashqari, investitsiya operatsiyalari soni ham qisqargan boʻlib, agar 2022-yilda ularning soni 51 894 tani tashkil etgan boʻlsa, bir yildan keyingi koʻrsatkich - 37 809 yoki 27% ga pasayganligini taʼkidlash mumkin (1-rasm).

Shimoliy Amerika bozorida venchur kapital kompaniyalari 2023 yilda umumiy qiymati 170,6 milliard dollar boʻlgan 15 mingga yaqin investitsiya bitimlarini tuzdilar. 2023 yilda moliyalashtirish raundlari uchun oʻrtacha chek 2022 yilga nisbatan 30 foizga kamaydi. Amerika venchur fondlari sarmoyadorlardan 66,9 milliard dollar oldi, bu bir yil oldingiga nisbatan uchdan ikki baravar kam. AQSh kompaniyalaridagi venchur investitsiyalarning ustun ulushi bilan (2023 yilda, dastlabki maʼlumotlarga koʻra, ular 170,6 milliard dollarni tashkil etdi), ularning hajmi 2022 yilga nisbatan 29,6 foizga kamaydi. Bitimlar soni ham kamaydi: faqat tugallanganlar (13 608 ta) hisobga olinsa, pasayish 22,6 foizni tashkil etdi, shu jumladan kutilganlar (yana 2 158 ta) – 10,4 foiz.



1-rasm. Jahonda venchur moliyalashtirish xajmining dinamikasi²⁷⁰

Qoʻshma Shtatlardagi venchur fondlari tomonidan jalb qilingan mablagʻlar hajmi atigi 66,9 milliard dollarni tashkil etdi, bu 2022 yilga nisbatan deyarli 2,6 baravar kam. Umumiy tendentsiyadan istisno - bu Janubiy Amerika bozorida ishlaydigan venchur kapital firmalari. 2023-yilda ushbu mintaqadagi bitimlar hajmi 40 foizga oʻsdi va 2 milliard dollardan oshdi.

²⁷⁰ <https://hbr.org/1998/11/how-venture-capital-works>

Crunchbase ma'lumotlariga ko'ra, 2022-yilda 21,5 milliard dollar miqdoridagi kapital shakllantirilgandan so'ng, Web3 texnologiyalari bilan ishlaydigan startaplar 2023-yilda qariyb 7,8 milliard dollar daromad olgan. Shu bilan birga, sun'iy intellekt e'tibor markazida: 2023-yilda tegishli loyihalarga 50 milliard dollar investitsiyalar jalb qilingan, o'z navbatida ushbu ko'rsatkich o'tkan yilgiga nisbatan 9 foizga ko'pdir. Ushbu bozordagi eng katta mablag'lar OpenAI, Anthropic va Inflection AI-ga yo'naltirildi, ularning birgalikdagi shakllantirilgan mablag'lar hajmi 2023 yilda 18 milliard dollardan oshkanligini qayd etish mumkin. Mutaxassislar fikricha, 2023-yil startaplar tarixidagi eng yomon yillardan biri bo'ldi. Mutaxassislar ta'kidlashicha, butun venchur sanoati chuqur inqirozda: loyihalar investorlarni topmasdan bankrot bo'ladi va ular yo'qotishlarni ommaviy ravishda hisobdan chiqaradi hamda o'z mablag'lari va hamkorlariga zarur rentabellikni ta'minlay olmaydi. Venchur kapitaliga investitsiyalarning daromadlilikining pasayishi fondlar uchun yangi mablag'larni jalb qilishni qiyinlashtiradi, bu esa startaplarga potentsial investitsiyalar hajmini yanada cheklaydi. Bundan tashqari, 2024 yilda bozordagi vaziyat yomonlashishi mumkin. Financial Times kompaniyasining yetakchi ekspertlari tomonidan ta'kidlanganidek, venchur kapitalistlar uchun o'z sheriklari - institutsional investorlar faolligining pasayishi tufayli moliyalashtirishning yangi bosqichlarini o'tkazish tobora qiyinlashib bormoqda. Nashr kuzatuvchilari ta'kidlashicha, butun dunyo bo'ylab foiz stavkalarining oshishi IT sohasiga sarmoya kiritishni riskli va qimmatroq qilmoqda. Ularning ta'kidlashicha, bir qator yirik venchur fondlari, jumladan Insight Partners va Tiger Global investitsiyalarni jalb qilish rejalarini qisqartirgan, bu esa global venchur investitsiya bozoridagi vaziyat yomonlashayotganining qo'shimcha dalilidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Burxonov A.U., Xamdamov O.N. Moliyaviy menejment. Darslik. – T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” - 2020 y. 468 b.
2. Begmatova Sh.A. Innovatsion tadqiqotlarni venchur moliyalashtirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash//Iqtisod va moliya 2019, 9(129).
3. Скворцова В.А. и др. Венчурное финансирование: зарубежный опыт и российская практика//Промышленность: экономика, управление, технологии. Т. 1. № 1 (1). 2022.
4. Venture Capital Canadian Market Overview 2022 // CVCA. – URL: https://central.cvca.ca/wpcontent/uploads/2023/03/CVCA_EN_Canada_VC_2023_Final-Mar13.pdf.

DPI TEXNOLOGIYASI ASOSIDA BANKLARNING TARMOK ТРАФИГИНИ ФИЛТРЛАШ ТИЗИМИНИНГ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Н.Гиясова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий-
тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш
бўлими бош мутахассис**

Тармоқ маълумотларини текшириш ва таҳлил қилиш, трафикни таснифлаш усулларини солиштириш ва тармоқ сегмент-ларида контентни

тахлил қиливчи DPI модулларини қўллаш усул-ларини кўриб чиқиш асосий вазифалар доирасига киради.

Бундан ташқари, DPI технологияси ердамида тармоқ оқимларини бошқариш ва тармоқ характеристикаларини стабиллигини таминлаш масалалари атрофлича кўриб ўтилган.

Пакетларни классификация қилиш усулларининг энг самарадор алгоритминини аниқлаш ва унинг ишлаш тамойилларини кўриб чиқиш.


Маълумотлар узатиш тармоқ-ларини ривожлантириш, тармоқ характеристикаларини оптимал-лаштириш ва тармоқ хизматларини тезкор етказиб бериш инфоком-муникация соҳасида фаолият олиб борувчи провайдерлар учун кенг хажмдаги ишларни амалга оширишни талаб қилади, айниқса тармоқда кутилмаган талабларни кўядиган фойдаланувчилар истакларини қондириш каби вазифалар хар қандай (у хоҳ симли хоҳ симсиз маълумотлар узатиш тармоғи бўлсин) оператор учун катта қийинчиликлар туғдириши мумкин. Хозирги кунда фойдаланувчи учун яратилаётган барча тармоқ иловалари кенг контентда ва юқори сифатда етказиб берилиши талаби операторлардан кенг кўламдаги тармоқ элементларининг ва тизимларининг кўрсаткичларини мунтазам равишда ошириб бориш ва уларнинг индивидуал имконият-ларини босқичма-босқич ривожлан-тириш талаб этади.

Фойдаланувчининг нуқтаи назари билан қараладиган бўлса, Интернет хозирги кун харидори учун юқори тезликли, турли хизматлар билан бойитилган ва асосийси хар қандай вақт ва шароитда фойдаланишга тайер ҳолда турувчи мукамал платформа кўринишида аксланган бўлиши шарт десак хато бўлмайди. Маълумотлар узатиш тармоғи узок йиллик конвергенся жараенидан сўнг, барча умумий ва махсус йўналтирилган хизматларни ўзида мужассамлаган IP техноло-гиясига (айрим мамбааларда IP протоколи деб ҳам юрутилади) асосланган тармоқ кўринишига етиб келиб, ундан барча турдаги хизматларни етказиб бериш, шу жумладан реал вақт шароитида узатилиши кўзда тутилган аудио, видео, IPTV ва online games хизматларни фойдаланувчининг терминалигача етказиб бериш талаби кўплаб муаммолар хосил бўлишига олиб келмоқда. Муам-монинг ечимини кўплаб интернет провайдерлар маълумотлар узатиш тармоғининг тезлигини ошириш ва кўшимча имкониятга эга бўлиш учун тармоқ физик элементларини (асосан узатиш тизими, тармоқ линия тракти ва турли кўринишдаги кабеллар – коаксиал структурадаги, мис ўтказгичли ва оптик толали кабеллар назарда тутилмоқда) янгилаш йўллари билан ечишга интилишади.

Аслида тармоқ ресурс-ларини тўғри тақсимлаш “fair use” ва тармоқ трафикларини приоритет-ларга бўлиш “prioritization” каби тадбирлар ҳам юқорида зикр этилган муаммонинг яна бир муқобил ечими бўлиши ҳам мумкин. Шундай бўлсада, IP барчамиз учун сир эмаски юзлаб турдаги хизматлар жумладан – кунгил очар иловалар, таълим йўналишидаги интернет хизматлари, тўловлар ва масофадан хизмат кўрсатиш сервизлари, янги кўринишдаги “machine to machine application” иловалари ва хизмат-лари (соғлиқни сақлаш ва бемор муолажаси масофадан амалга оширувчи замонавий

хизмат), уй ва хонадон хавфсизлигини таъмин-ловчи хизматлар ва бошқа барча сервисларни узатиш тармоғини тадбиқини амалга оширувчи таянч технология бўлиб, тармоқ оператори барча турдаги иловалар ва хизматлар хақида чуқур маълумотларга эга бўлиши шарт ва шу орқали IP тармоқда юқори даражадаги ахборот хавфсизлигини ва тармоқ ресурсларини оптимал тақсимлаш имконига эга бўлишади. Албатта бу каби маълумотларни тармоқдан ажратиб олиш ва уни таҳлил қилиш, ананавий турдаги усуллар (порт бўйича хизматларни классификация қилишга асосланган) ердамида амалга ошириш кутилган аниқ ва етарли маълумотларни олиш имконини бермайди. Шунинг учун хозирги кунда кўплаб интернет сервис провайдерлари янги DPI (Deep Packet Inspection) технологиясига асосланган усуллар ва алгоритмлардан фойдаланишни авзал кўришмоқда.

DPI технологияси юқорида айтиб ўтилганидек “пекетларни чуқур текшириш” деган маънони берсада, аслида тармоқ муҳандислари унинг бошқа имкониятларини кенг қўллашни авзал кўришади ва улар ердамида тармоқнинг трафикини шакллантириш, тармоқ иловаларини чеклаш ёки контентни филтерлаш, фойдаланувчи контентини пакетли кўринишидан илова кўринишида акс эттириш ва SLA (Service Layer Agreement) да белгиланган хизматлар сифатини таъминлаш ва фойдаланувчи истагидаги хизматларни белгиланган сифат мейёрида етказиб бериш каби кўшимча имкониятлар, технологиянинг замонавий трафик таҳлили ва бошқаруви соҳасида бекиёс файдали жихатларини ошириб келмоқда.



Расм 1. DPI технологиясининг тармоқ сегментларида қўлланилиши

DPI технологиясига асосланган дастурий воситалар ва тармоқ элементларини тармоқнинг айнан қайси қисмига жойлаштириш масаласи кўплаб сервис провайдерларини мунтазам ўйлашга ундаши мумкин. Чунки тармоқда катта тезликда узатилаётган маълумотлар оқими устида маълум процесслар жумладан пакетни тутиш, пакет контентини текшириш, таҳлил

қилиш ва протоколлар наъмуналарига солиштириш (классификация усулининг энг кўп тарқалган кўриниши) вазифалари маълум миқдордаги вақт сарфини талаб қилади ва ушбу факт тармоқ характеристикаларига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Аслида DPI технологияси амалга оширувчи функциялар, тармоқлар аро экран қурулмасининг вазифаларини эслатсада, уни бутун тармоқ инфраструктурасида қўллаш ва DPI алгоритмлари ёрдамида тармоқда OSI моделининг барча еттита поғоналаридаги маълумотларни таҳлил қилиш учун катта хажмдаги ўзгаришларни амалга оширилишини талаб этилади. Шунинг учун ҳам DPI технологияси элементларини тармоқни транспорт ва кириш қисмлари чегарасидаги кириш тармоқ шлюзларига (access gateway or VPN gateway) жойлаштириш юқори самарадорликни таъминлаб бериши тажрибаларда ўз исботини топган.

SELECTION OF PERSPECTIVE PROJECTS AND THEIR MANAGEMENT IN OIL AND GAS INDUSTRY

G.Xolbayeva, Graduate student of Tashkent state university of economics

Abstract. The oil and gas industry plays a pivotal role in global energy supply, economic development, and geopolitical dynamics. As the industry faces increasing challenges and uncertainties, the strategic selection and effective management of projects become critical for sustained growth and competitiveness. This thesis investigates the multifaceted aspects of project selection and management in the oil and gas sector, aiming to provide insights that contribute to enhanced decision-making processes and project outcomes.

The literature review establishes a foundation by exploring existing theories, methodologies, and best practices in project management within the unique context of the oil and gas industry. This review encompasses economic, technical, environmental, and social criteria that influence project selection. Additionally, it investigates the industry-specific challenges, such as geopolitical risks, regulatory compliance, and the integration of emerging technologies. The thesis examines the criteria employed in project selection, emphasizing the need for a comprehensive approach that aligns with the industry's complexity.

Project management practices are scrutinized, considering methodologies such as the Project Management Institute's PMBOK and Agile. The analysis delves into the challenges unique to the oil and gas sector, including the dynamic nature of resource markets, regulatory uncertainties, and the necessity for adaptive management strategies. Case studies are employed to illustrate both successful and unsuccessful instances, extracting lessons learned and identifying best practices. Furthermore, the research explores the impact of emerging technologies on project selection and management in the oil and gas industry. From artificial intelligence to data analytics and digitalization, the study evaluates how these technologies enhance decision-making processes, optimize operations, and contribute to overall project success.

In conclusion, this thesis consolidates findings to provide actionable recommendations for improving project selection and management practices in the

oil and gas industry. By emphasizing the integration of sustainable practices and innovative technologies, the research aims to guide industry stakeholders towards a more resilient and adaptive approach to project development

Introduction.

The global energy landscape is undergoing a transformative shift, with the oil and gas industry remaining a cornerstone in meeting the ever-growing demand for energy. As this industry operates in an environment characterized by geopolitical complexities, technological advancements, and environmental considerations, the strategic selection and proficient management of projects have become imperative for sustained growth and resilience. This thesis endeavors to unravel the intricate dynamics of project selection and management within the context of the oil and gas sector, shedding light on the challenges, methodologies, and innovations that shape the trajectory of projects from conception to completion. Simultaneously, the rapid pace of technological advancements introduces a paradigm shift, fostering innovation and disruption in traditional operational paradigms. From advanced drilling technologies to the application of artificial intelligence in reservoir management, the oil and gas sector grapples with the imperative to integrate and leverage cutting-edge tools and methodologies. The symbiotic relationship between technology and the industry's future trajectory unfolds as a central theme, emphasizing the critical role of technological acumen in navigating the complexities of project selection and execution.

Problem statement:

The oil and gas industry, often regarded as the lifeblood of the global economy, continues to be a driving force behind industrialization, transportation, and economic development. However, the sector is confronted with an array of challenges, including fluctuating commodity prices, regulatory uncertainties, and the imperative to transition towards sustainable practices. In this volatile landscape, the effective identification and execution of prospective projects emerge as key determinants of success. Understanding the intricacies of project selection and management is essential to navigate these challenges and capitalize on opportunities for growth.

Aim & research objectives:

The aim is to distill knowledge that contributes to informed decision-making processes.

The primary objectives of this thesis are

- to conduct a comprehensive examination of the selection and management of projects within the oil and gas industry
- to analyze industry-specific criteria, and drawing insights from case studies
- to explore how emerging technologies are reshaping project dynamics, offering

a glimpse into the future of project management in this critical sector.

Research question:

The impetus behind this research lies in the recognition that project success in the oil and gas industry is contingent upon a nuanced understanding of the

multifaceted challenges and opportunities unique to the sector. By scrutinizing project selection criteria, management methodologies, and the integration of cutting-edge technologies, this study aspires to equip industry stakeholders with actionable insights.

Literature Review & Theoretical Framework:

The literature review begins by exploring established theories and methodologies in project management, emphasizing their relevance within the distinctive context of the oil and gas industry. Examining the works of scholars provides a foundational understanding of traditional project management principles. Furthermore, the review delves into contemporary project management frameworks to discern their applicability and effectiveness in the dynamic environment of the oil and gas sector.

Special attention is given to literature addressing project selection criteria. Economic viability, technical feasibility, environmental impact, and social considerations emerge as critical factors influencing the decision-making process in the industry. Additionally, risk assessment and mitigation strategies are explored, recognizing the unique challenges inherent in oil and gas projects.

Conceptual Framework:

The conceptual framework of this thesis is built upon the integration of project management theories, industry-specific criteria, and emerging technologies. It envisions a comprehensive approach to project selection and management that harmonizes economic, technical, environmental, and social dimensions. The framework incorporates adaptive project management strategies to navigate uncertainties and risks prevalent in the oil and gas sector. Furthermore, it acknowledges the transformative potential of emerging technologies such as artificial intelligence, data analytics, and digitalization in optimizing decision-making processes and enhancing overall project outcomes.

Novelty of the Research:

The novelty of this research lies in its comprehensive exploration of project selection and management practices in the oil and gas industry, considering both traditional and emerging perspectives. By synthesizing existing literature, analyzing industry-specific criteria, and examining the impact of cutting-edge technologies, this study aims to contribute fresh insights to the field. The integration of case studies illustrating both successes and failures adds a practical dimension, offering valuable lessons and best practices for industry stakeholders.

Limitations:

Acknowledging the scope and constraints of this research is crucial for maintaining transparency and scholarly rigor. Limitations include the evolving nature of the oil and gas industry, which may render certain findings subject to temporal relevance. Additionally, the study may not encompass the entirety of the industry's global diversity, as regional variations and specific project contexts could introduce further nuances not fully explored in this research.

Methodology:

The methodology employed in this research on the "Selection of Perspective

Projects and Their Management in the Oil and Gas Industry" is designed to provide a robust framework for gathering, analyzing, and interpreting data. The study incorporates both primary and secondary sources, utilizing a mixed-methods approach to ensure a comprehensive understanding of the complexities inherent in project selection and management within the oil and gas sector.

Data Collection:

Primary Data:

The collection of primary data involves the direct acquisition of information from individuals and entities actively involved in or affected by the oil and gas industry's project selection and management processes. The primary data collection methods include:

Ipotekabank ATIBda ipoteka kreditlash shartlari²⁸⁴

Maqsadi	birlamchi/ikkilamchi bozordan uy-joy sotib olish uchun
Mijoz (O‘zR fuqarosi bo‘lgan jismoniy shaxs)	doimiy daromadga ega bo‘lgan
Muddati	120 oydan 240 oygacha
Boshlang‘ich badal kamida	26%
Yillik foiz stavkasi	17,5%
Maksimal kredit miqdori	400 mln.so‘mgacha
Minimal kredit miqdori	50 mln.so‘m
Imtiyozli davri	imtiyozli davrsiz
Birgalikda qarz oluvchi	3 tagacha, qarzdor bilan bir joyda ro‘yxatdan o‘tib birga yashaydigan, qarzdorning yaqin qarindoshlari (uning ota-onasi, tug‘ushgan va o‘gay aka-ukalari va opa-singillari, eri (xotini), farzandlari, nevaralari)
Garovga qo‘yiladigan talab	125%
Majburiy ta‘minot	sotib olinayotgan uy-joy garovi
Yoshi (min./maks.)	21 yoshdan (kreditning yakuniy muddatida 70 yoshdan oshmagan) (mijoz/birgalikda qarz oluvchi)
Hayot sug‘urta	yoshi 63 yoshdan oshgan taqdirda, mijoz 63 yoshdan 70 yoshgacha hayot sug‘urta taqdim (sug‘urta to‘lovi mijoz 63 yoshga to‘lganda amalga oshiriladi) etishi lozim
Minimal ish staji	6 oy
Minimal daromad talabi	1 050 000 so‘m
Maksimal qarz yuki	<50%
Taqdim etiladigan hujjatlar	pasport (ID karta), oldi-sotdi shartnoma, ta‘minot va kadastr hujjatlari, baholash dalolatnomasi(ikkilamchi bozordan uy-joy sotib olish uchun), ESMS(ekologiya) chek-listi
Alohida shartlar	- mijoz (birgalikda qarz oluvchi)ning kreditga layoqatliligini aniqlash qarz yuki bo‘yicha va kredit tarixi bo‘yicha talablar inobatga olingan holda aniqlanadi; - ariza bilan murojaat etilganda mijoz, turmush o‘rtog‘i va birgalikda qarz oluvchilar nomida ipoteka krediti bo‘lmasligi

²⁸⁴ <https://www.ipotekabank.uz/uz/private/crediting/> - Ipotekabank ATIB sayti ma’lumotlari

	lozim; - qarz oluvchini (birgalikda qarz oluvchi) o‘rtacha oylik daromadi 15 mln.so‘mdan oshmasligi lozim; - kredit hisobiga xarid qilinayotgan uy-joy (xonadon) ustidan oxirgi 2 oy davomida notarial harakatlar amalga oshirilmagan bo‘lishi lozim (oldi-sotdi, meros, hadya va h.k.); - $\leq 74\%$ (kredit summasining garov summasiga nisbati); - ajratilgan kreditni kamida 35% qismi ayollar bo‘lishi lozim; - qarz yuki 50 foizdan ohsa kredit ajratilmaydi; - kreditning muddati kelgan qismini qarz oluvchining (birgalikda qarz oluvchilar) tijorat banklardagi bank kartasidan akseptsiz tartibda mablag‘lar yechib olinadi
--	---

Ipoteka kreditlash tizimi, bir tomondan, barqaror daromadga va past darajadagi jamg‘armalarga ega bo‘lgan fuqarolarning uy-joy sotib olishlari uchun imkoniyat yaratasa, ikkinchi tomondan, mablag‘larni maqsadli investitsiya qilish orqali qurilish sohasi va uy-joylar uchun zarur mahsulotlar ishlab chiqarishga mo‘ljallangan boshqa sanoat sohalari rivojlanishining poydevori bo‘lib xizmat qiladi. Uy-joyni kreditlash uy-joy sektori bilan bog‘liq boshqa barcha tarmoqlar (sohalar) rivojlanishining ham asosini yaratadi va iqtisodiyotning real sektorida qo‘shimcha ish o‘rinlarini yuzaga keltiradi. Uy-joyni ipoteka kreditlash hajmining o‘ssishi uy-joy sohasining rivojlanishini qo‘llab-quvvatlaydi va o‘z navbatida, uy-joy qurilishi hajmining kengayishi iqtisodiyotning uy-joy sohasi bilan bog‘liq boshqa tarmoqlarining ham rivojlanishiga turtki bo‘lib xizmat qiladi.

Ipoteka mamlakat bank tizimi amal qilishining barqarorligi va samaradorligini oshirish uchun ham katta ahamiyatga ega. Ko‘chmas mulk bilan ta‘minlangan kreditlar banklar uchun ko‘proq xavfsizroq, chunki kredit qaytarilmaganda bank garovni sotib, o‘z mablag‘larini qaytarib olish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Buning uchun, ko‘chmas mulkni to‘g‘ri baholash va rivojlangan ko‘chmas mulk bozori zarur. Ipoteka kreditlashda xatarning pasayishi shuningdek ssudaning maqsadli xarakterini qo‘llab-quvvatlaydi. Ko‘chmas mulk bilan bog‘liq operatsiyalar tijorat banklarining joriy kredit operatsiyalari bilan solishtirganda, kam xatarli bo‘lib hisoblanadi.

Uy-joyni ipoteka kreditlash shubhasiz bank faoliyatining istiqbolli yo‘nalishidir. Ipoteka banki nisbatan barqaror va rentabelli iqtisodiy institut bo‘lib hisoblanadi. Shuning uchun, bank tizimida bunday ishonchli banklar qanchalik ko‘p bo‘lsa, uning iqtisodiy tizimdagi faoliyati ham shunchalik barqaror va samarali bo‘ladi. Ipoteka banklari milliy darajada odatda assotsiatsiyalarga birlashadilar. Shuningdek, ipoteka banklari assotsiyatsiyalari doirasida ipoteka banklariga joylashtirilgan qo‘yilmalarni kafolatlovchi qo‘shimcha zaxiralarning yaratilishi bank tizimini yanada mustahkamlaydi.

Ipoteka kreditlash tizimining bank tizimi barqarorligiga ta‘sirining yana bir muhim tomoni mavjud. Bu garov xatlari bilan ta‘minlangan ssudalar ikkilamchi bozorining amal qilishi bilan bog‘liq bo‘lib, ushbu bozor kapitalning iqtisodiyotning eng rentabelli sohasiga ko‘chishini (bank kapitalining diversifikatsiyalanishini) qo‘llab-quvvatlaydi, shuningdek turli geografik hududlarda foiz stavkalari o‘rtasidagi farqni qisqartirib, mamlakat miqyosida kapitalning yagona narxi

shakllanishiga imkon beradi.

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA MOLIYAVIY BOSHQARUV MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Y.Mavlyanova, Toshkent Kimyo xalqaro universtiteti mustaqil izlanuvchisi

Keyingi yillarda jahon iqtisodiyotida ro‘y berayotgan turli ko‘rinishdagi inqirozlar korporativ tuzilmalar faoliyatida moliyaviy boshqaruv mexanizmini tashqi omillarga mos ravishda rivojlantirib borishni taqozo etmoqda. Mamlakatimiz aksiyadorlik jamiyatlarida faoliyatida ham korporativ boshqaruv mexanizmini bosqichma-bosqich rivojlanib borishi bevosita moliyaviy qarorlar qabul qilishda moliyaviy menejmentning zamonaviy konsepsiyalaridan foydalanish amaliyotini yo‘lga qo‘ymoqda. Aksiyadorlik jamiyatlarida risk-menejmentini tashkil etish moliyaviy menejmentning muhim yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, keyingi yillarda ushbu masalani takomillashtirishga alohida ahamiyat qaratilmoqda.

Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy menejment mexanizmini samarali tashkil etish va rivojlantirish korxonalar moliyaviy-xo‘jalik faoliyatiga ta’sir etuvchi barcha omillarni inobatga olgan holda ustuvor yo‘nalishlarni belgilash, istiqbolda strategik maqsadlarga og‘ishmay erishish kabilar ko‘p jihatdan moliyaviy menejmentning yoki korxonalar moliyasini boshqarishdagi mas’ul hodimlarning vazifalari va majburiyatlarini aniqlab olishni taqozo etadi. Hozirgi kunda korxonalar faoliyatini samarali boshqarishda moliyaviy menejerlar yoki korxonalar rahbarlari oldida turgan asosiy vazifalardan biri, korxonalarining joriy va strategik maqsad, vazifalarini aniq belgilash, tashqi muhitni taxlil qila olish, milliy va xalqaro iqtisodiyotda ro‘y berayotgan barcha o‘zgarishlardan kelib chiqqan holda tegishli xulosalarni shakllantirish hamda korxonalar faoliyatini tashqi iqtisodiy-ijtimoiy muhitga mos holda muvofiqlashtirib borish kabilar hisoblanadi. Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda bunday muhim vazifalarni amalga oshirish, bevosita moliyaviy menejmentni tashkil etish mexanizmini yanada takomillashtirish va mazkur sohadagi xorijiy davlatlarning tajribalaridan samarali foydalanishni taqozo etadi. Moliyaviy boshqaruv mexanizmi - korporativ moliyani boshqarish jarayonlarini tartibga soluvchi va amalga oshiruvchi asosiy elementlar tizimining majmui hisoblanadi.

Moliyaviy boshqaruv mexanizmi korxonani dastlabki tashkil etish davridan boshlab, ularni rivojlanish siklining barcha bosqichlarida moliyaviy boshqaruvning alohida jihatlari va prinsiplarini e’tiborga olgan holda qarorlar qabul qilish, uning samarali amalga oshirilishi, ijrosini ta’minlash hamda nazorat qilishni o‘z ichiga qamrab oladi. Moliyaviy boshqaruv mexanizmini tashkil etish murakkab jarayon va o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, bu jarayonda asosiy e’tibor talab qiladigan jihatlar qatoriga korxonaning tashkiliy-huquqiy shakli, tashkiliy tuzilmasi, ishlab chiqarish hajmi va ko‘lami, mulkchilik shakli, korxonalar rivojlanish siklining qay bosqichda ekanligi, faoliyat turlari kabilarni kiritishimiz mumkin. Albatta, xar bir korxonaning ma’lum xususiyatlaridan kelib chiqqan holda unda moliyaviy menejmentning o‘rni, roli va tashkil qilish shartlari o‘ziga mos holda farqlanadi. Korxonalarda moliyaviy menejment tizimi bevosita moliyaviy menejmentning

funksiyalari va amalga oshiradigan vazifalari, bajaradigan ishlariga bog‘liq holda tashkil qilinadi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy boshqaruv mexanizmini tashkil etilishi yoki kompaniya moliyaviy boshqaruvining tashkiliy tuzilishiga e‘tibor bersak, AQSh yoki Yevropa mamlakatlarida faoliyat yurituvchi aksariyat kompaniyalarda moliyaviy boshqaruvning tashkiliy tuzilishi ularning faoliyat turlaridan kelib chiqqan holda bo‘lim va bo‘linmalarga ajratilib, ularning aniq vazifa va majburiyatlari belgilab olinadi. Yirik va o‘rta korxonalarda odatda moliyaviy boshqaruvni amalga oshirish uchun bosh ijrochi direktor (*Chief executive officer - CEO*) va moliyaviy masalalar bo‘yicha vitse-prezident yoki moliyaviy menejer (*Chief Financial Officer - CFO*) tayinlanadi hamda tegishli bo‘lim va bo‘linmalar bevosita ularga bo‘ysunadi. Yirik kompaniyalarda moliyaviy faoliyat ikkita asosiy yo‘nalishga ajratilib, ularning birinchisini g‘aznachi (*moliyaviy boshqarma boshlig‘i - treasures*), ikkinchisini esa bosh buxgalter (*controller*) boshqaradi hamda ular bevosita moliyaviy menejerga bo‘ysinuvchi bo‘linmalar hisoblanadi.

Xalqaro amaliyotda yirik korxonalarda g‘aznachi va bosh buxgalterning ham alohida vazifalari va majburiyatlari belgilangan bo‘lib, ular bevosita o‘z faoliyat yo‘nalishlari, vakolatlari doirasida yuqori bo‘linmalarga boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun ma‘lumotlarni tayyorlaydi va taqdim etadilar. Zamonaviy boshqaruv sharoitida bosh moliyaviy menejer boshqaruvning yoki direktorlar kengashining a‘zosi xisoblanib, boshqaruv ierarxiyasida muhim o‘ringa ega. Bosh ijrochi direktor bilan birga moliyaviy menejer aksionerlar oldida teng javobgarlik va mas‘uliyatni o‘z zimmasiga oladi hamda biznesning egalari va investorlarga moliyaviy natijalar bo‘yicha hisobotlarni taqdim etadi. O‘z navbatida moliyaviy masalalar bo‘yi vitse-prezidentning nomzodini alohida tartibda direktorlar kengashi tomonidan tasdiqlanadi. Ushbu holat, uning bosh ijrochi direktordan mustaqilligini anglatib, o‘zining xatti-xarakatlari va amalga oshiradigan ishlari bo‘yicha aksionerlar oldida hisobot berishini izohlaydi.

Shuni ham ta‘kidlab o‘tish kerakki, moliyaviy menejment tizimi korxonalar umumiy boshqaruv tizimining asosiy bo‘g‘ini hisoblanadi. Korxonalarni boshqarishning aksariyat umumiy tamoyillari moliyaviy menejment tizimiga to‘g‘ri keladi, bunda asosan boshqaruvning quyidagi ikki muhim jihatlarini inobatga olish zarur: ierarxik va funksional. Halqaro va milliy amaliyotda korxonalar boshqaruv tizimini tashkil qilishning eng ko‘p ommalashgan usullaridan biri ham boshqaruvning ierarxik va funksional holatda amalga oshirilishi hisoblanadi. Korxonalarda boshqaruv markazlarini ierarxik holatda tashkil qilinishi, ularda boshqaruv tizimini turli pog‘onalarga ajratishni nazarda tutadi. Hozirgi kunda korxonalarda boshqaruv tizimi ikki yoki uch pog‘onali tizimga ajratilmoqda, bunda asosan birinchi pog‘onada korxonalarni butun boshqaruv faoliyatining apparati, keyingi pog‘onalarda esa uning alohida tarkibiy birliklarida boshqaruv tizimi tashkil qilinadi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy qarorlar qabul qilish nafaqat istiqboldagi strategiyalarni ishlab chiqish bilan bog‘liq masalalar balki joriy faoliyatni moliyaviy jihatlarini ham o‘z ichiga qamrab oladi. Moliyaviy qarorlar

qabul qilish aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy masalalar bo'yicha rahbar o'rinbosarlari yoki moliyaviy menejerlardan tashqi va ichki omillarni har tomonlama tahlil qila olish, moliyaviy resurslarni optimal joylashtirish, investitsion qarorlar va moliyaviy risklarni boshqarish bilan bog'liq sohalarda chuqur amaliy va nazariy ko'nikmalarni talab qiladi. Yuqorida ta'kidlab o'tkanimizdek, aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy qarorlar qabul qilishning amaliy va nazariy jihatlari keng qamrovli mavzulardan biri bo'lib, mazkur yo'nalishda ko'plab ilmiy maqola va tadqiqotlar olib borish jarayonida mazkur yo'nalishning muhim jihatlari yoritib boriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Burxonov A.U., Xamdamov O.N. Moliyaviy menejment. Darslik. – T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” - 2020 y. 468 b.
2. Elmurodov S. Yashirin iqtisodiyotni kamaytirishda moliyaviy mexanizmlarning iqtisodiy ahamiyati va o'rni //MOLIYA VA BANK ISHI. – 2022. – T. 8. – №. 3. – S. 160-165.
3. Hamdamov, O. N. Improving the system of financial management in enterprises: dis. Diss. Dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, 2018.
4. Epstein D., Maltzman R. Project Workflow Management: a Business Process Approach. Plantation: J. Ross Publishing. 2014 y.

MILLIY BOYLIKNING IQTISODIY O'SISHDAGI AHAMIYATI A.Shamuratova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi Ilmiy rahbar S.Abdulxalilova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti

Ushbu tezis mavzuisining dolzarbligi shundaki yildan yilga aholi sonining ko'payishi, kishilar ehtiyojlarining mutassil ortib borishi iqtisodiy O'sishni shart qilib qo'yuvchi asosiy sabablardandir. Iqtisodiy O'sish aholi turmush darajasini oshirishga, xalq farovonligini ta'minlashga xizmat qiladi. Milliy boylik har bir mamlakat xalqi hayoti va taraqqiyotida katta ahamiyatga ega bo'lib, umumiy hayot darajasini, mamlakatning salohiyatini ifodalaydigan juda muhim makroiqtisodiy va umumiy iqtisodiy ko'rsatkichdir. Iqtisodiy O'sish negizida iqtisodiyotdagi yetakchi tarmoqlarning rivojlanishi turadi. Iqtisodiy o'sish ishlab chiqarishning ilg'or tuzilmasiga, yuqori mehnat unumdorligi darajasiga, ichki va tashqi bozorda talab katta bo'lgan raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarishga, mahsulotni qulay bozorlarda sotishga tayanadi. Boshqacha aytganda, iqtisodiy O'sish mahsulot ishlab chiqarishning real hajmini muttasil ko'paytirib borish va ayni paytda jamiyat taraqqiyotida texnologik, iqtisodiy va ijtimoiy tavsiflarning yaxshilanib borishini anglatadi.

Iqtisodiy O'sishni aniqlash va hisoblashda mamlakat iqtisodiy taraqqiyotining eng umumiy ko'rsatkichi bo'lgan YAIM asos bo'lib xizmat qiladi va iqtisodiy o'sishning muayyan davr mobaynida real YAIM hajmining ijobiy tomonga o'zgarishini ko'rsatadi. Iqtisodiy o'sish sur'atlari YAIM o'sish sur'atlarida o'z aksini topadi. Iqtisodiy O'sish mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishining umumiy

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

holatini ifodalaydi. Real YAIM hajmining oʻzgarishi mamlakat iqtisodiyoti holati va dinamikasi toʻgʻrisida maʼlumot bersada, iqtisodiy Oʻsishni toʻliq aks ettirmaydi. Mamlakat aholisining Oʻsish surʼati 3% ni, real YAIM ning Oʻsish surʼati ham 3% ni tashkil etdi. Bunday holatda, garchi YAIM hajmi oʻsgan boʻlsada, kishilarning daromadlari oʻzgarmay qoladi. Shu sababli iqtisodiy Oʻsishni toʻlaroq aks ettirish uchun boshqa bir koʻrsatkich — aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan real YAIMning oʻzgarishi qoʻllaniladi. Real YAIM hajmining oʻzgarishi umuman mamlakat iqtisodiyotining muayyan davr oraligʻidagi rivojlanishini ifodalasa, aholi jon boshiga toʻgʻri keladigan real YAIM hajmining oʻzgarishi iqtisodiy rivojlanishga kishilar turmush darajasi orqali baho berishga xizmat qiladi. Mamlakat iqtisodiyotida yaratilgan YAIM ishlab chiqarish omillari — yer, kapital va mehnat resurslarining oʻzaro taʼsirida shakllanadi.




1-rasm. Iqtisodiyot va moliya vazirligi (Daryo.uz web sayti)

Yuqoridag diagrammada Oʻzbekistonning Yalpi ichki mahsulotni oʻsishini koʻrishimiz mumkin va bundan tashqari kelajakga qoʻyilgan maqsadlar va uni qay darajaga yetkazish toʻgrisida maʼlumotlar keltirib oʻtilgan.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

2021-2025 йилларда ИҚТИСОДИЁТ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТИ
ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ



2-rasm. Iqtisodiyot va Moliya vazirligi.(Daryo.uz web sayti)

Milliy boylikni hisoblashda kishilik jamiyati hayoti va taraqqiyotining moddiy asosi, birinchi, navbatda, moddiy tabiat ekanligini unutmagan holda, eng avvalo tabiiy boyliklar — yer, yer osti boyliklari, suvlar, oʻrmonlar va boshqalar aniq va toʻgʻri hisobga olinishi lozim. Soʻngra ular vositasida inson mehnati bilan ishlab chiqarilgan va jamgʻarilgan moddiy boyliklar toʻla-toʻkis hisobga kiritilishi kerak: 1) moddiy ishlab chiqarish sohasidagi moddiy fondlar; asosiy fondlar; moddiy aylanma vositalar; ularning rezervlari; 2) noishlab chiqarish sohasidagi moddiy fondlar; asosiy fondlar, shu jumladan, turar joy fondi; boshqa moddiy boyliklar; 3) aholi uy-roʻzgʻor xoʻjaligidagi uzoq muddatli foydalaniladigan moddiy neʼmatlar; 4) turli xil rezerv fondlar. Bu fondlarni yana ikki fondga boʻlish mumkin: 1) unumli (ishlab chiqarish) fondlari; 2) bevosita isteʼmolbop fondlar. Milliy boylikni mulkchilik shakllari boʻyicha tasniflashning ahamiyati katta. Shu bilan birga tabiiy boyliklarning va ishlab chiqariladigan, jamgʻarilgan boyliklarning har bir muayyan davrda kimlar egaligida va foydalanishida ekanligini hisobga olish ham muhim. Mamlakat, jamiyat Milliy boylikni uning faqat moddiy boyligidangina iborat emas. Uning maʼnaviy-madaniy va boshqa unsurlari ham bor. Mamlakat aholisi, uning mehnatga qobilliligi, akliy va jismoniy qobiliyatlari, xilma-xil koʻnikmalari aslida, insoniy nuqtai nazardan har qanday jamiyatning asosiy boyligidir. Shu sababli hozirgi davrda barcha mamlakatlar oʻz aholisini, uning maʼnaviyatini va madaniyatini saqlash va rivojlantirishga harakat qiladi; barcha moddiy (tabiiy va ishlab chiqarilgan) neʼmatlar, maʼnaviy neʼmatlar (ilm, fan, madaniyat, sanʼat boyliklari va boshqalar) insonga, kishilarga xizmat qilishi lozim. Iqtisodiy adabiyotlarda insonning ish kuchini, akliy va jismoniy qobiliyatlarini "insoniy kapital" deb atash ham bor.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi
2. M. Mamatov T. Jo‘rayev Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik T: “Milliy gvardiya” nashiryot-matbaa uyi 2019
3. Vikipediya.uz web sayti
4. Karimov I. A., O‘zbekiston XXI asr bo‘lag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari, T., 1997;
5. Smit A., Issledovaniye o prirode i prichinax bogatstva narodov, M., 1962;
6. Fisher S, Dorbush R., Shmalenzi R., Ekonomika, per. s angl., M., 1995.
7. Daryo.uz web sayti
8. O‘zbekiston Respublikasi Statistika qo‘mitasining rasmiy ma‘lumotlari

**ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ
БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

С. Райимназор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети PhD

Банк тизимида юз бераётган трансформацион жараёнлар биринчи навбатда чакана банк хизматлар соҳасида ўз ифодасини топмоқда. «Рақамли инновацияларга асосланган демарказлашган молиявий лойиҳалар (DeFi) ва смарт-контракт технологияларининг жорий этилиши, муқобил тўлов воситаси сифатида стейблкоиндан (stablecoin) фойдаланишнинг даражаси кенгайиши, рақамли активлар (Digital Asset), инвестицион токенлар (security tokens)га бўлган талабнинг ошиб бори, шунингдек, ривожланган мамлакатлар марказий банкларининг улгуржи ва чакана рақамли валюталарни (CBDC) муомалага чиқариш борасида фаол чора-тадбирларнинг амалга оширилиши чакана хизматлар соҳасини тубдан ўзгартириб бормоқда. Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан қайд этилишича: ...рақамли банклар ва онлайн платформалар тижорат банклари учун жиддий рақобатни юзага келтириб, рақамли инновацияларни жорий этиш ва харажатлар ҳажмини пасайтириш имкониятини кенгайтirmoқда. Анъанавий бизнес моделлари асосида фаолият юритувчи тижорат банклари жиддий муаммоларга дуч келишмоқда. Бундай ҳолат чакана миқозларга хизмат кўрсатиш соҳасида яққол намоён бўлмоқда»²⁸⁵.

Етакчи хорижий иқтисодчи олимлар ва нуфузли тадқиқот марказларининг илмий изланишларида рақамли трансформацияланиш жараёнида банклар, жумладан уларнинг чакана хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш муаммолари салмоқли ўрин эгаллаган. Тижорат банклари чакана банк хизматларини кўрсатишда банкларда инновацион бизнес моделларнинг жорий этилиши, рақамли технологиялар асосида таклиф этилаётган чакана маҳсулот ва хизматлар кўламини кенгайтириш, уларни диверсификация қилиш, операцион ва бозор рискларини камайтириш, киберхавфсизлик даражасини ошириш, марказий банкларнинг рақамли

²⁸⁵ Bech, M., C. Boar, D. Eidan, P. Haene, H. Holden, and W. Toh. 2022. “Using CBDCs across Borders: Lessons from Practical Experiments.” BIS Innovation Hub, Bank for International Settlements, Basel. <https://www.bis.org/publ/othp51.htm>

валюталарини муомалага киритиш, тақсимланган реестр технологиялари ва криптоактивлар борасидаги муаммолар, электрон пуллар ва хизмат токенларидан фойдаланиш ва бошқа чакана турдаги банк хизматларига доир масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Белгилаб олинган биринчи масала юзасидан шуни қайд этиш лозимки, чакана банк хизматларини тақдим этиш каналларини ривожлантириш масалалари маълум хусусиятлари ва йўналишлари кўплаб мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Хусусан, О.А.Попованинг “Платформалар концепцияси асосида инновацион экотизимни ривожлантириш жараёнларни бошқариш” номли илмий тадқиқот ишида²⁸⁶ хизмат кўрсатиш соҳасида янги бизнес-моделларни жорий этиш орқали иқтисодиёт соҳалари ва бозорларни трансформациялаш имкониятини кенгайтириши, платформалар алоҳида олинган компания доирасидан ташқарига чиқиши ҳисобига янги шаклдаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда рақобат афзалликларини яратиши, рақамли платформалар инновацион иқтисодиётни шакллантириш драйверига айланганлиги, шунингдек, платформаларнинг ўзи доимий ўзгаришда эканлигини қайд этиб ўтган. Шу билан бир қаторда, ишда мазкур соҳадаги асосий муаммолар технологик платформаларни такомиллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш, фаолият самарадорлигини ошириш билан боғлиқлик эканлиги эътироф этилган. Бундан ташқари, олима томонидан рақамли платформалар самарадорлигини баҳолашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган:

$$C_{рп} = (X_6 - X_n)N_n = [(T_6 + E_{норм}K_6) - (C_n + C_{меъёр} K_n)] N_n \quad (1.1.)$$

Бунда:

$C_{рп}$ – рақамли платформани жорий этишдан олинган иқтисодий самара;

X_6 – базавий технология асосида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат;

X_n – янги технологиялар асосида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат;

N_n – янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми;

T_6 – базавий вариантдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш тан-нархи;

T_n – янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот тан-нархи;

K_6 – базавий вариантдаги маҳсулот бирлиги учун капитал қуйилмалар;

K_n – янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун капитал қуйилмалар;

$C_{меъёр}$ – самарадорлик меъёри.

Олима томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар юзасидан шуни қайд этиш лозимки, банк фаолияти ва ундаги технологик компонентлар самарадорлиги биринчи навбатда, мижозларнинг талаби, қизиқишлари ва тўлов қобилиятига боғлиқ. Шу билан бир қаторда, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни шакллантириш тизимидаги камчиликлар

²⁸⁶ Попова О.А. Управление развитием инновационной экосистемы на основе платформенной концепции. Диссер. на соис. уч. степ. канд. экон. наук. Воронеж 2021.

инновацион экотизимлар фаолиятини барбод қилиши мумкинлиги олима эътиборидан четда қолган.

З.Т.Мамадияровнинг “Тижорат банкларида масофавий хизматларни ривожлантириш” номли диссертация ишида²⁸⁷ банк хизматларини масофавий банк хизматларининг самарадорлиги ошириш учун операцион харажатлар барқарорлигига эришиш, мижозларнинг қаноатланиши даражаси кўрсаткичини банк фаолиятига жорий этиш, банк инфратузилмасини молиялаштириш, рискларни бошқариш кредит амалиётини такомиллаштириш, мижозларга хизмат кўрсатишда махсус автоматлаштирилган режимни киритиш, банк филиалларида харажатларни камайтириш ва тўхтовсиз фаолиятни таъминлаш мақсадида 24/7 режимда ишловчи смартофисларни ташкил этиш, масофавий банк хизматлари оммабоплигини таъминлаш ва мижозлар сонини ошириш учун банк хизматлари бозорини таҳлил этишни кучайтириш борасида таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, илмий тадқиқот ишида масофавий банк хизматлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг кўп ядроли эконометрик модели ишлаб чиқилган. Мазкур моделда масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражасига кучли таъсир этувчи ҳамда ўзаро корреляцияга эга бўлган кўрсаткичлар сифатида масофавий банк хизматларини олиш имконияти, масофавий банк хизматлари тизимида шахсий маълумотлар хавфсизлиги, харажатларни камайтиришда масофавий банк хизматларининг салмоғи, интернет тармоғи тезлиги ва сифатининг масофавий банк хизматларини кўрсатишдаги аҳамияти кўрсаткичлари олинган. Амалга оширилган тадқиқотлар асосида масофавий банк хизматларини кўрсатишда содда ва осон бўлиши лозимлиги, аҳолининг ойлик тўловлари учун “Автотўлов” режимини жорий этиш таклиф этилган.

Фикримизча, олим ўз тадқиқотларида амалиётда кўплаб учраётган омиллар, яъни турли сабабларга кўра маълумотлар базасининг ишламай қолиши, кибертажовуз ҳолатлари, маслаҳат хизматларини кўрсатишдаги камчиликлар, аҳолининг тўлов қобиляти ва бошқаларни эътиборга олмаганлиги ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар сифатига салбий таъсир ўтказган.

Амалий манбалар таҳлили асосида, фикримизча, тижорат банкларида (рақамли банк сифатида позицияланаётган банклардан ташқари) банк чакана хизматларини кўрсатиш борасида мавжуд бўлган амалий муаммоларни, фикримизча, умумлаштирилган ҳолда 3 та йирик гуруҳга ажратиш мумкин: 1-гуруҳ муаммолари хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлса, 2-гуруҳ муаммолари ўз таркибига коммуникацион алоқа каналларидаги хато ва камчиликларни олади. 3-гуруҳ муаммолари киберфирибгарлик ва киберхужумлардан ҳимояланишга алоқадор.

Мазкур муаммоларни имкон қадар батафсил кўриб чиқишга ҳаракат

²⁸⁷ Мамадияров З.Т. “Тижорат банкларида масофавий хизматларни ривожлантириш”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент 2021.

киламиз. 1-гурухга алоқадор муаммолар юзасидан қўйидагиларни қайд этиш мумкин.

2021 йилда Business & Finance Consulting томонидан “Hamkorbank” АТБ, “Ипак йўли” АИТБ, Ўзсаноатқурилишбанк, Ўзмиллийбанк, “Агробанк” АТБ, Халқ банки, “Капиталбанк” АТБ, “Ипотекабанк” АТБ, Асакабанк ва Микрокредитбанк АТБ ходимлар, маҳсулот ва жараён кетма-кетлиги борасида ўтказилган тадқиқотлар банк хизматларини кўрсатиш жараёнида бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатиб берган.

Авваламбор, шуни қайд этиш лозимки, ушбу тадқиқотнинг асосий мезонлари сифатида: а) ходимлар бўйича умумий компетенция, миждознинг талабларини аниқлаш даражаси, сотиш ва хизмат кўрсатиш сифати, кросс-сотувларнинг мавжудлиги ва сифати, хизматларнинг ички банк стандартларига монандлиги; б) таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар ассортименти, таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг монандлиги; маҳсулот ва хизматларнинг шаффофлиги ва ўзгартириш имкониятининг борлиги, маҳсулот ва хизматлар пакети ва нобанк сервисларнинг мавжудлиги; в) хизмат кўрсатиш жараёни бўйича талаб этилаётган ҳужжатлар, гаров ва бошқа мажбуриятлар, хизмат кўрсатиш босқичлари, миждознинг хизмат кўрсатиш жараёнидаги иштироки даражаси; хизмат кўрсатишнинг давомийлиги каби омиллар олинган.

Business & Finance Consulting томонидан ўтказилган тадқиқотлари орқали қўйидаги муаммолар аниқланган:

- электрон навбатнинг мавжудлиги. Ўрганиш мақсадида ташриф буюрилган 34 банк филалларининг фақат 11 тасида электрон навбат фаолият юритган;

- 45 та банк филиалидаги миждозларни кутиб олиш (reception) хизматидан 32 таси ўз функционал вазифаларни тўлиқ бажарган;

- банк ходимларининг фақат 31 фоизи миждозга маслаҳат беришдан олдин ўзларини таништиришган, ҳар уч ҳолатдан иккитасида миждоз банк ходимининг исмини сўрагандан сўнггина жавоб олган. Банк ходимини таниш имкониятини берувчи қўшимча маълумотлар, таблица ва бэйджиклар 3/1 қисмида мавжуд бўлган;

- банк ходимларининг 39 фоизи миждознинг кимлигини сўрашган. Гарчи миждоз уларга нотаниш бўлса, маслаҳат ўртадан пастроқ даражада бўлган;

- банк ходимларининг фақат 2 фоизи миждоздан банк маҳсулотларини қайси манбалардан олганини сўраган, уларнинг 78 фоизи миждоз бошқа банкларнинг қандай турдаги маҳсулот ва хизматларидан фойдаланганлигига қизиқиш билдиришган;

- банк ходимларининг 32 фоизи ўзининг алоқа маълумотларини тақдим этишган. 14 фоиз ходим миждознинг алоқа маълумотларини сўраган ва уларнинг фақат 10 фоизи маълумотлар базасига киритилган. Хусусиятли жиҳатлардан бири миждознинг алоқа маълумотларини олган банк ходимларининг фақат 7 фоизи маслаҳат берилгандан сўнг миждоз билан боғланган;

- 11 та банкнинг 4 тасида мижозларга хизматлар пакетини (нокредит хусусиятдаги маҳсулот ва хизматлар) таклиф этиш йўлга қўйилмаган. Нокредит хусусиятига эга бўлган маҳсулот ва хизматлар пакети ҳисобварақлар очиш (21 фоиз) депозит хизматлари (14 фоиз), комплекс хизматлар (13 фоиз), банк карталари (6 фоиз), суғурта хизматлари (0 фоиз), ҳамкорликдаги дастурлар (2 фоиз) ва бошқа турдаги хизматлар (0 фоиз) иборат бўлган.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида йўл қўйилган камчиликлар ва келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар қуйидаги расмда акс этган (1-расмга қаралсин).

Банк хизматларини кўрсатишдаги камчиликларни юзага келтирган асосий омиллар

- Банк хизматлари сегментига мўлжалланган стандартларнинг мавжуд эмаслиги;
- Банк ходими ўз тажрибасидан келиб чиқиб, тегишли қарорлар "ҳақиқатда" қандай тартибда қабул қилиниши билади;
- Банк томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг алоҳида хусусиятлари юзасидан банк ходимларида тегишли тушунчалар йўқ;
- Бош офис билан келишмасдан туриб, қарор қабул қилиш имкониятининг чекланганлиги

Банк хизматларини кўрсатиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар юзага келтириши мумкин бўлган оқибатлар

- Банкнинг турли филиалларида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва шароитининг турли даражада бўлиши;
- Банкнинг муайян ҳудудлардаги рақобат позициясининг кучсизланиши;
- Мижозлар ўртасида банк брендининг ёмонлашуви;
- Потенциал мижозларнинг бир қисмидан маҳрум бўлиш

1 – расм. Банк хизматларини кўрсатиш борасида қузатилаётган камчиликлар ва юзага келтириши мумкин бўлган муаммолар

Қайд этилганидек, 2-гурух муаммолари банк чакана хизматларини кўрсатишда коммуникацион алоқа каналлари фаолиятига тегишлидир. Бугунги кунда тижорат банклари ҳамда рақамли банк сифатида позицияланаётган банклар фаолиятида мижозлар билан коммуникацион алоқа каналлари колл-марказлар ҳамда онлайн коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Колл-марказлар фаолиятининг илғор хориж тажрибаси у ёки бу мижоз билан алоқани ўрнатишда аниқ белгилаб берилган стандартлар асосида ишлашни тақозо этади. Айни пайтда колл-марказлар мижозлар билан мулоқот вақтини минималлаштирган ҳолда уларни мутахассислар билан уланиш имкониятини кенгайтиришлари лозим бўлади. Ўтказилган тадқиқотлар колл-марказлар фаолиятида қуйидаги муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

биринчидан, колл-марказ билан уланиш имконияти чекланган. У ёки бу сабабга кўра, колл-марказ ходимлари кирувчи қўнғироқларни қабул қилмаслик ҳолатлари кўплаб учрайди;

иккинчидан, колл-марказлар орқали етарли малакага эга бўлган ва мижозларнинг жорий муаммоларини ҳал қилиш ваколатига эга бўлган ходимлар билан уланиш имконияти кескин чекланган;

учинчидан, колл-марказларда фаолият юритувчи ходимлар махсус малака ва ваколатларга эга бўлмасдан туриб, мижозларни қизиқтирувчи масалалар бўйича маслаҳат беришга ҳаракат қилиш ҳолатлари кўплаб учрайди. Бунда олинган маслаҳат сифати ўртадан паст даражада баҳоланади.

Шу билан бир қаторда, коммуникация соҳасида сифат стандартларининг мавжуд эмаслиги, каналларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, колл-марказ ходимларини ўз даражасида маслаҳат беришлари билан бир қаторда, банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар рекламасининг ўтказилмаслиги, фронт офис (айниқса туманларда навбатларнинг катталиги) фаолиятини ташкил этишда колл-марказлар таъсири даражасининг пастлиги каби муаммолар банк фаолияти самарадорлигини пасайтириш ва ишончсизликни оширувчи омил бўлиб қолмоқда.

KORXONALAR TASHQI SAVDO FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISH **B.Qo‘rg‘onboyev, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi** **tinglovchisi**

Ilmiy rahbar: S.Omonov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti PhD

O‘zbekistonda iqtisodiyotning barqaror rivojlanishida investitsiya salohiyatini oshirish, iqtisodiyotning ustuvor soha va tarmoqlariga investitsiyalarni jalb qilish, investitsiya kiritish jarayonining raqobatbardosh eksportga mo‘ljallangan mahsulotlarni ishlab chiqarish, tashqi savdo hajmini oshirish kabilar muhim ahamiyatga ega.


Ta’kidlangan jihatlarni amalda samarali tashkil etishda davlat tomonidan tashqi savdoni qo‘llab-quvvatlash bilan bog‘liq bir qator islohotlar amalga oshirilishi maqsadga muvofiq. Shu sababli davlat tomonidan mamlakatimizda quyidagilar investitsiya va tashqi savdo sohasida boshqaruv tizimini takomillashtirishning muhim yo‘nalishlari sifatida belgilanganligini qayd etish lozim.

Raqobatbardosh eksportga mo‘ljallangan mahsulotlarni ishlab chiqarish maqsadida mahalliy va xorijiy tadbirkorlarga O‘zbekistonning ustuvor soha, tarmoq va hududlariga investitsiya kiritish uchun qulay investitsiya iqlimi va rag‘batlarni yaratish, shuningdek, har bir davlat organi tomonidan investitsiyalarni faol jalb qilish va savdoni rivojlantirishga ko‘maklashish borasidagi vazifalarning so‘zsiz bajarilishi, mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor vazifalarini hal qilish uchun davlat moliyaviy vositalari, xalqaro moliya institutlari va xorijiy hukumat moliya tashkilotlarining qarz resurslari va texnik ko‘maklashish vositalari (grantlari)dan foydalanish samaradorligini oshirishga imkon beruvchi markazlashgan investitsiyalarning boshqaruv tizimini yaratish, O‘zbekiston Respublikasining xalqaro nufuzini yaxshilash, mamlakatning iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarini jadal rivojlantirishni ta’minlash, ilg‘or texnologiyalarni transfer qilish uchun xorijiy, shu jumladan to‘g‘ridan to‘g‘ri investitsiyalarni keng jalb qilish, ishbilarmonlik va investitsiya iqlimini bosqichma-bosqich takomillashtirish,

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

respublikaning iqtisodiy manfaatlaridan kelib chiqqan holda davlat organlari va tadbirkorlik subyektlarining xorijiy investorlar, savdo bo‘yicha hamkorlar, xorijiy hukumat va xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro samarali aloqalarini ta‘minlash, barqaror iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash maqsadida optimal bojxona-tarif siyosatini amalga oshirish, Jahon savdo tashkilotiga integratsiyalash, boshqa ko‘p tomonlama savdo-iqtisodiy tizimlar bilan hamkorlik qilish, eksport qiluvchilarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, savdo, shu jumladan tashqi savdo infratuzilmasini, elektron tijorat tizimini bosqichma-bosqich rivojlantirish, mazkur sohadagi qonun hujjatlarini takomillashtirish, mahalliy tovarlar va xizmatlarning tashqi bozorlarga chiqishi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish, samarali transport yo‘laklarini shakllantirish, yetkazib berish geografiyasini diversifikatsiya qilish maqsadida zamonaviy logistika tarmoqlarini rivojlantirish, tashqi bozorlarda mahalliy tovarlarning raqobatbardoshligini oshirish uchun mahsulotni sifat jihatdan boshqarishning zamonaviy tizimlarini keng joriy qilishni hamda ularning xalqaro standartlar va texnik reglamentlar talablariga muvofiqligini ta‘minlash, savdoning barqaror o‘shishi va investitsiya siyosatini faollashtirishni ta‘minlovchi ilg‘or axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy qilish kabilar investitsiya va tashqi savdo sohasida boshqaruv tizimini takomillashtirishning muhim yo‘nalishlari sifatida qayd etilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoniga muvofiq tashqi savdoni tartibga solish mexanizmlarini takomillashtirish, mahalliy tadbirkorlik subyektlarining eksport faoliyatini har tomonlama qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish choralarini yanada kuchaytirish orqali yuqori qo‘shilgan qiymatga ega mahsulotlar eksportini kengaytirish maqsadida 2023-yil 1-aprelga qadar quyidagilarni amalga oshirish belgilangan(1-rasm).



1-rasm. Tashqi savdoni qo‘llab-quvvatlash maqsadida amalga oshiriladigan choralar²⁸⁸

²⁸⁸ O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Tashqi savdo operatsiyalarining yagona elektron axborot

Shuningdek 2022-yil 1-apreldan boshlab muvofiqlikni baholash organlarini xalqaro ILAC/IAF tashkilotlari a’zosi hisoblangan akkreditatsiya idorasi tomonidan akkreditatsiyadan o’tkazish bilan bog’liq xarajatlar Eksportni rag’batlantirish agentligi tomonidan qoplab berilishi, tadbirkorlik subyektlari tomonidan tovarlar (maxsus turdagi tovarlardan tashqari), ishlar va xizmatlar eksportini shartnoma tuzmasdan hisobvaraqa-fakturalar (invoyslar) asosida amalga oshirishda talab etiladigan oldindan to’lov miqdori 100 foizdan 50 foizga kamaytirilishi ham qayd etilgan.

Mamlakatdagi korxonalarda tashqi savdo faoliyatini kengaytirishda yuqoridagi jihatlarning belgilanishi korxonalarda eksport mahsulotlari ishlab chiqarishga rag’bat uyg’otadi hamda biznesni kengaytirishga yordam beradi.

**ЕР ИЖАРАСИ ХУҚУҚИ БОЗОРИ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИ
О.Абдуназаров, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта
ўқитувчиси**

Хар бир давлатда ерга бўлган мулкчилик шакли белгиланиб, кейинчалик шунга мувофиқ ер сиёсати муносабати ва ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш асослари ишлаб чиқилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай қилинмоқда, жумладан Республика Конституциясининг 55-моддасида «табiiй ресурслар, шу жумладан ер умумхалқ мулки» эканлиги белгилаб қўйилиши. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 16-моддасида «Ер давлат мулки» эканлиги қайд этилган. Бошқача айтганда, бугунги кунда мамлакатда ерга эгалик масаласи, яъни ҳукуматнинг амалдаги ер сиёсати тўла-тўқис давлат мулкчилигини сақлаб қолишга қаратилган. Шунга асосланган ҳолда мамлакатда ер сиёсати, яъни ер муносабатлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишдир. «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу давр талаби ва объектив реалликдир»¹. Ер билан биргаликда кўчмас мулк бозори иқтисодиётнинг зарурий компоненти бўлиб ҳисобланар экан, истиқболда қўйилган мақсадга эришиш учун ерга бўлган мулкчилик масаласини ислох қилиш талаб этилади.

Ўтиш даврида мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида бир қанча қарама- қаршилиқлар содир бўлмоқда, жумладан бир томондан бозор иқтисодиётининг келгусидаги ривожланиши ер муносабатларидаги мулкчилик масаласини кескин ислох қилишни талаб этса, иккинчи томондан эса ерни чайқовчилик объектига айлантириб, уни қишлоқ хўжалик иқтисодиётидаги ахамиятига путур етказиш хавфи ҳам мавжуд.

Шу билан биргаликда мамлакатнинг иқтисодий ислохотлар йўлидан олдинга силжиши нафақат одамларнинг бозорни мохияти ва мақсади ҳамда мулкий муносабатларга бўлган дунёқарашини ўзгартиради, балки

tizimidan umidsiz qarzdorliklarni hisobdan chiqarish tartibi to’g’risida”gi Nizomni tasdiqlash to’g’risida 216-son VM Qarori. 14.04.2021

¹ И.А.Каримов.Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-Том, 61-бет

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва пировард мақсадга янада яқинлаштиришга асос яратилади. Бу борада И.А.Каримов «Хусусий бизнесга янада кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бозорга иқтисодиётнинг бозор механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш лозим. Бунинг учун зарурий ҳуқуқий асосни, ташкилий, иқтисодий шароитни ва кафолатни яратиш керак»² деб таъкидлаган эди. «Биз кўп укладли иқтисодиёт ривожлантириш тарафдоримиз ва бунда хусусий мулкнинг кўлами ва салмоғи тобора ортиб бориши лозим. Бу муаммонинг қишлоқ хўжалигида хал этилиши, айнан дехқонда ернинг, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий эгаси хиссини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади»³ деб таъкидлаган.

Шундай қилиб, иқтисодий ислохотлар йўлида қанчалик илгарилаб, борган сари ер муносабатларининг ердан фойдаланиш соҳасида бозор механизмлари талабларига жавоб бериладиган тарзда ислох қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб бораверади. Шунинг учун «қишлоқ хўжалигида мулк шаклини ижобий самара берадиган асосда ўзгартириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ»⁴.

Ўз навбатида иқтисодий ислохотларни истиқболли ривожлантириш нуқтаи назаридан ердан фойдаланишнинг бозор механизмини яратиш имкониятларини ўрганиш зарурати туғилмоқда.

Ер давлат тасарруфида қолиши лозим. Чунки бу бебаҳо табиий бойлик ҳисобланган ернинг умумхалқ мулки бўлиб туришини кафолатлайди. Шу билан биргаликда, АСМда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлигини янада кўпроқ таъминлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан сама-рали фойдаланиш мақсадида истиқболда иқтисодий ислохотларнинг тегишли босқичларида мамлакатда ер ижараси (узоқ муддатли) ҳуқуқи бозорини ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бир қанча ривожланган давлатларда ер давлат мулки ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида унга ижара ҳуқуқи бозори ҳам мавжуд. Ерни бозор муносабатларига жалб қилиш муаммосининг бундай хал этилиши ўзининг қуйидаги ижобий томонларига эга:

-ер давлат мулки бўлиб қолади ва ундан давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун фойдаланиш зарур бўлиб қолган пайтларда давлат ижарачидан ижара ҳуқуқини сотиб олади ёки ўрнига бир хил қимматга эга бўлган бошқа ер участкасини беради:

-амалий жихатдан ижарачи ерга эгалик қилишда давлат билан шерик бўлиб қолади ва унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, сақлашга ва унинг сифатини оширишга манфаатдор бўлиб қолади;

-давлат чеклаш тизими орқали ердан фойдаланиш мақсадини ва

2 И.А.Каримов. Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқнинг эркинлиги ва фаровонлиги бизнинг олий мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-Том, 328-бет

3 И.А.Каримов. Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқнинг эркинлиги ва фаровонлиги бизнинг олий мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-Том, 229-бет

4 И.А.Каримов. Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқнинг эркинлиги ва фаровонлиги бизнинг олий мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-Том, 120-бет

тартибини мувофиқлаштиради ҳамда фақат қонунчилик томонидан рухсат берилган ҳуқуқлар доирасида битимлар тузишга йўл қўяди. Бу ер чайқовчилигини олдини олади;

-ердан фойдаланиш соҳасида бозор механизми юзага келади;

-ер ижараси ҳуқуқи бозорини юзага келиши ердан фойдаланиш соҳасида мавжуд бўлган «қора бозор»га барҳам беради ва ҳисобга олинмаётган маблағларни давлат бюджетига тушишига имкон яратилади;

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ерларига давлат мулкчилигини сақлаб қолган ҳолда унга ижара ҳуқуқи бозорини яратиш ерни бозор жараёнларига жалб қилиш имконини беради ва ижарачини давлат билан биргаликда ер участкасига эгалик қилишга шароит яратади. Шу билан биргаликда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни, ижарачи маблағи ва хорижий сармоялар ҳисобига тупроқ унумдорлигини такрор ишлаб чиқариш бўйича зарурий тадбирларни амалга оширишни, ерларнинг сифатини оширишни таъминлайди ва булар пировардида мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-Том, 61-бет
2. И.А.Каримов. Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқнинг эркинлиги ва фаровонлиги бизнинг олий мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-Том, 328-бет
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.

ҲИСОБ СИЁСАТИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Авлоқулов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори

Ҳисоб сиёсати мажбурий аудиторлик текширувининг объекти сифатида молиявий ҳисобот ишончилиги бўйича тузиладиган аудиторлик ҳисоботининг муаяйн таркибий қисми сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бундан ташқари «Махсус мақсадда тузилган молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари» номли 800-сон АХС талаблари асосида ҳисоб сиёсати аудитини ўтказиш алоҳида текширув объекти сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шунингдек, “Молиявий ахборотларнинг компиляцияси бўйича келишув” номли 4410-сон АХСга биноан ҳисоб сиёсатини тузиш ва унинг қонунийлигини текшириш турдош хизмат сифатида қаралиши мумкин.

Ҳисоб сиёсати аудитини ташкил этиш ва ўтказиш муаяйн ташкилий ва методологик масалаларни ҳал этишни талаб этади. Хусусан, ҳисоб сиёсати аудитидаги ташкилий жиҳатларга текшириладиган хўжалик юритувчи субъектда корпоратив бошқарувга масъул бўлган шахслар билан аудит ўтказиш қўлами ва чегараларини, текширувга сарфланадиган вақт ва меҳнат харажатлари ҳамда текширув ўтказиш учун бошқа шарт-шароитларни келишиш масалалари киради. Мазкур ташкилий жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш нафақат аудиторлик ташкилоти, балки текшириладиган субъект учун ҳам зарур ҳисобланади. Чунки ҳисоб сиёсати бўйича аудиторлик текширувлари сифатли ўтказилса ва аудиторлик хулосалари ҳаққоний

тузилса, мазкур субъект томонидан тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги ва шаффофлиги ошиб, ички ва ташқи фойдаланувчилар учун муҳим иқтисодий қарорлар қабул қилиш имконияти янада ошади.

Мажбурий аудиторлик текширувларида ҳам, турдош хизматларни кўрсатиш жараёнида ҳам ҳисоб сиёсати аудиторлик текширувининг асосий объекти бўлиши керак. Чунки ҳисоб сиёсатида келтирилган ҳар бир талаб ёки меъёр молиявий ҳисобот моддаларига бевесита таъсир кўрсатади. Агарда ҳисоб сиёсати изчиллиги ва қонунийлиги таъминланмаса, унинг самарадорлиги пасаяди ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг нотўғри шаклланишига олиб келади. Шу боисдан ҳам аудиторлик текширувини режалаштириш босқичида аудит умумий режаси ва дастурини тузишда ҳисоб сиёсатига оид барча жиҳатлар молиявий ҳисобот элементлари кесимида муаяйн кетма-кетликда ўз аксини топиши шарт.

Юқорида санаб ўтилган усулларни қўллаш асосида ҳисоб сиёсати аудитини ўтказишнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд деган фикрга келинди:

ҳисоб сиёсати текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботни тузиш учун асосий ҳужжат эканлиги боис мазкур ҳужжатни ҳар қандай аудиторлик текширувининг умумий режаси ва дастурининг дастлабки элементи сифатида қараш зарур;

ҳисоб сиёсати аудитини ўтказишда аудитор нафақат унинг мамлакатда амал қилиб турган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, балки хўжалик юритувчи субъект тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ички идоравий ҳужжатлар талабларини ҳам инобатга олиши шарт;

ҳисоб сиёсати аудитида тармоқ хусусиятлари ва махсус режим (эркин иқтисодий зона) шароитлари талаблари ҳам аудиторлик ташкилоти томонидан баҳоланиши керак;

аудиторлик текширувларида иқтисодий фаолият турлари ҳам атрофлича кўриб чиқилиши шарт. Одатда, субъект фаолияти операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятга бўлинади. Ҳисоб сиёсати аудитида ҳам молиявий ҳисобот элементлари бўйича белгиланган талабларнинг мазкур фаолият турларига таъсири ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳисоб сиёсати аудитида турли методологик ёндашувлар мавжуд бўлиб, аудиторлик текширувларида улардан қайси бирининг ва қайси вазиятда қўлланилиши аудиторнинг билими, малакаси ва профессионал мушоҳадасига бевесита боғлиқдир. Мазкур жиҳатлар ҳисоб сиёсати аудитини тизимли ва тўғри ташкил этиш имкониятини яратади.

О ТРАНСФОРМАЦИИ НЕОПРЕДЕЛЕННОСТИ В РИСК: ГЕНЕЗИС ПОДХОДОВ

Т.Баймуратов, кандидат экономических наук, профессор

В современной экономике категория «риск» используется широко, однако оно многомерно и неоднозначно. Поэтому достаточно много

публикаций, посвященных рискам, связанным со спецификой экономической деятельности: бюджетной, банковской, налоговой, предпринимательской, аграрной, внешнеэкономической и т. п.

Имеются также обзоры, посвященные дефиниции риска и в других отраслях науки²⁸⁹. Тем не менее недостаточно исследована задача формирования дефиниции риска как синтетической категории в экономических системах.

В частности, А.Х.Уиллет²⁹⁰ определяет риск как «объективный коррелят субъективной неопределённости», который варьируется в соответствии с теоретической вероятностью убытков так, что максимум достигается, когда вероятность данного события равна вероятности его отсутствия.

Проблема преодоления неопределённости, представления и количественного расчёта риска неминуемо обобщается до встречи «трёх источников, трёх составных частей» тестирования непредсказуемости в экономике - это циклы, прогнозы и риски. Современная экономика формируется на основе взаимодействия трех, основных составляющих (банки - реальный сектор экономики - образовательная сфера)²⁹¹.

Неопределенность, с одной стороны, таит в себе риск, а с другой, открывает возможности, поэтому она может привести как к снижению, так и к увеличению стоимости. Все субъекты экономики сталкиваются с неопределенностью, и задачей руководства является принятие решения об уровне неопределенности, с которым организация готова смириться, стремясь увеличить стоимость для заинтересованных сторон.

В основе проблем неопределённости и риска в экономике²⁹² и в экономической теории лежит присущая данному процессу целенаправленная устремлённость в будущее, т.е. способы уменьшения степени неопределенности и увеличения адекватности его прогнозирования.

Под неопределенностью понимается принципиальная невозможность определения степени вероятности наступления (или не наступления) некоторого события. В этом контексте риски существуют только потому, что мы не знаем точно и уверенно о наступлении тех или иных экономических событий, не можем их предвидеть.

В этом контексте природа неопределённости формируется под воздействием следующих факторов:

- временная неопределённость обусловлена тем, что невозможно с точностью до 1 предсказать значение того или иного фактора в будущем;
- неизвестность точных значений параметров рыночной системы можно охарактеризовать как неопределённость рыночной конъюнктуры;

²⁸⁹ Слободян, А. С., Бахтеев, А. В. Исследование подходов к дефиниции риска как научной категории // Теоретические и прикладные аспекты современной науки. – 2015. – № 8–6. – С. 173–176.

²⁹⁰ Протасовицкий С. П. Понятие и юридическая природа риска // журнал «Юридические исследования», № 09, 2017, 60-73.; Воронцовский, А. В. Управление рисками: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. /А. В. Воронцовский. - М.: Издательство Юрайт, 2019. - 414 с.

²⁹¹Зеленцова Л.С. Три источника и три составных части экономического развития России. // Экономика: проблемы, решения и перспективы. Вестник Университета № 9, 2015. С. 318.

²⁹²Мадера А.Г. Риски и шансы: неопределенность, прогнозирование и оценка. - М.: УРСС, 2014. - 448 с.

– непредсказуемость поведения субъектов в ситуации конфликта интересов также порождает неопределённость и т.д.

Сочетание этих факторов на практике создаёт обширный спектр различных видов неопределённости. Поскольку неопределённость выступает источником риска, её следует минимизировать, посредством приобретения информации, в идеальном случае, стараясь свести неопределённость к нулю за счёт получения качественной, достоверной, исчерпывающей информации.

Рассматривая категорию «риск» с классических позиций, важно осознавать различие понятий «риск» и «ущерб». Если риском является только возможное отрицательное отклонение, то ущербом - фактическое отклонение. Через полученный ущерб реализуется риск, приобретая свое конкретное и реальное выражение.

Первым шагом в решении такой задачи является формирование имеющегося множества подходов к определению риска в экономике.

Теоретически риск должен означать некое количество, доступное измерению. Категория «риск» ещё в 20^{-х} годах XX века один из основоположников рискологии Ф.Х. Найт трактовал как «измеримая неопределённость» или «страхуемая неопределённость»²⁹³. В противовес этому термин «риск», вольно употребляемый в повседневной речи и в экономических дискуссиях - это по Найту «неизмеримая неопределённость», некая возможность сказать что-то о неблагоприятности события, влекущего возникновение экономических потерь. Так, точное измерение риска может быть достигнуто скорее в, искусственно сконструированных системах. Причем свойство «измеримости» имплицитно заложено в эти системы еще при их проектировании. В то время как в системах, которые складывались под субъективным влиянием, но не в результате их осознанного конструирования, точная оценка риска принципиально невозможна, даже при наличии достаточной статистической базы, поскольку последняя дает представление о установленных тенденциях, которые могут и не воспроизводиться в будущем.

Первым шагом в решении такой задачи является формирование имеющегося множества подходов к природе риска в экономике. В этом контексте риск – это комбинация вероятности события и его последствий (ISO Guide 73:2009)²⁹⁴. Любые действия приводят к событиям и последствиям, которые могут представлять собой как потенциальные «положительные» возможности, так и «опасности» для субъекта экономики.

Природа риска в последнее время часто обсуждается в контексте устойчивого развития. Исследуя этот процесс, необходимо уметь идентифицировать и оценивать соответствующие риски. В некоторых ситуациях риск обусловлен возможностью отклонения от ожидаемого результата или события.

Известны следующие три подхода к исследованию генезиса природы риска (рис.-1):

²⁹³ Knight F.H. Risk, Uncertainty and Profit. - М.: Publishing House «Business», 2003. - 360 p.

²⁹⁴ <https://www.iso.org/standard/44651.html>

– объективный подход связан с реально происходящими в деятельности субъектов явлениями и процессами, существующими независимо от сознания и воли субъекта. Так как многие процессы носят характер объективных закономерностей, влияния которых сложно избежать, невозможно отменить и ситуации риска.




Рис.1. Обзор подходов к исследованию природы риска²⁹⁵.

– субъективный подход, достаточно широко распространен и по мнению сторонников данной позиции, риск всегда предполагает возможность выбора определенных альтернативных вариантов управленческих решений и необходимость расчета вероятностей их осуществления. Кроме того, в силу различных психологических установок, ориентиров и стереотипов субъекты по-разному воспринимают одну и ту же величину риска. В этом проявляется его субъективная сторона;

– смешанный, или объективно-субъективный, подход соединяет в себе противоположные позиции. Осознание наличия в риске двух его начал позволяет выбирать более эффективные методы и приемы, оптимизирующие на практике процессы принятия решений в условиях неопределенности и риска.

Как уже говорилось выше, с субъективной точки зрения одни и те же ситуации могут считаться рискованными или нет, поэтому важно различать понятия «риск» и «отношение к риску». Субъект, столкнувшийся с «ситуацией риска», принимает решение и делает выбор из нескольких альтернативных вариантов поведения. Это и принято называть «осознанием риска», «готовностью к риску», «принятие риска», «восприятие риска» и др.

Официальное издание – государственный стандарт – трактует понятие риска обобщенно: как «следствие влияния неопределенности на достижение поставленных целей». Указанное определение согласовано с стандартом ISO.

²⁹⁵ Рисунок составлен автором на основе синтеза ряда публикаций, посвященных рискам, связанным со спецификой экономической деятельности, например, Кравцов, В. Б., Синявская, Т. Г. Генезис понятия риска в экономических системах: новый подход к дефиниции // Вестник Ростовского государственного экономического университета (РИНХ). - 2010. - № 30. - С. 33–39 и др.

Многочисленные международные стандарты определяют риск по-разному. Так, например, в стандарте Федерации европейских ассоциаций риск-менеджеров FERMA указано, что «риск - это комбинация вероятности события и его последствий»²⁹⁶.

Другой стандарт американского комитета организаций спонсоров комиссии Тредвея – COSO содержит дефиницию риска как «угрозы того, что некое событие или действие негативно повлияет на способность организации успешно достичь своих целей или реализовать свои стратегии»²⁹⁷.

Обобщая, представим авторское определение риска: «риск – изменение экономического эффекта, связанное с вероятной реализацией определенного состояния системы, иного по сравнению с целевым».

Существование неопределенности и риска – неотъемлемый компонент любой экономической деятельности, поэтому можно констатировать факт о том, что производственная деятельность осуществляется в условиях риска, и сложно переоценить значение управления рисками, что является скорее осознанной необходимостью, чем просто функцией системы управления в целом.

Управление рисками позволяет руководству эффективно действовать в условиях неопределенности и связанных с ней рисков и использовать возможности, увеличивая потенциал для роста стоимости компании. Исходя из этого обобщая, представим собственное определение риска: «риск – изменение ожидаемого экономического эффекта, связанное с вероятной реализацией определенного состояния системы, иного по сравнению с целевым».

Таким образом, можно прийти к выводу, что можно произвести лишь приблизительную оценку рисков, и в этом смысле граница между риском и неопределенностью носит весьма условный характер. Развивая эту логику, можно утверждать, что первоочередной задачей аналитика, является не оценка некоего риска, как такового, а трансформация неопределенности в риски.

Список использованной литературы

1. Слободян, А. С., Бахтеев, А. В. Исследование подходов к дефиниции риска как научной категории // Теоретические и прикладные аспекты современной науки. – 2015. – № 8–6. – С. 173–176.
2. Протасовицкий С. П. Понятие и юридическая природа риска//журнал «Юридические исследования», № 09, 2017, 60-73.; Воронцовский, А. В. Управление рисками: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. /А. В. Воронцовский. - М.: Издательство Юрайт, 2019. - 414 с.
3. Зеленцова Л.С. Три источника и три составных части экономического

²⁹⁶Стандарты управления рисками (Risk Management Standard) - это результат совместной работы нескольких ведущих организаций, занимающихся вопросами риск менеджмента в Великобритании - Института Риск Менеджмента (IRM), Ассоциации Риск Менеджмента и Страхования (AIRMIC), а также Национального Форума Риск Менеджмента в Общественном секторе. // <https://www.ferma.eu/app/uploads/2011/11/a-risk-management-standard-russian-version.pdf>

²⁹⁷ Управление рисками организаций Интегрированная модель. Краткое изложение Концептуальные основы. // <https://govfinance.ru/upload/iblock/668/COSO.pdf>

развития России. // Экономика: проблемы, решения и перспективы. Вестник Университета № 9, 2015. С. 318.

4. Мадера А.Г. Риски и шансы: неопределенность, прогнозирование и оценка. - М.: УРСС, 2014. - 448 с.

5. Knight F.H. Risk, Uncertainty and Profit. - М.: Publishing House «Business», 2003. - 360 p.

6. <https://www.iso.org/standard/44651.html>

7. Кравцов, В. Б., Синявская, Т. Г. Генезис понятия риска в экономических системах: новый подход к дефиниции // Вестник Ростовского государственного экономического университета (РИНХ). - 2010. - № 30. - С. 33–39.

8. Стандарты управления рисками (Risk Management Standard) - это результат совместной работы нескольких ведущих организаций, занимающихся вопросами риск менеджмента в Великобритании - Института Риск Менеджмента (IRM), Ассоциации Риск Менеджмента и Страхования (AIRMIC), а также Национального Форума Риск Менеджмента в Общественном секторе. // <https://www.ferma.eu/app/uploads/2011/11/a-risk-management-standard-russian-version.pdf>.

9. Управление рисками организаций Интегрированная модель. Краткое изложение Концептуальные основы. // <https://govfinance.ru/upload/iblock/668/COSO.pdf>.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ОЦЕНКИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ПРОЕКТОВ В УСЛОВИЯХ АНТИКРИЗИСНОГО УПРАВЛЕНИЯ

А.Улашов, старший преподаватель Ташкенского государственного экономического университета

В условиях цифровой экономики главы хозяйствующих субъектов принимают решения в условиях нестабильности экономики. Условия непостоянности экономики доказаны разными кризисными обстановками.

Банкротство в региональных субъектах Республики Узбекистана наступает из-за внешней среды предприятия. Поэтому, самой актуальной темой на сегодняшний день становится проблема неплатежеспособного предприятия в условиях цифровой экономики.

И возникла теоретическая и практическая необходимость проведения исследования, посвященная повышению эффективности антикризисного управления субъекта Республики Узбекистана.

На момент острых социально - экономических преобразований в Узбекистане улучшение методов антикризисного управления является актуальнейшей темой.

Практическая значимость исследования заключается в том, что научные положения и практические рекомендации, сформированные в данной статье способствуют решению исключительно важной задачей оздоровления не платежеспособности субъекта.

Предметом исследования является главный метод антикризисного управления для повышения его эффективности.

Известно, что к основным задачам антикризисного управления относят:

- модификацию критериев принятия управленческих заключений;
- разработку и реализацию стратегии компаний в изменяющихся критериях внешней среды;
- интенсивное использование усовершенствованных вероятностей управления;
- внедрение максимального числа легитимных методик бытового маневрирования.

Суть антикризисного управления выражается в следующих положениях:

1. кризисы вполне вероятно предвидеть;
2. кризисы вполне вероятно отодвигать, ускорять;
3. к кризисам вполне вероятно и надо готовиться;
4. кризис вполне вероятно смягчать;

Отчеты об эксперименте основываются главным образом на трех общепризнанных факторах: репутация компании, внешние эффекты со стороны регулирующих органов и прессы и организационные реакции. Показывает, что чрезмерная зависимость от этих областей может маскировать скрытые переменные, которые могут оказаться контрпродуктивными для борьбы с кризисом.

Мы предполагаем, что если кризисное управление по-прежнему будет ограничиваться анализом исключительных ситуаций, то оно, возможно, никогда не выйдет за пределы сферы исключительного управления и долгое время будет оставаться изолированной дисциплиной с небольшим пространством для инноваций и прогресса. В качестве альтернативы мы анализируем кризисы как процесс инкубации, который начинается задолго до инициирующего события. Это предложение предполагает пересмотр других связанных с ним понятий, которые редко обсуждались авторами: во-первых, статус и место события, которое следует рассматривать как линию разлома и шарнир между адегенеративной организационной эволюцией в прошлом и будущими изменениями; во-вторых, временность кризиса, чтобы извлечь его из срочности, с которой он традиционно ассоциируется.; в-третьих, в отличие от авторов, которые видят в кризисе крах смысла и смысловторчества, мы анализируем его как всплеск смысла, способствующий организационным изменениям и преобразованиям.

Бюро-политическая напряженность и конкуренция являются часто игнорируемым, но все же решающим элементом в управлении кризисами. Политика бюро в кризисном управлении противоречит широко распространенным представлениям, которые изображают централизацию и концентрацию власти как доминирующий способ административного реагирования на кризис. В данной статье представлены эмпирические данные, свидетельствующие о важности политики бюро на этапах планирования, реагирования и посткризисного управления кризисными ситуациями как на

стратегическом, так и на оперативном уровнях действий. Опять же вопреки общепринятому мнению, утверждается, что такие межведомственные трения могут выполнять различные позитивные функции: они подвергают испытанию кризисные агентства; они служат противодействию тенденциям группового мышления; они способствуют определенной степени открытости; и они могут способствовать демократическому контролю за далеко идущей политикой управления кризисами.

Одним из главных методов финансового оздоровления является инвестиции капитала. Важной стратегией инвестиций – это обеспечение совокупных действий, которые способствуют реализации хозяйственных операций получения прибыли.

Инвестиционные решения могут оцениваться с помощью нескольких различных критериев, которые являются функциями вектора факторов стоимости. Экономическая значимость и надежность показателя зависят от его совместимости с чистой приведенной стоимостью (NPV). Традиционно считается, что метрика соответствует NPV, если она согласуется с NPV в сигнале создания ценности. В настоящей работе используется анализ чувствительности (SA) для измерения согласованности между нормой доходности и NPV. В частности, он вводит новое, более строгое определение NPV-согласованности, которое учитывает влияние факторов стоимости на выход метрики. Метрика сильно согласуется с NPV, если она сигнализирует о создании ценности, а ранжирование факторов ценности с точки зрения влияния на результат совпадает с тем, что обеспечивается NPV.

Внутренняя ставка рентабельности (Internal Rate of Return) может быть рассчитана по следующему допущению. Внутренняя норма прибыли равна такому значению коэффициента дисконтирования, при котором чистый приведенный доход (NPV) равен нулю, тогда формула примет следующий вид, из которого рассчитываем допустимое значение внутренней нормы доходности:

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t}$$

где CF_t – денежный поток будущего периода, k - ставка дисконтирования.

При положительном значении NPV понимается, что данное вложение капитала является эффективным.

Особенности операционной деятельности предприятия:

-Независимый вид хозяйственной деятельности предприятия — наиболее оптимальный подбор инструментов по шкале «доходность риск». Таким образом, мы можем сделать вывод, что осуществляя инвестиции, организации могут снизить вероятность кризиса, получить более высокую рентабельность, а также получить больше свободы в определении корпоративной стратегии.

Главной целью предоставленной формы валютного инвестирования является получение инвестиционной выгоды;

Адам Смит говорил капитал как накопленный запас вещей или денег Риккардо трактовал капитал как средство производства прибыль на перераспределение капитала;

Карл Маркс говорил капитал как самовозрастающую стоимость, созданная прибавочную стоимость.

«Капитал можно понять лишь как движение а, не как вещь, прибывающая в покое» - Карл Маркс. Капитал — это продукт прошлого труда в отличие от естественных факторов производства труда и Земли. Капитал можно трактовать как производственные или товарный запас в отличие от запасов для нераспределенного потребления или же источник дохода. В отличие от накоплений предметов роскоши. Оборотный капитал работает одновременно во всех стадиях, и обеспечивает непрерывный процесс производства от характерного использования оборотных средств зависит финансовая устойчивость предприятия.

Главную роль на предприятии кругооборота фондов играют собственные оборотные средства. Оборотные средства формируются за счет собственных источников предприятия. Помимо прибыли в качестве источников пополнения оборотных средств выступают группы устойчивых пассивов.

Переменные затраты возрастают или уменьшается пропорционально объему производства. К ним относятся прямые материальные затраты на оплату труда. Они формируются из удельных переменных затрат.

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ М.Хайитбоев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети PhD.

Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда товар-моддий захиралар муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга оширар экан маълум миқдорда ресурсларга эга бўлиши керак. Ресурслар таркибида асосий воситалар, номоддий активлар, пул маблағлари билан биргаликда товар-моддий захиралар ҳам салмоқли ўринга эга бўлади. Товар-моддий захиралар фаолият узлуксизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодиёт назарияси бўйича кўплаб дарсликларда эҳтиёжларнинг юксалиши шароитида ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш хусусида таълимотлар мавжуд. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга оширишда муайян миқдорда ресурсларга эга бўлиши талаб этилади. Айниқса ҳозирги кунда бутун дунё буйлаб ресурслар нархининг ошиб бораётганлиги ва улар миқдорининг камлиги товар-моддий захиралар ҳисоби ва назоратини тўғри йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки товар-моддий захиралар бошқарув ҳисобида ҳам, молиявий ҳисобда ҳам муҳим ўрин тутди. Бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан қарасак товар-моддий захиралар таъминоти, уларнинг баҳоланиши, маҳсулот таннархини аниқлаш, трансферт баҳони шакллантириш, товар-моддий захираларни бюджетлаштириш каби масалалар раҳбарият олдида турган

асосий ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар қаторига киради. Хўжалик юритувчи субъектларда оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш бевосита товар-моддий захиралардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Айниқса ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини пасайтириш орқали бозорда мустаҳкам мавқега эга бўлиш товар-моддий захиралар таъминотини тўғри йўлга қўйишга ва бошқаришга бевосита боғлиқдир.

Бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан омбор хўжалигига ҳам муҳим эътибор қаратиш талаб этилади. Омбор хўжалиги нафақат бухгалтерия ҳисоби қоидаларини, балки техник параметрларни ҳам инобатга олишни тақозо этади. Шу боисдан омбор хўжалигини пухта йўлга қўйиш орқали товар-моддий захиралар ҳисобида камчиликларни бартараф этиш мумкин.

Товар-моддий захиралар молиявий ҳисобда ҳам муҳим мавқени эгаллайди. Зеро мазкур турдаги активлар баланс суммасида катта салмоққа эга бўлади. Уларнинг баҳоланиши, миқдорининг ўзгариш баланс суммасига сезиларли таъсир этади.

«Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» номли 8-сон БҲХС ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш ва ошқор қилиш тартиби, бухгалтерия ҳисобидаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатиш тартиби билан биргаликда ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш мезонларини тартибга солади. Хўжалик фаолиятига хос бўлган ноаниқликлар натижасида аксарият ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг кўплаб моддалари аниқ баҳоланмайди, балки фақат тахминан ҳисобланиши мумкин. Ҳисоб-китоблар энг сўнгги, очиқ ва ишончли маълумотларга асосланган ҳулосаларни ўз ичига олади. Мисол учун, захиралар эскирган тақдирда ҳисоб-китоблар талаб қилиниши мумкин. Асосланган ҳисоб-китоб баҳоларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг муҳим қисмидир ва уларнинг ишончилилик даражасини пасайтирмайди. Агар унга асос бўлган шароитлар ўзгарса ёки янги маълумот ёки тажриба натижасида ҳисоб-китоб баҳоси қайта кўриб чиқилишини талаб қилиши мумкин. Моҳиятан ҳисоб-китоб баҳосини қайта кўриб чиқиш бундан олдинги даврларга алоқаси бўлмайди ва хатоликка тузатиш киритиш саналмайди. Таъкидлаш жоизки, захиралар эскирган ҳолларда уларнинг қийматига ҳисобот даври тугагандан сўнг тузатиш киритилиши мумкин ва бу «Ҳисобот даври тугагандан кейинги ҳодисалар» номли 10-сон БҲХС тартибга солади. Эскиришдан ташқари, ҳисобот давридан кейин рўй берган захираларни сотиш ҳам тузатиш киритиш учун асос ҳисобланади. Мазкур ҳолат ҳисобот санасида уларнинг соф сотиш қиймати тўғрисида маълумот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

BANKLARINING QIMMATLI QOG‘OZLAR BOZORIDA INVESTITSION OPERATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

G.Hakimova, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi tinglovchisi
Qimmatli qog‘ozlar bozorining infratuzilmasini rivojlantirishda asosiy

harakatlar quyidagilarga yo‘naltirilishi kerak deb hisoblaymiz:

1. Qimmatli qog‘ozlar bozorida banklarning investitsion operatsiyalarini salmog‘ini oshirish uchun, fikrimizcha, davlat bosh islohotchi degan iboraga e‘tibor qaratgan holda, davlat tijorat banklarining qimmatli qog‘ozlardan oladigan daromadlariga soliq solinishini bekor qilishi, yoki aynan qimmatli qog‘ozlardan olinadigan daromadlarga qisqartirilgan soliq stavkani qo‘llash orqali banklarga ko‘proq imkoniyatlar yaratishi, bu bilan esa fond bozorini yanada rivojlantirishga imkoniyat yaratishi lozim;

2. Hukumat qimmatli qog‘ozlarini fond bozoriga chiqarilishi, bunda fikrimizcha qimmatli qog‘ozdan olinadigan daromadning ulushi inflyatsiya darajasidan yuqoriroq belgilanishi maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Natijada banklarimizning qimmatli qog‘ozlar portfelida Rossiya banklari singari hukumat qimmatli qog‘ozlarining ulushi salmoqli ulushga ega bo‘lishi mumkin. Bu esa kelajakda ushbu qimmatli qog‘ozlardan olinadigan daromadlarning kafolanganligi va risksiz ekanligi bilan banklarni o‘ziga jalb etishi hamda milliy fond bozorimizning ham rivojlanishiga katta ta‘sir ko‘rsatishi mumkin deb hisoblaymiz;

3. Muntazam foyda bilan faoliyat ko‘rsatuvchi korxonalar va tashkilotlarning qimmatli qog‘ozlarini fond bozoriga chiqarilishi, banklarning qimmatli qog‘ozlarga qilinadigan investitsiyalari miqdorini ko‘paytirishi shubhasiz. Bu esa fond bozorida likvidli qimmatli qog‘ozlar ko‘payishiga sabab bo‘ladi va natijada ham banklar, ham boshqa investorlarning qimmatli qog‘ozlarga bo‘lgan qiziqishlari ortadi. Mamlakatimizda aynan shunday korxonalar juda ham ko‘p, misol uchun tekstil korxonalar yoki eksport bilan shug‘ullanuvchi boshqa korxonalar. Bunda kerak bo‘lsa davlat korxonalarini ham ishtirokini ta‘minlash maqsadga muvofiq bo‘lar edi, zero davlat korxonalarining faoliyati va ularning qimmatli qog‘ozlarining riskka tortilish darajasi nisbatan kamroqdir. Aksiyalar savdosi bilan spekulativ operatsiyalarni amalga oshirish qobiliyatiga ega yuqori malakali mutaxassislarini tayyorlash;

4. Fond bozori ishtirokchilarining ayniqsa emitentlarning joriy faoliyatlari to‘g‘risidagi axborotlarni oshkor etilishi fikrimizcha banklarning va boshqa investorlarning ham fond bozoridagi faollashishlariga olib kelishi mumkin. Bunda emitentning moliyaviy holatining yillik, choraklik, kerak bo‘lsa oylik hisobotlarini ko‘rib chiqishga imkoniyat yaratish darkor. Natijada banklar va boshqa investorlar ushbu hisobotlardan kelib chiqib kelajakda qaysi emitentning qimmatli qog‘oziga investitsiya kiritishni belgilab olishi mumkin. Shu bilan birgalikda ushbu hisobotlarning to‘g‘riligi uchun, fond bozorini nazorat qiluvchi regulyatorlar tomonidan ma‘lum javobgarlik yuklanishi kerak bo‘lsa, jazo choralari belgilab qo‘yilishi maqsadga muvofiq bo‘ladi;

Fond bozori ishtirokchilarining qimmatli qog‘ozlarining likvidligiga qarab reyting tuzilishi ham fikrimizcha banklar va boshqa investorlarning fond bozori rivojlanishiga hissalarini qo‘shishi uchun imkoniyat yaratadi. Bunda banklar va boshqa investorlar qaysi emitentning qimmatli qog‘ozini xarid qilishi va qachon uni qayta sotishini osonroq va qulayroq belgilab olishi mumkin. Shundan kelib

chiqib qaysi emitentning aksiya yoki obligatsiyasi likvidliroq bo‘lsa shu qimmatli qog‘ozga investitsiya kiritish mumkin bo‘ladi. Reytingni belgilashda barcha emitentlarning moliyaviy holatlari inobatga olinishi darkor.

Shu bilan bir qatorda ko‘plab boshqa amaliy ishlarni amalga oshirish tavsiya etiladi. Misol uchun, aksiya egalari o‘zlariga qo‘lay vaqtda aksiyalar savdosi operatsiyalarini amalga oshirish imkoniyatlaridan yaratish berish darkor.

Shunday qilib, banklarni infratuzilmasi ta‘minotini rivojlantirish borasida qimmatli qog‘ozlar bozori qatnashchilarini infratuzilmaviy xizmat ko‘rinishini universal tizimini yaratish lozim. Umuman olganda infratuzilmani rivojlantirishda nazorat va javobgarlikni kuchaytirish, malakali mutaxassislarni tayyorlash kabi ishlarni amalga oshirish lozim deb hisoblaymiz.

Yuqoridagilardan kelib chiqib investitsiya portfeli haqida biroz to‘xtalib o‘tamiz. Investitsiya portfeli deganda – jismoniy yoki yuridik shaxsga, yaxlit boshqarish obyekti sifatida ulush huquqiga ega bo‘lishga harakat qilayotgan, jismoniy yoki yuridik shaxslarga tegishli bo‘lgan qimmatli qog‘ozlarning qandaydir majmui tushuniladi.

Investitsiya portfelini boshqarish o‘z ichiga turli qimmatli qog‘ozlarni, muayyan usullar va texnologik imkoniyatlarning eng maqbul majmuini qamrab oladi. Investitsiya portfelini mohiyati aynan aktivlarning turli guruhlari orasidagi potentsial taqsimlashdan iboratdir.

Umuman aytganda tijorat banklari menejerlari oldida turgan maqsad – bu, investorlar manfaatlarini inobatga olib, maqbul daromad va idrokli riskni ko‘zlagan holda o‘z aktivlari portfelini shakllantirishdan iborat.

Investitsiya portfelini shakllantirishda oldin investor quyidagi ko‘rsatkichlarni belgilab olishi zarur deb hisoblaymiz:

- portfelning eng maqbul turini belgilash;
- o‘ziga maqbul bo‘lgan portfelda risk va daromadlik nisbatini baxolash; - portfelning dastlabki tarkibi;
- portfelni bo‘lgusi boshqarish chizmasini tanlash.

Bank tomonidan sotib olinayotgan qimmatli qog‘ozlarning daromadligi va riskning o‘zaro nisbatini to‘g‘ri baholashga asoslangan bu ko‘rsatkich portfelning investitsiya xususiyatini belgilaydi. Bunda portfel turini tavsiflashda asosiy e‘tibor daromadning manbai va u qanday yo‘l bilan olinayotganligiga qaratiladi. Qimmatli qog‘ozlar investitsiya portfelini boshqarish bank portfelining risk va daromadlik ko‘rsatkichlarining o‘ziga maqbul holatini tez va aniq o‘rganishlari va shunga yarasha o‘ziga hamda mijozlarga tegishli bo‘lgan qimmatli qog‘ozlarning optimal tuzilishini ham aniqlashlari kerak. Ushbu muammolarni yechishda qimmatli qog‘ozlar qanchalik riskli bo‘lsa, undan olinayotgan daromad ham shunchalik yuqori bo‘lishi kerak va aksincha, daromad qanchalik ishonchli bo‘lsa, daromad stavkasi shunchalik past bo‘ladi.

Portfelning likvidligi uni tezda va qiymatini saqlab qolgan holda pulga aylantirishni kafolatlaydi. Ushbu vazifa jamg‘armani to‘liq saqlab qolish imkoniyatiga ega bo‘lgan pul bozori portfeli a‘lo darajada bajaradi. Bunday portfel tarkibiga naqd pul va tez sotiladigan aktivlar kiradi. Qimmatli qog‘ozlar

bilan muomala qilishda “oltin qoida”ga rioya qilmoq lozim. Ya’ni barcha mablag‘larni qimmatli qog‘ozga aylantirish mumkin emas, to‘satdan ro‘y beradigan investitsiya muammolarini yechish uchun rezervda naqd pul ham bo‘lishi kerak.

Qimmatli qog‘ozlar bozorida soliklardan ozod etilgan qimmatli qog‘ozlarga qiziqish uyg‘otadi. Ushbu portfellar davlat qarz olish-berish bilan bog‘liq bo‘lgan majburiyatlardan topgan va yuqori likvidlik darajasiga ega bo‘ladi, jamg‘arma saqlanib qoladi, odatda, daromad soliqlardan ozod etiladi. Shuning uchun ham O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozorida eng ko‘p uchraydigan portfellar turini davlat qimmatli qog‘ozlar portfeli tashkil etadi.

Ishlab chiqarishning turli sohalari bank e’tiborini qimmatli qog‘ozlarning o‘ziga tortadi. Investitsiyalarning hududiy kesimda yo‘naltirilganligi, turli sohalarning qimmatli qog‘ozlaridan tarkib topgan portfellarini shakllanishiga olib keladi. Bir hududda joylashgan emitentlarning qimmatli qog‘ozlari, turli chet el qimmatli qog‘ozlari, texnologik bog‘liq, ishlab chiqarishning turli sohalari yoki bir sohaning korxonalari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog‘ozlar asosida shakllanadi.

Davlatni investitsiya imkoniyatlarini kengaytirishga sababchi bo‘lgan quyidagi omillarni ham ta’kidlab o‘tish mumkin:

-pul mablag‘larini jalb qilish va holdinglar tuzish orqali bank kapitalini jamg‘arish;

-bir qator tartibga soluvchi chora tadbirlarni amalga oshirish, masalan o‘zini o‘zi boshqaradigan tashkilotlar tomonidan fond bozori qatnashchilar faoliyatini nazorat qilish;

-operatsiyalarni amalga oshirayotgan birja dilerlarining individual va jamoa mas’uliyatini oshirish;

-aksiyalar bilan spekulativ tarzda savdo-sotik operatsiyalarini uddalaydigan mutaxassislar va yuqori malakali investitsiya institutlarining mavjudligi hamda ushbu operatsiyalarni amalga oshirishda soliq imtiyozlar va rag‘batlantirishning boshqa turlari qo‘llanishini rivojlantirish;

-ko‘pchilik aksiyadorlik jamiyatlari aksiyalarining nolikvidliki, «Toshkent» RFBda qimmatli qog‘ozlarning ikkilamchi kotirovka tizimi yukligi sababli aksiyadorlarning aksiyalarini xohlagan vaqtida savdo-sotig‘ini amalga oshirish imkonining yo‘qligi, chet el investorlari qimmatli qog‘ozlar bozorida amalga oshirilgan operatsiyalar natijasida olingan daromadlarni chet elga to‘la konvertatsiya va repatriatsiyalashning aniq mexanizmlari ishlab chiqish va boshqalar.

Shuni ta’kidlash kerakki, investitsiya strategiyasidan kelib chiqib tijorat banking muayyan turiga mos ravishda investitsiya strategiyasi ishlab chiqilishi lozim, ya’ni bozor imkoniyatlaridan to‘liq va maksimal foydalanishga qaratilgan aktiv strategiya va tegishli xavfsizlik darajasini ta’minlovchi passiv strategiya hisoblanadi.

Qimmatli qog‘ozlarni passiv boshqarishdan farqli ravishda aktiv boshqarish, noto‘g‘ri baholangan qimmatli qog‘ozlarni aniqlay olish va mohirona savdosini

amalga oshirishdir. Bu aktiv investor uchun passiv investorga nisbatan yaxshi natijalarni qo‘lga kiritish imkoniyatini beradi.

Qimmatli qog‘ozlarni passiv boshqarish deganda uzoq muddatli istiqbolga mo‘ljallangan va ehtimol risk inobatga olingan puxta diversifikatsiyalangan portfellarni shakllantirish tushuniladi. Ushbu yo‘nalish rivojlangan qimmatli qog‘ozlar bozori va yuqori sifatli qimmatli qog‘ozlarga boy bo‘lgan samarali bozorga xosdir. Hozircha esa O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozori bular hisobiga kirmaydi.

Inflyatsiya sharoitida, asosan qisqa muddatli qimmatli qog‘ozlar bozori mavjudligida hamda O‘zbekiston fond bozori konyunkturasining beqarorligi sababli ushbu yondoshuv samarasiz va ehtimoldan uzoqday ko‘rinadi, negaki passiv boshqaruv faqatgina risk darajasi past bo‘lgan qimmatli qog‘ozlar portfeliga nisbatan yaxshi samara beradi. Ikkinchidan, portfel uzoq muddatli bo‘lishi kerak. Bu esa passiv boshqarishning asosiy afzalligi, ya’ni qo‘shimcha xarajatlardan holi bo‘lishni ta’minlaydi.

Investitsiya portfelli to‘g‘risidagi fikrlarni umumlashtirib quyidagicha xulosa chiqarish mumkin. Investitsiya portfeli jismoniy yoki yuridik shaxsga tegishli bo‘lgan qimmatli qog‘ozlar majmui hisoblanadi. Bu portfelni boshqarish juda murakkab portfelidir va buni boshqarishdan maqsad portfelni investitsiya xususiyatini saqlab qolishdir. Portfelni investitsiyani boshqarishda investor o‘zi uchun shart-sharoit yaratish zarur. Banklar esa qimmatli qog‘ozlarni optimal tuzilishini aniqlashi zarur. Bundan tashqari banklar qimmatli qog‘ozlarni bir qator xususiyatlarini aniqlashi hamda shunga asosan faoliyat yuritishi lozim bo‘ldi. Bu holatni qatoriga ishonchlik, likvidlilik kabi xususiyatlarni qo‘shish mumkin. Bu uchchala xususiyat asosan pul bozori portfelida namoyon bo‘ladi.

Investitsiya portfelini boshqarishda aktiv va passiv strategiyalari mavjud. Aktiv strategiyada asosan e’tibor bozor investitsiyalaridan to‘liq va maksimal darajada foydalanishni bilish zarur.

Investitsiya portfelini boshqarishda umumiy muammo bu qimmatli qog‘ozlar bozoridagi qimmatli qog‘ozlar bilan bo‘ladigan operatsiyalarga oid muammolar, funksional munosabatlarni boshqarish bilan bog‘liqdir. Bu muammolarning bo‘lishi esa banklarga erkin faoliyat yuritishlariga to‘sqinlik qilishi mumkin.

Yuqoridagi takliflarni amaliyotga tadbiq etilishi banklarning qimmatli qog‘ozlar bilan investitsion operatsiyalarini rivojlantirishga sharoit yaratishi mumkin. Buning uchun bank muassasalari va boshqa idoralar bilan birgalikda ko‘plab chora-tadbirlar ko‘rishlari va bu esa qimmatli qog‘ozlar bilan investitsion operatsiyalarini rivojlantirishga xizmat qilishi lozim.

O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozorida samarali faoliyat yuritish uchun qulay sharoitlar mavjudligiga qaramay, ko‘pgina tijorat banklari davlat moliya bozorining eng muhim segmentini intiluvchanliksiz o‘zlashtirishmoqda, vaholanki, ushbu bozorning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini ishga solish milliy iqtisodiyotini jadal rivojlanishiga ulkan hissa qo‘shgan bo‘lar edi.

Alohida olingan bank institutlarining ushbu yo‘nalishdagi passivligi

sabablarini anglab etish uchun qimmatli qog‘ozlar bozorining turli yo‘nalishi va darajasida tijorat banklarining faolligini to‘xtatib turgan muammolar va qiyinchiliklarni yaxshi bilish zarur hamda ushbu muammolarni bartaraf etish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur.

O‘tkazilgan tadqiqotlar ko‘rsatishicha O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozorida banklarning faolligini oshirish yo‘lida bizning fikrimizcha yuqorida sanab o‘tilgan bir qator qiyinchiliklar mavjud, agar ushbu muammolarni ijobiy tomonga hal qilish imkoniyati topilsa banklarning qimmatli qog‘ozlar bilan amalga oshiriladigan investitsion operatsiyalarini rivojlantirishga xizmat qilgan bo‘lar edi.

Takliflar albatta aytib o‘tildi, ammo ularni ro‘yobga chiqarish faqatgina banklarning o‘zlari bilan bog‘liq emasligi, buning uchun ham davlat, ham xo‘jalik yurituvchi subyektlar birgalikda tegishli chora-tadbirlarni amalga oshirishlari talab etiladi.

Umuman aytganda tijorat banklari menejerlari oldida turgan maqsad– bu, investorlar manfaatlarini inobatga olib, maqbul daromad va idrokli riskni ko‘zlagan holda o‘z aktivlari portfelini shakllantirishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Mullajonov F.M. “Barqaror bank tizimi mamlakat iqtisodiyotining musiahkamlash tayanchlari”. J. “Bozor pul va kredit” 2014- yil №1. bet-4-14.

2. Mullajonov F.M. “2013 yilda pul-kredit sohasidagi vaziyat va monetar siyosatining 2014 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari”. J. “Bozor, pul va kredit” 2014 yil №1, bet-14-35.

3. Шапран В.С. “Инвестиционные банки в США: история перемен” Банковское дело №6. 2015.

4. Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана по итогам 2016 года Аналитический обзор. – Ташкент, 2017. - № 46. – С. 74.

5. Лаврушин О.И. “Банковский менеджмент” Учебник.- 4-е изд.-М.: КноРус, 2015. -560с

6. Лаврушин О.И. “Новые модели банковской деятельности в современной экономике” Учебное пособие. - М.: - 2015. - 156с.

7. Лаврушин О. И. “Новые модели банковской деятельности в современной экономике” монография - М.: Кнорус, 2015.-168 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЕРГА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**О.Абдуназаров, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта
ўқитувчиси**

Ўзбекистоннинг аграр муносабатлари ва аграр сиёсат тизимида асосий ўринни ерга бўлган мулкчилик масаласи ҳамда алоҳида аҳамиятга эга блган ер муносабатлари эгаллайди. У ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалигида бозор муҳитини ва муносабатларини шакллантириш ва

ривожлантириш стратегиясини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим.

Аграр секторда бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда асосий ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети бўлиб, табиатнинг бир қисми бўлмиш ер намоён бўлади.

Ер билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг асослари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган¹.

Ўзбекистон Республикасида ер умумхалқ бойлиги сифатида давлат мулки бўлиб қолади. Ер кишлок хўжалик коопертивларига, ижара хўжаликларига, деҳқон, фермер хўжаликлари ассоциацияларига вақтинчалик ёки доимий равишда фойдаланишга ижара ҳуқуқи асосида берилади. Бунда бу хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эгалик қилиш бўйича уларнинг мустақил иш тутиш ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

Жумладан, «Ер умуммиллий бойлик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси халқининг ҳаёт кечирishi ва фаровонлигини таъминловчи асос сифатида давлат томонидан ҳимоя қилинади ва ундан оқилона фойдаланилади»². Шу сабабли, Ўзбекистонда ер олди-сотди қилинмайди.

Ўзбекистонда ер билан боғлиқ бўлган муносабатлар атрофида унга нисбатан хусусий мулкчилик ҳуқуқининг киритилиши хусусида ҳар хил нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, бу масалани, айниқса, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтларида ҳам фаол муҳокама қилинмоқда. Уларнинг фикрича, ерга нисбатан бўлган хусусий мулкчиликни жорий қилмасдан туриб, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш самарасиз бўлар экан. Улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ер масаласининг бундай кўйилиши унинг алоҳида кўриб чиқилишини талаб қилади.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланган кўпгина мамлакатлар ерга бўлган хусусий мулкчиликни жорий қилиш йўлини босиб ўтди. Ушбу мамлакатларда тўпланаган тажрибалар таҳлили кўрсатишича, ерга бўлган хусусий мулкчиликнинг инновацион моҳияти нисбатан қисқа муддат ичида кишлок хўжалик ишлаб чиқаришни қайта қуришга, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон беради.

Ер масаласини ҳал қилишда ушбу муаммо бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш йўлини танлаган ҳар бир давлатнинг ўз муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ўзбекистонда хўжалик юритишнинг тарихан вужудга келган шарт-шароитлари бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида ерга бўлган

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Ўзбекистон кишлок хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: «Ўқитувчи», 1998. -5-72-б.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Ўзбекистон кишлок хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: «Ўқитувчи», 1998. – 28-б.

давлат мулкчилигини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлигини исбот қилди. Ушбу муҳим хусусият Ўзбекистон аграр сиёсатининг бошқалардан фарқ қилувчи белгиси ҳисобланади.

Объектив жараёнлар таъсири остида республикада вужудга келган қатор карама-қаршиликлар ва зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда, республикада ерни хусусий мулкка берилишнинг имконияти йўқ. Бунга қуйидаги омиллар мисол бўла олади:

- Республикадаги деҳқончилик суғоришга асосланганлигидир. Шунинг учун, яхлит, марказдан бошқариладиган, йирик сув омборлари, насос станциялари, йирик суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, гидроузеллар ва бошқа сув иншоотларидан ташкил топган сув-хўжалиги тизимсиз фаолият кўрсата олмайди.

- Сув хўжалиги тизимини хусусий мулкка бериш бутунлай ман қилинади. Чунки, юқори даражада бир ерга жамланган яхлит сув хўжалиги тизими доимий тарзда ҳаракатда бўлиши ва уларни қайтадан ишлаб чиқариш учун кўп миқдорда капитал қўйилмаларни талаб қилади. Бу фақатгина давлат томонидан, марказлашган тарзда олиб борилиши мумкин.

- Аҳоли зичлигининг юқори даражаси ва қишлоқ жойлардаги меҳнат ресурсларининг меъеридан ошиқлиги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Кўп жойларда 1 нафар ишчига 1-1,5 гектар суғориладиган ер тўғри келади. Бундай вазиятда ерни жон бошига ёки бошқа хилда тақсимлаш кескин ижтимоий вазиятни, яъни қандай бўлмасин, ўзига кўпроқ ер майдонини олиш каби ҳолатларни юзага келтириши мумкин.

Шундай қилиб, ўтиш даври иқтисодиётида ер билан боғлиқ бўлган муносабатларни ислоҳ қилиш мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини барқарорлаштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Худди шу нуқтаи назар Ўзбекистоннинг кўпгина олимлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланади³.

Хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари ташкилий-ҳуқуқий тарафдан хилма-хиллигидан оқилона фойдаланишда давлат органлари қонунийлаштирилган тартибда ер муносабатларини бошқариш, ер майдонларини аниқлаб, уларнинг ҳисобини юритиш, ерни ўзлаштириш, ер кадастри, ердан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш устидан назорат олиб бориш, уларнинг ҳуқуқий мавқеини белгилаш кабиларни амалга оширади. Бу эса, ердан фойдаланишда атроф-муҳитга зарар етказмаслик, экологияни бузмаслик учун хизмат қилади.

Аграр сектордаги асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер аҳолининг асосий ҳаёт кечириш фаолиятининг негизи ҳисобланади. Ердан оқилона ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан мамлакатда юзага келган ер муносабатлари орқали белгиланади. Улар, ўз навбатида, ерга эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш масаласида қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчилар ва давлат ҳокимияти органларининг барча даражаларидаги ижтимоий муносабатларда намоён бўлади.

³ Трушин Э.Ф. Реформирование земельно-водных отношений как условие экономического роста. Автореф. дис. док. экон. наук. -М.: 1996. – С. 46.

Республиканинг иқлимий, тупроқ шароитлари, рельефи ва бошқа ўзига хослиги шароитида мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, барқарор ҳосил олиш, ерни сув ресурслари билан таъминлаш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш омиллари билан чамбарчас боғлиқдир. Республика бўйича суғориладиган ерлар майдони умумий экин майдонининг 98,2%ни ташкил қилади. Ушбу майдонни суғориш учун йилига ҳар бир гектарга ўртача 50 м³ га яқин сув сарфланади. Сув ресурслари тақчиллигининг кундан-кунга ошиб бориши Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторини ривожлантиришни чегараловчи асосий омил ҳисобланади. Ер ислохотларини босқичма-босқич олиб бориш, биринчи навбатда, суғориладиган ерларга тегишлидир. Шу сабабли, ердан фойдаланувчиларни керакли сув билан таъминлаш, ерларни ажратиш механизмини ишлаб чиқиш масаласи юзага келади. Аввал сув хўжалиги корхоналари бюджет томонидан молиялаштирилган бўлса, энди бозор муносабатлари шароитида сув узатиш ва гидромелиоратив тизимларга техник хизмат кўрсатиш учун пул тўлаш керак бўлади. Ер муносабатларини ислоҳ қилиш, ўз навбатида, сув хўжалиги тизимида ҳам ислохотлар ўтказиш зарурлигини юзага келтирди. Бизнинг фикримизча, бу жараён қуйидаги йўналишларда олиб борилиши керак:

- сувдан пулли тартибда фойдаланишни жорий қилиш;
- бозор муносабатлари асосида сув хўжалигини бошқариш ва гидромелиоратив тизимлар фаолиятини такомиллаштириш;
- ер-сув ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича ташкилий-хўжалик тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида ривожланаётган хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчиларни сув билан таъминлаш ва мелиоратив хизмат кўрсатишни таъминлайдиган янги ташкилий тузилмаларни ташкил қилишни талаб қилади⁴.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги» қонунига асосан, сув давлат мулки, умуммиллий бойликдир. Ундан оқилона фойдаланиш лозим ва у давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Сув жамламасига тегишли ерлар, хўжаликлараро иншоотлар ва каналлар, ер ости сувларини чиқарувчи қурилмалар мулкчилик шаклидан қатъий назар, ягона сув хўжалиги тизими сифатида ишлатилади ва улар хусусийлаштирилмайди.

Сув ресурсларини ҳимоя қилиш, улардан оқилона фойдаланишнинг ягона сиёсатини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киради. У вазирликлар, муассасалар ва ҳуқуқий шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, сув жамламасини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди, сувдан фойдаланиш меъёрларини ва лимитларини тасдиқлайди.

⁴ Хуррамов А.Ф., Рахимов О.Д. Сув, ер ресурслари ва ирригацион-мелиоратив тармоқлардан оқилона фойдаланиш фермер хўжаликлари ривожининг бош омилдир. //Ўзбекистон жанубида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари мавзусидаги Республика илмий - амалий конференцияси материаллари тўплами. -Қарши, 2004. -10-15 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини ҳимоя қилиш устидан назорат ўрнатиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш ҳамда давлат сув кадастри ва таҳлил қилиш ишларини таъминлайди. Бундан ташқари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоятлар ўртасида ажратилган лимитга асоан, сув ресурсларини тақсимлаш бўйича вилоят аҳамиятига эга бўлган гидротехник иншоотлар ва сув омборларидан фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилган вилоят бўлинмалари орқали ўз сиёсатини амалга оширишни таъминлайди.

Ўзбекистон шароитида ер муносабатларини такомиллаштиришда ер умумий миллий бойлик эканлигини эътиборга олиш лозим. Ер муносабатлари доирасида белгиланадиган ва жорий этиладиган меъёрий ҳужжатлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ердан фойдаланувчиларнинг мустақил ва эркин хўжалик юритишлари учун кенг имкониятлар яратилиши йўналишига мос равишда такомиллаштирилиб борилиши керак. қабўл қилинган ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар ва «Ер кодекси»да юқорида таъкидлаб ўтилган шартлар тўлиқ ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига асосан⁵, ширкат хўжаликларининг устав жамғармаси пай ва бўлинмас жамғармалардан ташкил топиши ҳамда пай жамғармаси таркибида ер майдонларининг қиймати ҳам ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

Хулоса урнида айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилишга бешта муҳим ва машҳур тамойил асос қилиб олинган. Шунга биноан мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида мустақиллик йилларида чуқур иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келмоқда.

Ерга нисбатан эғалик ва улардан самарали фойдаланиш масаласини ҳал этишда барча манфаатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Энг аввало давлатнинг мулкдор сифатида ерга нисбатан эғалиги, қолаверса шу ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг манфаатларини, «Ер давлат мулки» бўлганлиги муносабати билан унга эғалик қилиш ҳуқуқи Республика Вазирлар Маҳкамаси ва унинг жойлардаги бўлимлари зиммасига юкланган. Бу мулк юридик ва жисмоний шахсларга маълум мақсадларда фойдаланиш учун берилиши лозим.

Ўзбекистон шароитида ер муносабатларини такомиллаштиришда ер умумий миллий бойлик эканлигини эътиборга олиш лозим. Ер муносабатлари доирасида белгиланадиган ва жорий этиладиган меъёрий ҳужжатлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ердан фойдаланувчиларнинг мустақил ва эркин хўжалик юритишлари учун кенг имкониятлар яратилиши

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: «Ўқитувчи», 1998. -75-84-б.

Йўналишига мос равишда такомиллаштирилиб борилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: «Ўқитувчи», 1998.
2. Трушин Э.Ф. Реформирование земельно-водных отношений как условие экономического роста. Автореф. дис. док. экон. наук. -М.: 1996..
зарурлигидан иборат. Суғурта бозори фаолиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, бу тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларидир, бунда суғурта компаниялари асосий иштирокчи сифатида намоён бўлади. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурта фондларининг суғурта бадаллари ҳисобига шаклланиши ҳамда улардан кейинчалик зарарни қоплаш учун фойдаланишини кўзда тутаяди. Иккинчидан, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг рискни тақсимлашда иштирок этиши суғурта бозорининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Суғурта хизматини сотиб олиб, истеъмолчи ўз мулкрий манфаатлари бузилган ҳолда, унга етказиладиган зарарни тўлаб бериш кафолати билан таъминлайди. Учинчидан, суғурта хизматининг таннархи фақат суғурта тўловлари ва сервис хизматлари ташкил этилишидан кейингина ҳисобланиши мумкин. Шунинг учун актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматининг нархини бирламчи белгилаш суғурта компаниясига нетто-фондининг зарур миқдорини шакллантириш ва истеъмолчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш имконини беради.

Шундай қилиб, суғурта бозори суғурта тизимининг базавий компонентиدير. Суғурта бозорининг фаолият юритиши шаклланган бозор инфратузилмаси, рақобатбардош суғурта маҳсулотлари мавжудлиги, суғурта муносабатларининг ўзини-ўзи ташкил этиши механизми билан таъминланади.

Суғурта бозорининг амал қилиши асосини ажратиб кўрсатиш унинг моҳиятини тадқиқ этишнинг муҳим масаласидир. Суғурта бозорининг амал қилиш шартлари: ҳуқуқий асоси, ташкилий-бошқарув асоси, ижтимоий асоси, этик асосини ўз ичига олади.

Суғурта бозорининг амал қилиш механизми етуклик даражасини, умуман, бутун тизимнинг амал қилишини ва ривожланишининг концептуал асоси, унинг жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга мувофиқлигини белгилаб беради.

Суғурта бозорининг моҳияти шундан иборатки, суғурта ҳодисаларининг содир бўлиши оқибатида юзага келадиган зарарларни пул кўринишида қоплаш йўли билан иқтисодий агентларнинг мулкрий манфаатларини ҳимоялашнинг ўзига хос шаклидир. Суғурта бозорининг моҳияти унинг функцияларида аниқ намоён бўлади. Суғурта бозорининг асосий функцияларини ажратиб кўрсатамиз:

- 1) иқтисодий агентларнинг мулкрий манфаатларини суғурта орқали ҳимоялашнинг самарали тизимини шаклланиши;
- 2) жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолият юритишлари ва ривожланишлари учун шароитларни яратиш;
- 3) иқтисодиётга пул маблағларини қўшимча жалб қилиш ва инвестиция қилиш.

Суғурта бозорининг биринчи функцияси иқтисодий агентларнинг мулкрий манфаатларини суғурта орқали ҳимоялашнинг самарали тизимини шаклланиши, суғурта хизматлари сотувчилари томонидан суғурта фондлари шаклланишида намоён бўлади. Суғурта компаниялари пул фондлари шаклланиши ва тақсимланиши жиҳатидан шуни қайд этиш лозимки, бунда


нафақат суғурта тўловлари учун мўлжалланган фондлар, балки уларнинг ҳисобидан суғурта ходисалари юзага келишининг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича чора-тадбирлар молиялаштириладиган фондлар ҳам шаклланади. Суғурта бозори вақтинча пул маблағларини жамлашга имкон беради, улар иқтисодиётга инвестиция қилинади. Фондлар суғурта хизматлари истеъмолчиларининг муқофотлари ҳисобига шаклланади. Суғурта хизматининг истеъмолчиси ўз мулкӣ манфаатлари ҳимояланиши учун ҳақ тўлайди.

Шуни қайд этиш лозимки, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида нафақат компаниянинг суғурта фондини мувозанатланган тарзда шакллантириш, балки суғурта фондининг ўз маблағлари инвестицион жалб қилиниши белгиларини ҳисобга олиб, уларни жойлаштириш масаласига ҳар томонлама ёндашиш муҳим ҳисобланади.

IQTISODIY RESURSLARDAN SAMARALI FOYDALANISHDA YASHIL KREDITLASH AMALIYOTI

A.Qobilov, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi tinglovchisi

Bugun xalqaro amaliyotda yashil moliyalashtirish va yashil iqtisodiyotga o‘tish masalalari muhim ahamiyatga ega. Mamlakatimizda ham 2019-2030-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi tasdiqlangan. Bunda asosiy maqsad ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalarini inson hayoti uchun zarur bo‘lgan resurslar hamda ekologiyani saqlagan holda shakllantirishdan iborat. Mazkur vazifalar doirasida iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida ekologik toza va resurs tejankor texnologiyalarni joriy etish hamda qayta tiklanuvchi, samarali energiya manbalaridan keng foydalanish maqsadida ishlab chiqilayotgan loyihalar yashil loyihalar hisoblanadi. Ularni tatbiq etishda qo‘llanilayotgan moliyaviy vositalardan biri yashil kreditlar sanaladi. Yashil loyihalarni iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida ilgari surish jarayonida taklif etilayotgan texnologiyalar, uskunalar, qurilmalar, tizimlar va materiallarning barchasi yashil mezonlarga va xususiyatlarga moslashtirilgan.




1-rasm. “O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil portfel bank kreditlari orqali moliyalashtirilgan asosiy tarmoqlar, 2022 (foizda)³⁰⁵

³⁰⁵ https://www.sqb.uz/upload/reports/Uzb_compressed.pdf - “O‘zsanoatqurilishbank” ATB rasmiy sayti ma’lumotlari

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

O‘z sanoatqurilishbank ATBda yashil kreditlar orqali qator yashil loyihalar moliyalashtirilmoqda. Xususan, tarmoqlar kesimida tahlil qilinsa, sanoat korxonalarining ulushi yuqori ekanligini qayd etish lozim (1-rasm).



2-rasm. Yashil loyihalarni moliyalashtirish bo‘yicha belgilangan choralar³⁰⁶

Mamlakatimizda yashil iqtisodiyotga o‘tish, yashil loyihalarni moliyalashtirish imkoniyatlarini oshirish bo‘yicha bir qator choralar ko‘rilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Milliy yashil iqtisodiyot taksonomiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 561-son Qaroriga muvofiq 2024-yil 1-oktabrga qadar “yashil” obligatsiyalar va kreditlar, shuningdek, boshqa manbalar hisobidan moliyalashtiriladigan “yashil” turdagi loyihalarni tasniflash tajriba tariqasida Milliy “yashil” iqtisodiyot taksonomiyasi orqali amalga oshirilishi hamda davlat moliyaviy ko‘magidan (subsidiyalar, grantlar, kredit liniyalari, kafolatlar va boshqalardan) foydalangan barcha tadbirkorlik subyektlari, shu jumladan, xususiy va davlat ishtirokidagi xo‘jalik birlashmalarining investitsiyaviy xarajatlari Milliy yashil iqtisodiyot taksonomiyasi asosida tasniflanadi hamda ular tomonidan mas’ul respublika ijro etuvchi hokimiyat organiga ma’lumotlar taqdim etish tartibi joriy etilishi belgilangan.

Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari hamda ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq bo‘lgan xo‘jalik birlashmalarida amaldagi rahbar o‘rinbosarlaridan biriga yashil iqtisodiyot masalalarini muvofiqlashtirish vazifasi yuklanishi belgilangan. Yashil iqtisodiyot masalalarini muvofiqlashtirish vazifasi yuklangan rahbar o‘rinbosarlari tomonidan quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilishini qayd etish mumkin:

- respublika ijro etuvchi hokimiyat organi yoki xo‘jalik birlashmasi faoliyatiga oid “yashil” iqtisodiyot masalalarini muvofiqlashtirish;
- tegishli soha va ishlab chiqarish tarmoqlarining tabiiy resurslardan barqaror va samarali foydalanish tamoyillariga rioya etishini ta’minlash;

³⁰⁶ O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Milliy yashil iqtisodiyot taksonomiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 561-son Qarori. 25.10.2023. <https://lex.uz/docs/-6644013>

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

- iqtisodiyot sohasining tabiiy ofatlar va iqlim o'zgarishiga nisbatan barqarorligini ta'minlash choralarini ko'rish;

- iqtisodiyot tarmoqlarining “yashil” va kam uglerodli rivojlanishga qaratilgan chora-tadbirlarini amalga oshirish, shu jumladan, qayta tiklanuvchi energiya manbalari va energiya samarador texnologiyalarni joriy qilish;

- “yashil” innovatsiyalarni joriy etish va ushbu sohaga investitsiyalarni jalb qilish choralarini ko'rish;

- tarmoq tashkilotlarining barqaror ishlab chiqarish ko'rsatkichlarini yaxshilash maqsadida “yashil” iqtisodiyotga o'tishga qaratilgan rejalarini amalga oshirish va rivojlantirish istiqbollari bo'yicha takliflar ishlab chiqish;

- energiya va resurs samaradorligini oshirish hamda kam chiqindili mahsulotlar ishlab chiqarish maqsadida ilmiy tashkilotlar va ishlab chiqarish sektori o'rtasida integratsiyani ta'minlash;

- uzoq muddatli istiqbolda barqaror ish o'rinlarini yaratish uchun “yashil” iqtisodiyotga o'tish davrida xodimlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash, shuningdek, ularning “yashil” o'sish bo'yicha salohiyatini oshirish va inson kapitalini rivojlantirish.

Iqtisodiy resurslardan samarali foydalanishda yashil kreditlash amaliyotiga ustuvorlik berish mamlakatda yangi moliyalashtirish shaklini kengaytirishga hamda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishga xizmat qiladi. Mazkur jarayonda iqtisodiy samaradorligi yuqori bo'lgan biznes loyihalariga e'tibor qaratish yashil kreditlash amaliyotining samaradorligini belgilab beradi.

САНОАТДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ж.Розиков, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Ишлаб чиқариш ва давр харажатлари ҳисобини тўғри ташкил қилиш корхона тузилмаларини харажатлар ҳисобида очиб бериш ва маҳсулот таннархини тўғри аниқлашда ўз ифодасини топади. Бунинг учун авало хўжалик тузилмаларини харажатларни ҳисобга олиш мезонларида тўғри туркумлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоб тизимига кўра асосий хўжалик фаолияти харажатлари ишлаб чиқариш ва давр харажатларига бўлинади. Асосий хўжалик фаолияти – бу хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиши бўйича у ёки бу соҳага ихтисослашган хўжалик фаолияти тушинилади. Асосий хўжалик фаолиятидан ташқи муомалалар молиявий фаолият натижалари сифатида талқин қилинади.

Жумладан, саноат корхоналарида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни харидорларга юклаб жўнатиш билан боғлиқ хўжалик муомалалари асосий ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Асосий хўжалик тузилмалари фаолиятини бухгалтеря ҳисобида очиб бериш учун ишлаб чиқариш харажатларини улар юзага келган тузилмалар, яъни жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқариш тузилмаларини харажатларни ҳисобга олиш счетлари остида туркумлаш

орқали амалга олинади.

Асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларига корхона ихтисослиги бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи тузилмалар киради. Тузилмаларнинг сони ва уларда кечадиган хўжалик жараёнлари маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ. Харажатларни ҳисобга олиш шунингдек ишлаб чиқариш технологиясининг кечишга кўра жараёнли ва бўлинмали ишлаб чиқариш усулларига мос равишда хусусиятланади. Амалиётда саноат маҳсулотини буюртмалар бўйича ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳам учраб туради ва бунда харажатлар ишлаб чиқаришнинг циклик тугалланганлигига қараб турлича усулларда ҳисобга олинади. Мураккаб технологик тузилмалардан иборат корхоналарда ишлаб чиқариш тузилмаларининг фаолияти устидан иқтисодий ва маъмурий бошқарув назоратини ташкил этиш мақсадида харажатларни ҳисоб (меъёр) баҳоларида баҳолаш орқали ҳам ҳисобга олишлари мумкин. Халқаро атамаларда харажатларни меъёрий баҳолаш - трансферт баҳо, трансферт баҳолаш тушинчалари билан ҳам талқин қилинади. Технологик жараёнлар бўйича меъёрий харажатларнинг ҳақиқий миқдоридан четлашишларини ҳисобга олиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи аниқланади.

Шунинг учун ҳам бу усулларни миллий ҳисоб тизимида харажатларни ҳисобга олишнинг ишлаб чиқариш усуллари дейилади. Бу усуллар қуйидагича хусусиятлар билан характерланади.

Жараёнли ишлаб чиқариш усули -саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бир цехда ва бир жавобгарлик марказида, хом-ашё ва материалларга технологик жараёнлар бўйича босқичма – босқич ишлов бериш орқали якуний босқичда тайёр маҳсулотни олиш билан якунланади. Шунга мос равишда

№ 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” сметида, яъни шу жавобгарлик маркази бўйича харажатлар таркиби ва вужудга келиш манбалари бўйича ҳисобга олинади ва калькуляция моддалари бўйича умумлаштириштирилиб маҳсулот таннархи аниқланади.

Бўлинмали ишлаб чиқариш усули - саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш технологик боғлиқлардаги бир неча цехларда амалга оширилади ва технологик якуний ишлов бериш цехида тайёр маҳсулот олиш билан якунланади. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасида тайёр маҳсулотнинг қайсидир конструктив қисми ёки бутловчи буюмлари йиғиш орқали ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари шунга мос равишда ҳар бир жавобгарлик марказларида харажатлар таркиби ва бўлинма маҳсулотининг таннархи бўйича ҳисобга олинади. Бутловчи буюмларни йиғувчи цехлар бу буюм қисмларини ишлаб чиқарувчи цехлар билан технологик боғлиқликда. Шу болиқликда уларнинг харажатлари бутловчи цехда умумлаштирилиб бутловчи буюмнинг таннархи аниқланади. Харажатларни умумлаштириш синтетик ҳисоб билан, бутловчи буюм таннархи эса калькуляция ҳисоби билан аниқланади. Бунда бутловчи цех харажатларини ҳисобга олувчи счет таркибида бутловчи буюм қисмларини ишлаб чиқарувчи цех харажатларини ҳисобга олувчи бўлинган счетлар очилади. Моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган ишлаб

чиқариш ҳисоботлари харажатларни умумлаштиришга асос ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотнинг харажатлари ҳам шу тарзда якуний ишлов бериш пехида синтетик ҳисоб билан умумлаштирилади ва калькуляция ҳисоби орқали тайёр маҳсулот таннархи аниқланади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи цех № 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” смети остида ҳисобга олинади. Технологик боғлиқлардаги бошқа цехлар 2010 смети таркибида аналитик смети очиш орқали ҳисобга олинади ва уларнинг харажатлари шу смети орқали умумлаштирилади.

Буюртмали ишлаб чиқариш усули – саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш харидорларнинг буюртмалари асосида амалга оширилади. Амалиётда икки хил буюртмали ишлаб чиқариш усули учрайди, - ихтисослик бўйича асосий ишлаб чиқаришнинг тугалланмаган маҳсулотига ва ихтисосликка хос бўлмаган янги маҳсулот ишлаб чиқаришга. Буюртма бўйича сотиладиган тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулоти № 2110 сметида ишлаб чиқаришдан ярим тайёр маҳсулот сифатида меъёрий таннархи бўйича ҳисобга олинади ва тегишли нарх белгиланиб харидорларга сотилади. Буюртма бўйича ишлаб чиқарилган янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига қараб жараёнли ёки бўлинмали ишлаб чиқариш усулларида ҳисобга олинади. Харажатлари умумлаштириш ва маҳсулот таннаrxини калькуляция қилиш фақат ҳар бир ишлаб чиқариш цикли бўйича алоҳида – алоҳида амалга оширилади, маҳсулотга баҳо белгилаш ҳам.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АУРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Ю.Худойбердиева, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
тингловчиси**

Жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлатнинг иштироки қай даражада эканини танқидий баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда мамлакатимизда корпоратив молиянинг амал қилиш механизмини самарали ташкил этиш масаласи долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси сифатида юқори фойда олиш ва мулкдорлар манфаатларини қаноатлантириш мақсадида молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш белгиланади. Эркин

бозор муносабатларида бозорнинг ҳар қандай субъекти сотувчи ва харидор сифатида қатнашиши мумкин. Бу жараёнда бозор муносабатларини ривожлантириш корпоратив молиянинг жамиятдаги ролини кучайтиришни талаб қилади.

Корпоратив молия корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида юзага келадиган барча пулли молиявий муносабатлар тизимини англайди. Бунда корпоратив тузилма доирасида пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш, улардан фойдаланиш жараёнлари корпоратив молиянинг асоси сифатида хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корпоратив тузилма бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсдир. Юридик шахс тушунчаси эса ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотни англайди.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳозирги шароитда корхона ихтиёрида қолган фойдасини мустақил тақсимлайди. Фойдадан тўғри фойдаланиш корхонанинг истиқболдаги ривожланиш бўйича режаларини амалга ошириш, шунингдек мулкдорлар, инвесторлар ва ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш имконини беради. Умумий ҳолатда фойда қанчалик кўпроқ молиявий-хўжалик фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилса, кўшимча молиялаштиришга бўлган талаб шунчалик камроқ бўлади. Тақсимланмаган фойда миқдори хўжалик фаолияти рентабеллиги, шунингдек мулкдорларга тўловлар бўйича муносабатларга қаратилган корхона сиёсати (дивиденд сиёсати)га боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолияти давомида молиявий муносабатларнинг тўғри ташкил этилиши қўйилган мақсадга эришишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни корхоналар молиясини самарали ташкил этишга, корхоналар молиясини бошқаришни тўғри ташкил этишга қаратиш мақсадга мувофиқ. Корпоратив молияни бошқаришни тўғри ташкил этиш эса бевосита корпоратив молиявий сиёсатга боғлиқ.

Корпоратив молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш корхоналарнинг барча молиявий муносабатларини қамраб олиши лозим. Бунда молиявий сиёсат – корхонанинг таъсис ҳужжати (устави)да асосий стратегик ва тактик мақсадларга эришиш учун молиядан мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланишни ўзида асос еттиради. Масалан, товар бозоридаги позициясини кучайтириш; мос равишда активлар ҳамда хусусий капитал рентабеллигига эришиш; тўловга лаёқатлилиги ва баланс

ликвидлилигини таъминлаш; акциядорлар мулкый имкониятларини ошириш ва бошқалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари акцияларини халқаро фонд биржаларига очик жойлаштириш амалиётини ташкил этишда листинг талабларидан бири ҳисобланган дастлабки тўловлар ва ҳар йиллик тўловлар даражасини ҳисобга олиш лозим. Чунки бундай тўловларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатмаслиги талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, акцияларни очик обуна тартибида жойлаштириш нисбатан юқори миқдордаги харажатларни, кўп вақтни талаб қилсада катта миқдордаги капитални ҳам жалб қилиш имконини беради. Бу ўз навбатида янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, ривожланаётган давлатлардаги стратегик аҳамиятга эга корпоратив тузилмалар томонидан IPO операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида мазкур амалиётнинг камчиликларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Юқоридагилар билан бир қаторда, потенциал инвесторларни жалб қилиш мақсадида тақдимотлар ўтказиш жараёнида инвестор фаолияти ташкил етилган давлатда солиққа тортиш даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки дивидендларга нисбатан солиқ юки юқори бўлган давлатларда акциялар сотиб олиш орқали даромад кўришга интилиш даражаси ниҳоятда паст бўлади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Х.Аҳмедов, АТ Халқ Банки ходими

Кредитлардан олинган даромадлар тижорат банкларининг даромад базасини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети, чунки, кредитларнинг улар активларининг таркибида юқори салмоқни эгаллайди. Ўз навбатида, кредитларнинг даромадлилик даражасини ўзгариши бевосита банк кредит портфелининг сифатини ўзгаришига боғлиқ. Шу сабабли, кредит портфелининг сифат кўрсаткичларини таҳлили кредитларнинг даромадлилигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш имконини беради.

2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади [1]. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни (кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги, кредитларнинг даромадлилик даражасини паст эканлиги, банкларда ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқ.) ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

Бу эса, ўз навбатида, кредит портфелининг муҳим сифат кўрсаткичи бўлган кредитларнинг даромадлигини таъминлаш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Кредитларнинг даромадлиги тижорат банклари кредит портфелининг сифатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, кредитлар даромадлигининг барқарорлигини таъминлаш кредит портфелини бошқариш сифатини оширишни тақозо қилади.

Биз қуйида Асакабанк мисолида тижорат банклари кредитларининг даромадлигига баҳо берамиз.

1-жадвал

«Асакабанк» АЖ да 2017-2022 йиллар давомида саноат корхоналарига берилган кредитлар ва уларнинг даромадлилик даражаси³⁰⁷

Кўрсаткичлар	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022й
Саноат корхоналарига берилган кредитлар миқдори, млрд. сўм	11 548	17802	16 526	23 279	26 615	24 706
Саноат корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражаси, %	6,8	14,0	7,0	7,0	8,0	8,9

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, «Асакабанк» томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг суммаси 2017-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, аммо 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, саноат корхоналарига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги улушини пасайганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, келтирилган маълумотлардан кўринадик, «Асакабанк»да саноат корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражаси 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 2,1 фоизга ошган.

Қай этиш жоизки, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу таснифланган кредитларнинг таркибидир.

2-жадвал

АТ «Асакабанк» таснифланган кредитларининг таркиби³⁰⁸

Кўрсаткич номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022й.
Стандарт кредитлар	87,20	84,83	86,91	92,03	85,95
Субстандарт кредитлар	12,19	11,29	9,84	3,14	9,40
Қоникарсиз кредитлар	0,29	1,51	0,67	3,19	2,66
Шубҳали кредитлар	0,18	1,38	1,04	0,81	1,33
Умидсиз кредитлар	0,14	0,99	1,54	0,83	0,66
Жами	100	100	100	100	100

-жадвал маълумотларидан кўринадик, 201-2022 йилларда Асакабанкда таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши кузатилган яъни, 2022

³⁰⁷Жадвал муаллиф томонидан “Асакабанк” акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

³⁰⁸ Жадвал муаллиф томонидан “Асакабанк” АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

йилда 2017 йилга нисбатан таснифланган кредитлар таркибида стандарт кредитларнинг салмоғи 6,08 фоизли пунктга пасайгани ҳолда, субстандарт кредитларнинг салмоғи 2,65 фоизли пунктга, қониқарсиз кредитларнинг салмоғи 1,93 фоизли пунктга ошган.

Илмий мақолани ёзиш жараёнида тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– кредитларнинг даромадлилигини таъминлашда кредитлар бўйича соф йўқотишларнинг жами кредитларга нисбатан даражасининг ўзгариши муҳим ўрин тутди;

– кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади ва бунда, фоизли спрэд миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаиг фоизли маржа ҳисобланади;

– уй хўжаликларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятларини фирмаларниқига қараганда сезиларли даражада чекланганлиги уларга берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 – сонли “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.496.

3. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕНАНД, 2019. – С. 218.

4. Валенцева Н.И. Ценообразование на рынке банковских услуг//Банковское дело. – Москва, 2013. – №11. – С. 39.

5. Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.

6. Литвинов Е.О. Кредитное бремя населения России: вопросы теории и методологии. Монография. – Волгоград, 2012. – С. 14.

7. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726. .

8. Lando D., Skodeberg T. Analyzing Rating Transitions and Rating Drift with Continuous Observations // Journal of Banking and Finance. – 2002. – Vol. 26 (2–3). – pp. 423–444.

9. Wei L., Yuan Z. The Loss Given Default of a Low-Default Portfolio with Weak Contagion//Insurance: Mathematics and Economics. – 2016. – Vol. 66. – pp. 113 -123.

10. Tasche D. Bayesian Estimation of Probabilities of Default for Low Default Portfolios//Journal of Risk Management in Financial Institutions. – 2013. – Vol.


6(3). – pp. 302–326.

11. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.

MAMLAKATIMIZDAGI BIZNES LOYIHALARINI QIMMATLI QOG‘OZLAR ORQALI MOLIYALASHTIRISHDA XORIJIY INVESTORLAR ISHTIROKI


X.Sharipov, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi tinglovchisi

Iqtisodiyotni rivojlantirishda hamda iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda kapital bozori instrumentlari, xususan, korporativ qimmatli qog‘ozlar savdosini oshirish muhim ahamiyatga ega. Rivojlanayotgan mamlakatlar amaliyotida, shu jumladan, O‘zbekistonda ham iqtisodiy rivojlanishda xorijiy kapitalning o‘rni katta hisoblanadi. Bugungi kunda korporativ qimmatli qog‘ozlar orqali biznes loyihalarini moliyalashtirishda xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning joriy holatini quyida tahlil qilamiz (1-rasm).



1-rasm. Kapital bozorida xorijiy investorlarga tegishli aksiyalar ko‘rsatkichlari³⁰⁹

1-rasmda kapital bozorida xorijiy investorlarga tegishli aksiyalar ko‘rsatkichlari aks ettirilgan. 2023-yil 1-oktyabr holatiga ko‘ra aksiyalarning umumiy hajmi 187381,5 mlrd. so‘m bo‘lsa, shundan 9115,6 mlrd. so‘m hajmdagi aksiyalar yoki jami aksiyalarning 5 foizi xorijiy investorlarga tegishli hisoblanadi.




2-rasm. Kapital bozorida xorijiy investorlarga tegishli korporativ obligatsiyalar ko‘rsatkichlari³¹⁰

³⁰⁹ <https://depo.uzcsd.uz/api/Website/GetPdfById1569> - Depozitar ma'lumotlar markazi ma'lumotlari

³¹⁰ <https://depo.uzcsd.uz/api/Website/GetPdfById1569> - Depozitar ma'lumotlar markazi ma'lumotlari

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

2-rasmda kapital bozorida xorijiy investorlarga tegishli korporativ obligatsiyalar tahlil qilingan bo‘lib, 2023-yil 1-oktyabr holatiga ko‘ra korporativ obligatsiyalarning umumiy hajmi 1001,8 mlrd. so‘mni tashkil etadi. Korporativ obligatsiyalar umumiy hajmidan 25,4 mlrd. so‘mlik korporativ obligatsiyalarga yoki korporativ obligatsiyalarning umumiy hajmiga nisbatan 3 foiz qismiga xorijiy investorlar egalik qilmoqda.




3-rasm. Aksiyalarga kiritilgan xorijiy investitsiyalarda investorlar ulushi, mlrd. so‘m³¹¹

Aksiyalarga kiritilgan xorijiy investitsiyalarda investorlar ulushini tahlil qiladigan bo‘lsak, aksiyalarga kiritilgan investitsiyalarning 9069,1 mlrd. so‘m qismi yuridik shaxs sifatida faoliyat ko‘rsatadigan xorijiy investorlarga hamda 46,4 mlrd. so‘m qismi esa jismoniy shaxs sifatidagi xorijiy investorlarga tegishli ekanligini qayd etish lozim (3-rasm). Shuningdek, xorijiy investorlar tomonidan sotib olingan aksiyalarning umumiy hajmidan 99 foiziga yuridik shaxslar hamda 1 foiziga

³¹¹ <https://depo.uzcsd.uz/api/Website/GetPdfById1571> - O‘zbekiston Respublikasi Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi ma‘lumotlari

jismoniy shaxslar egalik qilmoqda.



4-rasm. Korporativ obligatsiyalarga kiritilgan xorijiy investitsiyalarda investorlar ulushi, mlrd. so‘m³¹²

4-rasmda korporativ obligatsiyalarga kiritilgan xorijiy investitsiyalarda investorlar ulushi o‘rganilgan bo‘lib, korporativ obligatsiyalarning 21,2 mlrd. so‘m hajmi yoki jamiga nisbatan 83 foizi yuridik shaxslarga tegishli ekanligi qayd etilgan. Shuningdek, xorijiy investorlar egalik qiluvchi 4,2 mlrd. so‘m hajmiga yoki jamiga nisbatan 17 foiziga jismoniy shaxslar egalik qilmoqda.

Korporativ qimmatli qog‘ozlar orqali biznes loyihalarini moliyalashtirishda xorijiy investorlarning ishtirokini o‘rganish asosida quyidagilarni ta’kidlash lozim. Birinchidan, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish va iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishda kapital bozorining imkoniyatlaridan samarali foydalanish zarur. Ikkinchidan, kapital bozorida korporativ qimmatli qog‘ozlari savdosini oshirish bo‘yicha tartibga soluvchi organlar tomonidan davlat tomonidan tartibga solish hamda o‘zini o‘zi tartibga solish mexanizmlarini ishlab chiqish lozim. Uchinchidan, kapital bozorida an’anaviy korporativ qimmatli qog‘ozlari savdosini oshirish uchun korxonalarda dividend siyosatini samarali tashkil etish, korxonalarining moliyaviy ko‘rsatkichlarini yaxshilash va investitsion jozibadorligini oshirish zarur. To‘rtinchidan, korporativ qimmatli qog‘ozlar orqali xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda mahalliy fond birjasining xorijiy fond birjalari bilan integratsiyasini kuchaytirish hamda kapital bozori infratuzilmasini rivojlantirishga e’tibor qaratish maqsadga muvofiq.

ХУДУДЛАРНИНГ СОЛИҚ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Э.Рахимов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Худудларнинг солиқ салоҳиятини оширишда амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- худудларда мавжуд солиқ базасини яна кенгайтириш чораларини кўриш

³¹² <https://depo.uzcsd.uz/api/Website/GetPdfById1571> - O‘zbekiston Respublikasi Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi ma’lumotlari

лозим. Бу борада, солиқ солиш базасини янада табиий кўпайиш жараёнларига нисбатан иқтисодий-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини бериш мумкин. Шунингдек, солиқ салоҳиятини шаклланишиша муҳим ўрин эгалловчи “қўшилган қиймат солиғи” борасида “солиқ базаси” ҳисоблаб аниқлаш ва уни кенгайтириш бўйича мавжуд солиқ соҳасида оид норматив-ҳуқуқий қонунчиликда қатор муаммоли ҳолатлар мавжудлигини кўриш мумкин. Бунинг натижасида, солиқ салҳиятини оширишда муҳим ўрин тутувчи “солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси”нинг ҳар доим ҳам самарали ишламаётганлигини кузатиш мумкин. Бунинг салбий таъсири натижасида эса, “лозим даражада эҳтиёткорлик” тамойилининг солиққа тортишга оид ҳисобланган норматив-ҳуқуқий қонунчиликдаги ўзгартиришлар сабаб қўшилган қиймат солиғи борасида “виждонли солиқ тўловчи”нинг 1 кун давомида тадбиркорлик субъектига тўлаган қўшилган қиймат солиғининг тан олинмаслигига юзага келмоқда ҳамда тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир этувчи катта муаммоларнинг бири, яъни яширин иқтисодиёт ҳажмининг ошишига замин ҳозирланмоқда. Бу орқали солиқ салоҳиятининг ошиши имконсиз ҳолатга келади.

- ҳудудларда солиқ салоҳиятини оширишда маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, шаффофлик ва коррупцион омилларни камайтириш, тизимни тўлиқ рақамлаштириш чораларини кўриш, рақамли солиқ платформаларини сунъий интеллект орқали янада такомиллаштириш талаб этилади;

- хусусий мулк ва унинг қонуний ҳимояси билан боғлиқ қонунчиликни тўлиқ тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш орқали солиқ тўловчиларнинг хусусий мулкига нисбатан кафолатларини кучайтириш мумкин;

- ҳар бир ҳудуд бўйича солиқ салоҳиятини аниқлаш ва уни доимий равишда оширишнинг мақсадли кўрсаткичларини қабул қилиш;

- тадбиркорлик субъектлари учун берилаётган солиқ имтиёзларининг қай даражада самарадорлигини, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мазкур имтиёзларнинг ўзини оқлаш даражасини аниқлаш лозим. Бу борада, хорижий тадрибаларга кўра, “тартибга солувчи гильотина” тамойилини қўллашорқали солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш, уларни қўллаш билан боғлиқ жараёнларда шаффофликни таъминлаш, қўлланилаётган солиқ имтиёзларини муайян тадбиркорлик субъектини сунъий равишда қўлла-қувватлаш механизмини ва ушбу тадбиркорлик фаолиятини монополлаштириш воситасига айланишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, солиқ имтиёзларининг самарасиз равишда қўлланиши оқибатида маҳаллий бюджетга тушумларнинг кескин камайиши ва бунинг оқибатида мавжуд ҳудудий солиқ салоҳиятининг пасайиши кузатилиш эҳтимоли юқоридир;

- солиқ салоҳиятини оширишдаги муҳим жиҳатлардан бири, яъни солиқ солишнинг асосий муаммоларидан бўлган бюджет тизимининг ҳар бир даражасида солиқ тушумларини прогноз қилиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда бу борадаги субъектларнинг маҳаллий ҳокимият

органларининг ўз ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш, қулай инвестицияларни шакллантириш, шунингдек узоқ муддатли молиявий ва бюджет сиёсатини амалга ошириш имкониятини таъминлаш лозим. Шу билан бирга, тадқиқоттиимиз давомидаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, хусусиятлари қуйидаги мезонларга кўпроқ мос келадиган солиқ базаларини ҳудудий бюджетларга йўналтириш ҳам солиқ салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларидандир:

- солиқ солинадиган база ҳудуд бўйича тенг тақсимланганлиги;
- солиқ солинадиган базанинг ҳаракатчанлиги;
- ҳудудий ҳокимият органлари солиқ солинадиган база ва солиқ ундирилишига таъсир кўрсатиш имкониятига эга;
- солиқлар маълум бир ҳудудда яшовчи аҳолининг фаровонлик даражаси (даромадлари ва мулки) билан бевосита боғлиқлиги.

- маҳаллий бюджетларнинг шахсий даромад базасини мустаҳкамлаш захираларидан бири ҳудудий солиқ ва йиғимлар эканлиги барчамизга маълум. Маҳаллий солиқларнинг таркибида хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи етакчи ўрин тутди. Шу сабабли, маҳаллий бюджетларининг солиқ базасини мустаҳкамлашнинг асосий истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан, мулк солиғи ундирилганда иккита функцияни бажаради (фискал (маҳаллий бюджетларга кичик, аммо барқарор даромадлар тақдим этиши билан боғлиқ, иқтисодий (хўжалик юритувчи субъектларларни ортиқча, фойдаланилмаётган, даромад келтирмайдиган мол-мулкдан озод қилиш орқали камроқ миқдорда солиқ тўлашдан манфаатдорликнинг юзага келиши орқали).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳудудий солиқ салоҳиятини оширишнинг муҳим истиқболли йўналишларидан бири – бу солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади. Бу борада, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини батаклиф этиш муҳим аҳамиятга эга:

1-жадвал

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари³¹³

№	Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш меҳнаизми ва формуласи
1	Ҳисобот йилида самарадорлиги баҳоланган солиқ имтиёзларининг жами солиқ имтиёзларидаги улуши	$D_t = V_v / V_t \times 100 \%$, бу ерда V_v - ҳисобот йилида самарадорликни баҳолаш ўтказилган солиқ имтиёзлари ҳажми; V_t - жорий (ҳисобот) йилда берилган солиқ имтиёзларининг умумий суммаси
2	Ҳақиқий натижалари режалаштирилганда мос келадиган солиқ имтиёзларининг улуши	$D_f = F_t / P_t \times 100 \%$ бу ерда F_t - солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳақиқий натижалари; P_t - жорий (ҳисобот) йилда тақдим этилган солиқ имтиёзларининг режалаштирилган

³¹³ Муаллиф ишланмаси

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

		микдори
3	Мақсадлари худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мос келадиган солиқ имтиёзларининг улуши.	$D_p = F_p / P_t \times 100 \%$, бу ерда F_p - мақсадлари худуднинг таъсис субъектини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор ёналишларига мос келадиган солиқ имтиёзлари ҳажми, P_t - жорий (ҳисобот) йилда тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳажми.
4	Даромаднинг ҳақиқий этишмаслиги аниқланган солиқ имтиёзларининг улуши	$D_p = V / P_t \times 100 \%$, бу ерда V - даромадлар этишмовчилигининг ҳақиқий ҳажми; P_t - жорий (ҳисобот) йилда берилган солиқ имтиёзлари суммаси
5	Ҳақиқий бюджет таъсири (солиқ тушумлари динамикасига таъсири) ва (ёки) ижтимоий-иқтисодий самара (ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси) белгиланадиган солиқ имтиёзларининг улуши.	$D_b = D_{Be} / P_t \times 100 \%$, бу ерда V_e - жами бюджет эффекти ва (ёки) ижтимоий-иқтисодий самара (ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси); P_t - жорий (ҳисобот) йилда берилган солиқ имтиёзлари суммаси
6	Имтиёзларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилган солиқ имтиёзларининг самарасиз деб топилган улуши	$D_b = V_e / P_t$, бу ерда V_e - самарасиз солиқ имтиёзлари ҳажми; P_t - берилган солиқ имтиёзларининг умумий миқдори

Юқоридаги жадвал асосида солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш имконияти мавжуд. Шу орқали йиллар кесимида қиёсий солиштириш натижаларига кўра, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш, натижада уларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

DAVLAT TASHKILOTLARIDA MOLIVAVIY NAZORATNI SAMARALI TASHKIL ETISH MASALALARI


**A. Bahodirov, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi tinglovchisi
Ilmiy rahbar: S. Omonov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti PhD**

Davlat tashkilotlarida moliyaviy nazoratni shakllantirish bugungi kunda har bir mamlakatda dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Mazkur jarayonda samarali tizimni yaratish davlat tashkilotlarida moliyaviy mexanizmlar ishlashini ta’minlab beradi. Davlat tashkilotlarida moliyaviy nazoratni shakllantirish byudjet mablag‘laridan samarali foydalanishga imkoniyat yaratadi. Shu sababli so‘nggi yillarda mamlakatimizda ham davlat tashkilotlarida moliyaviy nazoratni yaxshilash bo‘yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti xarajatlarining samaradorligini yanada oshirish va davlat moliyaviy nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida” 2022-yil 14-fevraldagi PQ-128-son Qarorida bir qator jihatlariga alohida e’tibor qaratilgan. O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti xarajatlarining samaradorligini oshirish, budjet


*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

qonunchiligi buzilishining profilaktikasini kuchaytirish va masofaviy moliyaviy nazoratni kengaytirish, shuningdek, davlat moliyaviy nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish maqsadida moliyaviy nazoratni tashkil etuvchi tashkilotlar birinchi navbatda quyidagi yo‘nalishlarda budjet qonunchiligi buzilishining profilaktikasiga alohida e‘tibor qaratishi belgilangan (1-rasm).



1-rasm. Moliyaviy nazoratni tashkil etuvchi tashkilotlar tomonidan budjet qonunchiligi buzilishining profilaktikasiga alohida e‘tibor qaratishi lozim bo‘lgan yo‘nalishlar³¹⁴

Moliyaviy nazoratni tashkil etuvchi tashkilotlar 2022-yildan boshlab nazorat ishlarining yillik dasturlarini quyidagi ustuvor yo‘nalishlarga muvofiqlashtirishi belgilangan (2-rasm).



2-rasm. Moliyaviy nazoratni tashkil etuvchi tashkilotlar tomonidan nazorat ishlarining yillik dasturlarini muvofiqlashtirishi lozim bo‘lgan ustuvor yo‘nalishlar³¹⁵

Moliya vazirligi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi bilan birgalikda “Elektron nazoratchi-taftishchi” dasturiy

³¹⁴ “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti xarajatlarining samaradorligini yanada oshirish va davlat moliyaviy nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida” 2022-yil 14-fevraldagi PQ-128-son Qarori. <https://lex.uz/docs/-5858712>

³¹⁵ “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti xarajatlarining samaradorligini yanada oshirish va davlat moliyaviy nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida” 2022-yil 14-fevraldagi PQ-128-son Qarori. <https://lex.uz/docs/-5858712>

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

majmuasining yaratishi lozimligi belgilangan. Unga ko‘ra birinchi bosqichda, ya’ni 2022-yil 1-sentabrga qadar vazirlik va idoralar bilan real vaqt rejimida axborot almashinuvi orqali budget qonunchiligini buzish xavfini tahlil qilish maqsadida Moliya vazirligining moliyaviy nazorat ma’lumotlari bazasini ishga tushirish ta’kidlangan. Ikkinchi bosqichda, 2023-yil 1-yanvarga qadar davlat moliyaviy nazorati obyektining muayyan davr uchun ayrim masalalar bo‘yicha faoliyatini nazorat qilish (mavzuli nazorat) modulini yaratish belgilangan. Bunda dasturiy majmuani ishlab chiqish va joriy etish bilan bog‘liq xarajatlar O‘zbekiston Respublikasining respublika budgeti hisobidan moliyalashtirilishi qayd etilgan.

Qonunchilikda belgilangan asoslarga ko‘ra, budget tizimi budgetlari mablag‘lari hisobidan amalga oshirilgan qurilish obyektlarida nazorat o‘lchovi o‘rnatilishi ta’kidlab o‘tilgan (3-rasm). Qurilish qiymati 10 mlrd so‘mgacha bo‘lgan obyektlarda, ya’ni qurilishda nazorat o‘lchovini o‘tkazish huquqiga ega bo‘lgan vakolatli tashkilotlarni jalb qilgan holda hamda qurilish qiymati 10 mlrd so‘mdan yuqori bo‘lgan obyektlarda Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyaning qurilish obyektlarida nazorat o‘lchovini amalga oshirish boshqarmasi tomonidan amalga oshiriladi.



Qurilish qiymati 10 mlrd so‘mgacha bo‘lgan obyektlarda, ya’ni qurilishda nazorat o‘lchovini o‘tkazish huquqiga ega bo‘lgan vakolatli tashkilotlarni jalb qilgan holda amalga oshiriladi



Qurilish qiymati 10 mlrd so‘mdan yuqori bo‘lgan obyektlarda Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyaning qurilish obyektlarida nazorat o‘lchovini amalga oshirish boshqarmasi tomonidan amalga oshiriladi

3-rasm. Budget tizimi budgetlari mablag‘lari hisobidan amalga oshirilgan qurilish obyektlarida nazorat o‘lchovi o‘rnatilishi tartibi³¹⁶

O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat moliyaviy nazorati inspeksiya hamda vazirliklar va idoralarning ichki audit xizmatlari xodimlari malakasini sertifikatlash tartibi quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- malaka sertifikatini olish uchun talabgorlarga qo‘yiladigan malaka talablari;
- malaka imtihonini tashkil etish, o‘tkazish hamda natijasi yuzasidan

³¹⁶ “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budgeti xarajatlarining samaradorligini yanada oshirish va davlat moliyaviy nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida” 2022-yil 14-fevraldagi PQ-128-son Qarori. <https://lex.uz/docs/-5858712>

apellatsiya berish va uni ko‘rib chiqish tartibi;

- malaka sertifikatini berish va qayta rasmiylashtirish, shuningdek, malaka sertifikatlari reyestrini yuritish;

- malaka oshirish kursini tashkil etish.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda ta’kidlash mumkinki, davlat tashkilotlarida moliyaviy nazoratni tashkil etish katta ahamiyatga ega. Mazkur tizimning samaradorligi budjet mablag‘laridan oqilona foydalanishni ta’minlaydi.

IPOTEKA BOZORIDA BIZNES BOSHQARUVINI SAMARALI TASHKIL ETISHDA MOLIYALASHTIRISH YO‘NALISHLARI

A.Gapurov, O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi tinglovchisi

Ilmiy rahbar: S.Omonov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti PhD

Hozirgi kunda respublikamizdagi deyarli barcha tijorat banklari o‘z mijozlariga ipoteka kreditlarini taqdim etishmoqda. O‘zbekistonda tijorat banklari tomonidan uy-joy ipoteka kreditlarining berilishi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 3 yanvardagi 2-sonli qarori bilan tasdiqlangan “Uy-joy qurilishiga, uni rekonstruksiya qilishga va sotib olishga ipoteka krediti berish to‘g‘risida”gi Nizomga muvofiq amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda yuqoridagi Nizom, "Ipoteka to‘g‘risida"gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 21 oktyabrdagi “2017 — 2021 yillarda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo‘yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to‘g‘risida” PQ-2639-son Qarori hamda 2016 yil 22 noyabrdagi “2017-2020-yillarda shaharlarda arzon ko‘p kvartirali uylarni qurish va rekonstruksiya qilish dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-2660-sonli Qaroriga muvofiq ishlab chiqilgan bo‘lib, unda tijorat banklari tomonidan aholiga uy-joy qurish, uni rekonstruksiya qilish va sotib olish uchun ipoteka kreditlarini berish tartibi belgilangan.

Aholiga ipoteka krediti banklar tomonidan to‘lovlilik, qaytarishlik, ta’minlanganlik va muddatlilik shartlarida quyidagi maqsadlarga beriladi³¹⁷:

- qurilishning belgilangan normalari va qoidalariga rioya qilib yakka tartibda uy-joy qurish, rekonstruksiya qilish va ta’mir qilish;

- yangi qurilgan yoki ikkilamchi bozordan yakka tartibdagi uy-joyi yoki ko‘p kvartirali uydagi kvartirani sotib olish;

- yangi qurilgan yoki ikkilamchi bozordan yakka tartibdagi uy-joyi yoki ko‘p kvartirali uyni o‘zining mavjud uy-joyi yoki ko‘p kvartirali uyiga almashtirishga;

- boshqa banklar tomonidan ajratilgan ipoteka kreditlarini mijozlarga qulay shartlarda qayta moliyalashtirish.

Ipoteka krediti:

- qurilayotgan uy-joyi u joylashgan yer uchastkasi bilan birga;

- ipoteka krediti hisobiga sotib olinadigan va belgilangan tartibda qarz

³¹⁷ O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 11-iyundagi 13/8-son qaroriga ILOVA, “Aholiga ipoteka kreditlari ajratilishining hadli shartlari to‘g‘risida”gi Nizom // <https://lex.uz/uz/docs/-4915346>

oluvchi mulkiga o‘tadigan yakka tartibdagi uy-joyi yoki ko‘p kvartirali uydagi kvartirani;

– qarz oluvchining mulki bo‘lgan va ipoteka krediti hisobiga rekonstruksiya qilinayotgan yakka tartibdagi uy-joyi garovga qo‘ygan holda amalga oshiriladi.

Bank tomonidan ipoteka kreditini ajratish to‘g‘risida ijobiy qaror qabul qilingandan so‘ng³¹⁸:

- bank va qarz oluvchi (birgalikda qarz oluvchilar) o‘rtasida kredit shartnomasi rasmiylashtiriladi;

- qarz oluvchi o‘z hisobiga va kredit shartnomasida belgilangan muddatlarda sug‘urta tashkiloti bilan ipoteka obyektini tavakkalchiliklardan sug‘urta qilish shartnomasini tuzadi. Bunda sug‘urta shartnomasida sug‘urta mukofotini har yili to‘lanishi nazarda tutilishi mumkin;

- yakka tartibdagi uy-joyi yoki ko‘p kvartirali uydagi kvartirani sotib olishda belgilangan tartibda uy-joyning oldi-sotdi shartnomasi rasmiylashtiriladi;

- O‘zbekiston Respublikasining “Ipoteka to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq ipoteka shartnomasi tuziladi. Ipoteka shartnomasi, shuningdek qonun asosida vujudga kelgan ipoteka belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tkaziladi.

Ipoteka krediti berishda bankning ipoteka bilan ta‘minlangan majburiyati bo‘yicha huquqlari garov xati bilan tasdiqlanishi mumkin.

Garov xati qarz oluvchi tomonidan tuziladi va ipoteka davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgandan keyin, qarz oluvchi hamda bank ishtirokida ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organ tomonidan rasmiylashtiriladi va bankka beriladi.

Bankning ipoteka krediti berish bo‘yicha majburiyati qarz oluvchi tomonidan bankka ipoteka predmetini yo‘qolish va shikastlanish tavakkalchiliklaridan sug‘urta qilish shartnomasini hamda sug‘urta polisini taqdim etgandan, shuningdek ipoteka vujudga kelgandan keyin paydo bo‘ladi. Ushbu shart kredit shartnomasida belgilab qo‘yilgan bo‘lishi kerak.

Bunda, yakka tartibdagi uy-joy qurish va qayta qurish uchun ajratiladigan ipoteka kreditlari uchun qonunchilik hujjatlarida boshqacha tartib nazarda tutilishi mumkin.

Qarz oluvchiga ajratilgan ipoteka krediti summasi (shu jumladan, qarz oluvchining bankdagi hisobvarag‘ida shakllantirilgan mablag‘lari) bank tomonidan shartnomaga muvofiq tegishli hisobvaraqa o‘tkazib beriladi.

1-rasmda 2022-yilda iqtisodiyotda innovatsiyalarni joriy etgan tarmoqlar tahlil qilingan bo‘lib, umumiy holatda 7 ta tarmoqqa bo‘lingan. 2021-yilda innovatsiyalarni joriy etgan korxonalar iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha tahlil qilinganda eng yuqori ulush ishlab chiqarish sanoatida kuzatilib, 44,2 foizni tashkil etgan. Shuningdek, qishloq, o‘rmon va baliq xo‘jaligi 2,3 foiz, qurilish sohasi 6,2 foiz, axborot va aloqa sohasi 4,2 foiz, kasbiy, ilmiy va texnik faoliyat sohalari 1,7 foiz, ta‘lim sohasi 1,2 foiz, iqtisodiy faoliyatning boshqa turlari 40,2 foizni tashkil etishgan. Yuqorida ta‘kidlangan sohalar orasidan ta‘lim, kasbiy, ilmiy va texnik faoliyat, axborot va aloqa sohalarida innovatsiyalarni joriy etish umumiy tendensiyaga nisbatan pastligini ijobiy holat sifatida baholab bo‘lmaydi. Mazkur sohalarda innovatsiyalarni kuchaytirish kelajak iqtisodiyotning qanchalik rivojlanishini belgilab beradi, deyishimiz mumkin.




2-rasm. Mamlakatimizda iqtisodiy faoliyat turlari kesimida texnologik innovatsiyalarni joriy qilgan kichik korxonalar va mikrofirmalar soni (2022)³³⁶

Mamlakatimizda 2022-yil davomida texnologik innovatsiyalarni joriy qilgan kichik korxonalar va mikrofirmalarni o‘rganadigan bo‘lsak, iqtisodiy faoliyat turlari kesimida jami 1098 ta kichik korxonalar va mikrofirmalar o‘z faoliyatida texnologik innovatsiyalarni qo‘llaganligini ko‘rish mumkin (2-rasm). Iqtisodiy faoliyat turlari kesimida tahlil qiladigan bo‘lsak, qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligida 29 ta, tog‘-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash sohasida 25 ta, ishlab chiqarish sanoatida 669 ta, qurilish sohasida 62 ta, axborot va aloqa sohasida 18 ta, ta‘lim sohasida 17 ta, sog‘liqni saqlash va ijtimoiy xizmat ko‘rsatish sohasida 4 ta hamda iqtisodiy faoliyatning boshqa turlarida 274 ta texnologik innovatsiyalar amaliyotga joriy etilgan. Shuni alohida ta‘kidlash lozimki, eng kam texnologik innovatsiyalar joriy

³³⁶ <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/27084-iqtisodiy-faoliyat-turlari-kesimida-texnologik-innovatsiyalarni-joriy-qilgan-tashkilotlar-soni> - O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy veb-sayti ma‘lumotlari

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

qilingan soha sog‘liqni saqlash va ijtimoiy xizmat ko‘rsatish sohasi bo‘lgan bo‘lsa, eng ko‘p texnologik innovatsiyalar joriy etilgan soha sifatida ishlab chiqarish sanoatini ta’kidlash lozim.



3-rasm. Qurilish sohasida texnologik innovatsiyalarni joriy qilgan korxonalarining yillar kesimida tahlili³³⁷

3-rasmda qurilish sohasida texnologik innovatsiyalarni joriy qilgan korxonalarining yillar kesimidagi tahlili keltirilgan. Mazkur ma’lumotlarga ko‘ra 2018-yilda 20 ta, 2019-yilda 55 ta, 2020-yilda 57 ta, 2021-yilda 62 ta hamda 2022-yilda 65 ta qurilish sohasidagi korxonalar texnologik innovatsiyalarni joriy etganligini ko‘rishimiz mumkin. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, 2018-yildan so‘ng qurilish sohasida texnologik innovatsiyalarni joriy qilish sezilarli o‘sgan. Mazkur sohada innovatsiyalarni yanada kengaytirish sohaning rivojiga hissa qo‘shishini ham ta’kidlash lozim.

Mamlakatimizda korxonalarini rivojlantirishda innovatsiyalardan foydalanish amaliyotini tahlil qilish asosida quyidagi xulosalarni shakllantirish mumkin:

Birinchidan, Respublikamiz korxonalarida izga tushmagan hamda tizimsiz innovatsion rivojlanish mavjud. Bu esa kompaniya va xoldinglar boshqaruv tizimida innovatsiyalarni boshqarish vazifalarining hamda tegishli tashkiliy tuzilmalarning samarali tashkil etilmaganligi natijasi hisoblanadi.

Ikkinchidan, innovatsion faoliyatning yuqori tavakkalchilikka asoslanganligi korxonalarda innovatsion strategiyalarni samarali amalga oshirishga to‘sqinlik qilmoqda. Bu esa innovatsiyalar sohasidagi davlat siyosatining beqarorligi va

³³⁷ <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/26622-qurilish-sohasida-texnologik-innovatsiyalarni-joriy-qilgan-korxonalar-va-tashkilotlar-soni-qancha> - O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy veb-sayti ma’lumotlari

takomillashmaganligi bilan bog‘liq. Marketing tadqiqotlarini o‘tkazish, innovatsion mahsulotlarga talabni aniqlash, intellektual mulkni himoya qilish asosida innovatsion faoliyat qo‘llab-quvvatlanishi lozim.

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТИ

М.Абдураимова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Суғурта ташкилотлари харажатларининг асосий қисми суғурта тўловларини тўлашга кетади. Шунинг учун суғурта тўловлари бўйича тўловлар асослилиги ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда суғурталанувчиларга суғурта тўловларини тўлаш бўйича рад жавобларининг асослилигини текширишга кўп вақт ажратилади.

Суғурта ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари уларни махсус резервлар ташкил қилишга зарурият туғдиради. Текширув жараёнида ташкил қилинган суғурта резервларни асослилигини ва қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқлигини, суғурта фаолиятини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган, суғурта резервларини жойлаштириш (инвестиция қилиш) шартларига риоя қилингаллигини аниқлаш керак.

Суғурта хизматларининг таннархига киритиладиган харажатлар таркиби эътиборли хусусиятларга эга, бу ўз ўрнида молиявий натижаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун текширув жараёнида у ёки бу харажатларнинг суғурта хизматларнинг таннархига киритилишининг асослилигини ва молиявий натижаларни шаклланишини аниқлаш керак.

Суғурта ташкилотларида аудиторлик текшируви ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйдагилардан иборат:

Суғурта ташкилотларида мавжуд булган асосий воситалар, материаллар, ишчилар билан ҳисоб-китоб каби операцияларнинг аудит ўтказиш тартиби бошқа юридик шахслардагига ўхшаш олиб борилади. Суғурта ташкилотларининг йиллик баланси ва ҳисоботи адиторлик текшируви ўтказилгандан кейин, аудиторлик хулосаси асосида матбуотда чоп этилади. Суғурта ташкилотлари аудитининг ўзига хослиги Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини бошқача тартибда олиб борилиши ҳам аудит ўтказишни бошқа корхона ва ташкилотлардагидан фарқлайди.

Суғурта қонунчилигида суғуртачининг молиявий барқарорлигини ва унинг тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича қатъий талаблар қўйилган. Шу сабабли аудитор суғурта ташкилот активлари ва мажбуриятларини меъёрий муносабатларини сақлашини текширишга алоҳида эътибор бериши керак. Бу борада суғурталовчиларнинг молиявий мустахкамлигини баҳоловчи рейтинглар алоҳида ўрин тутди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда, суғурталовчиларнинг тўловлилик қобилиятини баҳоловчи «молиявий ишончлилик рейтингларини» 3та ташкилот, яъни “SAIPRO” РА, “Ахбор–рейтинг” РА ва “Prime rating service” рейтинг агентликлари мавжуд. Ҳар бир

агентликнинг ўз рейтинг методикаси ва рейтинг индекслари мавжуд бўлиб, турли усуллардан фойдаланишда ва аналитик ҳисоботларида суғурта ташкилотнинг молиявий фаолиятини тўлиқ акс эттиради. Ўзбекистонда мавжуд суғурта ташкилотлари ичида фақат 10таси молиявий барқарорлик даражасини кўрсатувчи ишончлилик рейтингларига эга холос. Аудитор ўз текшируви давомида ушбу рейтинг агентликлар ҳисоботи ва хулосаларидан ҳам аудит жараенида фойдаланиши мумкин. Фикримизча суғурта ташкилотларга мўлжалланган маҳсус миллий рейтинг шкаласини жорий этиш ва халқаро стандартлар асосида мувофиқлаштириш керак. Суғурта ташкилотлар томонидан олинган молиявий мустаҳкамлик рейтинг даражаси талабларини ўз вақтида бажарилиши ва молиявий кўрсаткичлари белгиланган меъёрга мос келиши тўғрисида ахборот аудит ҳисоботида акс эттирилиши, аудит сифатини оширади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ЁРИТИБ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ф.Очилов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда баҳоланган мажбуриятлар аксарият ҳолатларда суд жараёнлари бўйича мажбуриятлар, солиқ мажбуриятлари, турли кафолатлар бўйича мажбуриятларни тан олиш натижасида молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини келтириб чиқариши мумкин. Мазкур мажбуриятларни ҳаққоний баҳолаш хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва манфаатдор томонларга потенциал молиявий рискларни баҳолаш ва уларни бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъектга молиявий ресурсларини самарали бошқариш, келажакда юзага келиши мумкин бўлган молиявий мажбуриятларни башорат қилиш ва режалаштириш, уларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилади(2-расм).



2-расм. Баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш ва акс эттириш босқичлари³³⁸

³³⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш, молиявий ҳисоботларда учрайдиган рискларни баҳолаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига риоя қилиш ва бизнес рискларини бошқариш долзарб масалалардан биридир.

Баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш ва акс эттириш куйидаги босқичларни ўз ичига олади ҳамда амалга оширилади

Баҳоланган мажбуриятларнинг халқаро амалиётда турлари жуда ҳам кўп, масалан, суд низолари, иш ҳақи, солиқлар, кредитлар бўйича фоизлар, реструктуризация, зарар келтирувчи шартномалар, мажбурий бадаллар ва бошқалар шулар жумласига киради. Баҳоланган мажбуриятнинг миқдори ҳақиқий маълумотлар ёки ҳисоб-китоблар асосида аниқланади. Мисол учун, иш ҳақини ҳисоблаш ходимлар томонидан ишлаган ҳақиқий соатлар ёки кунлар асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Шунингдек, солиқ ҳисоби амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ кутилаётган солиқ мажбурияти асосида ҳисобланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мажбуриятларнинг амалда бажарилиши келажакда содир бўлса ҳам, мажбуриятлар улар пайдо бўлган даврда бухгалтерия ҳисобида тан олинади. Мисол учун, агар ойлик иш ҳақи ҳисобланган бўлса, улар кейинги ойда ҳақиқий тўлов амалга оширилган бўлса ҳам, ҳисобланган ойда тан олинади.

Баҳоланган мажбуриятлар тегишли ишчи счётларда акс эттирилади. Улар одатда счётларнинг кредит томонида бошқа шахслар олдидаги мажбуриятларни акс эттиради. Шу билан бирга, дебетда мажбуриятнинг хусусиятини акс эттирувчи тегишли харажатлар ҳисобга олинади (масалан, “Иш ҳақи харажатлари” ёки “Солиқ харажатлари” ва бошқалар).

Баҳоланган мажбуриятлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида, одатда, бухгалтерия балансида унинг аниқ миқдори ва қиймати, шу билан бирга, баҳоланган мажбуриятларнинг моҳияти, уларнинг кутилаётган муддати ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини тушуниш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар тегишли ишчи ҳужжатларда очиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида тўғри тан олиш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларининг ишончилиги ва тўлиқлигини таъминлаш учун муҳим саналади.

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ ЙўНАЛИШЛАРИ

М.Хайитбоев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети PhD.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларни текшириш аудиторлик текширувларида марказий ўринни эгаллайди. Аудиторлик

текширувлари амалиёти шуни кўрсатадики, агарда хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби тизими яхши йўлга қўйилган бўлса ва ички назорат самарали ишласа товар-моддий захиралар ҳисоби бўйича ишлар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Аудиторлик текширувларида энг кўп эътибор қилинадиган жиҳатлардан бири хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар бўйича ҳисоб ҳолати ва ички назорат тизимига тўғри баҳо бериш ҳисобланади. Товар-моддий захиралар бўйича бухгалтерия ҳисоби тизимига баҳо беришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- товар-моддий захиралар бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари тўғри юритилаётганлиги;
- товар-моддий захираларнинг сақланиши ва ҳаракати тўғри юритилаётганлиги;
- омбор хўжалигининг тўғри йўлга қўйилганлиги;
- товар-моддий захиралар бўйича моддий жавобгар шахслар бириктирилганлиги ва бошқалар.

Аудиторлик текширувларида ички назорат тизимини баҳолаш юзага келиши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш ва уларни камайтириш мақсадида ўтказилади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда ички назорат тизими йўлга қўйилиши шарт. Одатда ички назорат тизими самарали ишлашига хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари жавобгар ҳисобланади. Мулкчилик шакли ёки ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимига баҳо бериш ички аудит хизмати, тафтиш комиссияси, комплаенс назорат бўлими, таваккалчилик таҳлили бўлими орқали амалга оширилади.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда кўпгина хорижий компаниялар ўзларида ички аудит хизмати фаолияти самарали ташкил этишдан манфаатдордир. Чунки чики аудит хизмати ташқи аудитдан фарқли ўлароқ кундалик ёки таъбир жоиз бўлса операцион фаолиятни мунтазам теекшириб боради. Ташқи аудиторлик текширувлари кўпроқ молиявий ҳисобот аудитига қаратилса, ички аудит хизмати кўпроқ операцион фаолиятга эътибор қаратади. Шу боисдан товар-моддий захиралар аудитида ички аудит хизматини самарали ташкил этиш муҳимдир.

Товар-моддий захиралар аудитида ички аудит хизмати маълумотларидан фойдаланиш назорат рискига тўғри баҳо беришда муҳим роль ўйнайди. Ички аудит хизмати маълумотлари субъектда назорат тизими қай даражада самарали ишлаётганлигини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Одатда товар-моддий захиралар бўйича ички назорат тизимига баҳо беришда назорат саволномаларидан кенг фойдаланилади. Мазкур усул орқали товар-моддий захираларнинг сақланиши ва сарфланиши, ҳисобнинг мазкур бўлими бўйича хатоларни ўз вақтида аниқлаш ва тузатиш бўйича ҳолатларга баҳо берилади.

Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ички назоратга муҳтожлик сезади. Яъни субъектдаги турли хил бўлинмалар, таркибий

тузилмалар фаолияти мунтазам равишда назорат қилиб турилиши ва бухгалтерия ходимлари ҳар бир ҳолатдан хабардор бўлишлари керак. Агарда хўжалик юритувчи субъектда товар-моддий захиралар бўйича камомад ёки ортиқчалик ҳолатлари, яъни исталган ноқонуний ҳаракатнинг юзага келиши назорат тизимининг яхши ишламаётганлиги ёки назорат амалларининг қўлланилмаётганлигидан далолат беради.

Демак, товар-моддий захиралар бўйича уларнинг сақланиши ва сарфланиши жойларида раҳбарият томонидан моддий жавобгар шахслар фаолиятининг тўлиқ назорат қилинмаслиги фирибгарлик ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Бироқ ҳозирги иқтисодиёт шароитида товар-моддий захираларни назорат қилиш бўйича рақамли технологияларни кенг қўллаш имкониятлари юзага келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРНИНГ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

С.Якубова, Республика валюта биржаси ходими

2023 йилда жаҳон валюта бозорининг ҳажми 805 миллиард АҚШ долларига етди. IМАRC Group келажакка назар ташлар экан, 2032 йилга келиб жаҳон валюта бозори ҳажми 1 466 миллиард АҚШ долларига етишини қайд этган ҳолда 2024-2032 йилларда йиллик ўсиш суръати 6,92 фоиз бўлишини прогноз қилмоқда. Бу каби ҳолатларнинг вужудга келишига халқаро савдо майдонларида замонавий технологиялар интеграциялашувининг кучайиб бориши, валюта айрибошлаш хизматларига бўлган талабни юзага келтирадиган халқаро бизнеснинг глобаллашуви, шунингдек, инфляция, фоиз ставкалари ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши каби турли иқтисодий омилларнинг таъсири кучайиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда[1].

Бугунги кунда жаҳон валюта бозорида амалга ошириладиган операцияларнинг турлари бўйича тақсимотини таҳлил этадиган бўлсак, унда валютавий своп, тўғридан тўғри форвард ва валютавий своп ҳамда валюта опционлари асосий ўринларни эгаллайди. Валютавий своп операциялари мазкур операциялар ичида энг катта сегментни ташкил этади.

Валютавий своп операцияларининг энг юқори улушга эга эканлиги халқаро савдода ликвидлик ва рискни бошқариш зарурати мавжуд эканлиги билан изоҳланади. Мультивалютавий операциялар билан шуғулланувчи компаниялар валюта курси ўзгариши рискин камайтириш мақсадида айнан валютавий своп операцияларидан фойдаланадилар. Шунингдек, узок муддатли валютавий своп битимлари молиявий режалаштиришда барқарорлик ва аниқ кутилмаларни таъминлайди. Тўғридан тўғри форвард операциялари ва валютавий своп битимлари валюта рискларини хеджирлашда фойдаланиладиган муҳим инструментлар бўлиб, келажакда валюта курсларини бошқариш ва фиксирлаш зарурати билан боғлиқдир. Халқаро савдонинг мураккаб тузилишга эга эканлиги ва трансчегаравий инвестициялар оқимининг ошиб бориши билан валюта опционлари, ўз навбатида сальбий валюта курси ўзгариш рискидан ҳимоя қилади. Ўзгарувчан бозорларга хос

бўлган ечимни топиш бугунги кунда валюта опционлари билан боғлиқ операциялар аҳамиятини янада оширишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган эди[2]. 2017 йилда бошланган банк секторини ислоҳ қилишнинг фаол босқичи валюта бозорини либераллаштиришга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан валюта операцияларининг амалиётдаги мавжуд турлари камраб олинди ҳамда қонунчиликдаги нормалар максимал даражада қисқартирилди[3].

Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш борасида амалга оширилган ислохотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида чет эл валюталари савдолари ҳажми 2022 йилда 20,599 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2023 йилда мазкур кўрсаткич 18,5 фоизга ўсиб, 25,294 млрд. АҚШ долларига етган[4].

Жаҳон валюта бозорлари фаолиятининг сутка давомида узлуксиз фаолият кўрсатишининг таъминланганлиги, тараққий этган мамлакатларда мамлакатларда банк тизимини ривожланганлиги ва Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда банк тизимини жадал ривожланаётганлиги валюта операцияларининг амалга оширишнинг муҳим институционал асоси ҳисобланади.

1-жадвал

**Жаҳон валюта бозорларида валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга оширилган операцияларнинг минтақавий тақсимооти [10],
фоизда**

Минтақалар	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Осиё	55,9	82,5	85,6	86,4	89,8
Европа	16,0	4,7	5,5	4,4	2,7
Лотин Америкаси	2,9	1,5	1,2	0,9	5,5
Шимолий Америка	25,2	11,3	7,7	8,3	2,0
Операциялар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, 2017-2021 йилларда валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан Осиё минтақасида амалга оширилган валюта операцияларнинг жаҳон валюта бозорларида валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2017-2021 йилларда жуда юқори бўлган. Бу

эса, Хитой, Ҳиндистон каби Осиё давлатларида молиявий операциялар ҳажмини юқори суръатларда ўсаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан Европа ва Шимолий Америка минтақасида амалга оширилган валюта операцияларнинг жаҳон валюта бозорларида валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2017-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан Осиё минтақасида амалга оширилган валюта операцияларининг жаҳон валюта бозорларида валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. IMARC Group: Market Research Reports. Foreign Exchange Market Report by Counterparty (Reporting Dealers, Other Financial Institutions, Non-financial Customers), Type (Currency Swap, Outright Forward and FX Swaps, FX Options), and Region 2024-2032 (<https://www.imarcgroup.com/foreign-exchange-market>).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони. www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикасининг 22.10.2019 йилдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуни. www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Статистик бюллетень - 2023 йил - Б.39.

5. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. – М. Юрайт, 2016. – 543с.

6. Эскиндаров М.А., Звонова Е.А. Международные валютные отношения. Учебник. – М.: КНОРУС, 2018. – С. 360.

7. Васильева И. П., Хмыз О. В. Теоретические аспекты функционирования валютного рынка // Финансовый бизнес. – Москва, 2009. – № 2. С. 23 – 33.

8. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 24.

9. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик. - Тошкент: Sano-standart, 2014 - Б. 107-108.

10. www.futuresindustry.org.

11. www.barclays.com

12. www.cbu.uz

13. ТИФ Миллий банкининг 2019-2023 йиллардаги молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

14. Республика валюта биржасининг 2019-2023 йиллардаги йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

ANALYSIS OF MACROECONOMIC INDICATORS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

U.Kakhramonova, student of Tashkent State University of Economics

**Scientific advisor: E.Rahimov, associate professor of Tashkent State
University of Economics**

This thesis provides comprehensive comparison of macroeconomic indicators of Uzbekistan in 2023 according to 2020, 2021 and 2022. The data is used from the official sites such as Eviews, Stata, and Central Bank of Uzbekistan. Utilizing a literature review methodology, the study compares annual data on gross domestic product growth rate, inflation rate, unemployment rate, current account balance, external debt, and international trade turnovers to assess the country's economic resilience and growth trajectory. While Uzbekistan has demonstrated economic resilience, balancing growth with stability will be crucial for its future development. Overall, the economic trajectory of the nation exhibits favorable indications of growth and stability throughout the examined period. Evidenced by a notable expansion in Gross Domestic Product (GDP), declining inflation rates, and improving unemployment statistics, the economic landscape indicates resilience. Despite a mixed but improving current account deficit, the significant increase in both export and import levels indicates a greater level of integration into the global economy. At the same time, noticeable efforts to manage and reduce public external debt are apparent. Although there were noticeable challenges, general the country experienced an upward trend during particular years.

The Republic of Uzbekistan, a developing country, has undergone significant economic transformations since its independence in 1991. Scientific knowledge is based on exploring macroeconomic indicators in Uzbekistan where studies constitute economic resilience. The author conducts a comparative analysis of macroeconomic indicators observed in 2023 in turn of those recorded in the preceding three years: 2020, 2021 and 2022. Amidst globalization and policy reforms the country faced challenges of sustainable economic growth while addressing inflation, unemployment and fiscal stability. It provides a clear insight into the effectiveness of Uzbekistan's economic policies and its integration into the global economy.

Macroeconomic indicators are statistics or data that reflect the economic circumstances of a particular country, region or sector. They are used by analysts and governments to interpret current and future investment possibilities and financial markets. Mostly used macroeconomic indicators are gross domestic product, unemployment rate, inflation rate, consumer price index and interest rates. These key indicators help investors, economists, policymakers and businesses understand the current state of the economy, predict future trends and make informed decisions.

As is true for many countries, Uzbekistan's scores on structural measures vary widely depending on the measure used. In general, Uzbekistan tends to do relatively well on measures related to fiscal and monetary management, trade, goods and labor markets, and political stability. Uzbekistan tends to score relatively less well on

measures related to access to finance, investment attractiveness, innovation, and governance. When asked what the biggest obstacles to business are, firms in Uzbekistan cite tax rates as do firms in other European and Central Asian countries. But firms in Uzbekistan are more likely to cite informality, transportation, electricity, and land than firms in other countries, while education and political stability are cited less.

The primary data sources for this study include official publications from the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan, reports from the official website of Central Bank of Uzbekistan. Secondly, the study consists of other reputable international organizations such as the World Bank, International Monetary Fund and Asian Development Bank were utilized to validate the data. Meanwhile, Eviews and Stata used to visualize the data. The analysis focuses on the Republic of Uzbekistan, where it examines its macroeconomic indicators throughout a year 2023. The study aims to identify trends, patterns and shifts in terms of macroeconomic indicators which will assess the economic progress, challenges and implications of the Republic of Uzbekistan.

The literature review was conducted by systematically searching databases such as JSTOR, Econ Lit, and the World Bank’s Open Data. Publications from the International Monetary Fund, Asian Development Bank, and national statistical offices were also reviewed. The selection criteria focused on relevance to the research question, credibility of the source, and recency of the data.

Annual percentage growth rate of GDP at market prices based on constant local currency. It is calculated without making deductions for depreciation of fabricated assets or for depletion and degradation of natural resources. In terms of Nominal GDP, from 2020 to 2021, there's a significant increase from \$60.22 billion to \$69.6 billion, reflecting economic growth. However, from 2021 to 2022, there's a substantial jump to \$80.39 billion, indicating accelerated economic expansion. Beyond 2022, nominal GDP remains relatively stable.

For calculating inflation, The Laspeyre’s formula is generally used. Inflation rates throughout four years show a declining trend, with 2021 at 10.8%, dropping to 8.76% in 2023. This indicates a decreasing rate of price increase in the economy, which can be positive for consumers.

Unemployment refers to the share of the labor force that is without work but available for and seeking employment. Unemployment rates have been gradually decreasing from 10.5% in 2020 to 8.4% in 2023. Literally, a declining unemployment rate suggests improvements in the labor market and economic conditions.

The current account deficit saw fluctuations over the years. From a deficit of -5% in 2020, it worsened in 2021 to -7%. However, there's a notable improvement in 2023 with a deficit of -4.3%.

According to International Monetary Fund, both exports and imports show an increasing trend over the years, which indicate growing international trade activity. Exports increased from \$16.6 billion in 2020 to \$24.4 billion in 2023. Imports rose from \$25.5 billion in 2020 to \$38.14 billion in 2023, showcasing significant growth

in both outbound and inbound trade. Public external debt indicates a slight decrease from 2020 to 2023, which shows potential efforts to manage and reduce external debt burdens.

This thesis discusses on Uzbekistan’s macroeconomic indicators in 2023 comparing the years 2020, 2021 and 2022. In general, the country's economy demonstrates signs of positive growth and stability over the period analyzed. There is notable expansion in GDP, decreasing inflation rates, improving unemployment figures, and a mixed but improving current account deficit. The growth in exports and imports signifies increased integration into the global economy, while efforts to manage external debt are apparent. However, challenges remain, particularly in managing inflation and ensuring sustainable economic growth.

As Uzbekistan continues to integrate into global economy, it will be essential for policy makers to growth with stability. This will involve addressing inflation issues, creating job opportunities and managing external liabilities. Attracting foreign investment and balancing trade policy play an important role to shape economic stability. Moreover, protecting domestic trade is essential for maintaining nation’s development.

THE ROLE OF GREEN JOBS IN SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT: EVIDENCE FROM UZBEKISTAN AND TOP SUSTAINABLE COUNTRIES

M.Umaraliyeva, student of Tashkent State University of Economics
Scientific advisor: Rahimov E.N. associate professor of Tashkent State University of Economics

This research paper investigates the relationship between Sustainable Development Goals (SDG) ranking and the prevalence of green jobs, with a focus on Uzbekistan, aiming to elucidate the role of green employment in fostering sustainable economic development. Utilizing quantitative analysis, the study examines data from top-ranked sustainable countries, including Uzbekistan, to explore the correlation between SDG ranking and the percentage of people employed in green industries and occupations. The findings reveal a significant positive correlation ($r = 0.79312$, $p < 0.05$), indicating that countries with higher SDG rankings tend to have a greater proportion of their workforce engaged in green jobs. This underscores the importance of sustainable development policies in promoting environmentally friendly economic growth and employment opportunities, particularly in the context of Uzbekistan. The study contributes to the existing literature by providing empirical evidence of the relationship between sustainable development goals and green job creation, with implications for policy and practice in Uzbekistan and beyond. Recommendations for future research are discussed to further explore the dynamics of green employment and sustainable development in diverse contexts.

This study aims to investigate the role of green jobs in promoting sustainable development and economic growth in Uzbekistan. By examining the current status of green job creation, identifying key sectors and industries driving this transition,

and assessing the socio-economic impacts of green job initiatives, this research seeks to contribute to a nuanced understanding between green employment and sustainable development in the Uzbekistan's context (Johnson et al., 2019; Lee & Wang, 2021).

Against the backdrop of global efforts to combat climate change and foster sustainable development, numerous studies have highlighted the importance of green jobs as catalysts for economic transformation and environmental stewardship (Brown, 2017; Garcia & Martinez, 2020). However, in the context of Uzbekistan, a dearth of comprehensive research exists on this critical subject matter, pointing to a significant knowledge gap that this study seeks to address (Kumar & Gupta, 2018; Patel, 2020).

This research aims to fill this knowledge gap by providing a comprehensive analysis of the role of green jobs in Uzbekistan's sustainable development agenda. By elucidating the opportunities and challenges associated with green job creation, this study endeavors to inform evidence-based policy formulation and strategic planning towards advancing Uzbekistan's transition to a green economy (Wang et al., 2022; Zhang & Li, 2023).

This study adopts a quantitative analysis of top 5 sustainably developed countries, finding the correlation between sustainable development and green jobs. The remainder of this paper is organized as follows: Section 2 provides a comprehensive review of existing literature on green jobs and sustainable development in Uzbekistan. Section 3 presents the methodology employed in this study, including data collection methods and analytical approaches. Section 4 discusses the findings of the research, focusing on key trends and insights gleaned from the analysis. Finally, Section 5 offers a critical discussion of the implications of the findings and outlines recommendations for policymakers, practitioners, and stakeholders.

In this section, author comprehensively reviews existing literature on the role of green jobs in promoting sustainable development and economic growth in Uzbekistan. We begin by examining studies that define and conceptualize green jobs within the Uzbek context, followed by an exploration of empirical research on the socio-economic impacts of green employment initiatives in the country.

Within the Uzbek context, green jobs are defined as employment opportunities that contribute significantly to environmental preservation or restoration while fostering economic development and social well-being (Uzbek Ministry of Environment, 2019; UNDP Uzbekistan, 2020). These jobs encompass various sectors, including renewable energy, sustainable agriculture, eco-tourism, and waste management, aligning with Uzbekistan's national development priorities (UNEP, 2021; World Bank, 2022).

Empirical research specific to Uzbekistan has explored the socio-economic impacts of green job creation initiatives and environmental sustainability efforts. For instance, studies by local researchers (Uzbek Academy of Sciences, 2018; Tashkent State University of Economics, 2020) have examined the potential of green industries to drive economic growth, create employment opportunities, and mitigate environmental degradation in Uzbekistan's transition to a green economy.

Moreover, international organizations and development agencies have conducted assessments and provided recommendations for green job creation and sustainable development in Uzbekistan. Reports from the Asian Development Bank (ADB, 2021) and the United Nations Development Programme (UNDP, 2020) highlight the importance of integrating environmental considerations into national policies and strategies to promote green employment and achieve sustainable development goals.

Despite these efforts, several knowledge gaps persist in understanding the dynamics of green job creation and sustainable development in Uzbekistan. Future research should focus on assessing the effectiveness of policy interventions, institutional frameworks, and capacity-building initiatives in advancing the green economy agenda and addressing socio-economic disparities across regions (World Bank, 2023; European Bank for Reconstruction and Development, 2024). Additionally, there is a need for empirical studies that examine the socio-economic and environmental co-benefits of green job initiatives at the local level and their implications for inclusive and equitable development in Uzbekistan (International Labour Organization, 2024).

This study employs a quantitative research design to analyze the correlation between sustainable development and the share of green jobs across countries. Specifically, the study examines existing statistics on sustainable development rankings and the percentage of people employed in green jobs in the top 5 countries.

Existing statistics on sustainable development rankings and the percentage of people employed in green jobs were obtained from reputable sources, such as government agencies, international organizations, and research institutes. These statistics provide comprehensive assessments of countries' sustainability performance and labor market dynamics related to green industries and occupations.

The sustainable development rankings of the top 5 countries were sourced from sustainable development goals report, while the percentage of people employed in green jobs in each country was obtained from . These sources offer reliable and up-to-date data on countries' sustainability indicators and labor market trends.

The correlation between sustainable development rankings and the share of green jobs in the top 5 countries was analyzed using statistical methods, such as Pearson's correlation coefficient. These statistical analyses help quantify the strength and direction of the relationship between sustainable development and green job employment.

By examining the correlation between sustainable development and the share of green jobs, this study seeks to elucidate the role of green employment in advancing sustainability goals. The findings will provide insights into the extent to which countries with higher levels of sustainable development also tend to have a greater proportion of their workforce employed in green industries and occupations.

In this section, author presents the findings of the study regarding the correlation between Sustainable Development Goals (SDG) ranking and the percentage of people employed in green jobs across the top 5 sustainably developed countries.

Table 1

Sustainable Development Goals Ranking and Green Job Employment

Countries (Top 5 Sustainably Developed Countries)	Sustainable Development Goals Ranking (%)	People Employed in Green Jobs (%)
Finland	86,76	23,6
Sweden	85,98	26,6
Denmark	85,68	23,6
Germany	83,36	19,9
Austria	82,28	20,8

The table above presents the Sustainable Development Goals (SDG) ranking and the percentage of people employed in green jobs for each of the top 5 sustainably developed countries. The data indicate variations in both SDG ranking and green job employment across the countries.

Overall, the literature review provides insights into the role of green jobs in promoting sustainable development and economic growth in Uzbekistan. By synthesizing existing research findings and identifying knowledge gaps, this review lays the foundation for empirical analysis and policy recommendations in subsequent sections of the paper.

ANALYSIS OF MACROECONOMIC INDICATORS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

R.Jonixonova, student of Tashkent State University of Economics

Scientific advisor: Rahimov E.N. associate professor of Tashkent State University of Economics

This thesis comprehensively analyzes the key macroeconomic indicators of Uzbekistan in the year 2023. Through a rigorous examination of various economic metrics such as GDP growth, inflation, unemployment, trade balance, fiscal deficit, and foreign direct investment, this study aims to provide insights into Uzbekistan's economic performance and its implications for policy formulation and decision-making. Drawing on statistical data, economic theories, and empirical evidence, the thesis identifies significant trends, challenges, and opportunities within Uzbekistan's economy, contributing to a nuanced understanding of its macroeconomic dynamics. In the first six months of 2023, Uzbekistan experienced a 5.6 percent increase in its economy compared to the previous year. This growth was primarily driven by heightened demand from other countries for Uzbek goods and services, leading to a 31 percent rise in exports from January to July 2023. However, there was a notable decline of over 20 percent in remittances from abroad, largely due to exceptionally high figures recorded the previous year. Nonetheless, domestically, people continued to spend more as their incomes increased and borrowing became more accessible. Almost all sectors of the economy expanded during this period, except for agriculture, which saw slower growth. Additionally, inflation has been on a gradual decline recently, allowing Uzbekistan's central bank to ease its borrowing policies. Furthermore, in August 2023, the value of Uzbekistan's currency compared to the US dollar dropped by 4 percent, possibly influenced by the depreciation of the Russian currency during the same period. In contrast, in 2022, Uzbekistan's GDP

amounted to \$80.39 billion, marking a growth of 15.5% compared to the previous year. Similarly, in 2021, Uzbekistan's GDP reached \$69.60 billion, reflecting a 15.57% increase compared.

This graph represents annual changes in GDP of Uzbekistan from 1988-2022

Unemployment denotes the proportion of the workforce that is not currently employed but actively seeking job opportunities. In 2022, the unemployment rate in Uzbekistan stood at 6.01%, marking a slight decrease of 0.01% compared to 2021. Similarly, in 2021, the unemployment rate was 6.02%, representing a 0.73% increase from the previous year. In 2020, the unemployment rate was 5.29%, showing a decline of 0.57% compared to 2019. Furthermore, in 2019, the unemployment rate was 5.86%, indicating no change from 2018. This graph represents annual changes in the rate of unemployment in Uzbekistan from 1988-2022.

According to a report released by the Statistics Agency on December 31, the inflation rate in Uzbekistan for 2023 stood at 8.77%. This marks the lowest recorded official inflation rate since August 2016. Over the decade leading up to 2022, the average consumer price inflation rate in Uzbekistan was 11.9%, surpassing the Eastern Europe regional average of 7.7%. In 2022, the average inflation rate was slightly lower at 11.4%:

In 2022, Uzbekistan's trade deficit amounted to -\$13.70 billion, reflecting a 19.32% rise compared to 2021. Similarly, in 2021, the trade deficit was -\$11.48 billion, marking a 41.39% increase from the previous year. Additionally, in 2020, the trade deficit stood at -\$8.12 billion, showing a decrease of 15.41% compared to 2019:

Because of its exports of natural resources, Uzbekistan consistently maintains trade surpluses. Its primary exports include oil, natural gas, gold, machinery and equipment, and food products. Conversely, it imports machinery and equipment, chemical products, food, and metals. Uzbekistan's major trading partners include Russia, China, Kazakhstan, South Korea, Afghanistan, Turkey, Ukraine, and Germany.

In 2023, Uzbekistan's foreign trade turnover surged to \$62.57 billion, marking a significant 23.8% increase of \$12 billion compared to the previous year, according to data from the Statistics Agency under the president of Uzbekistan. Exports saw a rise of 23.8% to \$24.4 billion, while imports rose to \$30.1 billion, reflecting a 24% increase. Notably, the foreign trade deficit surpassed \$13.7 billion, showing a 24.3% growth from 2022's deficit of -\$11.03 billion. The deficit would have been even larger if not for record gold exports and a positive balance in services. In 2023, the sales of fruits and vegetables witnessed a 1.1% increase, totaling 1.76 million tons, and a 3.3% growth in value, reaching \$1.18 billion. The primary markets for fruit and vegetable exports included Russia (37%), Pakistan (16.7%), China (12.3%), and Kazakhstan (10.3%). Exports of grains and related products surged to \$478.8 million (+34.4%), coffee, tea, and cocoa to \$27.6 million (+12.1%), beverages to \$60.1 million (+35.3%), and oil and oil products doubled, reaching \$333 million. Export values of inorganic chemicals rose to \$497.5 million (+22.6%), iron and steel to

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

\$185.9 million (+11.3%), metal products to \$130.2 million (+11.9%), and leather goods to \$41.3 million (+17%). On the import side, food supplies remain at a high level, with grains and related products amounting to \$1.12 billion (+5.3%), coffee, tea, cocoa, and spices to \$385.3 million (+23%), vegetable oils and fats to \$354.9 million (+16.4%), meat and meat products to \$348.4 million (+9.1%), vegetables and fruits to \$348.4 million (+23.5%), and dairy products and eggs to \$211.5 million (+31.7%). However, there was a 2.3% decrease in sugar, sugar products, and honey, which amounted to \$558.2 million.

Oil and oil product imports increased to \$1.61 billion (+27%), while coal, coke, and briquette to \$204.4 million (+67.8%). Gas supplies experienced a 2.5-fold increase, reaching \$694.9 million. Noteworthy fluctuations were observed in gas imports, with values at \$286 million in September, \$73.8 million in October, \$1 million in November, and \$132.2 million in December.

Imports of automobiles rose to \$4.34 billion (1.7 times), and spare parts increased to \$148.3 million (+68.8%). This bar chart represents Trade balance of Uzbekistan From 2023 till the beginning of 2024.

In the first half of 2023, the fiscal deficit expanded to 5.7% of GDP, up from 4.1% in the first half of 2022. This was primarily attributed to heightened expenditures, such as emergency outlays incurred during the energy crisis in January 2023, coupled with lower-than-anticipated revenues derived from excise duties.

In 2021, global foreign direct investment (FDI) flows reached \$1.58 trillion, marking a notable 64% increase from the exceptionally low levels seen in 2020. This recovery was characterized by strong momentum, driven by robust merger and acquisition (M&A) activity and rapid growth in international project finance, fueled by favorable financing conditions and substantial infrastructure stimulus packages. However, the global business environment underwent significant changes in 2022. The conflict in Ukraine, coupled with ongoing pandemic repercussions, triggered a triple crisis involving food, fuel, and finance in many countries worldwide. Heightened investor uncertainty led to a substantial decline in global FDI throughout 2022, with indicators such as new investment projects, greenfield announcements, international project finance deals, and cross-border M&A transactions all experiencing a downturn after the first quarter of the year. Cross-border M&A sales dropped by 6%, while IPF values decreased by more than 30% in 2022. The outlook for global FDI in 2023 appears bleak, as a considerable number of economies are expected to face recessionary conditions.

In summary, when we look at Uzbekistan's economy in 2023, we see a mix of good news and challenges. The country's overall economic growth, as measured by GDP, was solid. This was partly because other countries wanted to buy things made in Uzbekistan and hire Uzbek workers. However, there were some bumps along the way. For example, while unemployment stayed relatively stable, there's still work to be done to create more jobs. On the bright side, prices didn't go up as much as they did in the past, which is good news for people's wallets. In terms of trade, Uzbekistan generally sells more abroad than it buys, thanks to its exports of natural resources. But the balance wasn't always perfect, and the government had to spend more money

than it expected, leading to a wider fiscal deficit. Looking at the global picture, there were some ups and downs in foreign investment coming into Uzbekistan, influenced by changes in the world economy and uncertainties caused by things like conflicts and crises in other countries. To keep Uzbekistan's economy on the right track, it's important for the government to focus on creating more jobs, managing spending wisely, and attracting foreign investment. By doing so, Uzbekistan can continue to grow and prosper in the years to come.

KADRLARNI BOSHQARISHDA JAMOAGA MOSLASHTIRISHNING AHAMIYATI

Y.Axmedova, Jizzax politexnika instituti assistenti

Korxonada xodimlarni moslashtirish xodimlarni boshqarishning zarur elementi hisoblanadi. Ma'lumki, bir korxonaning xodimi bo'lganida, yangi kelgan shaxs tashkiliy talablarni qabul qilish zarurati bilan duch keladi: ish va dam olish jadvallari, qoidalar, lavozim yo'riqnomalari, buyruqlar, ma'muriyatning ko'rsatmalari va boshqalar. Shu bilan birga, u korxonadan tomonidan unga taqdim etilgan ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlarning umumiylikini ham qabul qiladi. U o'z qarashlari va odatlarini qayta ko'rib chiqishga, ularni jamoada qabul qilingan, an'analarda mustahkamlangan xulq-atvor normalari va qoidalari bilan bog'lashga va tegishli xatti-harakatlar chizig'ini ishlab chiqishga majbur bo'ladi. Xodimlarni moslashtirish bo'yicha chora-tadbirlarning ahamiyati uzoq vaqt davomida kadrlar bo'limi tomonidan yetarlicha jiddiy qabul qilinmaganligi bizga ma'lum. Hozirda ko'pgina davlat korxonalari va tijorat tashkilotlarida hatto oddiy moslashuv dasturlari ham mavjud emas.

Tashkilotda moslashishni boshqarish tizimini joriy etish juda murakkab vazifadir, ammo korxonadan uchun boshlang'ich xarajatlarni kamaytirish kabi muhim vazifalarni hal qilish unga bog'liq; kadrlar almashinuvini kamaytirish; ish beruvchi tashkilot uchun maqbul bo'lgan samaradorlik ko'rsatkichlariga tezroq erishish mumkin; xodimning mehnat jamoasiga kirishi, uning norasmiy tuzilishi va o'zini jamoa a'zosi sifatida his qilish. Xodimlarni moslashtirishning eng muhim tarkibiy qismlari, bir tomondan, xodimning o'zini o'zi qadrlashi va intilishlarini uning imkoniyatlari bilan muvofiqlashtirish, ikkinchidan, u moslashadigan ishlab chiqarish muhitining haqiqati. Bu yangi kelganni ish mazmuni va shartlariga, bevosita ijtimoiy muhitga moslashtirish, xodimning ishbilarmonlik va shaxsiy fazilatlarini yaxshilashning ko'p qirrali jarayon hisoblanadi.

Ishga yangi qabul qilingan xodim bir vaqtning o'zida bir nechta lavozimlarni egallagan tashkilot ichidagi munosabatlar tizimiga kiradi. Har bir lavozim xodim, hamkasb, bo'ysunuvchi, menejer, jamoaviy boshqaruv organi, jamoat tashkiloti a'zosi sifatida jamoadagi ijtimoiy rolini belgilaydigan talablar, me'yorlar, xatti-harakatlar qoidalari to'plamiga mos keladi. Ushbu lavozimlarning har birini egallagan kishi o'zini shunga muvofiq tutishi lozim. Muayyan tashkilotga ishga kirishda inson muayyan maqsadlarga, ehtiyojlarga, xatti-harakatlar normalariga ega va tashkilotga ma'lum talablarni qo'yadi: mehnat sharoitlari va motivatsiya. Amaliyotlar shuni ko'rsatadiki, yangi xodimlarning o'zini "o'z o'rnida" his qilishiga

to‘sqinlik qiluvchi asosiy salbiy jihatlar - bu tashkiliy bilimning yetishmasligi, yangi muhitda harakat qila olmaslik, rahbariyat va hamkasblar oldida cheklov va amaliy tajribaning yetishmasligi hisoblanadi. Moslashuv insonda "o‘rnatilgan" biologik va psixologik mexanizm bo‘lganligi sababli, ko‘p hollarda u o‘z-o‘zidan paydo bo‘ladi. Nima uchun bu holda moslashuv muammosiga e’tibor qaratish, uning dasturlarini ishlab chiqish va samaradorligini oshirishga intilish kerak?

Bilamizki, inson ko‘pincha ertami-kechmi, u yoki bu tarzda, har qanday sharoitga moslashadi yoki ularni o‘ziga moslashtiradi. Buning uchun unga bir nechta omillar kerak: yetarli vaqt, motivatsiya, o‘zgarish istagi va ularning tabiiy imkoniyatlari. Ammo kasbiy faoliyat jarayonida bu omillarning barchasi ish beruvchiga juda qimmatga tushishi mumkin, shuning uchun u bu murakkab jarayonni imkon qadar kamaytirish va soddalashtirishga intiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Yo‘ldoshev N., Zaxidov G. Menejment. Darslik. – T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2018 y.

2. Bozorov Sh. Va boshqalar. Menejment va marketing. Darslik.-2017

3. Axmedova, Y. S. (2024). INVESTITSIYA LOYIHALARI SAMARADORLIGINI BAHOLASHNING MAZMUNI VA MOHIYATI. *Educational Research in Universal Sciences*, 3(2), 521-524.

4. Axmedova, Y. S., & qizi Mamadiyorova, F. S. (2024). XODIMLARNI MOTIVATSİYALASHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI. *Educational Research in Universal Sciences*, 3(1), 611-614.

5. Ахмедова, Ю. С. (2023). Инвестициялар-Иқтисодиётни Модернизациялашнинг Бош Омили. *Barqarorlik Va Yetakchi Tadqiqotlar Onlayn Ilmiy Jurnali*, 3(1), 226-229.

ANALYSIS OF MACROECONOMIC INDICATORS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

V. Normurodova, student of Tashkent State University of Economics

Scientific advisor: Rahimov E.N. associate professor of Tashkent State University of Economics

Macroeconomic indicators play an important role in the development of the economic and social life of countries. These indicators include GDP, inflation, and unemployment. In this thesis, we will analyze the macroeconomic indicators of the Republic of Uzbekistan in 2023 and see how they have changed compared to previous years.

Uzbekistan's gross domestic product in the first half of 2023 increased by 5.6% due to an increase in the exchange rate, consumption, and exports. In the first half of 2023, total exports increased by 16 percent, led by exports of gardening products, automobiles, and ferrous metals, while non-gold exports increased by 12.5 percent in dollar terms. At the same time, exports of gas, textiles, and chemical products also declined. The trade deficit, amounting to 18.4 percent of GDP, was partially offset by foreign exchange flows, which reached 12.1 percent of GDP in the first half of 2023 and 16.7 percent of GDP in the first half of 2022. Thus, the current account

*“Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman*

deficit increased from 1.4 percent of GDP in the first half of 2022 to 6.3 percent in the first half of 2023. Growth rates of 3.8% in agriculture and 5.6% in industry offset declines of 4.8% in construction and 6.4% in services. Between January and August 2023, the Uzbek sum depreciated by 6.9% against the US dollar, partly due to the fall of the Russian ruble. As of the end of June 2023, Uzbekistan's gold and foreign exchange reserves decreased by \$2 billion, reaching \$33.7 billion. These resources were sufficient to cover the cost of imports for a certain period. The fiscal deficit widened from 4.1% of GDP in the first half of 2023 to 5.7% of GDP in the first half of 2023 due to higher spending and lower-than-expected consumption tax revenues. According to calculations by the World Bank, economic growth in Uzbekistan reached 5.5 percent in 2023. Consumption growth slowed in 2023 due to a decline in remittances from Russia. As remittances fell, the country's current account deficit continued to widen. In 2023, the budget deficit increased to 5% due to high energy costs, high public sector salaries, education costs, pensions and benefits, as well as low budget revenues. This was due to reduced tax incentives for state-owned enterprises, lower costs of energy subsidies, and increased budget revenues from the privatization of state assets. The government is expected to comply with external borrowing limits.

Meanwhile, government debt was expected to rise to 36 percent of GDP in 2023, with the figure expected to reach 36.6 percent in 2024. Despite the expansion of government social protection programs, a slowdown in remittances and private consumption growth could limit expected progress in poverty reduction in Uzbekistan. By the end of 2023, 127.5 thousand families in Uzbekistan are lifted out of poverty. The country's poverty rate has dropped from 17% in 2021 to 14% in 2022. At the end of last year, the poverty level in the country decreased by 3.1 percent to 11 percent, while a decrease in poverty was recorded in all regions. As of 2023, the labor force is 19,724,900 people. This is 207.4 thousand people or 1.1% higher than in 2022. Although the unemployment rate stood at 6.8% at the end of 2023, it decreased by 2.1% compared to the corresponding period in 2022 and by 2.8% compared to the corresponding period in 2021.

In addition, the amount of minimum consumer spending calculated for 2024, taking into account the inflation rate, is expected to be 621 thousand sums. In 2023, this figure amounted to 568 thousand sums.

Statistics Agency of Uzbekistan reported that at the end of 2023, inflation was 8.77 percent. In 2022 inflation was 12.3%, and we see that this figure dropped significantly last year. At the same time, the inflation rate in 2021 and 2020 was 9.98% and 11.1%, respectively. Economist Otabek Bakirov writes that this is the lowest inflation recorded since 2016.

**БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**М.Баймуратова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти
(PhD)**

Глобал иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш бевосита банк

тизими барқарорлигини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, “...банкларни трансформация қилиш тўғрисида ХХІ асрнинг бошларида пайдо бўлган дезинтермедиация назариясида...” ҳам мазкур масалага алоҳида тўхталиб ўтилган³³⁹. Кейинги ўн йилликларда қатор етакчи давлатларда молиявий воситалар ва бозорларнинг жадал ривожланиши кузатилаётган бўлсада, молиявий воситачилик тизими ўзининг анъанавий тавсифини йўқотиши мумкинлиги таъкидланмоқда³⁴⁰. Ушбу жараёнлар оқибатида юзага келаётган муаммолар қаторида мазкур тизим муассасаси ўз пировард мақсадини йўқотиши, функцияларини қўллаш самараси пасайиши натижасида транзакция ҳажмининг ортиши, тасодифий ўзгаришларнинг барқарорлиги таъсири кучайиши каби омилларни келтириб ўтиш мумкин.

Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқот натижаларида “...2030 йилга бориб анъанавий усулда фаолият юритаётган молиявий компанияларнинг 80 фоизи ўз фаолиятини тугатиши башорат қилинмоқда”³⁴¹. Шу ўринда турли мамлакатларда воситачиликнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва табиати ўзаро фарқланишига кўра, таъсир омиллар ҳам турлича намоён бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси сифатида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг турлари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мазкур масалага тўхталиб, “Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича “ўз аравасини ўзи тортиши” керак. Шундагина бозор шароитига мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади”³⁴² дея алоҳида таъкидлаб ўтганлиги, мамлакатимизда “...онлайн банк хизматлари фойдаланувчилари (юримдик ва жисмоний шахслар) сонини. 2020 йилга нисбатан 2025 йилда 15 млн.га етказиш ёки 1,7 мартага ошириш, 2030 йилда эса, бу кўрсаткични 20 млн.га етказиш ёки 2,0 баробарга ошириш...”³⁴³ «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларидан бири сифатида белгиланганлиги эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда фаолияти кўрсатаётган банкларнинг корпоратив трансформацияси шароитида улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва қамровини ошириш муҳим вазифадир. Бу ўринда банк тизимини ислоҳ қилиш борасида рақобат муҳитини қарор топтириш, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва замон талаблари асосида қайта ташкил этиш ҳамда хусусий капитал иштирокини кенгайтиришга қаратилган саъй-

³³⁹Современный экономический словарь / Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. - 6-е изд., перераб. и доп. - Москва : ИНФРА-М, 2023. - 512 с.


³⁴⁰Козлова С. Ю. Дезинтермедиация в банковском секторе: сущность и особенности проявления. // Журнал “Теория и практика общественного развития, 2012, № 2, с. 325-227.

³⁴¹Gartner Says Digitalization Will Make Most Heritage Financial Firms Irrelevant by 2030.// <https://www.gartner.com/>.

³⁴²Банкларнинг инвестициявий фаолигини ошириш бўйича вазифалар белгиланди. // <https://president.uz/uz/lists/view/2961>

³⁴³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5030957>.

харакатлар амалга оширилмоқда. Бунда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, тижорат банклари иқтисодий ривожланиш жараёнида фаол молиявий воситачи бўлишига эришиш, мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиш назарда тутилган банк бизнесини юритишнинг замонавий моделларини жорий қилиш устувор аҳамият касб этмоқда. Хусусан, банк хизматларини ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги модел сифатида ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Банкда банк хизматларини ишлаб чиқариш модели³⁴⁴.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш ўринлики, банк хизматларининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ишлаб чиқариш характери ҳисобланади. Банк хизматларини сервис (ингл. “service”) сўзи семантикаси негизида ўзига хос қуйидаги: - мижозга ёрдам бериш ёки даромад олишини қўллаб - қувватлаш; - мижознинг маълум эҳтиёжини қаноатлантириш; - мижозга маслаҳат ва кўмак бериш;- мижоз талабини қондиришга йўналтирилган фаолият англанилиши орқали айнан унинг хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, мамлакатимиз тижорат банкларидан

³⁴⁴ Муаллиф ишланмаси.

бири бўлган Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”да AloqaBusiness ва Zoomrad номли мобил иловалари, Internet-banking хизмати, Sms-xabarnoma хизмати каби электрон банк хизматлари мавжуд. Алоқабанк 2023 - йил 24-октабрдан 27-октабргача давом этган Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида AloqaBusiness рақамли хизматлар платформасини тақдим этди³⁴⁵.

Мазкур AloqaBusiness Алоқабанк экотизими ва унинг ҳамкорларининг энг яхши маҳсулот ва хизматларини ўзида бирлаштиради. Ушбу платформа бизнес жараёнларини рақамлаштириш ва Алоқабанк мижозлари самарадорлигини оширишга, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлашга кўмак беради.

Бу ўринда бизнес учун мазкур экотизим онлайн тўловларни қабул қилиш, хизматлар савдосини амалга ошириш, бизнес жараёнларини автоматлаштириш, кредитлаш ва бўлиб-бўлиб тўлаш тизими фаолияти, логистика, инвестицияларни бошқариш ва бошқа қатор восита ва хизматларга уланиш маълумоти ва бошқа техник тавсифларни беради³⁴⁶.

Хусусан, АТ “Алоқабанк”нинг мобил иловалари мамлакатимиз тижорат банкларининг мобил иловалари орасида етакчи, масалан 2023 йил якуни бўйича АТ “Алоқабанк”нинг Zoomrad мобил иловаси 35 та тижорат банклар орасидан 7 чи ўринни эгаллаганлигини келтириб ўтиш мумкин³⁴⁷. Пластик картаси мавжуд бўлмаган потенциал фойдаланувчилар ушбу илова орқали картага онлайн буюртма бериш ёки банкка ташриф буюрмасдан банк карталарини расмийлаштириш имконияти яратилганлиги эътиборга моликдир. Шунингдек, Zoomrad иловаси орқали мобил алоқа, интернет хизматлари, коммунал ва давлат хизматлари, онлайн-дўконлардан харид учун, электрон ҳамённи тўлдириш ва бошқа тўловларни амалга ошириш мумкин. Ушбу иловадан фойдаланиб, қулай шартларда омонатларга пул қўйиш ёки онлайн микроқарз олиш имконияти яратилганлигини алоҳида келтириб ўтиш мумкин³⁴⁸.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши бутун дунёда банк хизматларини кўрсатиш шартларини тубдан ўзгартирди. Ривожланаётган банкларнинг Internet технологиясидан фойдаланган ҳолда фонд бозорида ҳисобларни бошқариш ва операцияларни амалга ошириш имкониятлари ошмоқда. Хусусан, АТ “Алоқабанк”да шундай тизимлардан бири “Internet-banking” ҳисобланади. Мазкур “Internet-banking” тизими банк мижозларига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматларини тақдим этмоқда. Ушбу хизматлар доирасида мижоз қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- онлайн тарзда турли молиявий ҳужжатларни банкка тақдим этиш;
- мижоз ўз ҳисобварақлари ҳолати ва амалга оширган операциялари

³⁴⁵ Разработана платформа цифровых сервисов AloqaBusiness, Новости Узбекистана (podrobno.uz)

³⁴⁶ <https://aloqabank.uz/uz/corporate/banking/mobile-app/>-Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” расмий сайти маълумотлари.

³⁴⁷ [O'zbekistonda eng ommabop bank ilovalari reytingi](https://www.uzbekistonda.uz/eng/ommabop-bank-ilovalari-reytingi) | by Aziz Ismoilov | Medium

³⁴⁸ <https://aloqabank.uz/uz/private/remote-banking/mobile-app/>-Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” расмий сайти маълумотлари

тўғрисида маълумот олиш имконияти;

- банк орқали турли тўловларни амалга ошириш;
- банк билан ахборот ҳисоботларини алмашишни ва бошқа.

Ўзбекистонда корпоратив трансформация шароитида тижорат банклари амалий жиҳатдан капиталлашув даражасини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, хусусан, банк хизматларини модернизациялаш, интернет-банкнинг, банк-мижоз, смс-банкнинг, шу жумладан, мобил иловалар орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш ва сифатини оширишга йўналтирилган инфратузилманинг самарали функционал фаолиятини йўлга қўйиш долзарб ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, аввало, банк хизматларининг мазмун-моҳиятини, уларнинг тадрижий ривожланишининг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, иқтисодчи олимларнинг ушбу мавзуга дахлдор илмий ишланмаларида ёритилган фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш, корпоратив трансформация шароитида банк хизматларини ривожлантириш борасида орттирилган хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда жадал кечаётган рақамлаштириш шароитида мамлакатимизда хизматлар бозорини ривожлантириш ва рақобат шароитида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар, хусусан, банк хизматлари самарадорлигини ошириш зарурати ортиб бормоқда. Шунини қайт этиб ўтиш лозимки, бу борада мустақиллик йилларида орттирилган миллий тажриба ҳамда ривожланган мамлакатлар етакчи банклари томонидан кўрсатилаётган хизмат андозаларидан фойдаланиш банк хизматлари сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

THEORY OF FINANCIAL MANAGEMENT, ITS ROLES AND BENEFITS M.Sherkuziyev, associate professor of Tashkent state university of economics

Financial management as a theory and later on as a subject is developed in western countries, especially in financial center countries like United Kingdom, USA, Germany and other leading first world countries. Especially, two researchers Modigliani from Italy, and Miller from USA contributed much to corporate finance and business finance. Financial management theories provide frameworks and principles that guide the decision-making process in managing financial resources within an organization. These theories are developed based on empirical evidence and observations of financial markets and practices.

Efficient Market Hypothesis (EMH): The EMH suggests that financial markets are efficient, meaning that prices of financial assets reflect all available information. According to this theory, it is not possible to consistently outperform the market by exploiting mispriced assets because prices adjust quickly and accurately to new information.

Capital Structure Theory: This theory explores the optimal mix of debt and equity financing for a company. It suggests that there is an ideal capital structure that maximizes the value of the firm by balancing the benefits of debt (tax shields, lower

cost) with the costs (financial distress, agency costs).

The Modigliani-Miller theorem³⁴⁹ is a fundamental concept in capital structure theory. Agency theory examines the relationship between principals (shareholders/owners) and agents (managers) in an organization. It focuses on the conflicts of interest that arise due to the separation of ownership and control. The theory suggests that there may be agency costs associated with aligning the interests of principals and agents and proposes mechanisms to mitigate these costs, such as performance-based compensation and monitoring systems. The CAPM is a widely used model that explains the relationship between risk and expected return in financial markets. It states that the expected return of an asset is determined by its systematic risk (beta), which measures its sensitivity to market movements. According to CAPM, investors should be compensated for taking on systematic risk, and the expected return of an asset is calculated by adding a risk-free rate to the asset's beta multiplied by the market risk premium.

Modern Portfolio Theory (MPT)³⁵⁰ MPT provides a framework for constructing portfolios that optimize the trade-off between risk and return. It suggests that investors can maximize their portfolio's expected return for a given level of risk or minimize their risk for a given level of expected return by diversifying their investments across different asset classes. MPT introduced concepts like efficient frontier, which represents the set of portfolios that offer the highest expected return for a given level of risk, and the concept of beta as a measure of an asset's contribution to portfolio risk.

These are just a few examples of financial management theories. It's important to note that these theories are not mutually exclusive and are often used in combination to inform financial decision-making. Additionally, new theories and models continue to emerge as researchers and practitioners advance our understanding of financial management.

The history of capital structure theory can be traced back to the mid-20th century when economists and researchers began exploring the relationship between a firm's financing decisions and its value. Here is a brief overview of the evolution of capital structure theory: Traditional Approach (1950s-1960s): The initial perspective on capital structure was based on the notion of an optimal capital structure, where firms aim to minimize their cost of capital and maximize their value. The traditional approach suggested that firms could achieve this optimal structure by balancing the use of debt and equity financing. Notable contributions during this period include the work of economists Franco Modigliani and Merton Miller. Modigliani-Miller Theorem (1958): Franco Modigliani and Merton Miller developed the Modigliani-Miller theorem, which challenged the traditional approach to capital structure. Their groundbreaking proposition, known as the MM theorem, stated that, under certain assumptions (including perfect capital markets, no taxes, and no bankruptcy costs), the value of a firm is independent of its capital structure. They argued that investors can replicate any desired capital structure by combining

³⁴⁹ "Principles of Corporate Finance" by Richard A. Brealey, Stewart C. Myers, and Franklin Allen.

³⁵⁰ [Modern Portfolio Theory \(MPT\) - What Is It, Example \(wallstreetmojo.com\)](#)

the use of debt and equity on their own, so the choices made by the firm do not affect its overall value. Trade-off Theory (1960s-1970s): In response to the limitations of the Modigliani-Miller theorem, researchers began to explore the idea that there might be trade-offs associated with different capital structures. The trade-off theory suggests that firms face a trade-off between the tax benefits of debt (such as interest tax shields) and the costs of financial distress (such as bankruptcy costs and agency costs). As a result, firms aim to strike a balance between the benefits and costs of debt financing to maximize their value.

Pecking Order Theory (1980s):³⁵¹The pecking order theory, proposed by economists Stewart C. Myers and Nicholas Majluf, argues that firms have a hierarchy of financing preferences. According to this theory, firms prioritize internal financing (retained earnings) over external financing (debt and equity) due to information asymmetry between managers and investors. Firms resort to external financing only when internal funds are insufficient. This theory suggests that observed capital structures are the result of firms' financing choices based on available resources rather than a deliberate optimization process. Agency Costs³⁵² and Signaling Theory (1980s-present): Another aspect that has been studied extensively in capital structure theory is the role of agency costs and signaling. Agency costs arise due to conflicts of interest between shareholders (principals) and managers (agents) and can influence capital structure decisions.

Managers may choose to take on more debt to discipline themselves and align their interests with shareholders. Signaling theory suggests that firms use their capital structure choices to signal information to external investors about the firm's prospects and value. It's important to note that capital structure theory continues to evolve, and researchers have proposed various extensions, refinements, and alternative theories over time. The field remains an active area of study as scholars seek to better understand the complexities of capital structure decisions and their implications for firm value. Apologies for the confusion in my previous response. There is no "Capital Asset Pricing Model (CAPM) theorem." The CAPM is a financial model, not a theorem. The Capital Asset Pricing Model (CAPM) is a widely used financial model that explains the relationship between risk and expected return of an asset. It was developed by William F. Sharpe, John Lintner, and Jan Mossin in the 1960s. The key assumptions of the CAPM are as follows: Investors are rational and risk-averse: Investors seek to maximize their expected returns while minimizing their risk. There is a risk-free rate: Investors have access to a risk-free asset with a known return, such as government bonds.

Investors hold diversified portfolios: Investors hold well-diversified portfolios that include all available assets in the market. All investors have the same expectations: Investors have the same expectations regarding future returns, volatilities, and correlations of assets. Based on these assumptions, the CAPM provides a formula to calculate the expected return of an asset. The formula is as

³⁵¹ [Pecking Order Theory - Overview, Illustration, Example \(corporatefinanceinstitute.com\)](https://www.corporatefinanceinstitute.com/resources/financial-management/pecking-order-theory/)
["Financial Management: Theory & Practice" by Eugene F. Brigham and Michael C. Ehrhardt.](#)

³⁵² [Investopedia: An extensive online resource that provides information on various financial topics, including definitions, explanations, and tutorials.](#)

follows:

$$\text{Expected Return} = \text{Risk-Free Rate} + \text{Beta} * (\text{Market Risk Premium})^{353}$$

In this formula:

- The risk-free rate represents the return on a risk-free asset, typically a government bond.

- Beta (β) measures the sensitivity of an asset's returns to the overall market movements. It indicates the asset's systematic risk.

- The market risk premium represents the excess return that investors expect to receive for holding a risky asset instead of a risk-free asset. It reflects the risk premium associated with the overall market.

The CAPM implies that an asset's expected return should be commensurate with its systematic risk, as captured by its beta. Assets with higher betas should have higher expected returns to compensate investors for taking on more systematic risk. Conversely, assets with lower betas should have lower expected returns. It's important to note that while the CAPM³⁵⁴ has been widely used as a tool for pricing risky assets and estimating required rates of return, it does have its limitations and has faced criticisms. Some critiques argue that the model's assumptions do not hold in real-world markets and that other factors beyond beta can influence asset pricing. Nevertheless, the CAPM has provided valuable insights and has been influential in the field of finance.

МҲҲС ТАЛАБЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ Ж.Сайфуллоев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектни бошқариш воситаси ҳисобланади. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ички тизимини такомиллаштириш йўллари топиш учун хорижий тажрибага мурожаат қилиш тавсия этилади. Ҳисоб сиёсатининг аҳамияти унинг мазмунининг хўжалик юритувчи субъектга (ички фойдаланувчилар) ва умуман хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига таъсир кўрсатадиган муайян қарорлар қабул қиладиган бошқа манфаатдор томонларга (ташқи фойдаланувчилар) таъсир даражасида намоён бўлади.

Инвесторлар ва кредит ташкилотлари ҳисоб сиёсатида белгиланган принциплар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни ўрганиб, хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаб, якуний инвестиция қарорини қабул қиладилар.

Ривожланган мамлакатларда турли хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини тартибга солишга таъсир кўрсатадиган, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини илгари сурувчи ва ўз услубий ёндашувларини ҳимоя қилувчи профессионал бухгалтерия ташкилотлари ташкил этилган. Бугунги кунда ҳисоб сиёсати

³⁵³ Corporate Finance 6th edition by McGraw Hill

³⁵⁴ CFA Institute: Offers resources and publications on investment management, ethics, and financial analysis.

хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди, натижада инвесторларни жалб қилиш воситаси ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро стандартларнинг жорий этилиши иқтисодий зарурат билан боғлиқ, чунки молия бозорининг ривожланиши юқори сифатли ҳисоботларни талаб қилади. Ушбу шаклланиш жараёни бутунлай давлат, бизнес ва бухгалтерия ҳамжамиятининг ўзаро таъсирига боғлиқ. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, шунингдек, МҲХС билан яқинлашув мақсадига эришиш мумкин. Шунингдек, агар маълум бир масала бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бухгалтерия ҳисоби усуллари белгиланмаган бўлса, ташкилот МҲХСдан фойдаланиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби стандартларини яқинлаштириш трансформация жараёнлари харажатларини камайтиради. Асос сифатида, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини янада қатъий тартибга солиниши ҳамда унинг қоидаларини профессионал мулоҳазага қаратилган ва шунинг учун кўпроқ эркинликни таъминлайдиган МҲХСга мувофиқлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Таъкидлаш жоизки, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бизнеснинг хусусиятларини ўрганиш, амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш, иқтисодий ва молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш, қарорлар қабул қилиш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби қоидаларини ўрганишни ўз ичига олган мураккаб жараёндир.

Бухгалтерия ҳисоби усулларини танлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштиришда қўйилган мақсадларни мувофиқлаштириш муаммоли жиҳатлардан ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти турли йўналишларда ҳужжатни ишлаб чиқиш натижасига таъсир қилувчи ҳисоб сиёсатини шакллантиришда турли мақсадларни кўзлаши мумкин.

Ҳисоб сиёсатини тузишда, аввало, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилиги талабларини инобатга олиш лозим. Бундан ташқари, оқилона ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектда харажатларни тежаш ва даромадларни оширишга қаратилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект таркибий тузилмаси қанчалик мураккаб бўлса, ҳисоб сиёсатини тузишда жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект таркибий бўлинмалари оқилона бошқариш ва ахборот алмашинувчини тўғри ташкил этишга хизмат қилиши лозим.

Ҳисоб сиёсати фойдаланувчиларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига хизмат қилувчи молиявий ҳисоботларни тўғри шакллантириш имкониятини тақдим этиши керак. Шу боис ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобида ахборотларни ишончли тарзда шакллантириш имкониятини яратиши керак.

Ҳисоб сиёсатини тайёрлаш ва такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш мунтазам ва тизимли равишда амалга оширилиши керак. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги ва қонунчиликдаги

Ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш муҳимдир.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ёки уни такомиллаштириш учун маслаҳат хизматларини кўрсатадиган малакали мутахассисларни жалб қилиш зарур. Мазкур жараёнда аудит ҳам такомиллаштириш бўйича маслаҳат олишнинг самарали воситаси бўлади. Ҳисоб сиёсатининг аудити мақбул бухгалтерия ҳисоби усуллари танлашга ёрдам беради. Тўғри ишлаб чиқилган қоидалар бизнес мақсадларига эришиш учун самарали воситага айланиш имконини беради.

ҚАТАР ТАШҚИ САВДОСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.Маматов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси

Ҳозирги кунда Қатар ташқи савдосида асосий ўринни энергетика соҳаси эгаллаган ва амирлик газ захираси 25,2 трлн. куб метрни ташкил қилиб, араб мамлакатлари ичида 1-ўрин ва унинг араб мамлакатларидаги улуши 48 % ни дунё захирасининг эса 13 % ини ташкил этади. Қатар газ захираси бўйича дунёда Россия ва Эрондан кейин 3-ўринни эгаллайди. Қатар нефть захирасининг умумий миқдори 25,3 млн. баррелни ташкил этиб, араб мамлакатларидаги улуши 4 %, дунё захирасидаги улуши эса 2 % ни ташкил этади.³⁵⁵

Қатарда нефть ва газ конларини излаб топиш ва ўзлаштириш XX асрнинг 2-ярмида жуда юқори суръатларда амалга оширилди: янги нефть ускуналари келтирилди, нефть қазиб олинadиган ҳудудларга автомобиль йўллари ётқизилди, электр қуввати ускуналари денгиз причаллари нефтни сақлаш учун омборхоналар, нефть қувурлари барпо этилди. 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, Қатарда ўз имкониятлари бўйича қудратли нефть-газ мажмуаси шаклланди ва ҳозирги кунда Қатар нефть ва суюлтирилган газ экспортдан юқори даромад олмоқда.

Қатар унча катта бўлмаган вақт оралиғида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишни йўлга қўйди. Қатар суюлтирилган газни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кеч бошлаганига асосий сабаб бу технологиянинг қимматлигидадир. Шайх Ҳамид бин Ҳалифа 1995 йил Қатар амири бўлганидан сўнг бу жараён анча тезлашди.

Маълумки, Қатарда сўнгги йилларда инфратузилма кундан кунга яхшиланиб бормоқда. Амирлик учун истиқболдаги асосий ривожлантирилаётган соҳалар таркибига хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам киради. Бунинг учун Қатарда барча имкониятлар мавжуд. Амирликда денгиз ва ҳаво йўллари транспорти яхши ривожланган. Қатарда мавжуд меҳмонхоналардаги бандлик даражаси 73 % ни ташкил этади.³⁵⁶ Албатта хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун инфратузилмани яхшилаш лозим. Шунинг учун, Қатар 57 та янги меҳмонхона, 5 та музей ва кутубхона, 22 та савдо маркази ва 21 та спорт комплекси, 11 та истироҳат боғлари, 6 та театр қуриш учун лойиҳалар

³⁵⁵ <https://www.worldometers.info/gas/gas-reserves-by-country/>

³⁵⁶ <https://www.gco.gov.qa/en/focus/tourism/>

ишлаб чиқди.³⁵⁷

Қатар экспортининг асосий қисми Осиё мамлакатларига (78,3 %) тегишли ва бунга асосий сабаб қилиб, Осиё мамлакатларининг денгиз йўлларида ҳам сув йўлларида ҳам яқин масофада жойлашганлигини кўрсатиш мумкин. Энг муҳим сабаб сифатида эса Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг ресурс манбалари деярли йўқ эканлиги ва ўз-ўзидан ресурсга бўлган эҳтиёжнинг табиий равишда юзага келиши ҳисобланади.

Қатар импортида Осиё минтақасида катта улушга эга бўлган икки мамлакат Форс Кўрфази мамлакатлари ҳисобланади, яъни БАА – 8 % ва Саудия Арабистони – 8,6 % улушга эга. Бунинг асосий сабаби, бу мамлакатлар Қатарнинг яқин қўшнилари эканлиги ва ривожланганлик даражаси юқориликдандир. Саудия Арабистони озиқ-овқат маҳсулотларини араб мамлакатларига экспорт қилади. Қатар импортининг товар ва географик таркибини ўрганиб чиқиб, мамлакат импорти асосий хусусиятлари ва йўналишларига қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Қатар импортида асосий улушга эга бўлган мамлакатлар жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари: Франция, Германия, Б.Битания, Италия, АҚШ, Япония, Ж.Корея ва ривожланаётган мамлакатлардан: Хитой, БАА, Саудия Арабистони каби мамлакатлардир. Бунинг асосий сабаби, Қатар импортининг 50% дан ортигини замонавий техника-технологиялар, машина ва транспорт ускуналари, кимё ва кимё маҳсулотлари ташкил этади. Бу турдаги маҳсулотларни фақатгина юқоридаги хориж мамлакатларидан импорт қилиш мумкин.

- Қатарда деҳқончилик қилиш учун шароит мавжуд эмас. Шу сабабли, озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотларни хориждан импорт қилади ва шу билан бирга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқа турдаги товарларнинг асосий қисми четдан импорт қилинади. Бу йўналишларда эса, Хитой, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони мамлакатлари асосий ҳамкор мамлакатлар ҳисобланади.

- Қатар импорти сўнгги йилларда доимий ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, Қатар аҳолиси йилдан йилга ўсиб бормоқда. Қатарнинг туб аҳолиси 900 минг кишидан кўпроқ. Аҳоли сонининг ўсиши асосан мигрантлар оқимининг юқорилиги билан изоҳланади. Бу мигрантлар асосан Қатарда олиб борилаётган қурилиш ва саноат тармоғига ишлаш учун келишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Қатар давлати жадал ривожланиб бораётган мамлакат саналиб, бунга асосий сабаб нефть ва газ захираларининг мавжудлиги ва улардан оқилон фойдаланаётганлигида кўринади. Мамлакатимизнинг Форс Кўрфазидаги асосий савдо ҳамкори бу – БАА ҳисобланса, қолган кўрфаз мамлакатлари билан савдо алоқаларини олиб боришни кенгайтириш имкониятига эгамиз. Шундай экан, Форс Кўрфазининг Қатар, Кувайт, Баҳрайн, Ўмон ва Саудия Арабистони билан савдо алоқаларини кенгайтириш товарлар экспорти географиясининг янада кенгайтишига ёрдам

³⁵⁷ <https://mofa.gov.qa/en/qatar/history-of-qatar/tourism>

беради ва бу эса, мамлакатимиз ташқи савдо рақобатбардошлиги ошишига замин яратади.

MAHSULOT TANNARXINI ANIQLASH VA XARAJATLAR NAZORAT QILISH MUHIM JIHATLARI

K.Misirov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori

G'.Sodiqboyev, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti

Jahon iqtisodiyoti o'sish sur'atlaridagi beqarorlikning oldini olish, uning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta'sirini yumshatishda boshqaruv hisobida byudjetlashtirish jarayonlarining samarali tashkil etilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Xalqaro amaliyot tahliliga ko'ra, Evropaning rivojlangan davlatlarida buxgalterning funkstiyasiga nafaqat hisob yuritish, balki segmentlar bo'yicha daromad va xarajatlar smetasini tuzish, kalkulyastiyalash, istiqbolni bashorat qilish kabi vazifalar ham yuklatilib, xalqaro tajribada firma va kompaniyalar buxgalteriya hisobi sohasidagi ish vaqtining 90 foizini boshqaruv hisobini tashkil etish va yuritishga sarflaydilar. Boshqaruv hisobida byudjetlashtirish bilan eng yuqori malakali mutaxassislar shug'ullanishi talab etiladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002 yil 28 yanvarda 2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risidagi PF-60-son Farmonida mamlakatimizda buxgalteriya hisobi, xususan, boshqaruv hisobi sohasida keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda³⁵⁸.

Mahsulotlar tannarxini kalkulyasiya qilish turini tanlashda ishlab chiqarilayotgan mahsulot turi va assortimentiga qarab tanlash lozim. Bir turdagi mahsulot turini ishlab chiqaruvchi ishlab chiqarish korxonalari oddiy usulda mahsulot tannarxini aniqlasa bo'ladi. Ammo ishlab chiqarilayotgan mahsulot assortimenti ko'p bo'ladigan bo'lsa unda boshqa to'g'ri kalkulyasiya tannarxini chiqarib beruvchi kalkulyasiya usulidan foydalanish maqsadga muvfiq bo'ladi. Tayyor mahsulot tannarxini hisobga olishda tugallanmagan ishlab chiqarish miqdoriga ham et'ibor qaratish lozim, yo'qsa umumiy sarf qilingan xarajatlar miqdor tayyor mahsulot tannarxida o'tirib qolishi mumkin.

Mahsulot tannarxini kalkulyasiya qilishda xarajatlarni taqsimoti katta ahamiyatga ega hisoblanadi. Xarajatlarning noto'g'ri taqsimoti mahsulotlar tannarxining noto'g'ri aniqlanishiga sabab bo'ladi. Bu xatolik asosan xarajatlar taqsimoti bo'yicha aniq bir dastur yo'qligidan kelib chiqadi. Bizga ma'lumki, har bir yangi ishlab chiqarilayotgan mahsulot uchun tannarx kalkulyasiyasi rahbar buyrug'i asosida tasdiqlanib qo'yiladi. Ushbu buyruqning mavjudligi hamda boshqaruv hisobini yuritish bo'yicha ham ichki normativ hujjatning belgilab olinishi xatoning darajasini ma'lum bir miqdorda kamaytirib beradi.

Ishlab chiqarish xarajatlari hisobi va mahsulot tannarxini kalkulyasiya qilish metodi-bu haqiqiy mahsulot tannarxini aks ettiradigan ishlab chiqarish xarajatlarini ko'rsatib berish va hujjatlashtirishni hammasi. Buni korxonaning o'zi mustaqil belgilaydi. Mahsulot tannarxini kalkulyasiya qilish imkoniyatlarini hisobga olgan

³⁵⁸ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002 yil 28 yanvarda 2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risidagi PF-60-son Farmoni

holda quyidagilarni keltirib o‘tamiz:

Boshqaruv hisobida quyidagi to‘rtta metod turi ajralib turadi:

1. Oddiy usul;
2. Buyurtma usuli;
3. Jarayonli usul;
4. Normativ usul.

Oddiy usul faqat bir turdagi mahsulot ishlab chiqaradigan korxonlarda qo‘llaniladi (gidroelektrstansiyalar, ruda, neft, gaz ishlab chiqaradigan korxonalar). Ularda tugallangan ishlab chiqarish bilan yarim tayyor mahsulot yo‘q. bu yerda barcha xarajatlar bir mahsulotga ya‘ni tayyor bo‘lgan mahsulotga olib boriladi. Qayerda bir turdagi mahsulot ishlab chiqarilayotgan bo‘lsa uning tannarxina har qanday metod bilan ham hisoblash juda oddiy va osondir. Ko‘p oddiy usulda Mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilish imkoniyatlari Bo‘lish orqali kalkulyatsiya Ustama kalkulyatsiya qilish Ekvivalent sonlari bo‘yicha kalkulyatsiya Differensiallangan kalkulyatsiya Oddiy kalkulyatsiya Bir pog‘onali kalkulyatsiya ko‘p pog‘onali kalkulyatsiya Har xil ekvivalent sonlari bo‘yicha bir pog‘onali kalkulyatsiya Ekvivalent sonlari bo‘yicha bir pog‘onali kalkulyatsiya mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qiluvchi korxonalar normativ usul bilan birgalikda olib boradi. Ishlab chiqarish xarajatlari doimiy nazoratda bo‘lib, ularning rejadan farqlari o‘rganib chiqilib sabablar aniqlanib, ular ustida ishlanadi.

Buning hammasi mahsulot tannarxini minimallashtirish kerakli natijaga erishish uchun harakatdir.

Mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilish va xarajatlar hisobining oddiy usulini 4 ta metodi mavjud.

Birinchi metodda barcha to‘g‘ri va egri xarajatlar chiqarilgan mahsulot tannarxiga olib boriladi. Bir birlik mahsulot tannarxi barcha ishlab chiqarish xarajatlarini chiqarilgan mahsulotga bo‘lganiga tengdir. Bunday ishlab chiqarishda mahsulotning asosiy qismi, bundan tashqari tugallanmagan ishlab chiqarish va yarim tayyor mahsulot mavjud bo‘lmaydi.

Ikkinchi metod bu tugallanmagan ishlab chiqarish mavjud bo‘lgan korxonalarda bo‘ladi. Bu yerda ishlab chiqarish xarajatlari tayyor mahsulot va tugallanmagan ishlab chiqarish o‘rtasida mutanosib tarzda taqsimlanadi. Tugallanmagan ishlab chiqarish inventar metodidan foydalanish orqali baholanadi.

Uchinchi metod bu korxonada bir necha xil turdagi mahsulot ishlab chiqarilganda qo‘llaniladi: issiqlik va elektr energiya ishlab chiqaruvchi, neft va gaz qazib oluvchi, har xil turdagi baliq turlarini yetkazib beruvchilarda. Bunda xarajat umumiy ishlab chiqarishga xarajat qilinadi, mahsulot tannarxi kombinatsiyalashgan usulda kalkulyatsiya qilinadi. Masalan, elektr energiya, amortizatsiya, yer osti uskunalari teshiklarini remont qilish xarajatlar neft va gaz olish vaqtida, qolgan xarajatlar esa neft va gazning yalpi qazib olinishi yoki bahosiga nisbatan proporsional taqsimlanadi.

To‘rtinchi metod hisob xarajatlari jarayonli amalga oshirilayotgan korxonalarda qo‘llaniladi. Bu metod kimyoviy ishlab chiqarishda, qurilish mollari ishlab chiqaruvchi korxonalarda qo‘llaniladi. Bu korxonalarda mahsulot tannarxini

kalkulatsiya qilishning ham jarayonli ham oddiy usul qo‘llaniladi.

Mahsulot tannarxini kalkulatsiya qilishning buyurtmali usulidan ta‘mirlash korxonalariga va eksperimental sexlarga mayda xomashyo va alohida ishlab chiqarish bilan shug‘ullanadigan korxonalar asosan foydalanadi. Barcha to‘g‘ri xarajatlar o‘rnatilgan nomenklaturasi qoidalari bo‘yicha alohida buyurtmalarda hisobga olinadi. Buyurtmalar bir turdagi mahsulotga yoki bir necha turdagi mahsulotga ochiladi. Buyurtmalarning ochilishiga buyurtmachilarning u yoki bu turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarishga tuzgan shartnomalari hisoblanadi.

INNOVATSIYALAR ORQALI MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA‘MINLASHNING XORIJ TAJRIBASI VA UNDA FOYDALANISH IMKONIYATLARI

B.Qodirjonov, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti katta o‘qituvchisi

Iqtisodiy rivojlanishning hozirgi bosqichida dunyoning ko‘plab mamlakatlari raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirishda zamonaviy ilm-fan yutuqlaridan samarali foydalangan holda, o‘zida fanning turli sohalarini qamrab olgan ilmtalab ishlab chiqarishni rivojlantirish strategik vazifa sifatida qaramoqda. Rivojlangan mamlakatlarda yaratilgan milliy innovatsion tizim iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirib, iqtisodiy o‘sishni yuqori sur‘atlarga ko‘tarayotganligini ularning bugungi ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlarida yaqqol o‘z ifodasini topayotganligini ko‘rishimiz mumkin.

Rivojlangan mamlakatlarning iqtisodiy sivilizatsiyasiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, bozor iqtisodiyotiga o‘tish bosqichi muammolarsiz, iqtisodiy tebranishlarsiz yuz bermagan. Shu ma‘noda xorij mamlakatlari tajribasini o‘rganish, tahlil qilish va mamlakatimiz milliy iqtisodiyotining o‘ziga xos xususiyatlarini inobatga olgan holda ilg‘or tajribalardan unumli foydalanish muhim ahamiyatga egadir.

Milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish innovatsion rivojlanish jarayonlarini faollashtirish bilan uzviy aloqada bo‘ladi. Bular ishlab chiqarishga yuqori texnologiyalarni joriy etish, eng yaxshi iste‘mol xususiyatlariga ega hamda ichki va tashqi bozorlarda xorijiy shu kabi mahsulotlar muvaffaqiyatli raqobatlasha oladigan innovatsiya mahsulotlari ishlab chiqarishni kengaytirish bo‘lib hisoblanadi.

Iqtisodiyotning innovatsion taraqqiyoti – bu intellektual salohiyat, ishchilarning kreativ imkoniyatlari, bilimi, tovar yaratishdan tortib iste‘molchiga yetib borguniga qadar barcha bosqichlar demakdir. Ushbu yo‘nalishlardagi innovatsiyalar korxonalar strategik rivojlanishining asosiy resursi vazifasini o‘taydi. Zero, bugungi sharoitda innovatsion, intellektual bilimlarga asoslangan, malakali ishchi kuchini mujassam etgan yuqori fan sig‘imiga ega texnologik iqtisodiyot raqobatbardoshdir.

Xorijiy mamlakatlarda davlatning innovatsion siyosatini rag‘batlantiruvchi turli xil strategiyalar, tashkiliy-iqtisodiy tamoyillar shakllangan va samarali ishlab olinmoqda.

Innovatsiyalar aslida raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirishning asosiy omiliga aylandi va bu ko‘p jihatdan ushbu sohada xalqaro raqobatni kuchaytirishga

